

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

2.2019

**научно-методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2019

“ILM SARCHASHMALARI”

ilmiy-metodik jurnal

Bosh muharrir dotsent **Ro‘zimboy YO‘LDOSHEV**

	TAHRIR HAY‘ATI:
JURNAL 2001-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN	ABDULLAYEV Bahrom , fizika-matematika fanlari doktori, ABDULLAYEV Ikrom , biologiya fanlari doktori, ABDULLAYEV Ilyos , iqtisod fanlari doktori, ANNAMURATOVA Svetlana , pedagogika fanlari doktori, professor, ALEUOV O‘serboy , pedagogika fanlari doktori, professor, BERDIMUROTOVA Alima , falsafa fanlari doktori, professor, DADABOYEV Hamidulla , filologiya fanlari doktori, professor, DAVLETOV Sanjarbek , tarix fanlari doktori (bosh muharrir o‘rinbosari), DO‘SCHONOV Tangribegan , iqtisod fanlari doktori, professor, ERMATOVA Jamila , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, HASANOV Oqnazar , fizika-matematika fanlari doktori, professor, HAJIYEVA Maqsuda , falsafa fanlari doktori, JO‘RAYEV Mamatqul , filologiya fanlari doktori, professor, JUMANIYAZOV Maqsud , texnika fanlari doktori, professor, JUMANIYOZOV Otaboy , filologiya fanlari nomzodi, professor, MAHMUDOV Madrahim , tarix fanlari doktori, professor, NAVRUZOV Qurolboy , fizika-matematika fanlari doktori, professor, OLLAMOV Yarash , yuridik fanlari nomzodi, dotsent, OTAMURODOV Sa‘dulla , falsafa fanlari doktori, professor, PRIMOV Azamat , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, QIDIRNIYOZOV Muhammadsharif , tarix fanlari doktori, professor, QUTLIYEV Uchqun , fizika-matematika fanlari doktori, professor, QURAMBOYEV Karimboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIMBOYEV Safarboy , filologiya fanlari doktori, professor, RO‘ZIYEV Erkinboy , pedagogika fanlari doktori, professor, SADULLAYEV Azimboy , fizika-matematika fanlari doktori, akademik, SAGDULLAYEV Anatoliy , tarix fanlari doktori, professor, SALAYEV San‘atbek , iqtisod fanlari doktori, professor, SATIPOV G‘oipnazar , qishloq xo‘jalik fanlari doktori, professor, XODJANIYOZOV Sardor , pedagogika fanlari nomzodi, dotsent (mas‘ul kotib), YAXSHIMURODOV Alisher , fizika-matematika fanlari doktori, YOQUBOV Jamoliddin , filologiya fanlari doktori, professor, O‘ROZBOYEV Abdulla , filologiya fanlari doktori, G‘AYIPOV Dilshod , filologiya fanlari nomzodi, dotsent, SHUKURLAYEV Qodir , tibbiyot fanlari doktori, professor.
JURNAL OYDA BIR MARTA NASHR QILINADI	
2019 2(140)	

MUASSIS: Urganch davlat universiteti. Jurnal O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi Xorazm viloyat boshqarmasida 2011-yil 23-dekabrda ro‘yxatdan o‘tgan. Guvoynoma №13-020.

Абдулла Ўрозбоев (УрДУ)
ДАҲОНИНГ ХОРАЗМГА ЭХТИРОМИ

Аннотация. Мақолада Алишер Навоий асарларида хоразмлик ижодкорлар зикри ҳамда уларнинг ҳаёти ва ижоди тадқиқи масалаларига эътибор қаратилган.

Аннотация. В статье рассказывается о деятельности отдельных хорезмских писателей и поэтов в произведениях Алишера Навои, уделяется внимание вопросам их жизни и творчества.

Annotation. In the article, attention was paid to the issues of mentions of some Khorezmi-an creators and investigations in the works of Alisher Navoi.

Калим сўзлар: тазкира, Алишер Навоий, қўлёзма, таржима, китобат.

Ключевые слова: антология, Алишер Навои, рукопись, перевод, китобат.

Key words: anthology, Alisher Navoi, manuscript, translation, kitobat (publishing in the form a book).

Алишер Навоий барча жаҳоний сиймолар каби, инсоният тафаккур хазиначисига қўшган ҳиссаси, ўз ижодий фаолияти билан бир халқ, маълум бир тарихий давр, муайян давлат доирасига сиғмайдиган умумбашарият фарзандидир. Ул зотнинг шахси ва ижоди жаҳоний миқёсида нечоғлик улуғланса, биз, хоразмликлар ҳам Ҳазрат Навоийнинг воҳамизга, унинг меҳнаткаш халқига, бу заминдан етишиб чиққан буюк сиймоларга алоҳида ҳурмат, ўзгача эҳтиром билан қараганидан фахрланиб юрамиз. Масалан, унинг 750 дан ортиқ азиз-авлиёлар ёди зикр этилган “Насойим ул-муҳаббат” асарида энг кўп ўрин ватандошимиз Шайх Нажмиддин Куброга ажратилгани эътиборга лойиқ. Шунингдек, Навоий тазкираларида Паҳлавон Маҳмуд, Шайх Хусайн Хоразмий, Хожа Абулвафойи Хоразмий, Шайх Алоуддин Хоразмий, Хубби Хўжа, Шайх Абулҳасан Ишқий, Муқрий Маҳмуд каби ватандошларимиз алоҳида эҳтиром билан тилга олингани бежиз эмас. Бу каби улуғ азизлар аёллар орасидан ҳам етишиб чиққан. Юқорида қайд этилган 750 ортиқ азиз-авлиёнинг 33 нафари аёллар бўлган. Шулардан Имраъатун Хоразмия бизнинг воҳадан етишиб чиққан.¹

Энди бир нарсага эътибор қаратайлик. Алишер Навоий шунчалик эҳтиром билан тилга олган айрим азиз-авлиёлар, уларнинг ижоди ҳақида биз, ворислар бугунги кунда етарли маълумотга эга эмасмиз. Демак, Алишер Навоий бугунги кунда ҳам биз учун ўзимизни ўзимизга танитмоқда, руҳоний сабоқ бермоқда. Масалан, Алишер Навоий Хожа Абулвафойи Хоразмийни “Насойим ул-муҳаббат”да асарнинг муҳим бир қисми – авлиёлар одоби, ахлоқи, бошқача айтганда, уларнинг камолот сирлари ҳақида сўз кетганда ҳам зикр этади. Навоий наздида “Ул адабдурки, яхшию ёмонга ва улуғу кичикка бажо келтирурлар. Андоққи, борча халойиқдин ўзларин кичик ва камроқ тутурлар ва барчага хизмат хузурида бўлурлар”.

Мисол тариқасида салласини ўғри урган Хожа Абулвафойи Хоразмий ҳикояти келтирилади.² Хоразмликлар “Ер фариштаси” деб эъзозлаган ушбу азиз инсон ҳақида Алишер Навоий “Мажолис ун-нафойис” асарида ҳам маълумот беради, “Хожа авсофини ҳар киши битар бўлса, алоҳида бир китоб битмак керак”, дея таъкидлайди.³ Ҳазрат Алишер Навоий “алоҳида китоб битмак керак” дея таъкидлаган Хожа ҳақида Алишер Навоий икки асарида берилган маълумот ва уларда келтирилган рубойларидан ташқари, бирор нарса дейишимиз қийинлиги, у ҳақда ҳали бизда бирор илмий мақола нашр қилинмагани афсус-

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Ўн еттинчи том. Т., “Фан”, 2001, 496-бет.

² Шу манба. 18 – 19-бетлар.

³ مجالس النفايس. على شير نوائى. Илмий-танқидий матнни тайёрловчи Суюма Ғаниева. Тошкент, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1961, 9-бет.

ланарли. Хожа илм аҳли орасида Пири фаришта – Фаришта пир номи билан машхур бўлиб, ижодининг асосий қисмини рубойлар ташкил қилади. Унинг 188 саҳифадан иборат “Рубоӣети Хожа Абулвафойи Хоразмий – Пири фаришта” номи рубойлар китоби 2017 йилда Саййид Аҳмад Беҳиштии Шерозий тасҳиҳ ва шарҳи билан Эронда “Равзана” нашриётида босилиб чиққан.

Ҳар иккала асарда зикр этилган юртдошларимиздан бири Шайх Ҳусайн Хоразмий бўлиб, ўзбек филологиясида унинг ҳаёти ва ижоди ҳали алоҳида ўрганилмаган. Ваҳоланки, Ҳусайн Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида унинг ўз ўғли ва шогирди Шарафуддин Ҳусайн Хоразмийнинг “Жодат ул-ошиқин” (“Ошиқлар учун кенг йўл”) асари мавжуд. И. Бекчон бу асарнинг бир нусхаси Абу Райҳон Беруний номли Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида мавжудлиги ҳақида хабар беради.¹ Асарнинг номи айни пайтда унинг таърихи ҳам ҳисобланади. Мазкур асарнинг катта бир қисми Расули Жаъфариён сўз боши-си билан “Паёми баҳористон” журналида босилиб чиққан.² Мақоланинг биринчи қисми муаллифнинг отаси Ҳусайн Хоразмий таржимаи ҳолига бағишланган бўлиб, айрим адабиётлардаги чалкаш масала – Тожиддин Ҳусайн Хоразмий ва Камолиддин Ҳусайн Хоразмий бир шахс эмаслиги ҳақида хулоса берилган. Ҳусайн Хоразмий иғтишошия тариқатининг охирги пиридир. У ҳақида мўътабар манбалардан бири Камолиддин Маҳмуд Ғиждивонийнинг “Мифтоҳ ут-толибин” асаридир. “Мифтоҳ ут-толибин” Муҳаммад Ризо Огаҳий томонидан таржима қилинган асарлардан бири бўлиб, Ф.Ғанихўжаев томонидан тузилган “Огаҳий асарлари тавсифи (Каталог)”да унинг муаллифи Жоний Маҳмуд Али ибн Имо-диддин Ғиждивоний деб кўрсатилган.³ Демак, ушбу асар таржимасига қўл ургани бежиз эмас. Асарнинг Огаҳий томонидан қилинган таржимасининг ягона нусхаси Тошкентда сақланади. Муҳими, бу қўлёзма Огаҳий дастхати экани экани эҳтимолга яқин. Афсуски, бу асар ҳам ҳанузгача нашр қилинмаган. Огаҳий таржимасидаги ушбу асарни нашр қилиш ворисларнинг ҳам ўтмиш азизлар, ҳам Огаҳийга эҳтироми ҳаққи жиҳатидан бурчидир.

Алишер Навоий тилга олган хоразмлик шайхлардан бири Мажиддин Бағдодий бўлиб, кўпчилигимиз ушбу нуфузли шайх ва шоир ҳақида Е.Э.Бертельс маълумотлари билан чекланамиз.⁴ Е.Э.Бертельс турли тазкиралардан Бағдодий қаламига мансуб 14 та рубой келтирилган. Эрон олими Забихуллоҳ Сафо Э.Браун шайхнинг тўла исми Абу Саъид Мажиддин Шараф ибн Муайяд Абулфатҳ Бағдодий деб келтиришини қайд этиб, унинг асарлари ҳақида умумий маълумотларни беради.⁵ Олим томонидан келтирилган шайх қаламига мансуб рубойлардан бири Е.Бертельсда учрамайди:

*Девона набошад он, ки аз зар тарсад,
Ошиқ набувад ҳар, ки зи ханжар тарсад.
То чанд зи сар буриданам бийм куни,
Он кас, ки сири ту дорад аз сар тарсад?*

Таржимаси: “Олтиндан кўрққан телба бўлмайди, ханжардан ҳадиксираган ошиқ бўл-лолмас. Менинг бошим кетишидан тоқай кўрқасан, Сенинг сирингни англаган ўз бошин гамин ермиди?”

Алишер Навоийнинг ҳар бир сатри маълум бир шахснинг интим кечинмаларидан до-имо юкори туради. Шунинг учун ҳам Навоий ижодига “биз бу соҳа мутахассиси эмасмиз, мен ахир адабиётшунос эмасман” каби баҳона билан бепарво бўлиш мумкин эмас. Бирги-

¹ Ҳасанхожа Нисорий. Музақкири аҳбоб. Форс тилидан Исмоил Бекчон таржимаси. Тошкент, Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 1993, 331-бет.

² شرف الين حسين خوارزمى. جادةالعاشقين كزترش سفر حج شيخ حسين خوارزمى. به كوشش رسول جعفریان. پیام بهارستان. پاییز ۱۳۹۰ ص ۸۸-۱۱

³ Ғанихўжаев Ф. Огаҳий асарлари тавсифи (Каталог). Тошкент, Ҳ.Сулаймонов номидаги Қўлёзмалар институти. 1986, 42 – 43-бетлар.

⁴ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. М., 1965, с. 335 – 339.

⁵ ضبيح الله صفا. تاريخ ادبيات در ايران. جلد دوم. تهران. انتشارات فردوس. ۱۳۷۳ ص ۱۰۱۵ – ۱۰۱۲

на мисол: “Хайрат ул-аброр”даги “Султонлар боби...”га Шоҳ Ғозий, яъни Ҳусайн Бойқаро ҳақида ҳикоят илова қилинганини ҳаммамиз биламиз. Ушбу ҳикоятдаги

*Андаки, ғозий шаҳи фархунда бахт,
Тоғ олайин деб талошур эрди тахт.
Юз, ики юзча киши бирла қазоқ,
Гаҳ ери Хоразм эди, гаҳ Адоқ.¹*

Яъни, “Саодатли шоҳ Ғозий подшоҳлик тоғи учун курашиб, мулксиз тахт талашиб юрган вақтида – ёнида юз, нкки юзча одам билан кўчиб, гоҳ Хоразм ерида, гоҳ Адоқда бўларди” сатрлари Ҳусайн Бойқаронинг давлат тепасига келиши хоразмликларнинг алоҳида хизмати бўлганини кўрсатади.

Фанда воҳамиздан етишиб чиққан Шермуҳаммад Мунис, Муҳаммадризо Огаҳий, Феруз, Табибий каби ижодкорлар Алишер Навоийга энг муносиб издошлар сифатида баҳоланади.

2016 йилда нашр қилинган “Алишер Навоий қомусий луғати”ни мутолаа қилар эканмиз, бир қизиқ факт эътиборимизни тортди. Луғатнинг иккинчи жилдида Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттотлар рўйхати илова қилинган бўлиб, уларни солиштириш Навоий асарларини кўчириш, тарқатиш бутун туркий заминнинг бошқа минтақаларига нисбатан Хоразмда кенг йўлга қўйилганини кўрсатади. Масалан, бугун дунёнинг нуфузли кутубхоналарида сақланаётган “Хамса”нинг энг муътабар 76 қўлёзмасидан 9 таси Хоразмда ва хоразмликлар томонидан кўчирилган! Шунингдек, “Хайрат ул-аброр”нинг 12 та қўлёзмасидан 5 таси, “Фарҳод ва Ширин”нинг 7 қўлёзмасидан 2 таси, “Лайли ва Мажнун”нинг 6 та қўлёзмасидан биттаси, “Сабъаи сайёр”нинг 7 қўлёзмасидан 2 таси, “Садди Искандарий”нинг 4 қўлёзмасидан биттаси воҳамиз илм аҳли томонидан кўчирилиб, бугун барчамизнинг фаҳримиз, миллий бойлигимизга айланган.² Алишер Навоийнинг асарлари китобатида ҳам шундай манзарани кўрамиз. Шунингдек, Ўрта Осиёда илк матбаа Хива очилгани, унда биринчи бўлиб айнан “Хамса” нашр қилинганидан яхши хабарингиз бор. Шу фактларнинг ўзи ўзбек зиёлилари орасида пешқадамлардан бўлиб келаётган воҳа илм аҳлига, айни пайтда, катта масъулият юклайди.

Яна бир эътиборли жиҳат шуки, Хоразм танбур чизғилари ижод қилиниб, Хоразм мақомлари тартибга солинар экан, миллий мусиқа меросимизнинг энг залворлиси, энг сермазмуни ва оғир қисми бўлган “Сегоҳ” мақомига фақат Алишер Навоий қаламига мансуб шеърлар танланган.

Қайд этилганлар даҳонинг Хоразмга, воҳанинг даҳога эҳтироми чексизлигини кўрсатувчи айрим мисоллар, холос. Бу борадаги мавзу давом этади.

Нодира Соатова, Севинч Эшонқулова (ЖДПИ) АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА СУҚРОТ ТИМСОЛИ

Аннотация. Ушбу мақола Алишер Навоий ижодида Суқрот тимсоли тасвири жиҳатларининг тадқиқига бағишланган.

Аннотация. Данная статья посвящена изучению образа Сократа в творчестве Алишера Навои.

Annotation. This article is devoted to the study of peculiarities of the description of Socrates's image in the works of Alisher Navoi.

Калим сўзлар: анбиё, ҳукамо, фузало, юнон файласуфи, қомусий олим, донишманд, тафаккур, руҳий кечинма, бадиий ифода, психологик таҳлил.

¹ حيرت الابرار علي شير نوائي. Танқдий матн. Тайёрловчи Порсо Шамсий. Тошкент, “Фан”, 1970, 77-бет.

² Алишер Навоий. Қомусий луғат. Иккинчи жилд, Тошкент, “Шарқ”, 2016, 281 – 289-бетлар.

Ключевые слова: пророки, юрист, фузало, греческий философ, учёный-энциклопедист, ученый, мудрец, склад ума, духовное состояние, художественное выражение, психологический анализ.

Key words: anbiyo, lawyer, Fusalo, Greek philosopher, encyclopedic scholar, wise, mind-set, spiritual state, artistic expression, psychological analysis.

Алишер Навоий Юнон донишлари улар ҳақида кенг илмий маълумотларга эга бўлган. Шу сабабдан асарларида улар шахсига кўплаб мурожаат қилган. Бундан буюк мутаф-факкирнинг мақсади донолар ҳақида фақатгина маълумот бериш бўлмай, балки у оддий халққа ҳам ва мақоми улардан баландроқ бўлган кишиларга ҳам донишмандлар ҳаётидан ибрат олиш, уларга эргашиш ва улар каби бўлишга интилишларини истаганидан, деб ўйлаймиз. Яна бир нарсани алоҳида эътибор этиш керакки, Навоий асарларида уларни бир-ёқлама эмас, кўпқиррала қилиб тасвирлашга ҳаракат қилган.

Барчага яхши маълумки, Юнон донишмандларидан бўлмиш Сукрот тарихий шахс бўлибгина қолмасдан, у фалсафа, мантик фанларида ҳам етакчи олим, улуғ донишманд, бугунги кун талаби билан айтсак, буюк давлат арбоби ҳам бўлган. У инсонларни адолатли давлатда, ҳуқуқлари ҳимоя қилинган ҳолда, эркин ва бахтли ҳаёт кечиришларини истаган. Шу боис унинг ҳикматларга бой ҳаёти ўзидан кейинги бошқа олимларга ҳам ибрат бўлган. У ҳақда тарихий манбалар, илмий адабиётлар, энциклопедияларда турли маълумотларни учратиш мумкин. Шу ўринда савол туғилади: Сукрот тарихда қандай инсон бўлиб ўтган? Навоий уни қандай тасвирлаган?

Сукрот чиндан ҳам олим ва донишманд идеал инсон ҳисобланади. Лекин унинг ўзи, чинакам донишмандлик ўзининг сарик чақага арзимаслигини англашдадир, деб уқдирганди. У Юнонистонда, Афинада тахминан эрамиздан аввалги 470 йилларда туғилган. Унинг болалиги ва ота-онаси тўғрисида маълумот жуда кам. Сукрот ўзидан кейин ҳеч қандай асар қолдирмаган. Бироқ унинг шогирди, қадимги юнон файласуфи Афлотун Сукрот таълимоти ва ғояларини устози ҳаётдан олинган лавҳалар билан уйғунлаштириб, такомиллаштириб берган.

У атрофига кўплаб иқтидорли талабаларни жамлаган. Бу талабаларнинг бир қисми (Алкивиад, Критий ва бошқалар) Афина демократиясига қарши кайфиятда бўлган. Сукротни демократияга нисбатан душманликда асосиз айблашган. Сукрот таълимотидаги танқидий рух Афина ҳукмрон доираларини хавотирга солган. Бунинг натижасида уни ёшларни йўлдан адаштирганлик, фуқаролик меъёрларини бузганликда айблашган.

Унинг фалсафий таълимоти тўғрисидаги маълумотларни замондоши ва шогирди бўлган Ксенофонт, Платон, кейинроқ Аристотел ёзиб қолдирган. Сукрот фақирона кун кечириб, доимо эски либосларда, оёқ яланг юрарди. Унинг турмуш тарзи ҳам, сўзлари ва суҳбатлари ҳам одамларда катта қизиқиш уйғотарди. Файласуф кўп вақтини одам гавжум майдонларда, хиёбонларда ўтказган. Ўзининг суҳбатидан баҳраманд бўлиш ниятида юрган исталган киши билан савол-жавоб қилган.

Сукрот ўз фалсафий тадқиқотларига ахлоқий масалаларни асос қилиб олган. У оламнинг келиб чиқиши ва тузилишини ўрганиш заруратини рад этиб, бу масалаларни ечишга инсон тафаккури қодир эмас, деб ҳисоблаган. Олимнинг таълимотига кўра, фалсафанинг мақсади ўз-ўзини билиш бўлиб, бу эса чин эзгуликка эришиш йўлидир; эзгулик – билим ёки доноликдир. Сукрот инсонда ўртамиёналик, мўътадиллик (яъни, эҳтиросларни жиловлай билиш)ни, довураклик (яъни, хавф-хатарни енга билиш)ни, адолат (яъни, илоҳий ва инсоний қонун-қоидаларга риоя эта билиш)ни энг асосий эзгулик ва яхшилик белгиси деб ҳисоблаган.

Сукрот таълим-тарбия амалиётидаги ҳар қандай ақидапарастликни қаттиқ қоралади. Таълимнинг маъруза ўқиш шаклидан воз кечиб, суҳбат ва мунозаралар орқали ҳақиқатни

излаб топишни асосий услубга айлантирди. У билим беришнинг ягона воситаси – ишонтириш деб ҳисоблаган.

Алишер Навоий Сукрот ҳакимни “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида ҳамда “Фарҳод ва Ширин” ва “Садди Искандарий” дostonларида тилга олади.

“Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида ҳакимга шундай таъриф берилади. Сукрот Букротнинг шогирди бўлган. Ҳумой замонасида яшаган. Асарда Сукрот ҳаким ҳақида фикр юритилиб, унинг куйидаги ҳикматли сўзлари келтирилади: “Нодонга тавозуъ қилмоқ ханзалға сув бермакдурким, неча кўп ичса, талхроқ бўлур. Саъй ишиким, ўз еринда бўлмағай, қилур ишда коҳиллиддин ёмонроқдур ва душман била машварат қилиб ва душманлигин билса бўлурким, не поядадур”. Шеър:

*Чекса душман сенинг салоҳингга тил,
Маҳзи афсод бўлғусидур бил.¹*

Бу билан шоир мамлакатда кўпроқ истеъдодли инсонларга эътибор беришни на-зарда тутлади. Унинг ҳикматомуз гапларидан келтирилади, яъни нодонга қанча марҳамат кўрсатилса, у шунчалик ҳаволаниб кетади, дейилади. Бу ерда яхшиликни муносиб инсонга қилиш ибрати берилган. Шунингдек, ҳеч қачон душманни дўст деб билмаслик ҳақида сўз боради. Байтдаги маънога эътибор қаратсак, унга агар душман сенинг бирор ишнинг яхши томонга ўзгаришини билса, фақат унинг тескариси бўлишини хоҳлайди, дейилган, яъни душманга сир бой бермаслик ҳақида айтилган. Бу сўзлар ҳар қанадай кишига ибрат бўла олади.

“Фарҳод ва Ширин” дostonида Сукрот образи Фарҳодга тақдир йўлидаги тадбир ҳақида баён қилган донишманд тимсолида гавдаланади. Фарҳодни Юнон мамлакатига боришга азм этиб, хоқон Мулкоро билан кенгашиб, Фарҳоднинг мақсадларига йўл топиш учун хоқоннинг Юнонга қўшин сургани ва у ерда мамлакат донишмандлари билан биргаликда Суҳайло ҳаким ғори йўлида донишмандлар тўдасини учратади. Улардан:

*Топиб ул тийралиқ Сукротдин нур,
Нечукким Муштаридин шоми дайжур,²*

деб сўраганда, шунда:

*Эрур Юнонда Сукроти замон ул,
Тутуб Сукротдек ғори ниҳон ул.
Тариқи инзиводур вирди онинг,
Ҳунарда борчамиз шогирди онинг.
Билур ул, аҳли ҳикматнинг паноҳи,
Бу ишнинг борча аҳволин камоҳи, –*

дея унга таъриф беришади. Улар бу одам мамлакатда тенги бўлмаган бир ҳакимдир, деб жавоб беради. Ёши беш юздан ошиб кетган. Одамлар орасида у Суҳайло ҳаким номи билан машҳур. У бизнинг Юнонда Сукротга ўхшаб кетади. У ҳам ғорда Сукрот каби яшайди, дейдилар. Сўнг Фарҳод Суҳайло ҳаким билан учрашади:

*Қучуб шаҳзодани кўнглин қилиб шод,
Деди: “Сен, сенки отинг келди Фарҳод”. (88-бет)*

Суҳайло тилидан: Жомоспнинг³ ўлиmidан кейин ҳакимлар унинг айтганларини ёзиб қолдиришларидан менга аёнки, минг йилдан сўнг Чиндан Юнонга бир Фарҳод деган йигит келади. У анча қийинчиликлардан сўнг, Искандар тилсимини очади. Кейин эса Суқ-

¹ Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. 20 жилдлик. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011, 16-жилд, 190-бет.

² А.Навоий. Фарҳод ва Ширин. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989, 86-бет (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичида кўрсатилади).

Жомосп – қадимги Эроннинг афсонавий донишманди ва мунажжими. Уни Лукмоннинг шогирди деб биландилар. Келажак воқеаларидан хабар қилувчи “Жомоспнома” номли китобни шу донишмандга нисбат берадилар. Навоий Сукрот ғорига кетаётганларга Суҳайло “Жомосп”дан Фарҳодга юлдузи баланд, деган хушхабар етказганини баён қилади.

ротни кўриш учун Искандар ойнаси кифоядир, дейди. Сукрот ҳаким билан учрашганлари ва уни топишда жаҳонни кўрсатувчи жомидан фойдаланганлари маълум қилинади. Шоир бу ўринда Сукрот тилидан Фарҳодга қарата гарчи ҳаётинг Нух умрича бўлса ҳам, ўлим барҳақ, дейди. Фарҳод дунёни кўрсатувчи кўзгу – Ойнайи Искандарийни топгач, унда яширинган тилсим сирига қизиқади. Бироқ бу сирни очиш жуда қийин эди. Кўзгу сирини биламан, деган одам Юнон тарафига бориши керак. Юнон мамлакати ғоят қутлуғ ўлка бўлиб, илму ҳикмат билан зебу зийнат топган. У ерга етиш йўлида уч манзиллик йўл бўлиб, ҳар манзилда уч офатга дуч келади. Аввалги манзилда шундай бир манзилда шундай бир аждаҳ Тангри ўз қаҳридан бир бало қилиб яратган. Иккинчи манзилда бир Аҳраман деган дев бўлиб, одамларга бедодлик, офат етказиш унинг учун одат ва ҳунардир. Учинчи манзилда ажойиб қилиб қурилган бир тилсим бор. Бу уч манзилдан ўта олган инсон тўртинчи манзилда бир тоққа дуч келади. Унда бир қоронғи ғор бўлиб, ғорда дунёда тенги йўк Сукрот ҳаким бўлади. Шу ўринда у ҳақда таъриф берилади: “Уни Сукрот демасдан замонасининг Букроти деса ҳам бўлади. У шундай ақлли, шундай билимдонки, ўлмаган бўлса, олдига борган одамнинг ҳар қандай қийинчилигидаги тугунларни ечиб бера олади. Агар у Жомосп – қадимги Эроннинг афсонавий донишманди ва мунажжими. Уни Лукмоннинг шогирди деб биладилар. Келажак воқеаларидан хабар қилувчи “Жомоспнома” номли китобни шу донишмандга нисбат берадилар.

Сукрот тимсолини биз яна “Садди Искандарий” достонида Искандарнинг олимлар даврасида бўлгандаги ҳолатида учратамиз. Искандарнинг “Денгиз ер юзида қандай жойлашган? Унинг ҳолатини баён қилиб берингиз! деган саволига ҳамма олимлар Сукрот ҳаким баён қилсин, зеро, у:

*Ким, ул ҳикмат аҳлининг устодидур,
Замири хирад ҳикмат ободидур.¹*

Яъни, у донишмандларнинг устои, мияси ақл ва илм билан ободдир, деб таъриф беришади. Достонда Сукрот “Ҳақими илоҳий” – илоҳий ҳаким дея таърифланади.

Шундан кейин Искандар Сукротдан ер юзида сув пайдо бўлди-ю, барча жойларда у бирдай тақсимланди, тоғу дарёларда ҳам. Аммо, нега у ҳамма жойни босмаган, деб савол бергани:

*Буким ер юзига муҳит ўлди сув,
Баён қилки, мушкулдурур бизга бу.
Ки не вазҳудин тутмади ер юзин,
Жаҳон сатҳининг борча тоғу тузин. (431-бет)*

Сукроти ҳақимнинг бунга “...баъзи одамлар ер юзининг тузилиши баланд-пастиликдан иборатдир, демишлар. Аслида эса тузилиш жиҳатдан ер юзи думалоқ бўлиб, бу фикр илм билан муқаррар исботланган. Шу билан бирга, ер юзи текисликдан иборат эмас, буни ҳар қанақа одам ўйлаб кўрса, тўғрилигига тан беради” (насрий баёни, 772-бет), дейди:

*Гуруҳе демишларки, бу жирми хок,
Эрур вазъ ичинда баланду магок...
Гуруҳе бу маъни гувоҳидурур,
Ки дерлар бу ҳикмат илоҳийдурур. (431-бет)*

Яъни, ҳикмат илоҳийдир, уни фақат Ҳақ таоло билиши, буни хирад аҳли – донишмандлар бир сўз дейишга ожиз, дея жавоб бергани айтилган.

Навойнинг қаҳрамони Искандар денгиз сир-асрорларини ўрганишга киришар экан, уч минг кемадан улкан флот тайёрлатади ва экспедицияга раҳбар этиб Сукротни тайинлади. Фикримизни хулосалайдиган бўлсак, достонларда Сукрот донишманд киши сифатида бадиий тўқимага айланттирилган образ сифатида тасвирланади.

¹ Навоий. Садди Искандарий. Тошкент, Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991, 426-бет (Бундан кейинги иқтибослар шу нашрдан олинади ва бети қавс ичида кўрсатилади).

Махамаджон Муминов (Институт математики АН РУз),
Умида Якубова (Ташкентский государственный Экономический университет),
Нодира Парпиева (Ташкентский государственный Педагогический университет)
О ПРОВЕРКЕ ГИПОТЕЗ ПРИ СЕМЕЙСТВАХ БЛИЗКИХ АЛТЕРНАТИВ

Аннотация. Ушбу мақолада $[0,1]$ кесмада узлуксиз бўлган $f(x)$ номаълум зичлик функциясига эга эркин бир хил тақсимланган тасодифий миқдорлар кетма-кетлиги кўрилган. Мақолада $f(x) = f_0(x)$, бу ерда $f_0(x)$ – берилган зичлик деган H_0 гипотезани текшириш учун α даражаси асимптотик критерийни қуришининг имконини берадиган теорема кўрилган.

Аннотация. В данной статье рассмотрена последовательность независимых, одинаково распределенных случайных величин с неизвестной плотностью распределения $f(x)$, непрерывной на отрезке $[0,1]$. В статье рассматривается теорема, которая позволяет построить асимптотический критерий уровня α проверки гипотезы H_0 , согласно которой $f(x) = f_0(x)$, где $f_0(x)$ – заданная плотность.

Annotation. In this article, there is considered a sequence of independent identically distributed random variables with unknown distribution density $f(x)$, continuous in the interval $[0,1]$. The article describes the theorem, which allows to build an asymptotic α level criterion H_0 hypothesis testing according to which $f(x) = f_0(x)$, where $f_0(x)$ – is the given density.

Калим сўзлар: статистик гипотеза, зичлик функция, тасодифий миқдор, дискрет тақсимот.

Ключевые слова: статистическая гипотеза, плотность распределения, случайная величина, дискретное распределение.

Key words: statistic hypothesis, distribution density, random variable, discrete distribution.

Пусть $X_1, X_2, \dots, X_n, \dots$ – последовательность независимых одинаково распределенных случайных величин с неизвестной плотностью распределения $f(x)$, непрерывной на отрезке $[0,1]$.

В качестве оценки плотности распределения $f(x)$ примем сплайн – оценки $S'_N(x)$ вида (1.10) из [1]. Мерой расхождения $S'_N(x)$ и $f(x)$ возьмем величину

$$T_n = nh \int_0^1 [S'_N(x) - f(x)]^2 a(x) dx, \quad (*)$$

где $a(x)$ – некоторая весовая функция.

Положим

$$\Delta = \int_0^1 f(x) a(x) dx \int_0^1 B(x) dx,$$

$$\hat{\sigma}^2 = 2 \int_0^1 f^2(x) a^2(x) dx \sum_{d=-\infty}^{\infty} \int_0^1 \int_0^1 B_d^2(x_1, x_2) dx_1 dx_2,$$

$$\begin{aligned} B_d(r_1, r_2) = & \frac{3}{4} \left\{ \left[\left(r_1^2 - \frac{1}{3} \right) \left(r_2^2 - \frac{1}{3} \right) + \left(\frac{1}{3} - (1-r_1)^2 \right) \left(\frac{1}{3} - (1-r_2)^2 \right) \right] \left[6|d| \sigma^{|d|} - \frac{12\sigma^{|d+1|}}{1-\sigma^2} \right] + \right. \\ & + \left. \left(r_1^2 - \frac{1}{3} \right) \left(\frac{1}{3} - (1-r_2)^2 \right) \left[6|d+1| \sigma^{|d+1|} - \frac{12\sigma^{|d+1|+1}}{1-\sigma^2} \right] + \left(r_2^2 - \frac{1}{3} \right) \left(\frac{1}{3} - (1-r_1)^2 \right) \left[6|d-1| \sigma^{|d-1|} - \frac{12\sigma^{|d-1|+1}}{1-\sigma^2} \right] \right\} + \\ & + \frac{f(y)}{f(x)} \frac{\sqrt{3}}{2} \left[\left(r_1^2 - \frac{1}{3} \right) \left(\sigma^{|d+1|} - \sigma^d \right) + \left(\frac{1}{3} + (1-r_1)^2 \right) \left(\sigma^{|d|} - \sigma^{|d-1|} \right) \right] + \\ & + \frac{\sqrt{3}}{2} \left[\left(r_2^2 - \frac{1}{3} \right) \left(\sigma^{|d-1|} - \sigma^d \right) + \left(\frac{1}{3} - (1-r_2)^2 \right) \left(\sigma^{|d|} - \sigma^{|d+1|} \right) \right] + \delta_{d,0}, \end{aligned}$$

$$\delta_{d,0} = \begin{cases} 1, & \text{если } d = 0 \\ 0, & \text{если } d \neq 0 \end{cases},$$

$$r_1 = \frac{x - x_{i-1}}{h}, \quad r_2 = \frac{y - x_{k-1}}{h}, \quad h = \frac{1}{N}, \quad N = N(n),$$

$$x_{i-1} = \frac{[Nx]}{N}, \quad x_{k-1} = \frac{[Ny]}{N}, \quad \sigma = \sqrt{3} - 2,$$

[t] – целая часть числа t, $d = i - k$, $B(r_1) = B_0(r_1, r_1)$.

Приведем вспомогательную лемму.

Лемма. Пусть $1 \leq i \leq N$, $0 \leq j \leq N-1$. Тогда для всех i и j , для которых выполняется неравенство

$$|i - j| \geq \frac{\alpha \ln N}{|\ln 0,3|} + 1, \quad (1)$$

где α – произвольное положительное число, справедливы оценки

$$\max_{x_{i-1} \leq x \leq x_i} |E_{i,j}(x)| \leq \frac{4,2}{N^\alpha}, \quad (2)$$

$$\max_{x_{i-1} \leq x \leq x_i} |\hat{E}_{i,j}(x)| \leq \frac{4,2}{N^\alpha}, \quad (3)$$

$$\sum_{j=0}^{N-1} |E_{i,j}(x)| \leq 16, \quad (4)$$

$$\sum_{j=0}^{N-1} |\hat{E}_{i,j}(x)| \leq 23. \quad (5)$$

Доказательство. Из определения $A_{i,j}^{-1}$ следует, что

$$\begin{aligned} |A_{i,j}^{-1}| & \leq 0,3^{|i-j|}, \quad \text{если } 0 < i < N, \quad 0 < j < N, \\ |A_{N,j}^{-1}| & \leq 2 \times 0,3^{N-j}, \quad \text{если } 0 \leq j < N, \\ |A_{0,j}^{-1}| & \leq 2 \times 0,3^j, \quad \text{если } 0 \leq j < N. \end{aligned}$$

Используя эти неравенства и обозначая

$$e_{i,j} = \max_{x_{i-1} \leq x \leq x_i} |\hat{E}_{i,j}(x)|,$$

имеем

$$\begin{aligned}
& e_{1,0} \leq 3,8, \quad e_{1,1} \leq 11,4, \quad e_{1,2} \leq 4,2, \quad e_{1,j} \leq 2,6 \times 0,3^{j-2}, \quad j=3,4,\dots, N-3, \\
& e_{1,j} \leq 3,6 \times 0,3^{j-2}, \quad j=N-2, N-1, \quad e_{i,0} \leq \frac{32,5}{3} \times 0,3^{i-1}, \quad i=2,3,\dots, N, \\
& e_{i,1} \leq \frac{32,5}{3} \cdot 0,3^{i-1}, \quad i=2,3,\dots, N-1, \quad e_{i,1} \leq \frac{32,5}{3} \cdot 0,3^{i-1}, \quad i=3,4,\dots, N-1, \\
& e_{i,j} \leq \frac{26}{3} \cdot 0,3^{|i-j|}, \quad i=2,3,\dots, N-1, \quad j=3,4,\dots, N-4, \quad j \neq i-1, \quad i \neq j, \\
& e_{i,i} \leq 5,2, \quad i=2,3,\dots, N-1, \quad e_{i,N-3} \leq 2,5 \cdot 0,3^{N-3-i}, \quad i=1,2,\dots, N-3, \quad e_{N-2,N-3} \leq 4,6, \\
& e_{i,N-2} \leq 4,2 \cdot 0,3^{N-2-i}, \quad i=1,2,\dots, N-2, \quad e_{N-1,N-2} \leq 6,85, \\
& e_{i,N-1} \leq 3 \cdot 0,3^{N-1-i}, \quad i=1,2,\dots, N-1, \quad e_{N,N-1} \leq 2,5, \\
& e_{N,j} \leq \frac{46}{3} \cdot 0,3^{N-1-j}, \quad j=1,2,\dots, N-4, \quad e_{N,N-3} \leq 2,72, \\
& e_{N,N-2} \leq 4,5, \quad e_{i,i} \leq 3,36, \quad i=3,2,\dots, N-3.
\end{aligned}$$

Сравнивая эти неравенства, получаем, что для всех i, j , для которых выполняется (1), справедлива оценка

$$e_{i,j} \leq 4,2 \cdot 0,3^{|i-j|-1}.$$

Отсюда

$$e_{i,j} \leq \frac{4,2}{N^\alpha}.$$

Заметим также, что для всех i ($1 \leq i \leq N$)

$$\sum_{j=0}^{N-1} \left| \hat{E}_{i,j}(x) \right| \leq \sum_{j=0}^{N-1} e_{i,j} \leq 23.$$

Соотношения (2) и (4) доказываются аналогично (3) и (5).

Лемма доказана.

В работе [1] доказано следующее:

Теорема. Пусть на отрезке $[0,1]$ $f(x)$ имеет первую производную и $f' \in Lip\alpha$, $0 < \alpha \leq 1$, $f(x) \neq 0$.

Тогда, если $a(x)$ – непрерывная гладкая функция,

$$\frac{h\sqrt{n}}{\log n \sqrt{\log N}} \rightarrow \infty, \quad \sqrt{h} \log n \rightarrow 0, \quad nh^{1+2\alpha} \log n \rightarrow 0 \text{ при } n \rightarrow \infty,$$

то случайная величина $\frac{T_n - \Delta}{\hat{\sigma} \sqrt{h}}$

асимптотически нормальна со средней 0 и дисперсией 1. Здесь T_n определяется соотношением (*), а

$$\begin{aligned}
\Delta &= \int_0^1 f(x)a(x)dx \int_0^1 B(x)dx, \\
\hat{\sigma}^2 &= 2 \int_0^1 f^2(x)a^2(x)dx \sum_{d=-\infty}^{\infty} \int_0^1 \int_0^1 B_d^2(x_1, x_2)dx_1dx_2,
\end{aligned}$$

$B_d(x_1, x_2)$ определено выше.

Теорема позволяет построить асимптотический критерий уровня α проверки гипотезы H_0 , согласно которой $f(x) = f_0(x)$, где $f_0(x)$ – заданная плотность. Для этого следует вычислить T_n и отвергнуть H_0 , если

$$T_n \geq \int_0^1 f(x)a(x)dx \int_0^1 B(x)dx + \sqrt{h}\lambda_\alpha\sigma_0,$$

где λ_α – квантиль уровня α стандартного нормального распределения.

Пусть нам нужно проверить гипотезу $H_0 : f(x) = f_0(x)$, где $f_0(x)$ – заданная плотность распределения, и пусть далее H_n – произвольное, близкое к H_0 семейство альтернатив вида:

$$H_n : f(x) = f_0(x) + \gamma_n g(x), \gamma_n \downarrow 0 \text{ при } n \rightarrow \infty. \quad (6)$$

Мы можем проверить H_0 против альтернатив (6), используя для этой цели статистику T_n и выбирая критическую область вида $\{T_n \geq t_\alpha\}$, где по теореме при $n \rightarrow \infty$

$$t_\alpha = \Delta_0 + \sqrt{h}\lambda_\alpha\sigma_0,$$

и λ_α означает $1-\alpha$ -квантиль стандартного нормального распределения, т.е. $\Phi(\lambda_\alpha) = 1-\alpha$, а Δ_0 и σ_0 по сути – параметры, фигурирующие в теореме, вычисленные при гипотезе H_0 . Оказывается, что для таких альтернатив критерий, основанный на T_n , имеет нетривиальную мощность.

Использованная литература:

1. Муминов М.С. Построение сплайн-оценки плотности вероятностей. “Узб. матем. журнал”, 2015, №2, с. 84 – 88.
2. Муминов М.С. О статистических свойствах сплайн-оценок плотности вероятностей. Рукопись деп. в ВИННИТИ, 23.05-84, №3324-84, 22 с.

Умид Хоитметов, Шехзод Собиров (УрГУ)

ИНТЕГРИРОВАНИЕ МАТРИЧНОГО УРАВНЕНИЯ КОРТЕВЕГА-ДЕ ФРИЗА С ИНТЕГРАЛЬНЫМ ИСТОЧНИКОМ

Annotatsiya. Mazkur maqolada sochilish nazaryasining teskari masalalari usuli yordamida integral turdagi moslangan manbali matrictsaviy Korteveg-de Friz tenglamasi yechimining mavjudligi ko'rsatilgan.

Аннотация. В статье рассматривается вопрос о нахождении решения матрично-го уравнения Кортевега-де Фриза с интегральным источником методом обратной задачи теории рассеяния.

Annotation. In this article, the integration existence of the matrix Korteweg-de Vries equation with self-consistent source is considered with help of the inverse problem method of the scattering theory.

Kalit so'zlar: matrictsaviy Korteveg-de Friz tenglamasi, Shturm-Liuvil tenglamasi, xos qiymat, xos funktsiya, teskari masala.

Ключевые слова: матричное уравнение Кортевега-де Фриза, уравнение Штурма-Лиувилля, собственное значение, собственная функция, обратная задача.

Key words: the matrix equation of Korteweg-de Vries, equation of Sturm-Liouville, eigenvalue, eigenfunction, inverse problem.

В данной работе рассматривается следующая задача:

$$\begin{cases} U_t - 3U_x U - 3U U_x + U_{xxx} = 2 \frac{\partial}{\partial x} \int_{-\infty}^{+\infty} \varphi(x, \eta) \varphi^T(x, \eta) d\eta \\ L\varphi = \eta^2 \varphi \end{cases} \quad (1)$$

где $U = (u_{jk}(x, t))_{j,k}^d$ действительная симметричная матрица размера $d \times d$, а

$$L(t) = -D^2 + U(x, t), \quad D = \frac{d}{dx}, \quad x \in R.$$

Задача (1), (2) рассматривается с начальным условием

$$U|_{t=0} = U_0(x) \quad (2)$$

где начальная матрица-функция $U_0(x)$ имеет следующие свойства:

$$1. \int_{-\infty}^{+\infty} (1+x^2) \|U_0(x)\| dx < \infty, \text{ где } \|X\| = \max_j \sum_{k=1}^d |x_{jk}|, \quad X = (x_{jk})_{j,k=1}^d;$$

2. Оператор $L(0) = -D^2 + U_0(x)$ имеет точно N собственных значений $\lambda_1(0), \lambda_2(0), \dots, \lambda_N(0)$.

В рассматриваемой задаче функция $\varphi(x, \eta, t)$ -решение уравнения (2), определяемое асимптотикой

$$\varphi(x, \eta, t) = h(\eta, t) e^{-i\eta x} + o(1), \quad x \rightarrow \infty \quad (3)$$

где $h(\eta, t)$ – изначально заданная непрерывная функция, удовлетворяющая условию

$$\int_{-\infty}^{+\infty} h(\eta, t) h^T(-\eta, t) d\eta < \infty \quad (4)$$

при всех неотрицательных значениях t .

Мы предположим, что решение $U(x, t)$ задачи (1)-(3) существует, обладает требуемой гладкостью и достаточно быстро стремится к своим пределам при $x \rightarrow \pm\infty$, так что при всех $t \geq 0$ выполняется:

$$\int_{-\infty}^{+\infty} (1+x^2) \|U(x, t)\| d\eta < \infty. \quad (5)$$

Основная цель данной работы – получить представления для решений $u(x, t)$, $\varphi(x, \eta, t)$ задачи (1)-(5) в рамках метода обратной задачи рассеяния для оператора $L(t)$.

Метод обратной задачи рассеяния хорошо освещен в работе.¹ Возможность применения этого метода к эволюционным уравнениям с самогласованными источниками показана в работах.^{2,3,4,5,1,2,3,4,5}

¹ Lax P.D. Integrals of nonlinear equations of evolution and solitary Waves, Comm. Pure Appl. Math. (1968), 21, pp. 467 – 490.

² Melnikov V.K. Integration of the nonlinear Schroedinger equation with a self-consistent source. Comm. In Math. Phys. 1991, Volume 137, Issue 2, pp. 359 – 381.

³ Martinez Alonso L. and Olmedilla M.E. Trace identities in the inverse scattering transform method associated with matrix Schroedinger operators. Journal of mathematical physics, (1982), 23(11), pp. 2116 – 2121.

⁴ Olmedilla E. Inverse scattering transform for general matrix Schroedinger operators and the related symplectic structure. Inverse P, 1 (3) (1985), p. 219 – 236.

⁵ Горначенко В.М. О многосолитонных решениях матричного уравнения КдФ. ТМФ, 2001, том 126, номер 1, с. 102 – 114.

Отметим, что матричное уравнение Кортевега-де Фриза без источника было введено П.Лаксом.⁶

Рассмотрим матричное уравнение Штурма-Лиувилля на всей прямой

$$L\psi = \psi'' + U(x)\psi = \lambda\psi, \quad \lambda = k^2, \quad (-\infty < x < \infty) \quad (6)$$

где $\psi = \psi(x, k)$ матрица-функция размера $d \times d$. Потенциал $U(x)$ предполагается действительной симметричной матрицей размера $d \times d$, которая стремится к своим пределам достаточно быстро, так что

$$\int_{-\infty}^{+\infty} (1 + x^2) \|U(x, t)\| d\eta < \infty. \quad (7)$$

Решения $F(x, t)$ и $G(x, t)$ ($k \in R$) уравнения (6) имеющие асимптотики

$$F(x, t) = e^{-ikx} (I + o(1)), \quad x \rightarrow \infty, \quad G(x, t) = e^{-ikx} (I + o(1)), \quad x \rightarrow -\infty,$$

называются решениями Йоста. При условиях (7) решения Йоста существуют и единственны. Для действительных k функции $F(x, -k)$ и $G(x, -k)$ также являются решениями уравнения (6). При $\text{Im}k = 0$ выполняются следующие разложения:

$$G(x, t) = F(x, -k)A(k) + F(x, k)B(k), \quad F(x, k) = G(x, -k)C(k) + G(x, k)D(k)$$

где $A(k)$, $B(k)$, $C(k)$, $D(k)$ некоторые матрицы размера $d \times d$.

Матрица-функция $A(k)$ может аналитически продолжена в верхнюю полуплоскость $\text{Im}k > 0$ и там уравнение $\det A(k) = 0$ имеет конечное число корней в виде $k_j = i\chi_j$, $j = \overline{1, N}$, число $\lambda_j = -\chi_j^2$, $j = \overline{1, N}$ совпадают с собственными значениями оператора L .

Введем матрицы $N_j = \text{res}_{k=k_j} (A(k))^{-1}$, $j = \overline{1, N}$, тогда существуют матрицы

R_j , $j = \overline{1, N}$ такие, что

$$G(x, k_j)N_j = iF(x, k_j)R_j, \quad j = \overline{1, N}.$$

Следующая матрица

$$R(k) = B(k)(A(k))^{-1}, \quad \text{Im}k = 0$$

называется матрицей рассеяния, а набор $\{R(k), \chi_1, \chi_1, \dots, \chi_N, R_1, R_2, \dots, R_N\}$ называется данными рассеяния для уравнения (6).

Для восстановления оператора L по данным рассеяния положим

$$H(x) = \sum_{j=1}^n R_j e^{ik_j x} + \frac{1}{2\pi} \int_{-\infty}^{+\infty} R(k) e^{ikx} dk.$$

Потенциал оператора L находится по формуле

¹ Bondarenko N., Freiling G., Urazboev G. Integration of the matrix KdV with self-consistent source. Chaos, Solitons & Fractals. 2013. Vol.49, pp. 21–27.

² Wadati M., Kamijo T. On the extension of inverse scattering method. Prog. Theor. Physics 52 (1974), pp. 397–414.

³ Гелфанд И.М., Ретах В.С. Детерминанты матриц над некоммутативными кольцами. Функциональный анализ и его приложения. 1991, том 25, выпуск 2, с. 13 – 25.

⁴ Urazbaev G.U. Hoitmetov U.A. Multi-Soliton solutions of the matrix Korteweg-de Vries equation with self-consistent source. Actual problems of modern science, education and training in the region, 2017, issue 1, pp. 16 – 25.

⁵ Хоитметов У.А. О нахождении многосолитонных решений матричного уравнения Кортевега-де Фриза с самосоогласованным источником. ДАН РУз, 2016, 6 том, с. 3 – 6.

⁶ Lax P.D. Integrals of nonlinear equations of evolution and solitary Waves, Comm. Pure Appl. Math. (1968), 21, pp. 467 – 490.

$$U(x) = -2K'(x, x) = -\frac{dK(x, x)}{dx}$$

где $K(x, y)$ – решение матричного уравнения Гельфанда-Левитана-Марченко

$$K(x, y) + H(x + y) + \int_{-\infty}^{+\infty} K(x, z)H(x + z)dz = 0.$$

Справедлива следующая теорема:

Теорема. Если функции $u(x, t)$, $\varphi(x, \eta, t)$ являются решениями задачи (1)-(5), то данные рассеяния следующего

$$L(t) = -D^2 + U(x, t), \quad x \in R^1$$

матричного оператора Штурма-Лиувилля меняются по t следующим образом

$$\frac{d\lambda_j}{dt} = 0, \quad j = 1, 2, \dots, N,$$

$$R(k, t) = 8ik^3 R(k, t) - iV.p. \left[\int_{-\infty}^{+\infty} \frac{h(\eta)h^T(-\eta)}{\eta + k} d\eta \right] R(k, t) +$$

$$+ iR(k, t)V.p. \int_{-\infty}^{+\infty} \frac{h(\eta)h^T(-\eta)}{\eta + k} d\eta + \pi h(k)R(k, t) - \pi R(k, t)h(k)h^T(-k)$$

$$\frac{dR_j}{dt} = 8\chi_j R_j(t) + iR_j(t) \int_{-\infty}^{+\infty} \frac{h(\eta)h^T(-\eta)}{\eta + k} d\eta, \quad j = 1, 2, \dots, N.$$

Полученные равенства полностью определяют эволюцию данных рассеяния, что позволяет применить метод обратной задачи рассеяния для решения задачи (1) – (5).

Hasanbek Nazarov, Sayyora Khomidova (FSUU)

ON DERIVATIONS AND LOCAL DERIVATIONS ON FINITE - DIMENSIONAL REAL FACTORS

Аннотация. Ушбу мақола чекли ўлчамли ҳақиқий фактордаги дифференциаллашлар ва локаль дифференциаллашларни ўрганишга бағишланган. Чекли ўлчамли ҳақиқий фактордаги ихтиёрый дифференциаллаш ички дифференциаллаш бўлиши исботланган. Бундан, чекли ўлчамли ҳақиқий факторнинг ички дифференциаллаш хоссасига эга бўлиши келиб чиқади, яъни $n \times n$ ўлчамли ҳақиқий ва кватернион матрицавий алгебралар ички дифференциаллаш хоссасига эга бўлади.

Аннотация. В статье рассматриваются дифференцирования и локальные дифференцирования на конечномерном вещественном факторе. Показано, что локальным дифференцированиям не обязательно быть дифференцированием. Доказано, что всякое дифференцирование конечномерного вещественного фактора является внутренним. Отсюда, конечномерный вещественный фактор обладает свойством внутреннего дифференцирования. То есть алгебра $n \times n$ вещественных и кватернионных матриц имеет свойство внутреннего дифференцирования.

Annotation. The paper is devoted to study derivations and local derivations on a finite-dimensional real factor. It is proven that any derivation on a finite-dimensional real factor is an inner derivation. Hence, it follows that a finite-dimensional real factor has the inner derivation property. That is $n \times n$ real and quaternionic matrix algebras have the inner derivation property.

Калит сўзлар: $n \times n$ ўлчамли ҳақиқий ва кватернион матрицавий алгебралар, ҳақиқий факторлар, дифференциаллаш, ички дифференциаллаш хоссаси, локаль дифференциаллаш.

Ключевые слова: алгебра $n \times n$ вещественных и кватернионных матриц, вещественные факторы, дифференцирование, свойство внутреннего дифференцирования, локальное дифференцирование.

Key words: real and quaternionic matrix algebra, real factors, derivation, inner derivation property, local derivation.

Given an algebra A , a linear operator $D: A \rightarrow A$ is called a *derivation*, if $D(xy) = D(x)y + xD(y)$, for all $x, y \in A$. Each element $a \in A$ implements a derivation D_a on A defined as $D_a(x) = [a, x] = ax - xa$, $x \in A$. Such derivations are said to be *inner derivations*. A linear map $\Delta: A \rightarrow A$ is called a *local derivation*, if for every $x \in A$, there exists a derivation $D_x: A \rightarrow A$ such that $\Delta(x) = D_x(x)$. Now, a map $\Delta: A \rightarrow A$ (not linear in general) is called a *2-local derivation*, if for every $x, y \in A$ there exists a derivation $D_{x,y}: A \rightarrow A$ such that $\Delta(x) = D_{x,y}(x)$ and $\Delta(y) = D_{x,y}(y)$. It is obvious that any derivation is a local derivation and a 2-local derivation. But, the converse is not true as shown in the following theorem.

Theorem 1. There are local derivations, which are not derivations.

Proof. Take $A = \mathbb{R}^2$ with the usual operations and order. For all $(a, b), (c, d) \in A$. we define the following multiplication:

$$(a, b) * (c, d) := (0, ac).$$

Using a linearity of derivation and the equality:

$$D(x * y) = D((a, b) * (c, d)) = D((a, b)) * (c, d) + (a, b) * D((c, d))$$

It is easily proved, that any derivation $D: A \rightarrow A$ is uniquely defined by two real numbers λ, μ so that,

$$D(x, y) = D_{\lambda, \mu}(x, y) = (\lambda x, \mu x + 2\lambda y)$$

The identity of A , denoted by Id_A , is a continuous local derivation. Indeed, if $a, b, c \in R$ then,

$$Id_A(0, b) = (0, b) = (1/2 \cdot 0, c \cdot 0 + 2 \cdot 1/2 \cdot b) = D_{1/2, c}(0, b) \text{ and}$$

$$Id_A(a, b) = (a, b) = (1 \cdot a, -b/a \cdot a + 2 \cdot 1 \cdot b) = D_{1, -b/a}(a, b), \text{ if } a \neq 0.$$

Hence, Id_A is a local derivation. But Id_A is not a derivation on A , since there are not numbers λ, μ with $Id_A(a, b) = (\lambda a, \mu a + 2\lambda b)$, for all $(a, b) \in A$. Indeed, since $Id_A(a, b) = (a, b)$, then $(a, b) = (\lambda a, \mu a + 2\lambda b)$. Hence, $\lambda = 1, \mu = 0$, therefore $(a, b) = (a, 2b)$, for all $a, b \in \mathbb{R}$. It is a contradiction. Thus the map Id_A is a continuous local derivation, but it is not a derivation. It is a trivial example. Because, let's give another example.

We shall consider a nontrivial local derivation on a subalgebra of the algebra $M_3(\mathbb{C})$ 3×3 -matrix over field complex numbers \mathbb{C} . Let \mathbf{A} be the algebra $\mathbb{C}\mathbf{1} + \text{span}\{E_{12}, E_{13}, E_{23}\}$, where $\text{span}(\cdot)$ is a linear environment of the elements. Let $\{E_{ij}\}$ be the standard matrix units and $A = (a_{ij}) \in \mathbf{A}$. Some outer derivations on this algebra are adE_{11} and adE_{33} , with $(adE_{11})A = a_{12}E_{12} + a_{13}E_{13}$ and $(adE_{33})A = a_{23}E_{23} + a_{13}E_{13}$. The inner derivations adE_{12} and adE_{23} have actions $(adE_{12})A = a_{23}E_{13}$ and $(adE_{23})A = -a_{12}E_{13}$. Define the map η by $\eta(A) = (2a_{13} - a_{12} + a_{23})E_{13}$. Note that any derivation on this algebra must annihilate $a\mathbf{1}$, so we need only to consider the strictly upper triangular entries. If for $A = (a_{ij})$, either a_{12} or a_{23} is

nonzero, then clearly there is an inner derivation which is agree with η . If both are zero, then there is an outer derivation which matches the value of η on A . This map, however, is not a derivation. Let $A = E_{12} + E_{23}$; we have $\eta(A^2) \neq A\eta(A) + \eta(A)A$, since $\eta(A) = 0$. Hence, we conclude that η is a nontrivial local derivation on A . The proof is complete.

If A is an $*$ -algebra, then a linear operator $\alpha : A \rightarrow A$ is called a $*$ -automorphism, if $\alpha(xy) = \alpha(x)\alpha(y)$ and $\alpha(x^*) = \alpha(x)^*$, for all $x, y \in A$. Each unitary element $u \in A$ (i.e. an element with $uu^* = u^*u = \mathbf{1}$) implements a $*$ -automorphism Ad_u on A defined as $Ad_u(x) = uxu^*$, $x \in A$. Such $*$ -automorphisms are said to be *inner $*$ -automorphisms*. A linear map $\alpha : A \rightarrow A$ is called a *local $*$ -automorphism*, if for every $x \in A$, there exists a $*$ -automorphism $\theta_x : A \rightarrow A$ such that $\alpha(x) = \theta_x(x)$. It is obvious, that any $*$ -automorphism is a local $*$ -automorphism. But, the converse is not true.

Example. Let $A \subset M_3(\mathbb{C})$ be the algebra of finite dimensional upper triangular matrices constant on each diagonal, i.e.,

$$A = \{a(\sum_{i=1}^3 E_{ii}) + b(E_{12} + E_{23}) + cE_{23} : a, b, c \in \mathbb{C}\},$$

where $\{E_{ij}\}_{ij}$ are the standart matrix units. Let $I = \sum_{i=1}^3 E_{ii}$ and $T = E_{12} + E_{23}$. Then $\{I, T, T^2\}$ is a basis for A . Define the function $\alpha : A \rightarrow A$ on the basis and extend lineary: $\alpha(I) = I, \alpha(T) = e^{1/2}T, \alpha(T^2) = T^2$. Then the map is proved to be a nontrivial local automorphism of A .

Now, let $B(H)$ be the algebra of all bounded linear operators on a complex Hilbert space H . A weakly closed $*$ -subalgebra M containing the identity operator $\mathbf{1}$ in $B(H)$ is called a W^* -algebra. A real $*$ -subalgebra $R \subset B(H)$ is called a *real W^* -algebra* if it is closed in the weak operator topology, $\mathbf{1} \in R$ and $R \cap iR = \{0\}$. A real W^* -algebra R is called a *real factor* if its center $Z(R)$ consists of the elements $\{\lambda \mathbf{1}, \lambda \in R\}$. It is known that if R is a finite-dimensional real factor, then R is a real or quaternion matrix algebras, i.e. $R = M_n(\mathbb{R})$ or $R = M_n(\mathbb{Q})$, where n is a dimension of R .

Theorem 2. Any derivation on finite-dimensional real factor is an inner derivation.

Proof. Let's to prove for real matrix algebras, i.e. we shall prove that any derivation on real matrix algebras is an inner derivation. Let $R = M_n(\mathbb{R})$ be a $n \times n$ -matrix algebra over field real numbers \mathbb{R} and M be its complexification i.e. $M = R + iR$. It is clear that M is $n \times n$ complex-matrix algebra, i.e. $M = M_n(\mathbb{C})$. Let $D : R \rightarrow R$ be a derivation. A derivation D can be extended by the linearity to a derivation on $M = R + iR$. as

$$\overline{D}(x + iy) = D(x) + iD(y).$$

It is known that an arbitrary derivation on $n \times n$ -complex-matrix algebra $M_n(\mathbb{C})$ is an inner. Then a derivation \overline{D} is an inner. Therefore, there is an element $z = a + ib$ (where $a, b \in R$) such that

$$\overline{D}(x + iy) = [z, x + iy], \quad \forall x, y \in R.$$

Hence

$$D(x) = \overline{D}(x) = [z, x] = [a + ib, x] = [a, x] + i[b, x].$$

Since $D(x) = [a, x] + i[b, x] \in R$ and $R \cap iR = \{0\}$, then $[b, x] = 0$. Therefore we have $b = 0$ i.e. $z = a \in R$. Thus $D(x) = [a, x]$, i.e. a derivation $D : R \rightarrow R$ is an inner derivation. It is similarly proved for quaternionic matrix algebras. The proof is complete.

Definition. An algebra is called algebra with the *inner derivation property*, if every derivation of algebra is an inner.

It is easy to see from theorem we have the following result.

Corollary. A finite-dimensional real factor has the inner derivation property. That is a $n \times n$ real and quaternionic matrix algebras $M_n(\mathbb{R})$ and $M_n(\mathbb{Q})$ has the inner derivation property.

References

1. P.Semrl. Local automorphisms and derivations on $B(H)$. Proceedings of the American Mathematical Society. 1997, Volume 125, №9, 2677 – 2680.
2. S.O.Kim, J.S.Kim. Local automorphisms and derivations on M_n . Proc. Amer. Math. Soc., 132 (2004), 1389–1392].
3. Sh.A.Ayupov, K.K.Kudaybergenov, B.O.Nurjanov, A.K.Alauadinov. Local and 2-local derivations on noncommutative Arens algebras, Math. Slovaca, 64 (2014), 423 – 432.
4. Sh.A.Ayupov, F.N.Arzikulov. 2-local derivations on semifinite von Neumann algebras, Glasgow Math. Jour. 56 (2014) 9 – 12.
5. Sh.A.Ayupov, K.K.Kudaybergenov. 2-local derivations on von Neumann algebras, POSITIVITY, 19 (2015), №3, 445 – 455.
6. Sh.A.Ayupov, K.K.Kudaybergenov. 2-local derivations and automorphisms on $B(H)$. J. Math. Anal. Appl., 395 (2012), 15 – 18.
7. Sh.A.Ayupov, K.K.Kudaybergenov. 2-Local derivations on matrix algebras over semi-prime banach algebras and AW^* -algebra Arxiv: 1411, 2472, v1, 10 nov. 2014.
8. Berberian S.K. Baer-rings. Springer-Verlag, Berlin Heidelberg N.Y., 1972.
9. I.Kaplansky. Projections in Banach algebras, Ann. Math. 53 (1951), 235 – 249.
10. Dixmier J. Sur certains espaces considérés par M.H.Stone. Summa Brasil. Math., 2 (1951), 151 – 182.
11. Kaplansky I. Rings of Operators. Benjamin, New-York, 1968.
12. Ayupov Sh.A. and Rakhimov A.A. Real W -algebras, Actions of groups and Index theory for real factors. VDM Publishing House Ltd. Beau-Bassin, Mauritius. ISBN 978-3-639-29066-0 (2010), 138 p.

Неъматжон Полвонов (ЎЗМУ), Умарбек Шерипов (УрДУ)
 “ДИЛИ ҒАРОЙИБ” АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАСИ ҲАҚИДА

Аннотация. Ушбу мақолада Абу Райҳон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Шарқишунослик институтида сақланаётган Худойберди ибн Қўшмуҳаммад қаламига мансуб “Дили ғаройиб” асарининг Хоразм тарихини ўрганишида муҳим тарихий манба сифатидаги аҳамияти тўғрисидаги масалалар ёритилади.

Аннотация. В данной статье изучается рукопись Худойберди ибн Кушмухаммада “Дили ғаройиб” (“Сердца удивлённых”) как важный источник в изучении истории Хорезма, которая хранится в институте Востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан.

Annotation. This article studies “Dili Gharoyib (Hearts of Surprise)” manuscript by Khudoyberdi ibn Kushmuhammad as an important source in studying the history of Khorezm, which is kept at the Institute of Oriental Studies named after Abu Rayhan Beruni of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Kalit soʻzlar: тарих фанининг мақсади, тарихий манба, қўлёзма асар, ғариба, билод, кент, жой номлари, географияга оид маълумотлар.

Ключевые слова: цель исторической науки, исторический источник, рукопись, ғариба (глава), билод (страна), кент (город), топономические названия, географические сведения.

Key words: the purpose of historical science, historical source, manuscript, ghariba (chapter), bilod (country), kent (city), toponomic name, geographical information.

Тарих фанини ўқитишдан асосий мақсад ўзлигини англаган, ўз фикри ва мулоҳазасига эга, юксак қобилият эгалари бўлган баркамол ёшларни тарбиялашдир. Уларни юқори савияда тарбиялашда ҳаққонийлик, холислик билан ёритилган тарих дарсликлари, айниқса, манбаларнинг ўрни ниҳоятда беқиёсдир. Чунки манбалар билан бевосита танишиш, ҳар бир манбанинг имкон қадар аслини кўриш, асл манбаларни ўқиш ҳодиса ва воқеалар ҳақида эркин, аниқ фикр юритишга имкон беради. Зеро, ўзининг мустақил фикрига эга бўлган мутахассис кадрлар мамлакат тараққиёти ва халқ фаровонлиги учун фидойилик кўрсатиб, ҳаққоний хизмат кўрсатадилар.

Маълумки, даставвал, ёзувнинг, кейинроқ эса қўлёзма ва босма китобларнинг пайдо бўлиши инсоният маданияти тараққиётига катта таъсир кўрсатган кашфиётлар ҳисобланади. Турли тарихий даврларда, асрлар давомида вужудга келган ёзма манбалар инсон билимларининг асосий манбаи бўлиб келди ва фан-техника ривожланган ҳозирги замонда ҳам барча фанларнинг фундаментал асоси бўлиб ҳисобланади.

Барча маданий жамиятларда ҳамма вақт китобларнинг кадри бебаҳо, айниқса, шарқ қўлёзмалари барча шарқ халқларини ўзаро боғлаб, улар тили ривожига қўшган ҳиссалари беқиёс бўлиб, жаҳон маданияти хазиналарининг умри боқийлиги, давомийлигини таъминлаб келмоқда. Шарқ қўлёзма манбаларини ўрганиш Марказий Осиё халқларининг ўтмиш ҳаётининг тарихий манзараларини тиклашга, ўша халқларнинг жаҳон маданиятига қандай ҳисса қўшганлигини аниқлашга ёрдам беради. Аждодлар тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналар хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ ... ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар буюк маънавий бойликдир. Ёзма манбалардан тегишли мавзуларни ойдинлаштириш ва қўшимча маълумотлар тўплаш базаси сифатида фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш ҳозирги тарих фанининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу

эса ўқувчиларни мавзу юзасидан эркин фикрлай олиш ва ўз мустақил қарашларини шакллантиришга ёрдам беради.

Тарих фанини ёзма манбалар ёрдамида ўқитишда ўрганилаётган ҳар бир манбанинг ўзига хос хусусиятини ажратиб кўрсата билиш жуда муҳимдир. Чунки ҳар бир асар ёзилиш мақсади, қай турдаги воқеани ўзига хос йўл билан баён этиши каби жиҳатлари билан фаркланиб, бошқа асарлардан ажралиб туради. Ўқувчиларга манба ҳақида маълумот беришда унинг бошқа тарихий асарларга ўхшашлиги, шу билан бир қаторда, улардан фарқланувчи жиҳатлари ва қандай манбалардан фойдаланиб ёзилганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Ана шундай мураккаб тузилишга эга маҳаллий қўлёзма асарлардан бири 1831–1832 йилларда хоразмлик олим, уламо Худойберди ибн Қўшмуҳаммад ибн Ниёзмуҳаммад ибн Эшмуҳаммад ибн Авазмуҳаммад Ғофурулло томонидан Хива шаҳрида амир Раҳмонқули иноқ топшириғи билан ёзилган “Дили ғаройиб” асаридир.¹

Худойберди ибн Қўшмуҳаммад бу китобни 60 ёшларида ёзганини айтиб ўтган. Демак, у, тахминан, 1773 йилда таваллуд топган. Вафот этган йили аниқ эмас.² Худойберди ибн Қўшмуҳаммад ўз даврининг илмли кишиси бўлиб, араб, форс, турк тилларини мукамал билган. Ўз вақтида кўплаб тарихий, географик асарларни ўзбек тилига таржима қилганлиги бунинг яққол исботидир. Булар ичида Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома” асарининг қисқартма варианты ҳам борлиги, айниқса, аҳамиятлидир. Китобнинг, яъни “Дили ғаройиб” асарининг ёшлар учун ёзиб қолдирилганлигини муаллиф асарнинг бир қанча жойида сўфизода, Абдурахмон деганларга мурожаат қилганлиги фикримизни тасдиқлайди.

Худойберди ибн Қўшмуҳаммад қаламига мансуб “Дили ғаройиб” асарининг Абу Райхон Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик Қўлёзмалар институтида №1335 (266 варак), №853/І (172 варак) рақамли нусхалари бўлиб, улардан ташқари, мазкур муаллиф ўзи ёзган қўлёзма нусхаси ҳам сақланган.³ Шарқ қўлёзмалари тўплами (СРВ) VII томидаги 5472-рақамли муаллифи номаълум, деб таъриф берилган 10191/І қўлёзма⁴ мазмуни ва тузилишига кўра, “Дили ғаройиб” асарининг нусхаси бўлса, ажаб эмас.

“Дили ғаройиб” асарининг муқоваси замонавий картондан бўлиб, унга гулли материал тугилган. Қўлёзма ўлчови – (бўйи) 215 мм+175 мм (эни), матн ўлчови 180 мм+130 мм (матн бўйига 180 мм, энига 130 мм) бўлиб, матн 1 устунда 13 қатордан ёзилган, 536 саҳифадан иборат. Қўлёзма қоғози ғарбча фабриканики, баъзи саҳифаларида бўрттирма белгилар сезилади. Қўлёзма хоразмча насталиқ усулида ёзилган бўлиб, сиёҳи қора рангда ва саҳифаларида пойгирлар мавжуд. Қўлёзмадаги саҳифалар тартиби қалам билан варак юқорисида, қоғоз ўртасига рақамланган бўлиб, бизнингча, бу кейин ёзилган. Асарнинг 107 – 445-саҳифалари ҳошиясида қора сиёҳ билан таъриф қилинган билод (мамлакат ёки шаҳар)ларнинг 6 дан – 265 гача тартиб рақами берилган. Асар ўзбек тилининг Хоразм шеvasида ёзилган бўлиб, нафақат кўпгина сўзлар Хоразм шеvasида, балки грамматикасида ҳам яққол сезилиб турибди.

Юқорида қайд қилинганидек, Худойберди ибн Қўшмуҳаммад ўз даврининг ўта билимдон кишилари билан бўлган. Бу унинг “Дили ғаройиб” асарини ёзишда фойдаланган манбалари ва асарларидан ҳам яққол кўзга ташланади. Жумладан: “Ажойиб ул ахбор”, “Ажойиб ул-булдон”, “Ажойиб ул-бухор”, “Ажойиб уд-дунё”, “Ажойиб ул-махлуқот”, “Ажойиб ул-ҳикоят”, “Арас вал-муслимин”, “Арбоби киссае”, “Дорул масир”, “Китоби маориф

¹ Дили ғаройиб. ЎзР ШИ №1335 (266 варак); №853/І (172 варак); Шахсий кутубхонамиздаги нусхаси 536 саҳифа. Мақолада, асосан, шахсий нусхадан фойдаланилди.

² Ахмедов Б.А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI–XVIII вв. Тошкент, “Фан”, 1985, с. 146 – 149; ЎзР ШИ №1335 (266 варак); №853/І (172 варак); СРВ ЎзР, т. VII, с. 309 – 313.

³ Дили ғаройиб. Шахсий кутубхонамиздаги нусхаси, 536 саҳифа.

⁴ СРВ ЎзР, т. VII, с. 309 – 313.

куня”, “Китоби маорифи онбу”, “Мажмаат ул-ажойиб”, “Мажмаат ул-ғариб”, “Мўъжам ул-булдон” “Нузхат ул-кулуб”, “Рабби ул-аброр”, “Равзат ул-аҳбоб”, “Равзат ус-сафо”, “Сувр ул-ақолим”, “Таворихи муътабар”, “Тухфаи Муҳаммадий”, “Тафсири ятсир”, “Тухфат ул-ғариб”, “Тарихи Мағриб”, “Тинхнома”, “Қутуби сейр” каби олам ва одам ҳақидага муътабар манбалардан¹ фойдаланиш билан бирга, келтирилган баъзи маълумотларни, ўз фикр ва хулосаларини “Асхоби таворихнинг баъзилари айтурларким”, “Ҳофизи Абрунинг “Тарих”инда”, “Яна сайрул муликдан нақл қилиб”, “Ибн Чавфал Мисрий ойтурким”, “Соҳиб ойтурким”, “Таворих”да ойтурким, “Ҳамдулло Муставфий китоби “Нузхат ул-кулуб”да”, “Тарихи Мағриб”дин нақл ойтурким, “Абу Али Синонинг ҳикоятиндадур”, “Мавлоно Бурҳониддин жадди бузруквор ва мавлоно Муиниддиндин нақл қилгон китоби”, “Сайид Али Ҳамадоний қуддуса сирроҳу “Китоби зоҳира тул мулк”да ойтғонким”² каби жумлалар орқали яна бир марта тасдиқлаб боради.

Асар ўз даврининг анъанаси бўлган “Бисмиллоҳур раҳмонир раҳим” жумласи ва ҳамд билан бошланиб, ўз замонаси ҳукмдори Оллоқулихонга мақтовлар билан давом этирилади ва Хоразм диёри таърифи келтирилади ҳамда асарнинг ёзилиш сабаби баён қилинади: “Кўп андишадин сўнг бошим тизимга етти. Ҳушим қочти. Қулоқимга овоз келурким: “Бандаи раҳмон, бул охираат йўли будур ва садакаи жориядин бир нимарсани биноға еткурғил, токим, ёд оварлиғ вокеъ бўлғой”. ...Ногоҳ ғариба ва ажиба сўзлардин бир дафтарни қўлумға берди ва жамеъ қилурға ул овоз қилғучи буюрди, кўрдумким, сўзи кўнгулларни очодур ва ғам-қайғулар қочадур. Они ёзорға қалам қўлға олдим. “Дили ғаройиб” деб од кўйдум ва бу оддин мунинг таърихи маълум бўладур ва бул сабабли тўққуз ғариба жамъ бўладур”.³

“Аввалғи ғариба. Офариниши мавжудот ва пораи ажабиян арз ва самовотдин баён қиладур” деб бошланган дастлабки китоб бўлимида мавжудот – одам, ҳайвонлар ва ўсимликлар, Ер ҳамда осмон ва бошқаларнинг яратилиши ҳақида диний нуқтаи назардан маълумот берилиб, Қуръон оятлари билан фикрларини тасдиқлайди. “Аршнинг сифати” деб номланган иккинчи ғарибада коинотнинг чексизлиги ҳақида сўз боради.

Курсининг, қаламнинг сифати берилиб, лавҳнинг сифатидан кейин “Меърож” қисмида диний қарашлар асосида самода жисмларнинг сайр этишлари, осмоннинг етти қавати ва уларда нима борлиги, қуёш, фаришталар ҳамда жаннат таърифи диний қарашлар асосида берилиб, кейин Абу Райҳон Беруний асарлари ва бошқа зижларга асосланган ҳолда, коинотдаги сайёралар, баъзи юлдузлар жойлашган ўрни ва улар орасидаги масофалар фарсанг ўлчов бирлиги асосида илмий асосда таърифланган. Минг сўзини кўп марта такрорлаб, бу масофаларнинг реал узунликлари имкон қадар аниқланган.

“Учинчи ғариба. Ер ва осмоннинг юзундаки нимарсаларнинг зикри ва рубъи маскун (Ер юзи)ни ҳукамо тоифаси етти иқлимға бўлгани” баёнида Ер ости қатламлари, дўзах ҳақида гапирилиб, Ер юзи етти иқлимға бўлинади ва ҳар бир иқлимға таъриф берилган. Айниқса, ер юзининг етти иқлимға бўлиниши ҳақида турли қарашлар баён қилинганлиги ўқувчининг диққатини тортади: ”...ва яна рубъ маскуннинг иқлимларға тақсим топилғонининг сабаби ул бўлғойким, қадимул айёмда бир подшоҳи бор эрканким, онинг етти ўғли бор эркан ва маъмура рубъ маскуннинг тамомиси онинг фармонинда эркан. Бас, авлодининг орасинда хилофлик вокеъ бўлмосун, деб тамоми маъмурани алар учун бўлган. Вақти, бўлақларнинг аввалғиси бирла сўнгғисининг нисбатинда қалил-ул-иморат, яъни оз иморат бўлса, Хатти Устуво бирла аввалғи иқлимнинг оросиға иқлими аввални дохил қилдилар. Ва еттинчи иқлимнинг оросиға, ниҳоят, маъмурани етти қисмға дохил қилдилар, то баробарлиқ ҳосил бўлди ва яна баъзи ойтурларким, етти иқлимға бўлмақнинг сабаби улдурким, ҳар бир иқлимларнинг муносибиға кўра, етти юлдузким, “сабъаи сайёра”дин иборат-

¹ Дили ғаройиб. Шахсий кутубхонамиздаги нусхаси, 536 саҳифа.

² Шу манба.

³ Дили ғаройиб. Кўлөзма, 8-бет.

дур. “Хубби ахлоқ” ва “Афъол”да (асар номлари) андоқким, андин ойтилса керак”.¹ Дастлаб, Ер юзи етти иклимининг таърифи, уларнинг жойлашган ўрни, сарҳадлари таърифи келтирилиб, кейин 265та билодга таъриф берилган.²

Кўлэзмада билодлар таърифи Хоразм баёнидан бошланган бўлиб, у 82–90-саҳифаларни ўз ичига олади. “...билоди Хоразм зиёда кенг вилоятдур. Атрофининг барҳини (қисм, бўлак) Сайхун (Сирдарё)га еткурурлар ва бир тарафи Оккўрғонким ҳоло Боқирғонга машҳурдир ва яна бир тарафи Ўнкўз (Ўнгуз бўлиши ҳам мумкин)ким, Фаридуннинг ақдурғон сувининг шимолиндадур ва бир тарафи Саройи Султон ва ҳадларнинг оросинда улуғ ва кичик қалъалар ва кентлар кўп бўлғон ва Жанубияси Қизилқумким, оросинда устун кўп бўладур ва қадимда қирқ-эллик дарвозали шаҳарлари бор эркан..”, деб бошланган бу матн Б.Аҳмедов томонидан ўзбек тилида таъдилди ва рус тилига таржимаси эълон қилинганлиги сабабли, баъзи дарслик ва тадқиқотларда “Дили ғаройиб” Хоразм тарихига оид асар деб берилиши жудаям тўғри эмаслигининг гувоҳи бўлдик.

Етти иклим ва шаҳарлар ҳақидаги 82–446-саҳифаларни ўз ичига олган бу боб кўлэзманинг асосий қисмини ташкил қилиб, унда иккинчи билод сифатида Хуросон таърифланган бўлса, 265-билод сифатида Термиз ҳақида баён қилинган. Бу мамлакатлар ва шаҳарлар жойлашган ўрни, одамлари ҳайвонот олами, ажойиботлари, урф-одат ва анъаналари, кийим-кечаги, озиқ-овқати, уйлари, айниқса, тарихига оид аниқ ва баҳс-мунозарали маълумотлар шундай кўпки, бу бизнинг тарих, этнография, антропология, ботаника, зоология, география, геодезия, доришунослик ва бошқа кўплаб соҳалардаги билимимизни оширади.

Кейинги ғарибаларда абжад ҳисобини эркин билиш, дарёларнинг узунлиги, эни ва чуқурлигининг баёни, сеҳр-жоду илми, тиббиёт, ой ўринлари ва инсон ташқи кўриниши, Қиёматнинг аломатларин зикри баён қилинган, яъни муаллиф сўзи билан айтсак: ”Тўкқуз ғариба бирла сўз бошладинг ва одини “Дили ғаройиб” дединг. Мақсудинг омури ғариба ва ажибалар бирла эркан, авваламбор, бошлағонинг офариниш мавжудоти алавий, яъни осмон ва Арш ва Курси ва Қалам ва Лавҳ ва сойири ажром фалакидур. Буларни ёздинг, токим, ўқуб, билсунлар ва нодонга тушунтурсунлар. Ва яна мақсуд ёротилғонлардинким, буларга сабаби вужуд бовужуд саиди коинот алайҳи афзал мавжудот салооллоҳи васаллам ва ол асҳоба ажжамаъиндур. Ва баъзи анбиё (пайғамбарлар) ва хулафои арбаа (тўрт халифа) ризвонуллоҳ таоло алайҳум ажмаъинни зикр қилдинг. Омур ғарибаси бирла ва мўъжиза кароматлари бирла ва яна сифли, яъни ерда баъзи ғарибалариким, тоғларда ва билодларда ва дарёларда ва чашмаларда ва мундин ўзга воқеъларким, таҳсин қолмоқнинг маҳалидур ва ўлчагидур ва они етти иклимга қилғон баённи кўргуздинг ва баъзи хосият тошларда бор ва яғмур (ёмғир) ёғдурмоқнинг амаллари ва инсон сувратининг ғариба ҳоллариким, фаросат тариқаси бирла ҳукамо халқи маълум қилибдурлар. Ва баъзи ҳодисоти бумиядин амури авқот (вақт амри)нинг ҳасаби бирла зоҳир бўладур. Қамар сайри (ойнинг айланиши ва қачон туғилса, қандай ҳодисалар бўлиши)нинг ҳисоби бирла ўн икки буржни кезадур ва ҳар бирисида ҳукмлари бир хосият баён қилибдурлар.

Ва бу ўзга ғарибалардек Маконга маҳсус эрмас, Замонда маълум бўладур ва баъзи осори илм сиймиё (сеҳргарлик илми сирлари) ва шаъбада ҳам ғоят ғариб ва ажиборликдур ва баъзи букъа (макон, жой)нинг ораси неча фарсахдур, билсунлар ва дарёларнинг таъинини ҳам қилди ва булардин сўнг ҳосили дунёнинг аввали ва ораси, то бу ерга келгунча. Борлиқ ва тирикликда бўлунур сўзлардур. Сўнғи, Қиёматдур. Қиёматга яқин ғариба ва ажиба нимарсаларнинг аломатлариндин бор эрди. Шул сабабли китоб сўнгинда ондин бироз тақрир бўлунди. Пўшида (бостирилган) қолмосунким, ҳар нимарсаиким, бу рисолада зикр бўлунди, ҳамаси мўътабар китоблардиндур”.³

¹ Дили ғаройиб. Кўлэзма. 63 – 64-бетлар.

² Билод – мамлакат ёки шаҳар.

³ Дили ғаройиб. Кўлэзма. 533 – 535-бетлар.

Хулоса қилиб айтганда, Худойберди ибн Қўшмухаммаднинг “Дили ғаройиб” асари ўз даври учун дарслик даражасидаги асар бўлган бўлиши мумкин. Чунки болалигимизда момоларимиз айтиб берган эртақнома мамлакатлар, хаёлий олам, ажабтовур мавжудодлар ва фаришталар, аниқ жойлар, коинот жисмларию Ер юзидаги ҳар хил мўъжизалар, аниқ тарихий шахслар, худудлар, шаҳарлар, турли хил инсонлар, улар ҳаёти билан боғлиқ ҳикоялар яна бир бор кўз ўнгингиздан ўтгандек бўлади. Манбашунос устозлар таъриф берганидек, асар геокосмографик мазмунда ёзилган. Ундан коинот, астрономия, сайёралар, геологи ва география, геодезия, этнография, теология-диншунослик, ботаника, зоология, экология, бола тарбияси, урф-одат ва анъалар, кийиниш, озиқ-овқат, доришунослик, табиатушунослик, дарёлар, тоғлар, чўллар, тарих илмларига оид кўплаб билимларга эга бўлиш билан бирга, XIX асрда хоразмликларнинг олам тузилиши тўғрисидаги диний-дунёвий қарашлари ҳақида ҳам илмий тасаввурга эга бўла оламиз.

Shoira Nurullayeva, Sirojbek Allanazarov (UrDU)
TARIXIY ANTROPOLOGIYANING VUJUDGA KELISHI VA RIVOJLANISHI

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada tarixiy antropologiyaning vujudga kelishi va rivojlanishi, tarixiy antropologik yondashuv va metodlar, inson haqidagi fanning bugungi kundagi ahamiyati tahlil qilinadi.*

***Аннотация.** В данной статье анализируется возникновение и развитие исторической антропологии, исторические антропологические подходы и методы, значение современной науки.*

***Annotation.** This article analyzes the emergence and development of historical anthropology, the historical anthropological approach and methods, and the importance of human science today.*

***Kalit soʻzlar:** tarixiy antropologiya, Immanuel Eduard Shavann, antropologik yondashuv, antropologik jamiyatlar, annallar maktabi.*

***Ключевые слова:** историческая антропология, Иммануэль Эдуард Шаванн, исторические подходы, исторические сообщества, школа анналов.*

***Key words:** historical anthropology, Immanuel Eduard Shawann, anthropological approaches, anthropological communities, Annals School.*

Tarixning turli davrlarida insonni oʻrganish muhim masala boʻlib kelgan. Hozirgi zamon fan va texnika taraqqiyotining inson jismoniy va maʼnaviy qiyofasiga, ruhiyati va malakasiga taʼsiri uni bir butun, yaxlit oʻrganishni talab qilmoqda.

Antropolog olimlarning guvohlik berishicha, bugungacha toʻplangan barcha bilimlarning 95–98 foizi tabiat muammolariga bagʻishlangan.¹ Shu sababdan bugungi globallashuv zamonida, texnika taraqqiyoti nihoyatda tezlashgan bir davrda, inson haqidagi bilimlarni yanada kengaytirish dolzarb ahamiyatga ega hisoblanadi. Shu sababli insonni har tomonlama tadqiq qilayotgan “Tarixiy antropologiya”ga qiziqish bugungi kunda ortib bormoqda. Ayniqsa, bu borada Gʻarbiy Yevropa olimlari juda ham ildam harakat qilib, koʻplab izlanishlar olib bormoqdalar. Nimaga deganda, bugungi kunda “Tarixiy antropologiya” insonni tadqiq qilish jarayonida nafaqat antropologik yondashuv bilan, balki boshqa ijtimoiy fanlar bilan oʻzaro muloqotga kirishgan holda “madaniyat” tushunchasi atrofida birlashmoqda. Shaxslararo va guruhlararo munosabatlarga birinchi darajali eʼtibor bilan nazar tashlaydi. Inson hayotining barcha koʻrinishlarida va harakatchan madaniyatdan siyosiy madaniyatgacha boʻlgan barcha jabhalarni oʻrganmoqda. Shu sababli ham fanning tadqiqot predmeti ilmiy jamoatchilik tomonidan yetakchi jarayon sifatida qabul qilinadi.

Antropologik bilimlar tizimida “Tarixiy antropologiya”ning oʻrni qanday? Biz uni anʼanaviy yoki darajalar boʻyicha tasniflash doirasiga ajrata olmaysiz. Tarixiy antropologiya-antropo-

¹ Choriyev.A. Inson falsafasi. Toshkent, Oʻzbekiston faylasuflari milliy jamiyati nashriyoti, 2007, 5-bet.

logiya fanining mustaqil bo‘limi sifatida emas, balki alohida olinadigan fan sifatida e’tirof etiladi.¹ Antropologiya etimologiyasiga nazar tashlaydigan bo‘lsak, bu so‘z ikki yunon so‘zining, “antropos” – inson va “logos” – ta’limot birikmasidan tashkil topgan bo‘lib, inson haqidagi fan sifatida talqin qilinadi.² Tarixiy antropologiya inson taraqqiyoti va xulq-atvorining barcha turlarini o‘rganib, madaniy va ijtimoiy hodisalarga umumiy ta’rif berishga harakat qiladi. Antropologiya – insoniyat hayotining asosiy muammolari o‘rganilayotgan tabiiy va insoniylik bilan bog‘liq bo‘lgan fan sohasidir.³ Ushbu termini Immanuel Eduard Shavann 1787-yilda ilk marotaba ishlatgan bo‘lsa-da, 1850-yilgacha alohida fan sifatida shakllanmagan.

Antropologiya keng qamrovli fan bo‘lib, u inson holatining barcha jihatlari: o‘tmishi, hozirgi kuni va kelajagini o‘rganish, shuningdek, odamning biologik jihatlari, jamiyatdagi o‘rni, tili va madaniyatiga alohida e’tibor qaratadi. Antropologik yondashuv – xalq madaniyatiga, insonlarning tarixdagi o‘rni, jinslar, oila va, nihoyat, kundalik hayot o‘rtasidagi munosabatlarga ko‘proq e’tibor qaratishga imkon beradi.⁴ Shu nuqtayi nazardan, olimlar antropologiya fanini ikkita asosiy qismga, jismoniy antropologiya va madaniy antropologiyaga bo‘ladilar. Ularning har biri, asosan, mustaqil fan bo‘lib, “Jismoniy antropologiya” tabiiy fan sifatida, “Madaniy antropologiya” esa ijtimoiy fan sifatida tavsiflanadi. “Tarixiy antropologiya”da tadqiqot olib borish boshqa ijtimoiy fanlardan qiyosiy va keng qamrovliligi bilan ajralib turadi.

Antropologlar, ko‘pincha, dala amaliyotlaridan foydalangan holda tadqiqot olib boradilar. “Ishtirokchi-kuzatuvchi” tadqiqot usuli antropologiya fanining dastlabki davrlarida ishlab chiqilgan bo‘lib, hozirgacha undan foydalanilmoqda. Ilmiy fan sifatida antropologiya mustamlakachilik davridan boshlangan. Dastlabki antropologik ma’lumotlar buyuk geografik kashfiyotlar davriga borib taqaladi. O‘rta asr dunyosidan tashqarida kashf etilgan yangi-yangi hududlar va xalqlar antropologiyaga zarurat tug‘dirdi. XVIII asr oxiridan boshlab antropologiya rivojlana boshladi. Birinchi antropologlar shifokorlar, tabiatshunoslar, yangi ochilgan yerlardan mahalliy xalqlar turmushi bilan qiziqqan sayyohlar va tadbirkorlar edi.

XIX asrning 60-yillarida turli mamlakatlarda antropologiya jamiyatlari tashkil etila boshladi. Dastlabki antropologiya jamiyati 1859-yilda Parijda, 1863-yilda Londonda, 1868-yilda Rimda, 1869-yilda Berlinda, 1870-yilda Vena shahrida, 1871-Florensiyada, 1863-yilda Moskvada tabiatshunoslik, antropologiya va etnografiya jamiyati doirasida antropologiya bo‘limi tashkil qilindi. Jamiyatlarda antropologik yondashuvlar, asosan, antropologiyani qiyosiy anatomiya va tibbiyot bilan uyg‘unlashtirgan holda amalga oshirildi.⁵ 1884-yildan boshlab antropologiya Buyuk Britaniyaning Oksford universitetida o‘qitila boshladi.

“Tarixiy antropologiya”ning metodologik asoslari bilim sohasi sifatida M.Fuko, M.Burder, N.Elias va boshqalar tomonidan yaratilgan bo‘lib, ular fanning asosiy tushuncha va tamoyillarini to‘laqonli ochib berdilar.

“Tarixiy antropologiya” tarixida Fransiya antropologiya maktabi muhim o‘rin tutadi. XIX asrning ikkinchi yarmida Yevropadagi boshqa yirik davlatlar singari Fransiya siyosiy doiralari tomonidan mustamlakachilik siyosatining kuchayishi va mustamlakalarni boshqarish mexanizmining murakkablashuvi, qaram xalqlar to‘g‘risida kengroq ma’lumotlarga ega bo‘lishni, ularning milliy xususiyatlari, o‘tmish tarixi, turmush tarzi, madaniyati va an’analari haqida batafsilroq ma’lumot olishni talab qilgan. Shu bois antropologiya bu yerda “etnografiya” deb yuritilgan.⁶ Fransiyada tarixiy antropologiyaning taraqqiyoti Annallar maktabi faoliyati bilan bog‘liq. Fransiyada tarixiy antropologiyaning fransuzcha versiyasi hisoblanadigan Annallar maktabining

¹ Алексеев В.П. Историческая антропология. М., “Высшая школа”, 1979, с. 48.

² Thomas Hylland Eriksen-An Introduction to Social and Cultural Anthropology, second edition 2013 by Pluto press, p. 9.

³ Ульянова С.Б., Беседина Е.А. Историческая антропология. Санкт-Петербург, “Нектор”, 2006, с. 5.

⁴ O‘sha joyda.

⁵ Алексеев В. Историческая антропология. М., “Высшая школа”, 1979, с. 11.

⁶ Nurullayeva Sh., Matqurbonov O. “Tarixiy antropologiya” fanidan o‘quv-uslubiy majmua. U., 2018, 7-bet.

a'zosi M.Blok ba'zi ma'lumotlarda haqli ravishda tarixiy antropologiya asoschisi sifatida tan olinadi.

Fransiya antropologiya maktabida Parij antropologiya jamiyati asoschisi, mashhur fransiyalik qiyosiy tahlilchi va jarroh Pol Brok alohida o'ringa ega. Pol Brok antropologiyaga qiziqish bilan qarab, antropologik tadqiqotlarni boshlagan. U o'ziga o'xshagan bir necha antropologiyaga qiziquvchilarni to'plab, antropologiya jamiyatiga asos soladi. Brok o'zi turli xil antropologik mavzular – antropologiya tadqiqotlari, alohida xalqlarning irqiy tuzilishi, kraniyologiya, antropometrik va kraniometrik asboblarni ixtiro qilgan. Bugungi kunda antropologlar tomonidan qo'llanilayotgan ko'plab qurilmalar Brok tomonidan tavsiya etilgan prototiplarga tayanadi.

Keyingi davrlarda “Tarixiy antropologiya” fanida ko'plab yangi nazariy-metodologik qarashlar hamda g'oyalar paydo bo'ldi. Shubhasiz, bunday qarashlarning paydo bo'lishi dunyo miqyosidagi siyosiy jarayonlarning o'zgarishi bilan bog'liq. Bu davrda Yevropa antropologlari tomonidan bir qator yangi nazariyalar yaratildi. Ayniqsa, Ikkinchi jahon urushidan so'ng mustamlakachi imperiyalarning yemirilishi antropologiyaning taraqqiyotiga sezilarli ta'sir qildi, deb aytish mumkin.

Tarixiy antropologiya taraqqiyotida rus olimi Valeriy Pavlovich Alekseyev alohida o'rin tutadi. Uning tarixiy antropologiyaga oid “Историческая антропология”, “Историческая антропология и этногенез” kabi asarlari fanning dolzarb masalalariga bag'ishlangan bo'lib, muallif mazkur asarlar orqali tarixiy antropologiyaga oid o'z qarashlarini bayon qilib o'tadi. Xususan, 1979-yilda nashrdan chiqqan “Историческая антропология” asarida fanning metodlari, tadqiqot doirasi va tarixiy antropologik yondashuvlarni batafsil yoritadi.

Shuni alohida ta'kidlash joizki, tarixiy antropologiya insoniyatni qiyosiy va tahliliy ma'lumotlar asosida har tomonlama o'rganadigan fan bo'lib, uning tadqiqot doirasi uzoq odamzod va u bilan bog'liq tabiiy va ijtimoiy hodisalar sanaladi. Chunki inson yaralibdiki, o'zini qurshab turgan olamni bilishga intiladi. “Tarixiy antropologiya” fani insonni ana shu olam markaziga qo'yib, uning jismoniy va ma'naviy dunyosini ochib berishga intiladigan ijtimoiy fan sohasidir. Tarixiy antropologik yondashuvning asosiy maqsadi ham insonni sivilizatsiya jarayonidagi roli va ahamiyatini har tomonlama ko'rsatish, tarixning qaysi davrini olsak-da, o'zgarishlar va taraqqiyotning asosiy harakatlantiruvchi kuchi inson ekanligini isbotlashdan iboratdir.

Зафар Адилов (УрДУ)
 ИСЛОМ ДИНИ ТАЪЛИМОТИДА ТАБИАТ БОРЛИҒИ ВА
 МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАСИ

Аннотация. Ушбу мақолада Ислом дини манбаси бўлмиш Қуръони карим оятларида атроф-муҳит, табиат, ҳайвонот олами, уларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида мулоҳазалар юритилган.

Аннотация. В данной статье даны разъяснения о взаимоотношениях окружающей среды, природы и животного мира на материале аятов (религиозных стихов) священной книги «Коран», являющейся основным источником исламской религии.

Annotation. This article explains the relationship between the environment, nature and wildlife in the materials of the ayahs (religious poems) of the holy book “Koran”, which is the main source of the Islamic religion.

Калим сўзлар: сўфий, тийн, Масад, Аҳқоф, Қамар, Шамс, Ҳадид, хина, кун, тун, ой, тоғ, юлдуз, ҳижр.

Ключевые слова: суфизм, Фига, Масад, Ахкаф, Луна, Солнце, Железо, хна, день, ночь, месяц, гора, звезда, хиджр.

Key words: Sufism, Fig, Masad, Akhkaf, Moon, Sun, Iron, Henna, Day, Night, Month, Mountain, Star, Khidjr.

Муқаддас диний китобларда – Қуръони карим, Ҳадиси шарифларда атроф-муҳитни асраш, ҳайвонларни боқиш, ўсимликларни парвариш қилиш тўғрисида кўп илғор, ибратли фикрлар айтилган. Баъзи ҳайвонларни овлаш тақиқланган, дарахтларни кесиш, ўрмонларни нобуд қилиш ман этилган. Ҳатто урушларни ҳам махсус жойларда ва маълум муддатда олиб бориш тайинланган.

Пайғамбарлар, ислом мутафаккирлари, сўфийлар ўз ҳаёт йўлларида табиат борлиғи ҳамда унинг ноёб ҳар бир оламига жуда эзгулик билан муносабатда бўлганлар. Дунёда биринчи бор деҳқончилик, тегирмончилик ва новвойлик қилган киши Одам (а.с.)дирлар. Қалам билан биринчи марта ёзув ёзган, биринчи бўлиб тош-тарозу ишлаган Идрис (а.с.) ўсимликлардан дори тайёрлаб, турли касалликларни даволар эдилар.¹

Қуръони каримнинг бир қанча суралари ҳайвонлар номи билан аталган, масалан, “Бақара” (Сигир), “Фил”, “Наҳл” (Асаларилар), “Анъом” (Чорва), “Анкабут” (Ўргимчак), “Намл” (чумолилар), ”Одиёт (Чопкир отлар).

Унда мевали ўсимликка бағишланган “Тийн” (анжир) суралар, ”Масад” (пишиқ тола; хурмо пўстлоғи) ва экотизимга бағишланган оятлар, масалан, “Аҳқоф” (кумтепалар) ҳамда минералларга бағишланган “Қамар” (Ой сайёраси), ”Шамс” (Қуёш) ва “Ҳадид” (темир – Ер қуррасида энг кўп учрайдиган инсонга фойдали металлнинг номидан олинган) суралар ҳам бор.

Қуръоннинг 40 та жойида дарахтлар ҳақида маълумотлар берилган бўлса, шу оятларнинг 20 таси хурмо дарахти ҳақидалиги диққатига сазовордир. Бундан 6000–8000 йиллар илгари хурмо дарахти Месопатамияда хонакилаштирилган. Хурмо юракнинг бир маромда ишлашини таъминлайди, хотирани ўткирлаштиради, астма касалига даво, кўз касалликлари – кератит офтальмия касалига – шифо, ҳомиладор аёллар учун фойдалилигини Ибн Сино ўз асарларида алоҳида таъкидлаган.²

¹ Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир (Қуръони каримда пайғамбарлар сиймоси). Т., ”Мовароуннаҳр”, 2005, 47; 63-бет.

² Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд, Т., 1993, 136-бет.

Ковок ўсимлиги ҳақида “Саффот” сурасининг 146-оятда маълумот берилган. Олимларнинг аниқлашича, ковок инсонни тўқ тутиш хусусиятига эга экан.¹

“Аллоҳ таоло ковокни ҳикмат билан яратган. Унинг барги ўта мулойим, сояси қалин. Унга чивин яқинлашмайди, мевасини пўсти ва уруғи билан пишириб ҳам, хомлигича ҳам ейиш мумкин. Унинг инсон саломатлигига фойдаси катта. Бу дарахт меваси инсонларга берилган Аллоҳнинг улуғ неъматларидандир”.²

Ҳантал ўсимлиги (“аччиқ қалампир”) оятларнинг “Анбиё” сураси 47 ҳамда “Лукмон” сураси 16-оятларида учратиш мумкин.

Тошкент Ислом университети катта илмий ходими А.Юнусов ҳақли равишда кўпчилик дарахтлар Куръони каримда ўз номи билан эмас, балки “Шажара” сўзи орқали, мевалар эса “Факиҳа” сўзи орқали берилганини жуда ўринли таъкидлайди.

Зайтун ўсимлиги “Нур” сурасининг 35-оятда унинг мойининг тиниқ ёниши ҳақида маълумот берилган: “...У (чироқ) на шарқий ва на ғарбий бўлмаган муборак зайтун дарахти (мойи)дан ёкилуру. Унинг мойи (мусаффолигидан), гарчи унга олов тегмаса-да (атрофни), ёритиб юборгудекдир...”.³ Ибн Сино зайтун мойининг ошқозон касалликлари ва ўн икки бармоқли ичак касалликларига даво эканлигини уқдирган.⁴

“Бақара” сурасининг 61-оятда саримсоқ, бодринг, мош, ловия, пиёз ҳақида; кафур ўсимлиги, яъни хина ҳақида “Инсон” сурасининг 5-оятда; “Инсон” сурасида занжибил ўсимлиги ҳақида; “Ар-Раҳмон” сураси 68-оят ва “Анъом” сураси 99 ва 141-оятларида анор дарахти ҳақида кенг маълумотлар келтирилган. Ҳар бир ўсимликнинг фойдали томонлари, даволаш хусусиятлари ҳақида маълумотлар учрайди. Масалан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) майитни кафанлашдан олдин уни “хина” сувига ювишга буюрганлар. Араб давлатларида хинани олтинга тенглаштирганлар.

Куръони каримнинг 12-оятда узум ҳақида маълумот берилган. Ислом дини пайдо бўлгандан сўнггина Арабистон ярим оролида узум парваришlash анча камайган. Куръони каримнинг “Моида” сурасининг 90-оятда май ичиш қатъий ман этилган.⁵ Ҳозирги кунда узумнинг 8000 дан ортиқ тури Европа мамлакатларида етиштирилади. Ўзбекистонда етиштириладиган қовунлар 16 хориж мамлакатига экспорт қилинади.

Одамларга, фарзандларга меҳр қўйиш инсонийлик зийнати бўлганидек, “Одамларга аёллар, фарзандлар, уюм-уюм олтин-кумушлар, саман отлар, чорва ва экинларга меҳр қўйиш зийнатли қилиб қўйилди” (Оли Имрон, 14-оят)” барча табиат оламига меҳр билан қараш, уни Аллоҳ тажаллиси деб билиш авайлашга катта эътибор берилди.

Табиат ходисалари: ”Кун”, ”Тун”, ”Ой”, ”Қуёш”, ”Тоғ”, ”Юлдуз”, ”Ҳижр” (Мадина билан Шом орасидаги водий) каби сураларда Еру осмон, қуёш, ой, шамол ва сув каби табиат неъматларининг бари инсон хизматида экан, инсон уларни эъзозлаши, уларнинг табиий қонуниятларига аралашмасликлари ҳақида фикр-мулоҳазалар юритилади.

Куръони карим ҳайвонот оламига жуда катта эътибор бериб, уларни авайлаб-асрашга даъват этади. Ҳайвонот олами ҳам инсоният каби, дунёда яшашга ҳақли эканлиги, уларни қийратмаслик, уларга тамға босмаслик, оч-наҳор қўймаслик, уларни кўпайтириш, чин қалбдан парваришlash ҳақида фикр билдирилади. ”Анъом” сурасида шундай ёзилган:

“Ерда юрадиган ҳайвонлар, осмонда учадиган қушлар, сувда сузадиган балиқлар Сиз каби умматларимдир”. Бошқача таржимада бундай ёзилади: “Ердаги бирор жонивор ва бирор икки қаноти билан учадиган парранда йўқки (улар ҳам), сизлар каби умматлар

¹ Plants of the Quran By M.I. H.Farooqi. Published by Sidrah Publishers, 1989, p. 42.

² Ибн Касир. Қисасул-анбиё. Коҳира, 218–219-бетлар; Раҳматуллоҳ қори Обидов. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир (Куръони каримда пайғамбарлар сиймоси). Т., ”Мовароуннаҳр”, 2005, 232-бет.

³ Куръони карим. “Нур” сураси, 35-оят.

⁴ Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. 1-жилд, Т., 1993, 136-бет.

⁵ А.Мансур. Куръони карим. Маъноларининг таржимаси. Т., Тошкент Ислом университети нашриёти, 2007, 36-бет.

бўлмасалар” (38-оят).¹ Инсон билан ўсимлик, ҳайвонот оламининг бир ўринда, бир поғонада кўйилиши бежиз эмас, бу ерда ақл билан мушоҳада юритадиган фикрлар бор.

Ақл билан мушоҳада қилинадиган фикрлар бизнинг нуктаи назаримизча, қуйидагилардир:

1. Инсон қанчалик Оллоҳ олдида, борлиқ олдида қанчалик азиз ва мўътабар бўлса, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳам шу қадар азиздир, зеро, олам учун ҳар бирининг ўрни бўлак;

2. Инсон билан табиатнинг барча компонентлари, чунончи, ўсимлик, ҳайвонот, минералларнинг ҳеч бирининг иккинчи биридан устунлиги йўқ. Инсон, гарчи минг бора ўсимлик ва ҳайвонот оламидан ақл жиҳатдан устун бўлса-да, у ўзи табиат бўлаги, у ҳам табиатга тааллуқли. У ҳеч қачон табиат устидан ҳукмрон бўла олмайди. Инсоният экологик компонентлар билан бир сафда туриб, табиат қонунларига бўйсуниб, табиат қонунларининг ҳеч бирини бузмагандагина биосферани ноосферага айлантира олди. Бошқа сўзлар билан айтганда, барқарор тараққиётга эришишнинг биринчи омили табиат қонунларига бўйсуниб саналади. Балки шу сабабли ҳам, Хеопс эҳроми деворларида: “Аксари одамлар табиат қонунларини билмаганлари туфайли нес-нобуд бўлиб кетадилар”, деб ёзилган афоризм бор.

Бу борада инглиз файласуфи, тажриба усулининг асосчиси Фрэнсис Бэкон (1561 – 1626)нинг табиат билан жамият орасидаги муносабатларнинг қоидалари ҳақидаги фикрлари, айниқса, диққатга сазовордир. Яков I қироллиги даврида давлат миқёсида юқори лавозимга (лорд – канцлер) эришган Ф.Бэкон ўзининг “Янги Органон” (1620) (Аристотелнинг “Органон” асаридан фарқли) фаннинг вазифаларини янгича тушуниш ва индустриянинг илмий асосларини ёритишга эришди. Инсон қайси пайт табиат устидан ҳукмрон бўла олиши мумкин? Қайси пайт у табиатдаги сабабий боғланишларни илмий ўргана олса, ўша тақдирда ҳам Бэкон табиат билан жамият ўртасидаги асосий қонунни тўғри аниқлаб, бундай ёзди: “...моҳият шундаки, “ҳеч қачон инсоният табиат устидан ҳукмронлик қила олмайди, аммо унга бўйсунди”... Бошқа жойда ...”Биз табиат устидан ҳукмронлик қила олмаймиз... гўё кимдир табиатдан ташқаридагидек...биз, аксинча, ўз танамиз, қонимиз, нафасимиз ва миямиз билан табиатга тааллуқлимиз ва биз унинг ичидамыз...бизнинг барча ҳукмронлигимизнинг моҳияти шундаки, бошқа жонзотларга нисбатан унинг қонунларини ўргана олишимиз ва уларни ўринли ишлата олишимиз мумкин”.

Инсон табиатдан ташқарида яшай олмас экан, у табиат қонунларини очиши, уларга, сўзсиз, итоат этиши шарт. Зеро, “табиат–инсон” тизим яхлит, ягона. Бу тизимни умумбаشارий миқёсда кўриш лозим.

Қуръоннинг «Моида» сурасида бундай деб ёзилган: «Сизларнинг манфаатингиз учун ва мусофирларингиз учун ҳам сизларга денгизда ов қилмоқлик ва ундаги таомларни истеъмол қилмоқлик ҳалол қилинади. Сизларга, қачонки, эҳромда бўлган вақтларингизда қуруқликда ов қилиш ҳаром қилинди» (96-оят). Демак, денгиз ва дарёларда ов билан шуғулланиб юрган кишиларнинг қуруқликда ов қилишга ҳуқуқлари бўлмаган. Бунинг замирида энг оддий бир экологик қоидага амал қилинган, яъни ерда ҳам, сувда ҳам яшайдиган тур сонининг оптимал (қулай) сони доимо сақланган.

Ислом фақат ҳайвонларни овлаш, қушларнинг тухумига зарар етказмаслик ҳақида фикр юритиб қолмай, балки қоида бузувчилар тўғрисида ҳам ўз фикрларини айтган. Бу хусусда «Моида» сурасида шундай дейилади: «Эй мўминлар, ўзларингиз эҳром чоғингизда ҳайвонларни овлаб ўлдирманглар. Кимки қасддан ўлдирса, унга жазо лозим бўлур, яъни ўлдирилган жонзот мислида жаримага ҳукм қилинур. Сизлардан икки мўътабар одамга Каъбага олиб келинган ҳайвонларни шу ов баробарида, забҳ этишга ҳукм қилурлар. Буни қила олмаса, бир неча мухтож одамга таом берур. Бунга ҳам кодир бўлмаса, рўза тутур.

¹ Қуръони карим маъноларининг таржимаси. Т., Тошкент Ислом университети нашриёти, 2001, 132-бет.

Токи қилган амалининг жазосини тортсин. Аллоҳ таоло салаф гуноҳларини авф қилғондир ва ҳар ким яна шундай гуноҳ қилса, Аллоҳ таоло ундан қасос олур”.

Дарҳақиқат, ҳар бир популяция ўзининг динамик сонига эга, бу сифатни белгиловчи миқдорни туғилиш ва ўлим миқдорлари белгилаб беради. Юқоридаги сурада, бир томондан, популяция ўртача миқдорини асраш ҳақида фикр берилган бўлса, иккинчи томондан, ов қилиш қоидаси, аниқроғи, 70% қоида ҳақида фикр билдирилмоқда.

“...(сўри тоқларга) кўтариб қўйиладиган ва кўтариб қўйилмайдиган (узумзор) боғларни, таъми турлича (бўлган) хурмо ва мевали дарахтларни (ранг ва таъмда), ўхшаш ва ўхшамас зайтун ва анорларни пайдо қилди. Мева ҳосил қилганда, мевасидан енглар. Ҳосил йиғиш кунда (муҳтожларга) ҳаққини (ушри ва хирожини) беринглар ва исроф қилманглар¹ (Анъом сураси, 141-оят).

Қуръони каримдаги “Ҳижр” ва ундан кейин келадиган “Наҳл” сураларида ажойиб бир фикрнинг мантикий изоҳи табиат мувозонати ҳақида ёзилган ғоя инсонни лол қолдиради. Эътибор беринг:

“Ерни эса уни ёйдик ва унга тоғларни ўрнатдик ҳамда унда (ҳар ернинг ўзига) мос турли нарсаларни (ўсимлик ва меваларни) ундирдик (Ҳижр сураси, 19-оят). 21-оятда “...Биз у нарсаларни маълум ўлчов билан (сизларга) туширурмиз”. Тоғлар баландлиги ҳеч қачон Ер сайёрасида 10 километрдан баланд бўлмайди. Барча флора ва фауна ўзларининг муайян миқдорига эга. Бошқача сўзлар билан айтганда, улар ўз табиий-экологик меъёрига эга. Иккинчидан эса ўсимликлар олами билан ҳайвонот оламининг миқдорий муносибати (ёхуд яна бир табиий-экологик меъёр) доимий сақланиши ҳақида фикр берилаётганини аниқлаш мушкул эмас.

“Фотир” сураси 12-оятда қуйидагиларни ўқиймиз: “Икки денгиз тенг бўлмас – буни-си ширин-тотли ва ютумли, униси эса шўр-нордондир. Сизлар (уларнинг) ҳар биридан янги гўшт (балиқ) ейсизлар ва тақадиган зеб-зийнат чиқариб олурсизлар” (436-бет). 27-оятда “...тоғларнинг оқ, қизил, ранг-баранг йўл (лиси) ҳам, тим қораси ҳам бор (437-бет).

Ҳақиқатдан ҳам, айнан балиқ таркибидагина протеин оксиди мавжуд бўлиб, мазкур оксид инсон мия ақлий қобилиятини ривожлантиришда, иммунитетни юқори, фикрлаш қобилияти яна-да юксак бўлиб, кўзлари равшанлашади, катта аҳамиятга молик бу оксидни инсон учун муҳимлигини эканлигини фан исботлади. Инсон мияси талаб этадиган протеин оксидига тўйиниши учун инсон бир йилда 25–27 кг балиқ, балиқ маҳсулотлари истеъмол қилиши шарт экан.² Муқаддас каломда балиққа нисбатан лукмаи ҳалол деб таъриф берилган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки японияликлар бир йилда 69 килограммгача балиқ маҳсулотлари истеъмол қилишар экан. Зеро, энг кўп кашфиётлар кўлами ҳам шу мамлакат ҳисобига тўғри келиши фикримиз исботидир.

Юқоридагиларни қиёсий таҳлил этсак, Қуръони каримнинг деярли барча сураларида табиат борлиғи, унинг хилма-хил неъматлари ҳақида уларнинг тановули ёки ишлатилиши, асралиши ҳақида кенг фикрлар борлигини пайқаш қийин эмас.

632 йил Расулulloҳ (а.с.) Ҳаж пайтида Арафот тоғида Видо хутбасини ўқиганларида ҳам инсонлар моли ҳам мукаррам мавжудот эканлиги тайинлаганлар. Уларнинг васиятларини бажариб келаётган Абу Бакр Сиддиқнинг Усома ибн Зайд бошчилигидаги қўшинга

¹ Ушр – бу олинадиган ҳосилнинг ўндан бирини Аллоҳ йўлига садақа сифатида бериш.

Хирож – ушрдан кўпроқ, ҳатто ҳосилнинг ярмигача бериш. Яман диёридаги бир сахий боғбон фаолиятини эсланг. У ҳар йили кузда меваларни териш учун камбағал-мискинларни таклиф этиб, дарахтдан тергани боғбонга, ерга тушгани терувчиларга деб уларни сийлар эди. У оламдан ўтгач, фарзандлари бахиллик куйига қириб, хато қилишгани “Қалам” сураси, 16–33-оятларда сўз боради.

² Илмий адабиётларнинг баъзи бирларида бир киши бир йилда 12 килограмм балиқ гўштини истеъмол қилса, иммунитетни юқори, фикрлаш қобилияти яна-да юксак даражада бўлиб, кўриш қобилияти яна-да равшанлашади, деб маълумот беришса, бошқа бир илмий мақолада бу кўрсаткични 25 кг дейишган. Аниқроғи, 12 – 25 килограммгача балиқ истеъмол қилинса, фойдадан холи бўлмайди (О.З.–изоҳ бизники). Суванов Х.Балиқчилик – етти хазинанинг биридир! “Экология хабарномаси”, 2009, 6, 36-бет.

жангдан олдин қилган васиятида болалар, қариялар, аёлларни ўлдирмаслик ҳақидаги таъкидларида:

“...Иморатларни вайрон қилманг, хурмоларни кесманг ва куйдирманг. Меваси бор дарахтни кесманг. Қўй, сигир ва туяларни сўйманг...” каби ўнта насихат тавсиялар берадилар. Бу тавсиялар ҳужжат мақомида мусулмонлар томонидан қабул қилинади ва уларга амал қилиш мажбурий ҳисобланади.

Ғуломжон Сапаев (УрДУ)

МУНИС ХОРАЗМИЙНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ВА УНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада XIX аср Хоразм ижтимоий-ахлоқий фикрлар тараққиёти вакили Мунис Хоразмийнинг маънавий мероси ва ижодини ўрганишнинг зарурияти, айниқса, унинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларини тадқиқ қилишнинг бугунги кундаги аҳамияти ёритилган.

Аннотация. В статье освещается необходимость изучения духовного наследия и творчества Муниса Хорезми – представителя идей общественно-нравственного развития Хорезма в XIX веке, сегодняшняя значимость исследования его социально-философских и духовно-просветительских взглядов.

Annotation. The article highlights the need to study the socio-ethical heritage and creative works by Munis Khorezmy, especially, the importance of the study of his socio-philosophical and spiritual-educational views at present day.

Калим сўзлар: Мунис Хоразмий, маънавий мерос, маърифатпарвар, ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашлар, “Девони Мунис”, “Мунис ул-ушшоқ”, инсонпарварлик.

Ключевые слова: Мунис Хорезми, духовное наследие, просветитель, социально-философские и духовно-просветительские взгляды, “Девони Мунис”, “Мунис ул-ушшоқ”, гуманизм.

Key words. Munis Khorezmy, spiritual heritage, educator, socio-philosophical and spiritual-educational views, “Devoni Munis”, “Munis ul-ushshoq”, humanism.

Ўзбекистонда мустақилликнинг илк йиллариданоқ миллий тарихимиз ва маънавиятимизни, ўзлигимизни қайта тиклашга, халқимизнинг бой маънавий меъросини ўрганиб, кенг ёритиш, жамоатчиликка таништириш ва тарғиб қилишга катта эътибор берилди бошлади. Бу даврда жаҳон цивилизациясига ўзининг бой маънавий мероси билан муҳим ҳисса қўшган марказий осиелик Форобий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Ясавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур сингари ўрта аср алломалар, шунингдек, Мунис Хоразмий, Огаҳий, Комил Хоразмий, Феруз, Аваз Ўтар, Табибий каби Хоразм маърифатпарварларининг ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ва гуманистик қарашлари ҳар томонлама чуқур, холисона, янгича ёндашувлар асосида тадқиқ қилина бошланди.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўз чиқишларида аждодларимиз томонидан яратилган ғоят улкан бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилгани ниҳоятда муҳим вазифа эканлигини кўп бор таъкидлаб келмоқдалар. Жумладан, бу ҳақда: “Ҳозирги кунда Ўзбекистоннинг китоб фондларида 100 мингдан зиёд қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар хали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўз ўқувчиларини кутиб турибди. Ушбу ноёб асарларда бугунги давр ўртага қўяётган жуда кўп долзарб муаммоларга жавоб топиш мумкин. ...Лекин биз, ана шундай ноёб мерос ворислари, шундай бойлик эгалари бўлатуриб, уларни ҳар томонлама ўқиш-ўрганиш, халқимиз, аввало, униб-ўсиб келаётган ёшларимизга, жаҳон ҳамжа-

миятига етказиш бўйича етарли иш қилмаганимизни ҳам очик тан олиш керак”,¹ деган эди.

XIX аср Хоразм ижтимоий-ахлоқий фикрлар тараққиётида шоир, тарихнавис, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар олим сифатида машҳур бўлган Мунис Хоразмийнинг (асл исм-шарифи Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли, 1778–1829) ижоди муҳим ўринга эгадир. Мунис Хоразмийнинг маънавий мероси, у яратган асарлар, унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ахлоқий қарашлари воҳада ундан кейин етишиб чикқан маърифатпарварлар ижодида катта роль ўйнаган. Ҳатто уни XVIII–XIX аср Хоразм ижтимоий-ахлоқий фикрлар тараққиётини, маърифатпарварлик ғояларини бошлаб берган шоирлардан, десак, муболаға бўлмайди.

У ўзининг қиска ҳаёти ва ижодий фаолияти давомида нафақат ўзбек адабиёти тараққиётида муҳим ҳисса қўшган турли адабий жанрларда бадиий асарлар, балки ижтимоий-сиёсий, маиший-ахлоқий масалаларга оид мавзуларни ўз ичига олган, маънавий-маърифий ва гуманистик ғоялар акс этган катта асарлар ёзиб қолдирган, тарихий ва таржима асарлари эса ўзи яшаган давргача ва ўз давридаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни билишда муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Мунис 1804 йилда “Девони Мунис” номли илк шеърлар девонини ёзади. Шунингдек, у таълим олиш, савод чиқариш ва маърифий-тарбиявий масалаларга оид “Саводи таълим”, “Мунис ул-ушшоқ” (“Ошиқлар дўсти”) девони, ўз давридаги суғориш иншоотлари ва ер-сув муносабатларига доир “Арналар” (арна-анҳор, канал) номли рисоласи шулар жумласидандир.

Мунис таржима соҳасида ҳам салмоқли ишлар олиб борган бўлиб, унинг таржима асарлари Қадимги Хоразм тарихидан то у яшаган давргача бўлган Хива хонлигидаги ижтимоий-сиёсий вазият, яқин халқлар ва давлатлар билан ўзаро муносабати, халқнинг турмуш тарзи ва яшаш шароитига оид қимматли маълумотлар беради. Хусусан, у 1806 йилда “Фирдавс-ул-иқбол” (“Бахт боғи” ёки “Бахт-саодат боғи”) номли асарни, 1819 йилда Мирхонднинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боғи») тарихий асарини туркий тилга таржима қилишни бошлайди. Афсуски, Мунис бу асарларни охиригача таржима қилишга улгурмайди ва бу бу икки асарни ҳам тугата олмай вафот этади.

У ушбу таржима асарлари билан ўзбек халқи маданияти тарихи хазинасига муносиб ҳисса қўшди ўз даврида хуснихат мактабини яратди.

Мунис ўз даврнинг таниқли хаттотларидан бири ҳам бўлган. У Навоийнинг «Мезон ул-авзон», «Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер» асарларини китобат қилган (1794, 1797). Ҳатто ушбу асарларни олдинги айрим хаттотлар йўл қўйган хатоларни тузатиб, саводли кўчирган бўлиб, бу унинг аруз илмининг хос билимдони эканлигидан ҳам далолат беради.

У ўзбек адабиётида Навоий анъаналарини ижодий давом эттирган катта истеъдод эгаси бўлиб, Мунис Навоийни ўзига яқин тутди. Чунки Навоий асарларидаолға сурилган инсонпарварлик, ватанпарварлик, ҳаққонийлик, мардлик, тўғрилиқ, маърифатпарварлик каби масалалар Мунис ижодининг ҳам асосини ташкил этади. Шоирнинг 19 та мухаммасидан 10 таси Навоий ғазалларига боғланганлигининг ўзи Муниснинг Навоийга ҳурмати катта бўлганлигини кўрсатади.

Бугун Мунис Хоразмий ижодини, унинг маънавий меросини, айниқса, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий ва ахлоқий қарашларини фалсафий жиҳатдан атрофлича ўрганиш жуда зарур.

Тўғри, Мунис ижоди ва маънавий мероси собиқ Иттифоқ даврида ҳам, истиқлол йилларида ҳам кўпгина адабиётшунос ва тарихчи олимлар, тадқиқодчилар томонидан унинг маънавий мероси филологик ва тарихий нуқтаи назардан ўрганилган ва тадқиқ қилинмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабрь 2017 йил, Тошкент, «Ўзбекистон», 2018, 14-бет.

Жумладан, мутафаккирнинг тарихий ва адабий мероси тарихчи ҳамда филолог олимларининг тадқиқот объектларидан бири бўлиб келган. Хусусан, бу борада Қ.Муниров, Ю.Юсупов, Айёмий, Т.Аҳмедов, С.Ҳасанов¹ каби республикамизнинг таниқли олимлар томонидан мутафаккир ижодини илмий ёритишга қаратилган қатор тадқиқотлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида Муниснинг бой маънавий меросини ўрганиш бўйича Қ.Муниров, Н.Жумаев, С.Ҳасанов, К.Ҳошимов, С.Очил, А.Мирзараҳимов²лар томонидан маълум илмий қимматга эга бўлган қатор тадқиқотлар амалга оширилди. Муниснинг тарихий ва педагогик қарашлари, тилшуносликка оид айрим масалалари тадқиқ қилинди. Унинг ижтимоий-маърифий ва инсонпарварлик қарашлари эса У.Дўсчанова ва М.Ахмедовлар³ томонидан ўрганилган.

Хорижий шарқшунос олимлардан Е.А.Килевейн, А.Л.Кун, В.В.Бартольд, П.П.Ивановлар мутафаккирнинг тарихий асарларини ўрганиб, нашр эттирган⁴ бўлсалар, Е.Э. Бертельс, В.М.Жирмунский, Н.И.Конрад каби олимлар эса шоирнинг бадиий ижодини Европа адабиёти билан қиёсий таҳлил қилганлар ҳамда уларнинг ижодига тасаввуфнинг таъсирини ўрганганлар.⁵ XIX аср Хоразм мутафаккирларини Европа шарқшуносларига таништиришда А.Вамберининг хизматлари катта бўлди ва бу ишларни А.С.Самайлович,

¹ Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Т., “Фан”, 1960, 172-бет; Мунис Хоразмий. Сайланма. Нашрга тайёрловчи Ю.Юсупов. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980, 366-бет. Мунис Шермуҳаммад. Танланган асарлар. Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи Ю.Юсупов. Т., Давлат бадиий адабиёт нашриёти, 1957, 384-бет; Мунис Хоразмий (XVIII асрнинг охири ва XIX аср бошларида Хоразмда яшаб ижод этган шоир Мунис Шермуҳаммад Авазбек ўғли Хоразмийнинг ҳаёти ва ижоди). Қуйидаги китобда: “Айёмий”; Ўт чакнаган сатрлар. Т., 1983, 52– 68-бетлар; Аҳмедов Т. Мунис. Т., “Фан”, 1980, 46-бет; Ҳасанов С. Муниснинг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий қарашлари. Т., “Ўзбекистон”, 1979, 22-бет.

²Муниров Қ. «Хоразмда тарихнавислик» (XVII–XIX ва XX аср бошлари). Т., 2002; Муниров Қ. Мунис, Огаҳий ва Баёнийларнинг тарихий асарлари. Тошкент, “Фан”, 1960; Жумаев Н. Мунис ғазалиёти. Бадиий маҳорат масалалари. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991, 160-бет; Мунис Шермуҳаммад. Саводи таълим. Адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма. Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи: Нусратулло Атоулло ўғли Жумахўжа. Т., “Ўқитувчи”, 1997, 48-бет; Ҳасанов С. Хоразм маърифати – олам кўзгуси. Олий ва ўрта махсус билим юрғлари ҳамда мактаб ўқитувчилари учун тавсия этилган. Т., “Ўқитувчи”, 1996, 304-бет; Ўзбекистон педагогикаси антологияси. Икки жилдик, 1. Тузувчи-муаллифлар: К.Ҳошимов, С. Очил; Таҳрир ҳайъати: М.Хайруллаев ва бошқ. Т., “Ўқитувчи”, 1995, 464-бет; Аббосжон Мирзараҳимов. Хоразмда илк нашрлар. “Мозийдан садо”, 2007, 1, 40-бет; Мамадалиева Н. XVII асрнинг иккинчи ярми XIX асрнинг биринчи ярми ўзбек адабий тилида ноанъавий лексиканинг пайдо бўлиши. “Илм сарчашмалари”, 2007, 4, 69–70-бетлар.

³ У.Дўсчанова. «XIX–XX асрда Хоразмда мутафаккирларининг гуманистик қарашлари» номли номзодлик диссертациясига ёзилган автореферат. Т., 2011, 23 бет; М.Ахмедова. «XIX асрда Хоразмда илмий-маърифий ва ижтимоий-ахлоқий фикрлар тараққиёти». Т., “Фан ва технологиялар”, 2016, 266-бет.

⁴Килевейн Е.Я. Отрывок из путешествия в Хиву и некоторые подробности о ханстве во время правления Сеид Мухаммедхана, 1856–1860 гг. Известия ИРГО, СПб, 1981, с. 95–108; Кун А.Л. Заметки о Хивинском ханстве. «Туркестанские ведомости», Ташкент, 1873, №40; Его же. Порядок взимания податей в Хивинском ханстве. «Туркестанские ведомости», Ташкент, 1873, №33; 1874, №2, 3, 6, 9, 10, 11, 12, 14; Его же. Культурный оазис Хивинского ханства. «Туркестанские ведомости», Ташкент, 1874, 8 ноября; Бартольд В.В. События перед Хивинском походом 1873 года по рассказу хивинского историка. Кауфманский сборник. Москва, 1910, с. 1–19; Его же. История культурной жизни Туркестана. Сочинения. Т. II, Москва, «Наука», 1963; Его же. Культура мусульманства. Сочинения. Т. VI, Москва, «Наука», 1966; Иванов П.П. Удельные земли Сеид Мухаммедхана Хивинского (1856–1865). Записки института востоковедения АН СССР. Т. IV, Москва, 1937, с. 27–59; Его же. Архив хивинских ханов XIX в. Ленинград: изд. ГБ им. Салтыкова-Щедрина, 1940; Его же. Хивинские хроники XIX в. Муниса-Агахи как источник по истории туркмен. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Москва-Ленинград, 1938, Т. II.

⁵ Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. Избранные труды в 5 т. Москва, “Наука”, 1965, Т. 3; Жирмунский В.М. Проблемы сравнительно-исторического изучения литератур. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. Ленинград, 1979; Его же. Алишер Навои и проблема Ренессанса в литературах Востока. Ленинград, «Наука», 1979; Конрад Н.И. Запад и Восток. Изд. 2. Москва, «Наука», 1972; Его же. Избран. труды. Литература и театр. Москва, «Наука», 1978.

Э.Ю.Брегель, М.Ф.Куприлизода давом эттирдилар.¹ Бугун хорижий мамлакатларда Хоразм шоирлари, хусусан, Муниснинг ижодига қизиқиш яна-да ортиб бормоқда.

Лекин шу ўринда айтиш керакки, ҳозирда Мунис ижодининг ижтимоий-фалсафий моҳиятини атрофлича ўрганилмаган, айниқса, унинг ижтимоий-фалсафий ғояларини яхлит ҳолда, монографик планда ўрганиш жуда муҳимдир. Шундан келиб чиққан ҳолда, Мунис Хоразмийнинг ижодини ўрганишда куйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш бугунги даврнинг долзарб вазифаларидан, деб ҳисоблаймиз.

Энг аввало, XIX аср тарихий-фалсафий адабиётимизда, хусусан, Хоразм ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий фикрлар таракқиетида муҳим из қолдирган Мунис Хоразмий ижодини атрофлича ижтимоий-ахлоқий ва фалсафий жиҳатдан чуқур ўрганиш лозим. Чунки бугунги кунга қадар Мунис ижодини ўрганган тадқиқотчилар, асосан, филологик ва тарихий жиҳатдан ўрганишган, қисман гуманистик қарашлари ёритилган бўлиб, унинг ғоялар ва образлар оламига эса кам эътибор қаратганлар;

Иккинчидан, Мунис ижодидаги ижтимоий-ахлоқий, маънавий-маърифий ғояларни халқимизга кенг ёритиш, айниқса ёшларимизни мутафаккирнинг ушбу ғоялари билан яқиндан таништириб, буюк аждодларимиз маънавий меросини ўрганишга қизиқтириш бугунги куннинг энг долзарб вазифасидир. Зеро, аждодларимиз яратган улкан маънавий мерос билан яна ҳам кенгроқ ва чуқурроқ таништириш ватанпарварлик туйғуларини мустаҳкамлашга, турли маънавий даҳидларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Шунингдек, Муниснинг маънавий-маърифий ғоялари ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол инсон қилиб тарбиялашда маънавий тарбия восита сифатида хизмат қилади.

Албатта, бугун Мунис маънавий меросини ўрганишда шўролар давридаги олиб борилган илмий тадқиқот ишларини ўрганиш, уларга муносабат билдириш, айрим тадқиқот ишларидаги атеистик қарашларини холисона илмий жиҳатдан асосли танқид қилиш, шoirнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашлари билан чекланмасдан сиёсий қарашларини ҳам таҳлил қилиш ўринлидир. Қолаверса, Мунис маънавий мероси ва қарашларининг ундан кейинги Хоразм маърифатпарварлари ижодига таъсирини очиқ бериш, бугун баркамол инсонни тарбиялашдаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиш бугунги тадқиқотчи олимлар олдида турган вазифалардир.

Ушбу фикр ва хулосалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун XIX аср Хоразм маърифатпарварлик ҳаркатида муҳим из қолдирган Мунис Хоразмийнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашларини кўлэзма манбалар асосида фалсафий таҳлил қилиш, унинг тарбиявий, мафкуравий ва маънавий-маърифий жиҳатларини тўлиғича, яхлит равишда ўрганиб тадқиқ қилишимиз ва ёритишимиз лозим. Чунки Мунис яшаган ва ижод этган даврни тарихий манбалар, кўлэзмалар, адабий-бадиий асарларни ўрганиш орқали унинг ўзига хос хусусиятлари ва диалектикасини, зиддиятларга тўла жиҳатларини очиқ беришга имкон беради.

Муҳим жиҳати шундаки, Муниснинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий-маърифий қарашлари нафақат у яшаган давр учун, балки ҳозирги замон учун аҳамиятли ва долзарбдир. Чунки унинг қарашларида адолатсизлик, ноҳақсизлик, ёвузлик ва зўравонлик, жаҳолат ва нодонликка қарши кураш, яхшилик, адолат ва тенглик, инсоф ва диёнат, сахийлик, нафсни жиловлаш ва бошқа маънавий-ахлоқий қадриятлар алоҳида ўрин тутаяди. Айниқса, унинг таълим-тарбия, касб-хунар эгаллаш ва илм-фаннинг улуғланиши, ахлоқ ва ақлнинг

¹Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. СПб, 1865; Его же. Очерки Средней Азии. Москва, 1868; Самойлович А.Н. Турецкие этюды. РНБ, Ф. 671, ед.хр. 100 – 872 лл; Его же. Хивинская придворная книгохранилища и книгапечатня Хивинская библиотека в Хивинском замке (аркь) Рукописи Исфандияр тюрки. РНБ, Ф.671, ед.хр. 145; Брегель Э.Ю. Хорезмские туркмены в XIX в. Москва, «Наука», 1861; Его же. Мунис-Агахи. «Фирдавс-ул икбал». Научно-критический текст. Лейден, 1989; Куприлизода М.Ф. Турк адабиётида илк мутасаввуфлар. Анкара, 1984 (турк тилида).

уйғунлиги, шунингдек, виждонийлик, олиҳимматлилик, меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам, поклик, ҳалоллик, камтарлик каби маънавий-ахлоқий қадриятлар тўғрисидаги фикрлари диққатга сазовордир.

Шоирнинг бундай гуманистик ва маърифатпарварлик қарашларини тадқиқ ва таҳлил қилиш орқали кенг жамоатчиликка ёритишнинг тарбиявий аҳамияти каттадир. Зеро, бугун “Тарихий хотирасиз – келажак йўқ” деган ғоя, исбот талаб қилмас ҳақиқатдир. Шу нуқтаи назардан, ҳозирги замон ёшлари “Социал амнезия”¹ касалликларига чалинмасликлари, “оммавий маданият” таҳдидига учрамасликлари учун ўз ўтмишдошларининг маънавий меросини ўзлаштиришлари, миллий қадриятларини билишлари ва ривожлантиришлари лозим. Зеро, шоир маънавий меросини ўрганиш миллий ғурурни шакллантиришда, миллий ғоянинг маънавий илдизларини англаб олишга хизмат қилади.

Бахтиёр Абсатторов (ТГПУ имени Низами)

ОБЩНОСТЬ ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ И НАЦИОНАЛЬНЫХ ЦЕННОСТЕЙ В ПРАВСТВЕННОМ РАЗВИТИИ

***Аннотация.** Мақолада айрим фалсафий-ахлоқий тамойиллар таҳлил қилинган. Шарқ алломаларининг бахт, бурч, виждон, ҳақиқатгўйлик каби ахлоқий мезонлари талқин қилинган.*

***Аннотация.** В статье анализированы некоторые философско-этические категории. Даны определения таким категориям, как счастье, долг, совесть, честь. Автором интерпретируется отношение мыслителей Востока к этическим категориям.*

***Annotation.** In this article analyzed the philosophical and ethical categories. The definition of such categories as happiness, duty, conscience, honor. The author interprets the attitude of thinkers of the East to ethical categories.*

***Калим сўзлар:** ахлоқ, маҳалла, шарқона тарбия кодекси, яхшилик ва ёмонлик, бурч, виждон, умуминсоний қадриятлар, маънавиятнинг бирламчи, меҳнатсеварлик ва тенглик.*

***Ключевые слова:** нравственность, махалля, кодекс восточного воспитания, добро и зло, долг, совесть, общечеловеческие ценности, первичность духовности, трудолюбие и равенство.*

***Key words:** morality, Makhalla, code of eastern education, good and evil, duty, conscience, universal values, primacy of spirituality, hard work and equal.*

Нравственность всегда составляла основу воспитания. Следует обратить внимание на очень распространенное понятие «узбекизм». Здесь особое внимание уделяется родным, семье, месту работы, месту жительства, окончившему образовательному учреждению, происхождению человека. То есть, жизненный путь, действия, отношения людей с обществом постоянно контролируется народом. Самая хорошая сторона этого явления – это взаимоотношения между людьми на пути к благодородности. Эту функцию обеспечивает социальный институт – махалля. Нельзя отделить махаллю от семьи, когда речь идет о воспитании ребёнка. Веками нравственное воспитание призывало людей к коллективизму, объединению и взаимопомощи, ставя коллективные интересы выше чем личные интересы. По этому поводу имеется очень много высказываний великих мыслителей. Великий мыслитель Баховуддин Накшбанди говорил, что «каждый, кто любит себя, любит и других, кто не любит себя, не любит и других»².

Основными божественными лозунгами мыслителей всегда являлись быть скромным и вежливым в достижении цели, нельзя в коллективе принуждать насильно, не претендовать на гегемонию в обществе. Подтверждением наших мыслей является высказывание

¹ “Социал амнезия” – муайян давр тарихий хотирасининг унутулиши, эсан чиқиши.

² Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али Баховуддин Балогардон. Т., “Писатель”, 1993, с. 95.

великого мыслителя Баховуддина Накшбанди, что «на собраниях оставайся в себе, почувствовав себя гостем в этом мире, будь с людьми в мире, будь с Всевышним в проповеди» (авт.).¹

Народы Мевераннахра всегда понимали, что системы нравственности и духовного воспитания тесно взаимосвязаны такими качествами, как чистота души, прозрачность общественного мнения, соответствие нормам исламского этикета и правильного вероисповедания. Правильное исповедание всегда придерживало людей от грешных и нечистых дел. Надо отметить, что если член коллектива грешен и поступил неправильно, то он должен дать согласие, то есть, не сопротивляться тому, чтобы в нём могли воспитать хорошие нравственные качества. «Если представитель коллектива согрешил, то на него есть наказание, но не должны от него отвернуться».²

Такой образ жизни координируется только общественным мнением и нравственным воспитанием. Как сказал Абу Наср Фараби: «Если население государства не имеет хороших нравственных качеств, то только тогда есть потребность во власти»³. Общественное мнение формируется как одно из явлений нравственного воспитания, и по этому, его можно называть нравственным воспитанием. По этому вопросу французский учёный Берж выдвигает интересную идею: «Общественное мнение идентично с нравственностью, поэтому они оба руководят обществом».⁴

Категории этикета не ограничиваются только общностью и масштабностью нравственного смысла, но и определяются нормативными и оценочными свойствами. Если добро и зло являются категориями оценки социальных, то есть межличностных экономических, политических, правовых отношений, то такие категории, как совесть и обязанность, являются категориями, связанными с внутренними нормативными чувствами, касающимися смелости и духа человека. Исходя из выше указанного, учитывая объёмность происхождения и развития можно классифицировать систему этических категорий на несколько видов. На разных этапах жизни люди по-разному относились к существующим этическим категориям. Например, у Аристотеля и Платона – благородство, у таких мыслителей, как Алишер Навои, Ибн Сино и Жами – братство, трудолюбие и равенство, у Канта – долг, у Гегеля – совесть, у Демокрита, Эпикура, Гельвеция, Фейербаха – счастье являлось самой главной этической категорией. Нравственные нормы и принципы конкретизируют основной смысл этики. Нравственные категории, которые являются основой этики, всегда развиваются, расширяются и совершенствуются, приобретая новый смысл.

В разных сферах социальной жизни этические категории имеют свои специфические особенности и своеобразные способы управления нормативно-эстетической деятельности человека. Этим определяется социальная значимость нравственности. Ниже более детально проанализируем некоторые категории этики. Добро и зло – являются общей формой нравственности человека. Этими категориями характеризуется единая форма нравственности и безнравственности. Добро и зло являются полярными и, в то же время, отрицающими друг друга категориями.

Справедливость – является обязательным критерием равенства и правдивости. Сократ первым из мыслителей старался теоретически анализировать происхождение и смысл, показал взаимосвязь этой категории с общественной жизнью. Он интерпретировал справедливость, как «нравственность по закону».

Понятие «честь» определяется ценностью самого человека, его действиями и примером поведения. Каждый человек, как член общества является его частицей и достоин

¹Абул Мухсин Мухаммад Бокир ибн Мухаммад Али Баховуддин Балогардон. Т., «Писатель», 1993, с. 72.

²Шу манба. С. 80.

³Газета «Народное слово». От 15 марта 1995 года.

⁴Плеханов В.Г. Избранные философские произведения в пяти томах. Том 3, М., Госкомиздат, 1956, с. 248.

особого внимания. Категория «честь» характеризует человека и отражает его взаимоотношения с окружающими людьми.

Долг – является одной из ключевых категорий этики. В чём заключается особенность и своеобразие этой категории? Категория «долг» – является совокупностью обязанностей по отношению личности и общества. То есть, является внутренней действительностью по выполнению требований общества, комплексом нормативных правил.

Счастье – это моральное осознание своей творческой силы, понимание того, что общество нуждается в поддержке социального и личного потенциала человека.

Категория “счастье” является более широким понятием, оно охватывает всё материальное и духовное пространство человека. Достоинство человека определяется осознанием того, как человек необходим данному обществу.

Совесть – это оценка своей деятельности, наблюдение и контроль нравственных норм своего поведения, анализ и интерпретация своих мыслей, эмоций и действий.

В качестве вывода можно отметить:

1) нравственное воспитание имеет важное место в формировании, развитии и внедрении эстетического совершенствования, имеет целостную и общую специфику с общественным мнением. Именно эти два социальных явления всегда дополняют друг друга и совершенствуются;

2) общественное мнение тесно связано с источниками его формирования, со степенью организованности людей, с эмоциональными чувствами населения, с логически-интеллектуальными возможностями, а также с национальными, региональными и местными условиями;

3) норма взаимосвязи нравственности и общественного мнения зависит от таких факторов, как социально-экономическая формация общества, стратегия перспективного развития, региональные направления, духовность народа и национальное своеобразие;

4) надо учитывать тот факт, что в системе бывшего советского общества соблюдение принципов «сначала экономика, потом политика» и «сначала материя, потом мышление» были сильно искажены под действием идеологических лозунгов. Узбекистан, который объявил приоритет и верховенство общенациональных ценностей, первичность духовности, успешно строит рыночную экономическую систему, свободное гражданское общество;

5) перерастание нравственных категорий одного народа, одной нации в общенациональные принципы, имеет решающую роль в формировании общепланетарной нормы нравственности и общественное мнение выступает в роли своеобразного моста. Общественное мнение и нравственность дополняют друг друга в процессе формирования общечеловеческих ценностей, в создании устойчивой духовной среды общества и совершенствуются во взаимосвязи.

В виде заключения можно с уверенностью сказать, что узбекская нация создала неповторимую культуру в процессе многовекового существования. Созданные духовные богатства являются важным средством орудия в воспитании молодёжи. Изучая труды Исмоила аль-Бухари, аль-Хорезми, Беруни, Фараби, Абу Али ибн Сина, Алишера Навои и других мыслителей у воспитуемых зарождаются представление о совершенной нравственности, счастье, благородности, доброжелательности, честности, справедливости, об уважении к родителям, о милосердии. Человечность формирует и воспитывает самые дорогие качества такие, как дружба, верность, трудолюбие, честность.

Меҳринигор Аҳмедова (БухДУ)

ЎЗБЕК ТИЛИ “МАЪНАВИЯТ” УМУМИЙ СЕМАЛИ АТОВ БИРЛИКЛАРИНИНГ
ГЕНЕТИК ВА СТРУКТУР ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ўзбек тилидаги “маънавият” лексик-семантик категорияси ҳам генетик, ҳам деривацион нуқтаи назардан кўриб чиқилган. Бир қарашда, икки хил таъйини бирданига қўллаб, тасниф мантиқига зид йўл тутилгандек бўлиб туюлади, аммо генетик ва деривацион жиҳатлар, гарчи тилни баҳолашнинг икки йўли бўлса-да, улардан бири иккинчисини тўлдирувчи ҳодисалар, дейиши мақсадга мувофиқ.

Аннотация. Лексико-семантическая категория «духовности» в узбекском языке считается генетической и деривационной. На первый взгляд, объединение этих двух понятий противоречит логике, однако, несмотря на то, что деривационный и генетический подход в оценке языка – это два отдельных аналитических пути, целесообразно будет отметить, что одно из них всегда дополняет второе.

Annotation. In this article, lexica-semantic category of “spirituality” is analyzed by the ways of genetics and derivation. On the one hand, it seems to us that using these two concepts simultaneously makes opposed ideas towards the meaning, however, genetic and structural analysis are assessing points of the language and they are closely tied matters of the language.

Калим сўзлар: формал таҳлил, лексик-семантик категория, генетик жиҳат, деривацион жиҳат, арабий бирликлар, форсий бирликлар, туркий бирликлар, содда лексема, мураккаб лексема, қўшма лексема, жуфт лексема, такроррий лексема, атов бирлиги.

Ключевые слова: формальный анализ, лексико-семантическая категория, генетический аспект, деривация, арабские единицы, персидские единицы, тюркские единицы, простая лексема, сложная лексема.

Key words: formal analysis, lexica-semantic category, genetic aspect, derivation, Arabic units, Persian units, Turkic units, simple lexeme, complex lexeme.

Ўзбек тили маънавият умумий семали атов бирликларининг генетик ва структур хусусиятларини кўришга киришишдан олдин айтиш лозимки, ўзбек тилида маънавият умумий семали атов бирликлари ўзбек тили лексик-семантик тизимида узоқ даврлардан бери ривожланишда, минг йиллар бурун шаклланган бу тизим бирликларининг аксарияти давр бўҳронларидан эсон-омон ўтиб, миллий дунёқарашимизда, халқимизнинг лисоний онгида муқим яшаб келмоқда. Гарчи ўз даври мафқурасини акс эттирадиган луғатлар, қомуслардан айримларига ўрин берилмаган бўлса-да, улар ижтимоий онгдан, умуммиллий истеъмолдан чиқиб кетмаган. Бугунги кунда маънавият муаммоси глобаллашган бир шароитда бу ифодаларнинг барчасини сўзликларда қамраб олиш, ҳаққоний лингвистик тавсифини бериш, шу асосда, уларнинг ёш авлод онгдан муносиб ўрин эгаллиши учун таълимий мақсад ва асослардаги лингвистик базани шакллантириш таълим сифатини такомиллаштиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Бугунги кунда маънавият тушунчаси бўйича баҳс-мунозаралар яна-да ўткирлашди. Бунда серқирра ва кўп вазифали ифода бўлган маънавият категориясини талқин этишдаги қарама-қаршилик ва зиддиятларга, керак бўлса, бу тушунчадан воз кечиш лозимлиги ҳақидаги қарашларгача гувоҳ бўлмоқдамиз.¹ Интернет саҳифаларидаги қарашлар турли-

¹ Блогер минбари: Маънавиятли халқни тарбиялаш билан давлат шуғулланмасин. <http://sof.uz/news/show/17291>; Эҳтиёт бўлинг, “маънавият” босиб келяпти! <http://sof.uz/news/show/17289>; “Маънавият” бизга ҳеч нарса бермади, бизга янги қадриятлар керак. <http://sof.uz/news/show/17270>; Маънавиятимиз ҳақида ўйлар: кемтик диёнат ёки биздан бухорийлар қачон чиқади? <http://sof.uz/news/show/9640>; Нимага керак маънавият? <http://sof.uz/news/show/9640>

туман, энг кизиғи, блогерлар бир-бирини тушунмасдан, ходисани турли томонидан судраб чопмоқда. Масалан, блогер Никита Макаренко ўзбек маънавияти керак эмас, деб, уят, ибо, андиша, ҳурмат каби хислатларимиздан нолиса, унга муносабат билдирган тадқиқотчи ва журналист Элдор Асанов мустақиллик давридаги маънавий тарбия тизимидан норозилигини намойиш қилади. Зеро, “кундалик ҳаётда *маънавият*, кўпинча, инсоннинг ва жамиятнинг моддий ишлаб чиқаришга бевосита оид бўлмаган ақлий фаолияти маҳсулотларига (маънавий маданиятига) ҳамда ахлоқий, диний қарашларга, иймон-этиқод амалиётига нисбатан ишлатилади. Рус тилида бизнинг “маънавият”га “духовность” тушунчаси мос келади (*духовность, -и, ж. свойство души, состоящее в преобладании духовных, нравственных и интеллектуальных интересов над материальными*).¹ Лекин *духовность* ўзбек тилига айнан таржима қилинса, *маънавият* эмас, *руҳият* ёки *руҳоният* бўлади. Ғарб тилларида ҳам бу тушунчани ифодалайдиган атама *руҳ* ўзагидан олинган”.² Лекин маънавий тарбияни амалга оширадиган тизимнинг яроқсизлиги маънавиятнинг яроқсизлиги дегани эмас.

Никита Макаренко постидан XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида ғарбда оммалашган “маданий инқилоб”нинг ҳиди келиб турибди. У ўз постида (“Блогер минбари: “маънавият” мавҳум тушунчами? <http://sof.uz/news/show/17262>) қонун билан тақиқланмаган ҳамма нарсага руҳсат берилиши керак, деган ғояни илгари сурмоқда. Маънавият фақат биз, ўзбекларга хос тушунча эмас. “*Маънавият*, унинг ўзаги *маъна* ҳам, қадимги ҳинд фалсафасининг асосий тушунчаларидан бири бўлмиш *маънас* тушунчасига бориб тақалиши мумкин, яъни араб тилидаги *маъна* унинг таъсирида мазмунини кенгайтирган бўлиши мумкин”.³ Олимнинг бу ғояси – фарази ривожлантирилиши лозим, деб ўйлаймиз. Ҳолбуки, ўзбек маънавиятшунослигида бу фикрга, ҳатто эътибор ҳам қаратилмаганлиги ачинарли, албатта. “Маънас санскрит тилида *ақл* дегани. Қадимги ҳинд фалсафасининг арканий тушунчаларидан бири сифатида у онгнинг барча кўринишлари, барча ҳолати ва барча фаолияти – ақлнинг, фаҳм-фаросат, ҳиссиёт, туйғулар, сезгилар, ирода ва ҳоказоларнинг манбаидир. У танга оид ҳисобланади, тана билан пайдо бўлади ва ўлади. Маънас, “Ригведа”га биноан, юракда жойлашган”.⁴ Бундай тушуниш бизнинг халқимизга ҳам хос. Бугунги кунда маънавият деганда ақлнинг, фаҳм-фаросат, ҳиссиёт, туйғулар, сезгилар, ирода ва ҳоказолари мажмуи тушунилиши бежиз эмас. Арабча *маънас* сўзининг қадимги санскрит тилидаги *маъна*дан келиб чиққанлиги ҳақида фаразнинг илмий асослари жуда кўп ва улар мустаҳкам. Бу, аввало, ҳинд-араб илмий-маърифий алоқаларининг қадимийлиги билан белгиланади.

Ўзбек тили *маънавият* умумий семали атов бирликларининг генетик ва деривацион хусусиятлари. Ўзбек тилидаги “маънавият” умумий семали атов бирликларининг структур ва генетик хусусиятлари, умуман олганда, тилимиздаги барча атов бирликлари билан муштаракликка эга бўлса-да, бироқ бу тизимда генетик жиҳатдан ўзлашма (арабий-форсий) атов бирликларининг ўрни кенгрок, улар структур жиҳатдан ҳам маълум даражада соддалиги билан фарқланади.

Ўзбек тилидаги *маънавият* умумий семали атов бирликлари генетик (тарихий-этимологик) хусусиятларининг ўзига хослиги халқимизнинг тарихий тараққиёти, бошқа халқлар билан ўзаро муносабатлари, дунёқараши ва ҳаётий ҳамда турмуш тутумларининг ислоний эътиқод билан боғлиқ ҳолда мавжудлиги билан белгиланади. “Ўзлашма атов бирликларининг арабий қатлами форсий қатламга нисбатан бойроқ, бу ўзбек миллий маъна-

sof.uz/news/show/17246; “Маънавият” Тошкентни барбод қиладими? <http://sof.uz/news/show/17224>; Блогер минбари: “маънавият” мавҳум тушунчами? <http://sof.uz/news/show/17262>.

¹ Ожегов С.И. Толковый словарь русского языка. М., “Русский язык”, 1986, 816 с.

² Эркаев А.П. Маънавият ва тараққиёт. Тошкент, “Маънавият”, 2009, 8-бет.

³ Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. Тошкент, “Маънавият”, 2005, 11-бет.

⁴ Философский энциклопедический словарь. М., 1993, с. 337.

виятининг шаклланишида ислом маданиятининг, тасаввуф ва ўзбек мумтоз адабиётининг роли улкан даражада эканлиги билан боғлиқ. Чунки диний эътиқод қадриятларимиз асосини ташкил қилган, бунда, аввало, исломий тафаккур, фалсафа, илоҳиёт илми калом, кейинчалик тасаввуфнинг таъсири устувор бўлган. Шу боисдан миллий ғоя атов бирликлари орасида араб тилига мансуб ёки асоси арабий бўлган лексик бирликлар миқдори устуворлиги ажабланарли эмас”.¹

Ўзбек тилшунослигидаги атов бирликларини тарихий-этимологик жиҳатдан ўз ва ўзлашма қатлам бирликларига ажратиш йўлидан бориб, *маънавият* атов бирликлари категориясини, дастлаб, икки ички микросистемага бўлиш мумкин: ўз қатлам бирликлари ва ўзлашма қатлам бирликлари.

Ўз қатлам бирликлари соф ўзбек тили лексик бойлиги ёки умумтуркий захира бўлиши мумкин. Биз ушбу тадқиқотда ўз қатлам бирликларини соф ўзбекча ва умумтуркий қатлам деб ажратиш йўлидан юрмадик. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, туркий тиллар лексик бойлигини ўзаро фарқлаш мушкул бўлса, иккинчи томондан, бирор туркий тилда мавжуд бўлган сўз бошқа туркий тилнинг ўтмишига дахлдор бўлиб, эскирган қатламидан ўрин олган бўлиши ҳам мумкин. Иккинчидан, айрим сўзларни бир тилда кўчма маънода қўлланишга одатланилиб қолган бўлиб, у ушбу маъноси билан *маънавият* категориясидан ўрин олган бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тилидаги *фаросат* ва ва қозоқ тилидаги *парасат* сўзлари орасида шундай фарқни кўриш мумкин. Шундай қилиб, ўзбек тилидаги *маънавият* лексик категориясини ташкил этувчи бирликлар генетик жиҳатдан, дастлаб, икки гуруҳга ажратилади:

а) ўз қатлам бирликлари: *уят, уялмоқ, уятчан, сизламоқ, танти, ёрдам, дўст, ёр, илиқ, иноқ, интилиш, кечирим, онг, уюшмоқ, уюшқоқлик, уқимоқ, ўқиган, уюшқоқлик, уятчанлик, элпарвар, юмишқоқлик, ўқимишли, уқувли, элсевар, мияли, ўртоқ;*

б) ўзлашма қатлам бирликлари: *фаросат, фаросатли, фасоҳат, фаҳмли, хушахлоқ, хушмулозим, хушмуомала, хушмуомалалик, хуштавозе, ҳикматли, ҳикматомуз, виждонли, диёнат, иймон, инсоний, инсонийлик, номуслилик, одил, одиллик, одилона.*

Ўз қатлам бирликлари, ўз ўрнида, икки гуруҳга бўлинади: туб ўз қатлам бирликлари ва ясама ўз қатлам бирликлари. Бунда шунга алоҳида эътибор қаратилдики, сўз ўзак ҳолатида *маънавият* лексик категориясига дахлдор бўлиши ёки ясама ҳолатида бу тизимдан ўрин олиши мумкин:

а) туб ўз қатлам бирликлари: *танти, ёрдам, дўст, ёр, илиқ, иноқ, интилиш, кечир, онг, уюшмоқ, ўқимоқ, ўқиган, ўртоқ;*

б) ясама ўз қатлам бирликлари: *ўзбекона, илиқлик, уятчан, иноқлик, кечиримли, ёрдамлаш, онгли, онглилик, уюшқоқлик, уятчанлик, элпарвар, юмишқоқлик, ўқимишли, уқувли, элсевар.*

Ясама ўз қатлам бирликларини гуруҳларга ажратишда қуйидаги ҳолатлар эътиборга олинди. Биринчидан, ясаиш асоси ўз қатламга оид бўлиши мумкин. Бунда ушбу асоснинг ўзи ҳам ўзак ҳолатида *маънавият* лексик категориясининг у ёки бу гуруҳидан ўрин олиши мумкин. Шунингдек, бундай ҳолат ясаиш асоси ўзлашма қатламга оид лексик бирликларда ҳам учраши мумкин:

а) ясаиш асоси ўз қатламдан бўлган ясама бирликлар: *тантилик, уятли, уятчан, мияли, сизламоқ, ўзбекона, илиқлик, уятчан, иноқлик, кечиримли, ёрдамлаш, онгли, онглилик, уюшқоқлик, уятчанлик, элпарвар, юмишқоқлик, ўқимишли, уқувли, элсевар;*

б) ясаиш асоси ўзлашма қатламдан бўлган ясама бирликлар: *ахлоқли, иболи, илмгоҳ, илмли, инобатли, интизомий, камсуханлик, камсуқумлик, камтарин, камтаринлик, камтарлик, латофатли, лутфкор, лутфкорлик, лутфқорона, маданиятли, мулоиймлик, муо-*

¹ Тожиева Г.Н. Ўзбек тили маънавий-маърифий лексикасининг мустақиллик йилларидаги тараққиёти (“миллий ғоя” атов бирликлари). Фалсафа доктори (PhD) ... дисс., Қарши, 2017, 99-бет.

малали, одобли, боодоб, одамшавандалик, серҳикмат, сиполик, тавозеланмоқ, ақлли, виждоний.

Бунда, тагин шунга диққат қилиш керакки, лексик бирликнинг ясалиш асоси ҳам, ясалма ҳам ўзлашма қатламга оид бўлиши мумкин. Бу ҳолат уларни ушбу гуруҳга киритмасликка асос бўла олмайди. Зеро, бунда асосий мезон – асоснинг ўзлашма қатламга мансублиги ва лексик бирликнинг ясамалилигидир.

Ўзлашма қатлам бирликлари, асосан, икки тилга мансуб. Бунда, асосан, ифодасини ишлатишимиздан мақсад – ўзбек тилидаги *маънавият* лексик-семантик категориясига кирувчи европа ва ғарб тилларидан ўзлашган лексик бирликлар ҳам бўлиши мумкинлиги: *авторитаризм, волюнтаризм, конституция, менталитет, суверенитет, партия, тоталитаризм, цивилизация, гегемон, демократия, диктатура, идея, идеал* каби. Аммо бу каби бирликлар гарчи тилимизга мансуб, адабий нутқ таркибидан ўрин олган бўлса-да, улар ижтимоий онгда тўла ўрнашган, деб бўлмайди. Зеро, бу бирликлар социал хосланганлиги, услубий чегараланганлиги билан характерланади:

а) арабий ўзлашма қатлам бирликлари: *ақл, ахлоқ, ибо, илтифот, инобат, интизом, иффат, латофат, лутф, маданият, марҳамат, назокат, нажиб (оқил), нафосат, одоб, тавозе, тарбия, тартиб, ақл, виждон, диёнат;*

б) форсий ўзлашма қатлам бирликлари: *камсухан, камтар, сипо, хокисор, ширинсухан, пок, нозикфаҳм, художўй, меҳр, меҳрафшон, покдомон, ростгўй, покиза, меҳрибон, андиша.*

Юқорида ўзбек тилидаги *маънавият* лексик-семантик категорияси ҳам генетик, ҳам деривацион нуқтаи назардан кўриб ўтилди. Бир қарашда икки хил тамойилни бирданига қўллаб, тасниф мантиқиға зид йўл тутилгандек туюлади. Аммо генетик ва деривацион жиҳатлар гарчи тилни баҳолашнинг икки йўли бўлса-да, улардан бири иккинчисини тўлдирувчи ҳодисалар дейиш мақсадга мувофиқ. Генетик тамойил лексик бирликнинг асосини баҳолаш учун хизмат қилса, деривацион жиҳат ана шу асоснинг тараққиётини, бу тараққиёт бир тил доирасида ёки бошқа тил сарҳадига ўтиб кетганми деган муаммони ҳал этишда муҳим роль ўйнайди. Айрим лексемаларнинг асоси бир тилга мансуб бўлиб, ҳосила ҳам шу тилда вужудга келади, натижада лексема ясама ҳолида ўзлашади. Аммо биз сўзларнинг ясалган/ясалмаганлик муаммосини диахроник аспектда кўриб ўтдик. Зеро, сўз ясалишини синхрон аспектда кўриш кўплаб тарихий ясалмаларнинг туб сўз сифатида қаралишига олиб келади. Бундай ҳолат илмий ёндашувдан кўра, кўпроқ таълимий ёндашувни ўзида акс эттиради.

Ўзбек тили *маънавият* умумий семали атов бирликларининг структур хусусиятлари. Сўзлар тузилишига кўра, содда ва мураккаб турларга бўлинади. Ўзбек тили лексик-семантик системасига мансуб *маънавият* лексик-семантик категорияси ҳам ўзбек тили лексемаларига хос ушбу жиҳатларни ўзида тўла акс эттиради. Маълумки, ўзбек тилшунослигида сўзларнинг содда ёки мураккаблигини белгилашда асос (ўзак) бош мезон сифатида олинади. Асоснинг битталиги ёки бирдан ортиқлиги сўзларни структур жиҳатдан содда ёки мураккаб бирлик сифатида баҳолаш учун таянч омилдир.

Ўзбек тилидаги *маънавият* умумий семали лексемаларни таркибан фарқлаш муҳим амалий методологик аҳамиятга эгаллиги билан характерланади. Зеро, тугал шаклланганлик ва ажратилганлик лексемаларнинг хос сифатларидан биридир.¹ Бу тилни сунъий интеллект учун моделлаштириш, ўзбек тилини компьютер тили учун формаллаштиришда таянч асос вазифасини ўтайди.

Содда лексик бирликнинг ташкил этувчи асоси сони битта бўлади: *инсонлик, инсоф, инсофли, номус, номусли, одамий, одамийлик, ориф, орият, ориятли, инсонпарвар, орлан-*

¹ Менглиев Б.Р. Тил яхлит система сифатида. Тошкент, “Ниҳол”, 2009, 38-бет.

моқ, орли, хижолатли, эътиқодли, маърифатпарвар, шукроналик, сахийлик, маданийлашмоқ, одобли, оқиллик, оқилона, онгли, онглилик, фидокорлик, халқпарвар, ҳақгўй.

Мураккаб сўзда асослар сони бирдан ортиқ бўлади: *саховатпешалик, раҳмдиллик, меҳнатеварлик, адолатпеша, хушсухан, хуштакаллуфлилик, покдил, лутфкорона, гамхўрлик, эрксевар, хуштакаллуф, бағрикенглик, хуштакаллуфлик, тарбия қилмоқ, ҳурмат қилмоқ, обод қилмоқ.*

Бунда ташкил этувчи асосларнинг қайси тилга мансублигидан қатъий назар, уларнинг ҳар бири ўзбек тилида мустақил ҳолда қўллана олишига эътибор қаратилди.

Маънавият атов категориясини ташкил этувчи бирликлар тузилишига кўра, нутқда сўз ва сўз бирикмаси кўринишларида келади.

Сўз ҳолатидаги бирликларнинг ички турлари қуйидагилар:

а) содда сўз ҳолатидаги бирликлар: *сахий, ориятманд, мурувватли, раҳмли, саховатли, саховатпеша, холисона, хижолат, ватанпарварлик, меҳрибон, ростгўйлик, садоқат, фидойилик, фидокор, хайрли, эркпарвар, ҳақпараст, ҳақиқатпарвар, маърифат, маърифатли;*

б) мураккаб сўз ҳолатидаги бирликлар: *камсуқум, ширинсўз, ширинсўзлик, олиҳиммат, раҳмдиллик, соддадил, соддадиллик, софдиллик, софдил, элсевар, гамхўр, ҳалолхўр, ҳотамтойлик, олижаноб, покдил; ақлли-хушли, ор-номус, фаҳм-фаросат, эсли-хушли, иззат-нафс, номус-ор, номус-иффат, панд-насиҳат, раҳм-шафқат, таълим-тарбия, ор-номусли, фикр-мулоҳазали, шарм-ҳаёли, ақл-фаросат, билим-тажриба, меҳр-муҳаббат, файз-тароват, иззат-икром, пок-покиза каби.*

Бирикма ҳолатидаги бирликларнинг ички турлари қуйидагилар:

а) содда бирикма ҳолатидаги бирликлар: *маънавий жасорат, маънавият калити, маънавий ҳордиқ, маънавий қиёфа, маънавий олам, маънавият жарчиси, маърифий кўрсатув, маънавий тарбия, ўзликни англаш, маънавий баркамоллик, маънавий фазилат, маънавий таассурот, маънавий мезон, халқ маънавияти, маънавий дунё;*

б) мураккаб бирикма ҳолатидаги бирликлар: *инсоний хислатларга эга бўлиши, инсоний қарашларни шакллантирмоқ, нафсини жиловлай оладиган, миллий ўзликни англаш, жамият маянавиятини асрамоқ, соғлом фикр ўчоғи, йигитлик гурурини сақламоқ, барқарор тараққиёт мезони, ватанпарварлик ҳиссини уйғатмоқ, энг яхши маънавият тарғиботчиси, бунёдкор ҳаёт гарови, инсоний муносабатларни асрамоқ, миллий ифтихор намояндаси, миллий тикланиш асослари, ватан манфаатлари учун, доимий маънавий тарбия, маданият булогининг кўзи каби.*

Содда сўз ҳолатидаги бирликлар, ўз навбатида, икки гуруҳга ажралади:

а) содда туб: *шаффоф, эзгу, ҳалол, сахий, танти, адолат, вафо, имон, маърифат, эътиқод, қадрият, фозил, фозила, сахий, оқил, оқила, ақл, тафаккур, одоб, қалб, ҳалол каби;*

б) содда ясама: *эзгулик, элпарвар, фазилатли, имонли, ориятчан, ориятчи, оқибатли, саховатпешалик, софлик, ҳалоллик, ҳурматламоқ, инсофли, виждонли, инсофлилик, адолатли, ростгўйлик, адолатпарвар, ватанпарвар, вафодор, вафоли, меҳрибонлик каби.*

Мураккаб сўз ҳолатидаги бирликлар, ўз ўрнида, қўшма ва жуфт ички бўлинишларни беради:

а) қўшма: *гамхўрлик, эрксевар, хуштакаллуф, бағрикенглик, хуштакаллуфлик, умуминсонийлик, хушсуҳбат, хушфеъл, хушхулқ, хушхулқлик, меҳнатеварлик, адолатпеша, хушсухан, хуштакаллуфлилик, бунёд қилмоқ, тарбия қилмоқ, ҳурмат қилмоқ, обод қилмоқ;*

б) жуфт: *ор-номусли, рухий-маънавий, ор-номус, урф-одатлар, дўст-ёр, бахт-иқбол, ишқ-муҳаббат, дин-у диёнат, мўмин-қобил, куйди-пишиди, қон-қариндошлик, хулқ-атвор, хатти-ҳаракат, ёр-биродар, ёр-жўра, жавоб-муомала ва ҳ.к.*

Формал таҳлиллар шуни кўрсатдики, ўзбек тилидаги *маънавият* лексик-семантик категориясига мансуб бирликлар кўпроқ туркий ва арабий, улардан нисбатан камроқ фор-

сий ва қисман русча-байналмилал бирликлардан иборат. Структур жихатдан бу тизимга кирувчи бирликлар сирасида такрорий сўзлар кам учраши маълум бўлди. Сўз бирикмаси ва гап ҳолатидан ўсиб чиққан атов бирликлари ҳам тизимда маълум миқдорни ташкил қилади. Жуфт бирликлар таркиби ўз қатлам+ўзлашма қатлам (ёки унинг акси бўлган ўзлашма қатлам+ўз қатлам) кўринишида бўлиши ҳам мумкин.

Зайниддин Қурбонов (СамДУ)
**ГИПОТАКТИК ҚУРИЛМА ДЕРИВАЦИЯСИДА КОНЦЕПТ
ТУШУНЧАСИ ТАВСИФИ**

***Аннотация.** Мақолада гипотактик қурилманинг синтактик деривациясида концепт тушунчаси тавсифи ҳамда тил бирликлари билан нутқ бирликларининг когнитив ва прагматик имкониятларининг фарқ қилиши, гап ва гипотактик қурилмаларнинг воқеликка муносабат билдириши ҳақида маълумот беради.*

***Аннотация.** В статье даётся информация о характере понятия “концепт” в синтаксической деривации гипотактической установки и различий когнитивных, прагматических возможностей языковых и речевых единиц, отношений предложения и гипотактических единиц к действительности.*

***Annotation.** Classification of the notion “concept” in the syntactic derivation of the hypotactic structure, cognitive and paradigmatic ability differences between linguistic units and speech units as well as sentence and hypotactic structure relations to the reality are discussed in this article.*

***Калим сўзлар:** деривация, концепт, синергетик куч, монопредикативлик, устпредикативлик, номинатив аспект.*

***Ключевые слова:** деривация, концепт, синергетическая сила, монопредикативность, устпредикативность, номинативный аспект.*

***Key words:** derivation, concept, synergetic power, monopredication, surface predication, nominative aspect.*

Когнитив тилшуносликда энг фаол қўлланувчи ва турлича таърифларга эга бўлган термин концепт ҳисобланади. Унинг когнитив тилшунослик, лингвокультурология, шунингдек, адабиётшунослик фанларидаги изоҳи ўзаро фарқланади.¹ Мазкур термин тилшуносликда ўтган асрнинг 80-йилларигача тушунча сўзига синоним сифатида ишлатилган бўлса,² унинг ҳозирги вақтдаги изоҳи тушунча терминига нисбатан кенгроқ маъно касб этганини кўриш мумкин. Жумладан, Н.Ю.Шведова, концепт – бу тушунча эканлиги, бу тушунча ортида эса ижтимоий ёки субъектив тарзда анланувчи, инсон ҳаётининг муҳим моддий, ақлий, руҳий томонини акс эттирувчи, ўз тарихий илдизларига эга бўлган, халқнинг умумий таърибасини акс эттирадиган мазмун туришини қайд этади.³

Н.Маҳмудов ўз мақолаларидан бирида концепт термини ҳақида мулоҳаза юритиб, шундай ёзади: “Лингвокультурологик тадқиқотларда айнан концептнинг ифодаланиши муомалаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда, интернет материаллари билан танишганда, масалан, Россиядаги тилшуносликларда бу йўналиш ниҳоятда кенг тарқалганини кўриш мумкин, бу борадаги ишларни санаб, саноғига етиш ҳам мушкул. Ҳатто сўнгги йилларда ёқланган номзодлик диссертацияларнинг жуда катта қисми у айнан у ёки бу концептнинг лингвокультурологик тадқиқотига бағишланган”.⁴

¹ Демьянков В.З. Понятие и концепт в художественной литературе и в научном языке. “Вопросы филологии”, М., 2001, №1, с. 35 – 47.

² Кўрсатилган мақола.

³ Шведова Н.Ю. Избранные работы. М., 2005, с. 603.

⁴ Маҳмудов Н. Тилнинг мукамал тадқиқи йўллари излаб...”Ўзбек тили ва адабиёти”, Т., 2012, 5, 9-бет.

Олима Д.Худойберганова ўзининг тадқиқотларида концепт термини ҳақида қуйидаги маълумотни келтириб ўтади: “Рус тилшуноси Л.В.Адолина концепт терминига бағишланган мақоласида бу терминнинг таниқли тилшунослар томонидан қайд этилган 12 та таърифни келтиради. Шунингдек, унинг маълумотига кўра, концепт термини ўн нуқтаи назаридан тасниф қилинган. Масалан, концепт стандартлашишига кўра, универсал, этник, гуруҳга оид ва шахсий концептланган, қўлланилишига кўра, илмий, бадиий, маиший концептларга; ифодаланишига кўра, лексик-фразеологик, грамматик, синтактик ва матний концептларга бўлинади ва ҳ.к.”¹

Фикримизча, концепт, дарҳақиқат, ментал тузилма. Шунингдек, у, айтилишида, кўп қиррали ва кўп қатламли, ўзида психологик, когнитив-семантик ва лингвокультурологик жиҳатларини намояндалар этувчи тузилмадир. Зеро, концептнинг когнитив ва лингвокультурологик тадқиқотлар объекти сифатида тавсифланаётгани шундан далолат беради. Шу сабабли биз концептнинг субъектив, ижтимоий, лингвомаданий, бадиий концептлар сифатида типларга ажратилганини ягона моҳиятга турли жиҳатлардан ёндашув сифатида баҳолаймиз. Зотан, тил тизимининг ўзи юқоридаги сифатларини ўзида жамулжам этган ниҳоятда серқирра ҳодисалардан бири ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, инсоннинг миёсида тафаккур ва тил нисбий автоном деб аталиши мумкин бўлган икки воқеликни ташкил этади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос бўлган билимлар мажмуасига эга бўлиб, бу билимларнинг фаоллашуви, вербал ҳолат касб этиши учун сўзловчи фаоллиги ва нутқ имкониятлари талаб қилинади. Нутқий жараённинг шаклланишида тил ва тафаккур узвий муносабатга киришади, зотан, инсон тафаккурида мавжуд билимлар тил орқали амалда татбиқ этилиш имкониятига эга бўлади. Айтилишида тафаккурнинг билимлар хазинасида мавжуд бўлган тилга хос билимлар ҳам, инсоннинг турмуш тарзи билан боғлиқ билимлар ҳам назарда тутилмоғи лозим.²

Албатта, нутқий жараён шаклланишида инсон тафаккуридаги билимлар фрагментар ҳолатда воқелангани каби, тилимиз системаси билан боғлиқ билимларимиз ҳам шу тарзда рўёбга чиқади. Агар биз муайян нутқ жараёнида тилимизнинг фонематик бирликлари хусусида сўз юритадиган бўлсак, иккинчи бир нутқий ҳолатда гап ёхуд паратактик, гипотактик қурилмалар ҳақида фикр билдиришимизга тўғри келади. Бу эса, ўз навбатида, юқорида эслатиб ўтилган онгимизда мавжуд бўлган билимлар мажмуасининг фрагментар тарзда воқеланишидан далолат беради. Бундай вазият, албатта, инсоннинг нутқий фаолияти билан бевосита боғлиқдир. Аммо инсон онгида ҳеч қачон муайян матн ёки синтактик қурилма тайёр ҳолда мавжуд бўлмайди. Албатта, айтилишида, ёд олинган матн ёки шеърлар бундан истиснодир. Демак, муайян гап ёки мураккаб синтактик қурилмани шакллантириш учун сўзловчи ўз тафаккури, онгида мавжуд бўлган билимлар мажмуасидан ҳар сафар нутқ муҳити талабига кўра, зарурий фрагментларни воқелантиради. Бу, бир томондан, шундай бўлса, иккинчи томондан, инсон онгидаги билимлар нутқий муҳит билан боғлиқ ҳолда синергетик куч қуршовида туради. Айтилишида, синергетик куч тушунчасини биз билимларимиз тил воситалари орқали ўз ифодасини топиши жараёнида ўз-ўзини бошқариш қувватига ҳам эга эканлиги тарзида тушунаимиз.³ Бу жуда муҳимдир. Чунки онгимиздаги билимларимиз ўз вербал ифодасини топиши учун фақат сўзловчининг ёхуд нутқий муҳитнинг ёрдамига таяниб қолмай, ўз-ўзини бошқариш синергетик қобилиятига ҳам эгадир.

Равшанки, синтактик қурилмаларнинг, шу жумладан, гипотактик қурилмаларнинг деривацион тамойиллари инсон тафаккурининг динамик хусусиятлари билан узвий боғлиқдир. Айтилишида, албатта, синергетик куч фаолият кўрсатади. Бу жараёнда семантика ва синтаксис ўзаро кесишади, зотан, семантик жиҳатдан муносабатга кириша олмайдиган

¹ Худойберганова Д. Матннинг антропоцентриқ тадқиқи. Тошкент, “Фан”, 2013, 12 – 13-бетлар.

² Кацнельсон С.Д. Речемыслительные процессы. “Вопросы языкознания”, 1984, №5, с. 5.

³ Пономаренко Е.В. О развитии системного подхода в лингвистике. “Филологический науки”, 2004, 5, с. 29.

тил бирликлари синтактик жиҳатдан ҳам алоқа боғлай олмайди. Мазкур вазият синергетик кувват билан бевосита боғлиқдир. Бундай ҳолат, айниқса, синтактик структуралар шаклланишида аниқроқ кўзга ташланади. Бошқача айтганда, тил бирликлари синтагматик муносабатга киришуви жараёнида нафақат фонематик сатҳ бирликларининг, балки морфематик, сўз сатҳлари бирликларининг, шунингдек, нутқ бирликларининг (гап ва мураккаб синтактик қурилмалар) ҳам муайян дистрибутив алоқа доирасидагина фаоллик кўрсата олишини кузатамиз. Агар тилнинг фонематик, морфематик, сўз сатҳлари бирликлари ўзаро иерархик муносабатда қўлланиш имкониятларига эга бўлса, нутқ бирликлари, хусусан, гапдан катта нутқ бирликлари амалда қўлланилганда, улар доирасида гап билан гапнинг ўзаро муносабат ташкил этишини кўрамыз.

Айни пайтда, шуни ҳам айтиш лозимки, тил бирликлари билан нутқ бирликларининг когнитив ва прагматик имкониятлари фарқ қилади, зеро, нутқ бирликлари материалида воқеликка муносабат билдирилиб, ҳар доим муайян хабар ифодаси берилади. Тил бирликларида эса бундай имконият мавжуд эмас. Тўғри, алоҳида олинган бир сўз орқали ҳам воқеликка муносабат билдирилиши ва хабар ифодаси берилиши мумкин. Аммо бундай вазиятда сўз гап мақомида келган бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, гап ва гипотактик қурилмаларнинг воқеликка муносабат билдиришида ҳам фарқ бор. Гапнинг воқеликка муносабат билдирилиши монопредикативлик ҳодисаси доирасида рўй беради. Гипотактик ва паратактик қурилмаларнинг воқеликка муносабат билдирилиши эса устпредикативлик ҳодисаси доирасида рўй беради. Бундай хусусият мураккаб синтактик қурилмалар ва матнгагина хосдир. Мустақил гап эса, ҳатто унинг синтактик шакли имкон қадар кенгайтирилган бўлганда ҳам, монопредикативлигича қолади:

1. *У ҳовлида тизилиб турган уй эгаларига ер остидан ҳуркибгина қараб олди* (Ҳ.Ғулом. Тошкентликлар).

2. *Бу ерга дадаси билан саҳарлаб етиб келган бўлса ҳам, Йўлдошни ёлғиз учратишининг иложи бўлмаган эди* (Ҳ.Ғулом. Тошкентликлар).

Берилган мисолларнинг биринчисида мураккаб шаклли мустақил (содда) гап қўлланилиб, у орқали воқеликка монопредикативлик доирасида муносабат билдирилмоқда. Тўғри, гапнинг синтактик сатҳида *ҳовлида тизилиб турган уй эгалари* тарзида шаклланган ярим предикативли қурилма ҳам мавжуд. Бироқ у синтактик жиҳатдан мустақил бўлмай, гапнинг асосий предикатив марказига бўйсунмоқда. Бу эса берилган гапнинг монопредикативли мақомини ўзгартира олмайди.

Кўзмунчоқ ясаб осиб турли воситалар орқали амалга оширилади. Фақат уларда кичик-кичик кўзчалар бўлиши шарт. Анъанавий тасаввурга кўра, ҳасадгўй одам суқ билан бирор-бир кишига разм солса, кўзи ўша кўзмунчоқнинг майда кўзчаларга тушиб, унинг бахиллик ҳисси ўчиб қолар эмиш. Кўзмунчоқ, асосан, тошдан ясалади ва кўз гавҳари шаклига эга бўлади. Халқ қарашларига кўра, тош мустаҳкамлик рамзи, унга теккан кўз тошга урилиб, мунчоқ осган кишига таъсир ўтказа олмайди, деган магик тушунча бор. Албатта, тошнинг муқаддас жисм эканини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Ҳимоя рамзи сифатида осиб юриладиган яна бир рамзий восита тумордир. Тумор деталли ҳам Хоразм воҳасида оммалашган халқ қўшиқларида кўп тақрорланади:

*Рўмолим бор, рўмолим бор,
Рўмолимда туморим бор.
Шу хўжикда хуморим бор.²*

Халқ қўшиқларида рўмол – оила ва севги рамзи сифатида ўзак поэтик мазмунга эга. Тумор эса уни ҳимоя қилувчи ҳомий восита, магик рамздир.

Қўшиқларда тумор билан ёнма-ён юрувчи яна бир рамзий магик восита қалампирдир. Маълумки, қалампир таркиби жиҳатидан аччиқлик хусусиятига эга. Унинг ўша моҳияти ибтидоий инсон тушунчасида бало-қазоларни ҳайдовчи рамзий восита сифатида удумга айланган. Яна шуниси борки, дарвозанинг олдида, янги солинаётган иморат деворига ҳозирда ҳам қалампир, туз каби предметларни илиб қўйиш одати сақланган. Қўшиқларда қалампир магик фетиш тарзида ифодага тортилади:

*Бўйнима осганим қалампир тумор,
Шул ёрни гўрмасам бўламан хумор.
Йигитлар ичинда бўйлари чинор,
Шу ёрни ахтариб гетмасам бўлмас,*

¹ Хоразм халқ қўшиқлари. Тошкент, “Фан”, 1965, 196-бет.

² Ожиза. Шеър ва дostonлар. Нашрга тайёрловчи С.Рўзимбоев. Тошкент, 2003, 35-бет.

Алларим бўйнина солмасам бўлмас.¹

Қалампирнинг аччиқлиги тузнинг аччиқлиги билан мос келиши ушбу икки нарсанинг бир хил рамзга кўчишига асос бўлиб хизмат этган.

Туморлик хусусияти билан алоқадор нарсалар, одатда, кишининг бош кийимига ёки бўйинга осилади. Чунки магик восита кўзга кўринса, ёвуз кучлар унга тўқнаш келиб, барҳам топади, деган ақида мавжуд.

Бошга магик восита сифатида қадаладиган жиғо, уқпар, гажак, дудор каби бир қанча нарсалар борки, улар қуш пати билан боғланиб кетади.

Қуш пати қушларга бўлган эътиқоднинг давомидир. Ушбу воситанинг магик қудрати, ҳомийлик рамзи эканлиги “Авесто”да ҳам қайд қилинган. Унда айтилишича, кимки “варағи” деб аталган мифологик қушнинг патини олиб, баданини танаси бўйлаб сийпаса, душманларнинг сеҳру жодуси, илму амалларидан қутулади, куч-қудратига тўлади.² Қуш пати ёки унинг бирор аъзосига эга бўлиш, ўша қуш ҳомийлигидан фойдаланиш имкониятини беради, деган тушунча рус фольклорида ҳам мавжудлиги В.Я.Пропп асарларида кенг таҳлил этилган.³

Халқ кўшиқларида бу қадимий инончларнинг излари кўплаб учрайди:

Бошим(г)а осганим қора жигоди,

Орасида ҳилтиллайди бир тори.

Беақл вақтимда тутдим дўст-ёри,

Энди уялтирар ёшлик хаёли

(Хоразм халқ кўшиқлари. 194-бет)

Бошима осганим Хива дудори,

Орасинда ҳилтиллайди бир тори,

Ўзимнинг ёрима дунёнинг бори,

Шул ёрни ахтариб бормасам бўлмас,

Алларин бўйнима солмасам бўлмас.⁴

Йўнғичқа челинда чирмашиб печак,

Мен хўжикка хабар этсам келажак,

Бошимда тостаҳя, икки туб гажак,

Бирга кўрса душман куйиб ўлажак

(Хоразм халқ кўшиқлари. 187-бет)

Солманинг буйлари сарадан печак,

Олтин тос таҳямда олтиннан гажак.⁵

Қора сочим уқпаримдан майдадир,

Севиб тутган севар ёрим қайдадир,

Севиб тутган севар ёрим бўлмаса,

Унинг айтган ширин сўзи дилдадир. (“Хоразм халқ кўшиқлари”, 223-бет)

Хоразмда қорақушнинг патидан қилинган қора жиға осиб анъанаси яқинларигача давом этиб келди. Чунки халқ қарашларига кўра, қора ранг салобат ва куч-қудратнинг тимсоли саналади. Зардуштийлик мифологияси талқинича, Ахура Мазданинг суюкли куйи бўлган Сиёвуш қора от миниб юрган. Бу от ёвуз кучлар рамзи бўлган Ахриман тимсоли бўлса,⁶ Сиёвуш ўша кучни маҳв қилувчи халоскор рамзи, деб тасаввур қилинган. Хоразм халқ кўшиқларида кўп қўлланиладиган “қора жиға” эса қудратли магик восита бўлиб, унда ёвуз кучларни даф қилиш хусусияти мавжуд. Бошга осиладиган “дудор”, аслида,

¹ Ожиза. Шеър ва дostonлар. Нашрга тайёрловчи С.Рўзимбоев. Тошкент, 2003, 30-бет.

² Авесто (яштлар). М.Исҳоқов таржимаси. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Тошкент, 2000, 2-сон, 76-бет.

³ Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. Л., МГУ, 1986, с. 192.

⁴ Ожиза. Шеър ва дostonлар. Нашрга тайёрловчи С.Рўзимбоев. Тошкент, 2003, 29-бет.

⁵ Анаш халфа (шеърлар ва дostonлар). Нашрга тайёрловчи ва сўз боши муаллифи С.Рўзимбоев. Тошкент, 2006, 34-бет.

⁶ Тоҳир Карим. Муқаддас “Авесто” изидан. Тошкент, “Чўлпон”, 2000, 136-бет.

икки тор маъносини англашиб, унинг ранги ҳам қора бўлади. Жиға билан дудорнинг моҳияти деярли бир хил бўлиб, ҳар иккаласи қуш патидан тайёрланади. Фақат жиға беш-олтита патдан ташкил топган бўлса, дудор эса узун-узун икки тордан иборат бўлиб, бу торлар қорақушнинг қўйруғидаги узун патлардан олинади. Гажак эса *каж* эгри сўзидан олинган бўлиб, ўрдак патига алоқадордир. Бу пат гўзаллик рамзи саналиши билан бирга, магик хусусият ҳам ташийдир. Уккининг патидан тайёрланадиган укпар ҳам гажак билан бир хил моҳиятга эгадир. Ирим-инончлар билан алоқадор рамзийлик маросим қўшиқларида турли воситалар орқали юзага чиқади. Шундай воситалардан бири қайчидир. Никоҳ тўйи маросимида ижро этиладиган халқ қўшиқларида “қайчи” поэтик детали кўп тилга олинади:

*Тахта кўпир устидан тойиб тушдим ёр-ёр,
Ўнг алима қайчи олиб бахмал бичдим ёр-ёр.*¹

Мазкур маросим қўшиғининг иккинчи мисрасида никоҳ тўйи куни янгалар яхши ниёт билан гўшангани бичиши ҳақида сўз кетаётир. Албатта, мато қайчи билан бичилади. Лекин қўшиқда қайчига урғу берилиши жуфтликка ишора бўлиб, поэтик рамз моҳиятидан келиб чиқадиган бўлса, жуфтлик тимсоли келин-куёвнинг ўзига тенгдир. Қайчи деталининг жуфтлик ғоясини ташиши мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларидан ёзиб олинган халқ қўшиқларида ҳам ўз бадиий ифодасини топганлиги маълум:

*Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан,
Қайчи қуда, ёр-ёр.
Икки ёрти бир бутун,
Бўлган шуда ёр-ёр.*²

Бу ёр-ёр матнида қўлланилган «қайчи қуда» ибораси икки оиланинг бир-биридан қиз бериб-қиз олишиб, қуда-анда сифатида бирикиб, “икки ёрти”дан бир бутунликка интилишини тасвирлаш мақсадида келтирилган. Умуман олганда, жуфтлик тимсолининг халқ ижодиётида поэтик рамз вазифасида келишининг тарихий асослари дуалистик қарашлар билан боғланиб кетади. Демак, Хоразм маросим лирикасидаги “қайчи” детали оддий бўюм бўлишидан ташқари, жуфтлик ва оила рамзи маъносига ҳам эгадир.

Хоразм воҳаси оилавий-маиший маросим қўшиқларида рақамлар билан боғлиқ магик тушунчалар ва рамзий ишоралар ҳам ўз ифодасини топганлиги кузатилади. Зеро, “деярли ҳар бир анъана ва маросимларимизда муайян рақамлар қўлланилади. Ҳозирги кунда айрим рақамларни тимсоллаштириш анъанаси қадимий мифологик тасаввурларнинг турли кўринишлари тарзида сақланиб қолган”.³ Халқ қўшиқлари таркибида рақамлар кўп ишлатилса-да, уларнинг муайян функционал-семантик моҳияти мавжуддир. Шу сабабли ҳар қандай рақамлар ҳам халқ қўшиқлари матнига киритилавермайди. Поэтик тимсол вазифасида келадиган рақамлар халқнинг тарихи ва урф-одатлари билан узвий алоқадор бўлиб, “сеҳрли” рақамлар ҳақидаги халқ қарашлари қадимий – мифологик рамзлар системасининг рақам белгилари тўғрисидаги тасаввурлари асосида пайдо бўлган”.⁴ Хоразм маросим маросим қўшиқларида анъанавий магик хусусият касб этувчи рақамлардан 2, 3, 4, 5, 7, 9, 40, 1000 каби сонлар анча фаол қўлланилади. Хусусан, “икки” рақами қўшиқларда фольклордаги функционал табиатидан келиб чиққан ҳолда, дуализм, иккилик, жуфтлик анъанаси билан боғлиқ ҳолда истифода этилади:

*Иккимизнинг орамизда сарҳовуз,
Қора камзўрингда бахмал паравуз.* (Хоразм халқ қўшиқлари. 198-бет)

Қўшиқларда “икки” рақамини англаувчи “кўша”, “жуфт” сўзлари ҳам тимсолий деталъ вазифасида ишлатилади:

Бизнинг ёрни бармоғида боли бор,

¹ Хоразм оғзаки ижод дурдоналари (нашрга тайёрловчи П.Бобононов). Урганч, “Хоразм”, 1993, 81-бет.

² Гулёр. Фарғона халқ қўшиқлари. Тўпловчи Ҳ.Раззоқов. Т., Адабиёт ва санъат нашриёти, 1967, 165-бет.

³ Жўраев М. «Сеҳрли» рақамлар сири. Тошкент, «Ўзбекистон», 1991, 5-бет.

⁴ Жўраев М. Ўзбек халқ эртакларида сеҳрли рақамлар. Тошкент, 1991, 37-бет.

Чаккасида қўша-қўша холи бор,
Биздан ҳам севгили севар ёри бор,
Келавер, кўзингдан, қўрқма изингдан (Хоразм халқ қўшиқлари. 83-бет)
Муборақлар бўлсин этган тўйингиз,
Жуфт патикли кўшки айвон уйингиз.¹

Юқоридаги қўшиқларнинг матнидаги “қўша-қўша хол” гўзаллик тимсоли бўлса, “жуфт патикли кўшки айвон» эса келин-куёвга тиланадиган бойлик ва бадавлатлик рамзини билдиради. Халқ оғзаки бадий ижодида анъанавий тарзда қўлланиладиган “уч” раками “уч йўл” (борса келар, борса хатар, борса келмас), “уч кеча-кундуз”, “уч оға-ини”, “уч бошли аждар” каби семантик моделларни ҳосил қилган бўлиб, тарихий-генетик жиҳатдан оламнинг уч қисмдан тузилганлиги тўғрисидаги мифопоэтик тасаввурларни ифодалашга хизмат қилади.

Улжан Қаршибаева (СамДТИ)
ТАДҚИҚОТЧИЛАР ВА ЁЗУВЧИЛАРНИНГ ВАЛЬТЕР СКОТТ ИЖОДИГА
ҚАРАШЛАРИ

***Аннотация.** Мақолада XIX аср бошида француз адабиётига шиддат билан кириб келган тарихий роман жанри, узоқ ва яқин ўтмишидаги урф-одатларни, маданий ва маънавий қадриятларни, миллий анъаналарни, умуман олганда, фанога ғарқ бўлган даврларни тасвирлашга ҳаракат қилингани очиб берилди ҳамда тарихий жанр ижодкори Вальтер Скотт ижодига тадқиқотчилар ва ёзувчиларнинг фикрлари, қаршиликлари ёритилди.*

***Аннотация.** В статье раскрываются вошедшие с интенсивностью во французскую литературу XIX века жанр исторического романа, обычаи далекой древности, культурные и духовные ценности. Автор постарался показать времена, ушедшие в небытие. Освещаются взгляды, противоположные мнения исследователей и писателей по творчеству создателя исторического жанра Франции Вальтера Скотта.*

***Annotation.** This article describes the genre of the historical novel, the customs of distant antiquity, culture and spiritual value which included intensity to the French literature of XIX century. In general, the author tried to uncover the times drowned in nonexistence. It was also uncovered the views, researchers and writers' contrary opinions about oeuvre of the creator of historical genre of France Walter Scott.*

***Калим сўзлар:** классицизм, тарихий роман, жанр, миллий анъаналар, историография, сюжет, тараққийпарвар.*

***Ключевые слова:** классицизм, исторический роман, жанр, национальная традиция, историография, сюжет, прогрессист.*

***Key words:** classicism, historical novel, genre national tradition, historiography, plot.*

Нима бўлганда ҳам, ушбу катта босқич давомида, яъни XVIII аср охири – XIX аср бошида француз адабиётига шиддат билан кириб келган тарихий роман қатъий қаршиликка бардош бериши лозим эди.

Умуман, тарихий роман бўлиши мумкинми? Тарих фанининг имкониятлари шубҳага ўрин қолдирмасди, чунки тарих хужжатларда сақланган фактларни ўрганади. Бирок тарихий роман фақат фактлар билан чекланиб қолмасди, балки узоқ ва яқин ўтмишидаги урф-одатларни, маданий ва маънавий қадриятларни, миллий анъаналарни, умуман олганда, фанога ғарқ бўлган даврларни тасвирлашга ҳаракат қилади, бунга эса, классицизм тарафдорлари таъбири билан айтганда, эришиб бўлмасди. XVII аср анъаналарида қатор тарихий романлар ёзган мадам де Жанлис узоқ даврларни ўрганиб бўлмайди, демак, урф-одатларни ҳам тасвирлаш қийин, ёзувчининг қўлидан келадигани – бу ўз даврининг урф-

¹ Ожиза. Шеър ва дostonлар. Нашрга тайёрловчи С.Рўзимбоев. Тошкент, 2003, 20-бет.

одатларини қоғозга кўчириш, деб таъкидлаган.¹ Бу классицизм нуқтаи назаридан айтилган, ўтмишни батафсил ўрганиш, тарихий воқеа-ҳодисалар моҳиятини ички ҳис-туйғу орқали сезиш, мусобақа йўли билан билишни ва илмий тасаввурни инкор этувчи фикр эди. Француз тараққийпарвар ёзувчилари тарафдори бўлган мунаққидларнинг яқдил фикрича, Скотт хизмати шунда эдики, у бутун диққат-эътиборини урф-одатларни тасвирлашга қаратганида эмас, балки қалтис ва таҳликали саргузаштларга бой сюжетларни яратганидир.

Француз мунаққиди Ф.Офман “Айвенго” романининг муқаддимасига ҳавола қилиб, Скотт романлари, асло, тарихий эмаслигини исботлашга уринади. Унинг фикрича, Скотт романларида ҳеч қандай урф-одатлар тасвири йўқ, ушбу баҳо бўлмаса, “урф-одат” тушунчаси беъмани гапга айланади. Скотт романларининг бадиий аҳамияти шундаки, улар ўқувчида қизиқишни теварак атрофга синчков боқишга мажбур этади. Энг муҳими, Скотт муайян сахна, эпизод ёки бутун бошли фаслни яратишда ўзининг чексиз тасаввурини намоён қилади. Буни эса Офман сахна, эпизод ёки фаслни яратишга ижодкорона ёндашув, деб билган. Скотт ўзи ҳам тарихий ва археологик манбалардан узоқлашганини бир неча бор таъкидлаганлиги Офманга қўл келади ва унинг қатъий фикрича, Скотт ўзи яратган романларнинг тарихий маъносини ўзи инкор этган. Шу боисадан ҳам тарихий роман тушунчасининг мазмун-моҳияти ўта зиддиятли ва мантиқан ўйлаб қараганда, реал бўлиши мумкин эмас.²

Классицизм тамойилларига асосланган қарашларида қатъиятли бўлган француз ёзувчиси Э.Жуй тарихий роман билан оммавий қизиқишга қарши чиқади. Унинг фикрича, тарихий роман “тарихни тўқимагача” пасайтиради, баъзи ҳолларда, тўқиб чиқаришга олиб боради. Бу ёлғон жанрни, ҳатто Скотт истеъдоди ҳам қутқара олмайди. Чунки Скотт фикр кучи билан эмас, балки кенг ва чуқур билими, ақл-заковати билан ажралиб, тарихга “салгина” таяниб, манбалардан олинган энг қизиқарли воқеа-ҳодисаларни ёзади, аслида, тарихий роман жанри Скотт эмас, балки Мадам де Скюдери ва Лакальпренед томонидан яратилган. Скотт асарларида иккита катта камчилик бор. Биринчиси – улар негадир тарихий деб номланади, иккинчиси – улар “фалфаса”, яъни тарихий воқеа-ҳодисаларни маърифатчилик нуқтаи назаридан баҳолашдан маҳрум этилган. Унинг романларида ҳеч қандай маънавий-ахлоқий маъно йўқ, Вальтер Скоттга нисбатан, тарихий латифалар тузувчиси кўпроқ тарихчи бўлиб кўринади. Сўзсиз, кучли таассурот қолдирган ясама, юзаки сахна ва манзараларни, кўпол урф-одатлардани қойилмақом тасвирлаган романнавислар даҳоси Сэмюель Ричардсонни ҳам баҳоли кудрат баҳолашганди.³

Шу ва шу каби фикр-мулоҳазалар, аслида, замондош адибларни “даврнинг бадиий дидини кўпол тарзда камситиш” ва жанр орқали кўтариб чиқиладиган муаммоларни умуман, тушунмаслиги билан ҳайратда қолдирган.⁴ В.Мюссе-Патте эса “*Multa incredibilia vera, multa credibilia falsa*” (лот. – “Ҳақиқатга тўғри келмайдиган нарсаларнинг кўпи ҳақиқий, ҳақиқатга ўхшаган нарсаларнинг кўпи эса ёлғон”) дегувчи эпиграф остида ёзилган “Тарихий ҳикоялар” номли китобида, тарихга, умуман олганда, кўп ишонавериш ҳам керак эмас, деган фикр таъкидланади.⁵

XIX асрнинг 20-йилларида ижод қилган романтик шоир ва ёзувчиларга бемаъни ва тугуриқсиз бўлиб кўринган ушбу классицизм руҳидаги фикрлар, 30-йилларда, яъни бу вақтга келиб, долзарб жанрга айланган “замонавий роман” учун тарихий романга қарши олиб борилган кураш пайтларида яна такрорланди.⁶

¹ Madame de Genlis. Mémoires inédits, t. VIII, Paris, 1825, p. 181.

² Journal des Débats. 1823 йил 31 август. “Oeuvres de F.V.Hoffman”, t. VIII, p. 118–146.

³ E.Jouy, Cécile, ou les Passions. Oeuvres complètes, t. XXIII, 1823, p. 29–37.

⁴ Revue Encyclopédique. 1827, t. 33, p. 589.

⁵ V.D.Musset-Pathay. Conteshistoriques, Paris, 1826, p. 78.

⁶ L.Börne. Gesammelte Werke, t. VIII, p. 210–211.

Ҳақиқатни тўқима билан аралаштириб, ўртадаги фарқни ажрата олмаслик, натижада унисига ҳам, бунисига ҳам бир хил зарар етказди, дегувчи фикр тарихий романга қарши билдирилган асосий далилга айланди. 1821 йил “Abeille” журналида Скоттнинг “Кенил-ворт кўрғони” романига ёзилган тақризда: “Афтидан, сэр Вальтер Скотт ушбу жанрга меҳр қўйган. Нима учун бу сирлигича қолмоқда? Қизик, унда ҳақиқат ва ёлғон устунлик учун басма-бас тортишади: ҳақиқат – етарлича очилмагани учун кўп нарса йўқотади, ёлғон эса – очилиб қолгани учун ютқазди”,¹ – деб ёзилган.

Худди шундай фикрни қарийб йигирма йил олдин XVIII аср тарихий романлари ҳақида сўз юритган Теодор Жоффрау ҳам билдирганди. Унга кўра, “тарихий романларда тарих романни бузади, роман эса – тарихни сохталаштиради”.² Шунга қарамасдан, XIX асрнинг 20-йилларида классицизм тарафдорларининг айримлари тарихий романни кам ўрганган мамлакатлар тарихи билан танишишнинг энг осон йўли, деб уни қабул қилишга тайёр бўлишган.³

Тарихий романдаги ҳақиқат ва тўқима қоришмаси тарихчиларнинг қатъий норозилигига учради. Бу масалада ўтакетган расмиятчи ва синчков Жиль Симонди Вальтер Скоттнинг “Уеверли” (Waverly. 1825) романини катта қизиқиш билан ўқиганлигини, “Никоҳланганлар” (1825) романи билан танишиб, тарихий ноаниқликка эътибор қаратганлигини қуйидагича изоҳлайди: “муаллиф ўз қаҳрамонларини реал муҳитда эмас, мутлақ хаёлий (romanesque) муҳитга жойлаштиради. Ўрта асрларда хўжайиннинг измидан чиқиб кетолмаган, ихтиёри ўз қўлида бўлмаган аёлнинг шу қадар мустақил бўлиши мумкин эмасди”.⁴

“Айвенго” романидан ҳайратланган О.Тьерри 1824 йил А.Мандзонига йўллаган мактубларининг бирида тарихий роман яратишни ният қилиб юрган бўлса ҳам, бундай жанр бўлиши мумкинлигига катта шубҳа билан қараганлигини ёзади.⁵

Француз ёзувчиси Ж.Мишел ёшлигида Вальтер Скотт романларини, энг аввало, тарихий воқеа-ҳодисалар баёни, ўтмиш манзаралари тасвири учун берилиб ўқиганини эслайди: “Мен ҳеч қачон тарихий романни тушунмасдим. Биринчидан, тўқима қаерда тугаб, ҳақиқат қаерда бошланишини билмай қоласан. Кейин эса тасаввурни вақтинчалик банд қилиб туришга эмас, балки ҳозирги кунни ўтмиш ёрдамида ёритишга хизмат қилувчи ҳақиқий тарихга бўлган ҳавасингни йўқотасан”.⁶

Ф.Офманга тарихий романда бўлиши мумкин эмас бўлиб туюлган жиҳат, яъни тарихий ҳақиқатни Ж.Мишел, аксинча, топиб олади, аммо тарихий романнинг асосий тамойили бўлмиш “тўқиманинг тарихий ҳақиқати”ни тушуна олмайди. Проспер де Барант эса Вальтер Скотт кучи нималигида бўлганлигини яхши тушунади, лекин Скотт тарихда унинг жозибадорлигини, қизиқарли бўлишини таъминловчи жиҳатларини “ўғирлаган”, деб ҳисоблайди, шу сабабли ушбу жанр қонунийлигини, “яшочанлиги”ни шубҳа остига қўяди.⁷ У романлаштирилган тарихга қарши чиқиб, М.Монтейлнинг “Вальтер Скоттнинг услубига кўра, кўпроқ классицизм, археология ва тарих нуқтаи назаридан ёзилган” “Histoire des Français aux XIV siècles” (1830) китоби ҳақидаги мақоласида тарихий роман историографияга оид романни майдондан сиқиб чиқариши хусусида фикр юритади.

Унинг фикрича, тарихни яхши билган ёш ёзувчилар романнавис сифатида яхши тарихчи бўлиб қоламан деб, нотўғри ўйлашади.⁸

¹ Abeille. 1821 йил 17 май. L.Maigron мақоласи, 109 бет.

² “Cours de littérature dramatique”, tt. IV, p. 258.

³ “Jurnal des Débets”, 1824 йил 13 февраль, 1-бет.

⁴ Sismondi. Fragments de journal et correspondance avec M-Ile de Sainte-Aulaire, 1857, p. 85.

⁵ Cesare de Lollis. Alessandro Manzoni e glistoriciliberalfrancesidyliiaRestaurazione, 1924, p. 141.

⁶ J.Michelet. Mon journal, 1822, p. 261 – 262.

⁷ P.de Barante. “Histoire des ducs Bourgogne de la maison de Valois”, t. I, p. 14 – 17.

⁸ “Mélanges historiques et littéraires”, 1835, p. 118.

Теодор Жоффруа: "...Скотт романларининг кадр-қиммати роман шаклига хос бўлган камчиликлар ўринини қопловчи тарихий мазмундадир", деб ўзи билмаган ҳолда де Барант фикрини такрорлайди.¹

Шунга қарамасдан, тарихчи олимлар, жумладан, де Барант, тарихий романда яширинган фойдали, намуна сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган хусусиятларни аниқлаб, ҳар томонлама ўрганиб чиқилгандан сўнггина, "романлаштирилган" тарихга қарши фикр билдиришга журъат этдилар. Скотт эришган муваффақиятнинг "сир"ини тушуниб, унинг тарихни ички ҳис-туйғу орқали сезиш ва қоғозга тушира олиш усулини эгаллаб, ўтмишга кириб бориш йўлини топиб, де Барант бу усулдан роман шаклида эмас, балки тарихий бир асарда фойдаланишга қарор қилади. У тарихни романдан халос этишга, роман орқали унга ўтган хусусиятларни сақлаб қолиб, соф тарихни яратиш учун бадий, ижодий тасаввурни ишга солишга ҳаракат қилди.

Вальтер Скотт яратган "шотланд роман"ларининг янги, ҳақиқатдан ҳам, тарихий хусусиятлари, ҳатто классик адибларни ҳам ушбу жанрга қарши бўлган фикрларидан қайтишига сабаб бўлди: "Эндиликда тарихий романлардан бошқа ҳеч нарсани эшитишни ҳам хоҳламаяптилар; асли инглиз бўлмаган, келиб чиқишига қарамасдан, Вальтер Скотт французларда уларнинг ўқишга ҳавасини уйғотди. Тан олишимиз керак, улар пайдо бўлишигача биз бу жанр тарафдори эмас эдик, негаки унда ёлғон шунчалик ҳақиқатга яқинки, тўқимани тарихдан ажратишнинг имкони бўлмайди... Аммо сэр Вальтер Скотт янги йўлларни очди ва гўё қуригандек бўлиб кўринган заминни озиклантириб, унга янги ҳаёт бағишлади".²

1820-йиллар бошида Вальтер Скоттнинг ижодига меҳри баланд бўлган романтизм тарафдори Стендаль ҳам бу ҳақда қуйидагича ёзади: "Парижда деярли йигирма беш йил давомида тарихий роман устидан кулдилар. Академия ушбу жанрнинг бемаънилигини илмий жиҳатдан исботлаб ҳам берди. Вальтер Скотт ўзининг "Уэверли" романи билан француз адабиётига кириб келганидаёқ биз бунга ишонган эдик, лекин унинг ношири бўлмиш Биллантайн катта бойликни бизга мерос қолдириб, бу оламни яқиндагина тарк этди".³

В.Скоттни Лакальпрепед ва м-ль де Скюдери каби "ўтмишдош"ларига ҳаёлан қарма-қарши қўяркан, таниқли француз мунаққиди Франсуа-Жюль де Петиньи (François-Jules de Pétingy, 1801–1858): "Тўғри нуқтаи назардан кўриб чиқилган ушбу жанр тахмин қилингандан ҳам янгироқ. Буюк Карл ва унинг содиқ аъёнлари жангу жадалларда кўрсатган жасоратлари ҳақидаги сон-саноксиз ҳикоялардан тортиб, то "Клелия" ва "Кир" романларигача, кўпгина муаллифлар, замондошаларимиз ҳақида гапирмасак ҳам бўлади, тўқиб чиқарилган воқеаларни тарихий номлар билан "безаб" кўйишарди.

Аммо Вальтер Скотт, эҳтимол, биринчи бўлиб ўйлаб чиқарилган мураккаб сюжет доирасида тарихий воқеа ва урф-одатларни моҳирона тарзда тасвирлай олди. У, ҳеч бир муболағасиз, ушбу роман жанрнинг ҳақиқий яратувчиси, у тарихдан нафақат номларни, балки фактларни ҳам олади, у тарихни нотўғри талкин қилиш, бузиб кўрсатиш ўрнига, уни бойитади ва ривожлантиради; тарихга бўлган қизиқишни кенгайтиради ва чуқурлаштиради",⁴ деб ёзади.

Классицизм содиқ тарафдорларининг зардасини қайнатган, уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган амалий усул, яъни ҳақиқатни, маълум нарсани бадий тўқима билан аралаштириш романтизм тарафдорлари қарашларида юксак бадий ҳақиқатга айланган эди.

Француз мунаққиди ва адабиётшуноси Жан-Мари Низар (Jean-Marie Nizard, 1806 – 1888)нинг таъкидлашича: "Роман ўзининг янги ҳаёти учун янги кучни тарихдан олди. Та-

¹ "Globe", 1826 йил 28 октябрь. L.Maigron мақоласи, 138-бет.

² "Journal des Débats", 1823 йил 24 август, 1 – 2 бетлар.

³ Стендаль. Расин и Шекспир (1825). Собр.соч., т. IX, 1938, с. 95.

⁴ J.de Pétingy. Annales de la littérature et des arts, 1820 – 1821, t. II.

рих унга умумий воқеаларни, давр руҳини, миллий ўзига хосликни, яъни ҳаққонийлик гаровини тақдим этди. Ёзувчи тасаввури ушбу тарихий фактларги мос ва хос келувчи, бошдан оёқ ўйлаб чиқилган, бироқ давр либосини кийган ва унинг руҳини мужассам этган воқеа ва одамлар билан тўлдириши мумкин эди. Айнан, ушбу адабий жанр вужудга келган экан, у ҳақиқат ва бадий тўқиманинг ҳаққоний тасвири, тасаввур ва тарихнинг улғусифат хосиласи эди. Дурдона тарихий романлар яратган Вальтер Скотт биринчи бўлиб ушбу жанрни адабиётга олиб кирди”¹.

“Ҳақиқат ва бадий тўқима”нинг бундай “бирикув”и оддий “ҳақиқат”га қараганда, кўп жиҳатдан ҳаққонийроқ, рост бўлиб кўринади. Бадий тўқима нафақат ҳақиқатни очиб беради, балки уни яратади ҳам, деган асосий фикр пайдо бўлди. Негаки, унинг ёрдамида яқин келажакда, наинки тарихий роман жанри, қолаверса, бутун адабиётнинг ҳақлиги яна бир қарра ўз тасдиғини топади. Тез орада эстетик тафаккур янги босқичга кўтарилади – тарихий роман доирасида бадий тўқима ҳақиқатга ўхшаб кетади, қолаверса, унинг тарихий ҳақиқат билан бирикуви, ўзаро бир-бирига сингиб кетиши ёлғон, фирибга айланиб боради, яъни илгарилари ҳақиқат гарови бўлган нарса эркин бадий ижод йўлида тўқинликка айланади ва нолойиқ хийла-найранг ва янглиш усулдек четга улоқтириб ташланади.

Nilufar Tosheva (TDO‘TAU)

“JAZIRAMADAGI ODAMLAR” ROMANIDA URF-ODAT VA XALQ MAROSIMLARI

***Annotatsiya.** Maqolada Luqmon Bo‘rixonning “Jaziramadagi odamlar” romanida xalqimiz orasida uzoq vaqtlardan beri qo‘llanilib, an‘anaga aylanib ulgurgan ma‘naviy merosimiz sanalmish urf-odatlar hamda marosimlar tadqiq qilingan. Urf-odat va marosimlarning badiiy asardagi poetik vazifalari ochib berilgan. Ularning roman voqealarining xalqonaligini oshirishdagi ahamiyatli o‘rinlari ko‘rsatib o‘tilgan.*

***Аннотация.** В статье на примере романа Лукмона Бурихона «Люди в жару» изучены некоторые обычаи и ритуалы, которые долгое время использовались нашим народом и впоследствии стали традицией и духовным наследием. Раскрыты поэтические задачи ритуалов и обычаев в художественном произведении. Указывается на значительную роль романа в деле повышения народности.*

***Annotation.** In this article, traditions and rituals in the novel by Lukmon Burikhon “People in the Heat” that have been used for a long time and maintained as our national heritage among our nations were clearly identified. The important points of traditions and rituals that aimed to increase the events of folklore were shown.*

***Kalit so‘zlar:** roman, folklor, urf-odat, marosim, obraz, xarakter, xalqonalik, poetik vazifa.*

***Ключевые слова:** роман, фольклор, обычай, ритуал, образ, характер, народность поэтическая задача.*

***Key words:** novel, folklore, tradition, ritual, image, character, nationality, poetic function.*

Xalqimiz qadimiy urf-odatlar va marosimlarga boy eldir. Bu urf-odatlar va marosimlar xalqimizning, ota-bobolarimizning milliy ruhini ko‘rsatib turadi. Bobolarimizdan qolgan bunday milliy, ma‘naviy merosni asrsh uni keyingi avlodga yetkazish biz, yoshlardan ulkan mas‘uliyatni talab qiladi.

Ijod ahli o‘z millatining urf-odatlarini, marosimlarini, milliy qadriyatlarini, yurtdoshlarining quvonch-u qayg‘ularini badiiy ijodida aks ettirishi orqali yosh avlod qalbida o‘z ajdodlari o‘tmishiga bo‘lgan, vatanga bo‘lgan ehtiromi yanada oshiriladi. Agar yosh avlod o‘z ajdodlari tomonidan yaratilgan milliy merosga, bobolaridan qolgan asriy urf-odatlarga muhabbat ruhida tarbiyalangan bo‘lsa, uning milliy urf-odatlar va marosimlardan ilhomlanishi tabiiy hol bo‘lib qoladi.

¹ “Journal des Débats”. 1828 йил 11 октябрь, 3-бет.

Xuddi shunday bobolarimizning qadimiy urf-odatlarini va marosimlaridan ilhomlanib, ularni yosh avlod ongiga singdirishni maqsad qilgan adiblarimizdan biri Luqmon Bo‘rixondir. Adibning “Jaziramadagi odamlar” romani xalqona ruhda yozilganligi bilan ajralib turadi. Har qanday yozuvchi o‘z tilida asarini yaratarkan, bu asarda shu millatning milliy ruhi aks ettiriladi. “Jaziramadagi odamlar” romanida ham o‘zbek xalqining milliy ruhi o‘z ifodasini topgan.

Roman qahramonlaridan biri mulla Mirzaning suyukli qizi og‘ir kasallikdan qutulib, oyoqqa turganligi uchun shukrona tariqasida qarindosh-urug‘iga, qo‘ni-qo‘shniga ma‘raka qilib beradi.¹ Bu marosim ba‘zi viloyatlarda *sadaqa*, ba‘zilarda *xudoyi* deb yuritiladi. Mulla Mirzo o‘tkazgan marosim, agar kishi bir o‘limdan qolsa, shukrona tarzida o‘tkaziladigan yig‘in edi.

“Ilgari, tog‘ ayollari o‘rimga chiqishganda bolalarini xurjunga solib, eshakka ortib olishgan. Chinor bechora ham shuytib mayib bo‘lib qolganda... xurjunligida chap oyog‘ining to‘pig‘i joyidan qo‘zg‘alib ketgan. Buni birov sezmagani. Bola chinqirib yig‘lasa, kinnalabdi, deb qushnoch momoga yugurishgan”.² Xalqimizda yosh bola tinmay yig‘lasa, ko‘z teggan yoki birovning suqi teggan yoki kinnalabdi, degan gaplarni ko‘p eshitganmiz. Ularni qaratish uchun xalq orasidan chiqqan emchilarga aytishgan. Emchilar yosh bolaning qorniga non silab, qozon tagidagi qorakuyadan yuzlariga surib qo‘yganlar. Eng qizig‘i, shu amallar bajarilgandan so‘ng, yosh bola yig‘idan to‘xtab, yaxshi uxlagan. Emchi bolaning ahvoliga qarab, uning suqlanganini aytsa, tovuq bilan bolani qonlagan. Bu udumlar yoki marosimlar hozir ham xalqimiz orasida bor.

Xalqimizdagi bunday marosimlarni o‘rgangan tadqiqotchi Olim Qayumovdir.³ Adabiyotshunos o‘z tadqiqot ishida elimizdagi shomonlar faoliyatini tadqiq qilgan. Qariyalarimiz og‘zidan eshitganmiz: “Hozirgi bolalar nimjon, darrov do‘xtirga boradi, bizning davrimizda qo‘shnochga aytsak, tuzalib ketardi.” Yildan yilga, zamonlar o‘tishi bilan odamlar o‘zgarib, ularning e‘tiqodi ham turlicha bo‘lmoqda.

“Shu sabab, vaqtni boy bermay, mulla Mirzalarga ko‘ngillari to‘lmay, to‘ppa-to‘g‘ri G‘ulomxon eshonga yukunib borishgan, o‘zlariga dam urdirib, og‘izlariga tuflatib qaytishgan ekan”.⁴

Eshonlarga o‘qitib, dam soldirish hamma viloyatimizda bor an‘ana hisoblanadi. Navoiy viloyati Nurota tumaniga ziyoratga kelgan odam eshonlarga o‘zini o‘qitmasdan ketmasa kerak. Eshonlar kishilarga Qur‘on oyatlari bilan dam soladilar. Bu kishilar uchun ma‘naviy ozuqa, shu yo‘l bilan kishilar o‘zlarini oldingiga qaraganda tetik hisoblashadi. Hadislarda aytilishicha, insonga yopishgan ziyon, jin-ajinalar Qur‘on tilovatini eshitib, u kishini tark etarkan.

“Axir, aynan o‘sha kitobning, aynan o‘sha sarg‘aygan sohibasi ochilgan payt mehmonning izzati uchun mulla Ali noiloj otin qizini chaqirtirib o‘qitarkan-da!”⁵

O‘zbek xalqida Qur‘onni tilovat qiladigan ayollarni *otin oyi* deb atashadi.

Romandagi bu parchada asar qahramonlaridan biri Safarmurod chavandoz va uning xotini Toshbibilarning ilk tashvishlari ilk tanishlari tasviri berilgan. Toshbibi ko‘p kitob o‘qigan, ko‘p narsani bilardi. Xalqimiz orasida ham ko‘p kitob o‘qigan, ko‘pni ko‘rgan ayollarga nisbatan *otin* maqomi berilgan. Xalqimizda dasturxon bo‘yiga kelgandan so‘ng yoki taomni yeb bo‘lgandan so‘ng, duo qilinib, dasturxon atrofidan qo‘zg‘aliniadi. Agar mehmonlar oldiga kelsa, ularning har biri bilan so‘rashib, keyin duo qilinadi. Dasturxon egasi xonadoniga, uning atrofiga o‘tirgan kishilar xonadoniga, ro‘zg‘origa baraka tilanadi. Bu udum o‘zbek xalqida mavjud, Yevropa xalqlarida unday udum-an‘ana yo‘q. Dasturxon bo‘yida duoni odatimiz bo‘yicha, oilaning yoshi ulug‘ erkak kishisi o‘qiydi. Agar mehmon bo‘lsa, mehmon o‘qiydi. Agar mehmon mezbondan kichik bo‘lsa, dasturxon atrofiga o‘tirganda duoni mezbondan aytdi, taomdan so‘ng mehmon aytdi. Hadislarda: “Dasturxon atrofida qilingan duo ijobat bo‘ladi”, degan fikr bor, shuning uchun

¹ Luqmon Bo‘rixon. Jaziramadagi odamlar. Toshkent, G‘.G‘ulom NIMI, 2005, 38-bet.

² Shu manba. 147-bet.

³ Qayumov Olim. O‘zbek folklorida pari obrazi. Fil. fan. nom. diss., T., 1999.

⁴ Luqmon Bo‘rixon. Jaziramadagi odamlar. Toshkent. G‘.G‘ulom NIMI, 2005, 15-bet.

⁵ Shu manba. 18-bet.

ham dasturxon atrofida o'tirganda duo qilish musulmon xalqlari orasidagi odatlardan biri bo'lsa kerak.

“Mulla Mirza hamma bilan galma-gal qo'l olib salomlashib chiqdi. – Omin, – dedi u bo'sh stullardan biriga omonatgina o'tirib. – Xudoyim iqbolingizni baland qilsin, uy-ro'zg'oringiz tinch, xotirjam bo'lsin!”¹

Bizning dono xalqimizda “Oltin olma, duo ol” degan gap bo'lib, uyiga kelgan mehmondan duo oladi.

Yozuvchi asar voqeligini jonli, ishonarli, hayotiy qilib kitobxon ko'z o'ngida gavdalantirish maqsadida o'zbek xalqidagi har bir udum-an'anaga e'tibor qaratib, o'z asarida ulardan o'rinni foydalangan.

“Onamning bezovtalanib uyg'otishi bejis emas ekan. Uzun-quloq gaplarga qaraganda, uyqusida tamshangan odam hayot lazzatiga qonmay, erta o'lib ketar emish, uyqusida tamshangan odam nelargadir ilhaq bo'larmish-u, biroq yetisholmay, lab yalab qolarmish”.²

Adib asarda sodda, samimiy o'zbek ayolini tasvirleydi. Safarmurod chavandoz Lolaxonning orqasidan kelgan shaharlik qizlar orqasidan ergashib shaharga ketmoqchi bo'lganda, falokatga yo'liqadi. Shunda uning xotini Toshbibi chechaning shu falokatdan bir kun ilgari uyqusida tamshanganini aytadi. Samadning onasi “nima uyg'otmadis, uyg'otganizda kari-ziyoni ketardi”, deydi. Sodda qishloq ayoli erining shaharlik oyimchalarning orqasidan ketganligini bilmasdi.

Badiiy asarda umuminsoniy g'oyalar ufurib turmasa, asar xalq uchun qiziq ham bo'lmaydi uning qimmatini ham qolmaydi.

“Xalq orasiga xos rang-barang va original tashbehlar, ramz, mubolag'a kabi, badiiy tasvir vositalari ham asar sujet va kompozitsiyasining to'laqonli chiqishini ta'minlaydigan badiiyat unsurlari hisoblanadi”.³

O'zbek xalqiga xos bo'lgan udum va an'analar uzoq o'tmishga ega. Ular avloddan avlodga meros bo'lib kelishi bilan ham qadryatga aylanib ulgurgan.

“– Meni Lolaxon kelin tiriltirdi! – debdi Qalqonov muallimning xokisor xotini. – Anovi kuni Xosiyat opa men, bechora yarimjondan xabarlashgani borgandi”.⁴

Kasal yotgan odamdan xabar olish, undan hol-ahvol so'rash odamiylikning bir ko'rinishidir. Bu an'ana ham haligacha xalqimiz orasida davom etib keladi. Bemor yotgan kishining ahvolini so'rash bilan unga kuch-quvvat, ma'naviy barkamollik bag'ishlagandek bo'linadi. “Kasal ko'rdi” marosimi ham bor bo'lib, unda qishloqning odamlari bemor kishinikiga kelishadi, ayollar bu marosimga qo'llarida taomi bilan kelishadi. Kishilarning suhbatidan bemorning ko'ngli tog'dek ko'tariladi.

Yozuvchi bu romanida to'y marosimini keltirib o'tadi. Asarda adib tomonidan ikki marta to'y marosimi keltirilgan. Birinchisida O'roqboy va Lolaxonlarning to'y marosimi. Yozuvchi bu to'y marosimini tasvirler ekan, go'yo uni o'qiyotgan kitobxon ham O'roqboy va Lolaxonlarning nikoh to'yida o'tirgandek his qiladi o'zini, chunki bunday to'y marosimida hamma qatnashib, bu marosimning guvohi bo'lgan-da. Chavandoz Safarmurod akaning qanday kiyim kiyganiga, Xosiyat yanganing quvonchi, sovxoz raisi Chinor akaning yoshlarni tabriklash uchun nutq so'zlashi bularning bari asarning xalqonaligini oshirgan. Bu manzara kitobxon uchun ham tanish manzaradir.

Ikkinchi to'y marosimida yozuvchi Lolaxonning ichki ruhiy holatini aks ettirgan. Lolaxon yosh, qizquvchan juvon edi. Uning ham boshqalar singari o'yin-kulgu qilgisi kelardi, ammo odamlarning gap-so'zlaridan qo'rqardi. Odamlar esa Lolaxondan vafodor yor, sadoqat timsoli yaratib olishgan edi. Hatto Lolaxon qayta turmush qurgisi ham kelardi. Lekin odamlar uni tushungisi ham, eshitgisi ham kelmaydi. Adib to'y marosimidan Lolaxonning ruhiy azoblarini to'

¹ Shu manba. 25-bet.

² Shu manba. 65-bet.

³ Imomkarimova M. O'. Hoshimov asarlarida milliy qadriyatlar talqini. Fil. fan. nom. diss., T., 2004, 19-bet.

⁴ Luqmon Bo'rixon. Jaziramadagi odamlar. Toshkent, G'.G'ulom NIMI, 2005, 74-bet.

laroq ochib berish maqsadida foydalanadi. Romanda to'y marosimiga zid ravishda motam marosimi ham keltirilib o'tilgan. To'y marosimini keltirish bilan adib Lolaxonning soxtaligini ko'rsatib bersa, motam marosimi bilan esa O'roqboyning amakisi Abdillaning soxta "mehribon qarindosh" xarakteri ochib beriladi. Yozuvchi motam marosimini haqqoniy qilib tasvirlaydi. Kitobxon asarni o'qib, xuddi O'roqboyning a'zasida ishtirok etayotgandek tasavvur hosil qiladi.

Tadqiqotchi D.O'rayeva ham o'zining doktorlik dissertatsiyasida folklorda qo'lgan motam marosimlarining genezisidan tortib, bugungi kunda ishlatilish o'rinlarini tadqiq qilib bergan.¹ O'roqning armiyadan mayitini olib kelishganida, uning onasi Xosiyat xolaning, otasi Fayzulla akaning ruhiy holati yozuvchi tomonidan real tasvirlab berilgan. Odam o'lganda motam marosimi qilish xalqimizga xos odat. A'za tutish ham motam marosimining bir ko'rinishi hisoblanadi. Xalqimizda motam marosimi Odam Ato va Moma Havodan meros an'anadir. Kishilar o'lgandan so'ng, uning ruhi tanasini tark etadi, ruhsiz qolgan tanani izzat-ikrom bilan yerga ko'mishadi. Mayit ko'milgan qabr xalq orasida "mayitning uyi" deb ham ataladi.

Hatto hozirgi kunda ham ba'zi viloyatlarimizda o'lik chiqqandan so'ng ertasi kuni o'likning yaqinlaridan to'rt-besh odam qabristonga boradi. Bu ham motam marosimining bir ko'rinishi bo'lib, "uy qo'lli bo'lsin" nomi bilan aytiladi. Fazilat xolaning O'roqning ustiga, tobuti ustiga o'zini tashlab yig'lashi, onaning farzand dog'iga chiday olmasligini, uning naqadar mehribonligini ko'ramiz. Umuman olganda, har qanday qo'llangan motam marosimi insonni e'zozlashdek buyuk tuyg'uning naqadar qadrligini ko'rsatib beradi. Badiiy asarlarda qo'llangan motamlar nafaqat insonni qay darajada e'zozlanishini ko'rsatib berish vazifasini, balki qahramon ruhiy olami, uning insoniy qiyofasini ham yoritib berish vazifasini bajaradi.

Romanda Abdulla aka obrazi bo'lib, u hech kim bilan ishi yo'q, o'zi bilan o'zi ovora qahramon sifatida tasvirlanadi. Uning O'roqning temir tobuti kelib, shundan bir hafta o'tganidan so'ng a'za bo'lgan uyga kelishi, undagi qarindosh-urug'iga bo'lgan mehrsizligini ko'rsatib beradi.

"Abdulla aka urf-odat bo'yicha, baralla tovushda "voy jigarim-ov", "voy inim-ov", deya ayuhannos solganicha darvozadan kirishi, yon-verida turganlar, bo'zlovchi qayg'uning zo'ridan qulamasligi uchun chopa-chopa kelishib, ikki yonidan suyov bo'lishi, "nachora, achchiq qismatda", "taqdirga tan berish" kabi mahzun iboralar ila ovutishi, u esa hech ko'nmay, jarangdor bo'zlovni tag'in ancha fursat davom ettirishi, ishqilib, butun mahalla-ko'y uning naqadar mehribon-ujonkuyar qarindosh ekanini ko'rib bilishi kerak edi".²

Abdulla akaning bunday yo'l tutishi ikkiyuzlamachilik, soxtalik sifatiga kiradi. Bunday illatlar ham xalqimiz orasida ayrim kishilar o'rtasida an'ana tusiga kirib qolgan. Xalqimiz orasida: "To'yga ham, a'zaga ham odamlar tomoshaga keladi", degan gap bo'lib, ko'pchilik motamdagi-lar o'z "rollarini" ijro etishadi. Kimdir mehribon "amma", kimdir esa mehribon "amaki" rollarini, yana kimdir qaysidir rolni ijro etadi. Yuqorida Abdulla ham "mehribon qarindosh" rolini ijro etgan. Motam marosimi va yig'i motivi asar sujetining realligini, jonliligini ta'minlagan. Yuqorida ko'rganimizdek, xalqimiz orasida ularning tabiati va xarakterida an'ana tusiga kirib qolgan illatlar ham mavjud ekan.

Romanda qo'llangan urf-odatlar va marosimlar asarga xalqona ruh bag'ishlashda yaxshi samara bergan. Bunday unsurlar asar sujeti va kompozitsiyasining to'laqonli chiqishini ta'minlagan. Luqmon Bo'rixon folklor orqali asarining xalqchil, tushunarli bo'lishini ta'minlabgina qolmay, roman qahramonlarining ichki ruhiy olamini yorqin tasvirlab beruvchi badiiy vosita sifatida ham qo'llaganini kuzatdik. Bu esa asar kishilarining hayotini ko'z oldimizda sodda samimiy qilib gavdalandirishga xizmat qilgan. Donishmand xalqimiz yashar ekan, u bilan birga, uning urf-odatlar-yu marosimlari ham abadiy yashab kelaveradi. Bunday vositalardan nasriy asarlardan

¹ O'rayeva D. O'zbek motam marosimi folklorining janri tarkibi genezisi va badiiyati. Fil.fan.dok.diss. avtoref., T., 2005.

² Luqmon Bo'rixon. Jaziramadagi odamlar. Toshkent, G'.G'ulom NIMI, 2005, 147-bet.

ijodiy foydalanish ijodkor asarining xalq orasiga tezroq singishiga yordam beradi. Chunki ijodkor xalqi xalqdan olgan narsasini ishlov berib, sayqallab, yana xalqqa ajoyib tarzda yetkazadi.

Малоҳат Жўраева (БухДУ)

ЖАҲОН ЭРТАКЛАРИДА КЎП УЧРАЙДИГАН АНЪАНАВИЙ МОТИВЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада эртақларда учрайдиган анъанавий мотивлар, улардаги ўзига хослик, миллий-маданий ўхшашликлар ва дифференциал белгиларнинг лингвокогнитив ва модаллик воситалари орқали ифодаланиши мисоллар ёрдамида очиб берилди. Ўзбек эртақларида учрайдиган халқ нақлларида хос ҳикматлар ҳақида фикр юритилди. Жаҳон халқлари эртақларида кўп учрайдиган сирли рақамлар тўғрисида ҳикоя қилинди.

Аннотация. В статье рассматриваются встречающиеся в сказках традиционные мотивы, их особенности, а также на примерах освещается вопрос выражения национально-культурных сходств и дифференциальных признаков лингвокогнитивными и модалными средствами. Также, затрагивается тема мудростей, свойственных народным изречениям в узбекских сказках. Повествуется о волшебных цифрах, часто встречающихся в сказках мира.

Annotation. The given article investigates the traditional motives occurring in fairy tales and their peculiarities, it reveals the matters of expressing national and cultural similarities and differential signs by linguacognitive and modal means. The article also touches the topic of people's wisdom which is specific to folk dictum in Uzbek fairy tales. The author investigates magical figures met in the world's fairy tales.

Калим сўзлар: нақл, эртақ, жанр, лингвокогнитив, сирли рақамлар, лисоний воситалар, анъанавий мотивлар, дифференциал белгилар.

Ключевые слова: изречение, сказка, жанр, лингвокогнитивный, магические цифры, языковые средства, традиционные мотивы, дифференциальные знаки.

Key words: dictum, fairy tale, genre, linguacognitive, magical, figures, linguistic means, traditional, motives, differential motives, differential signs.

Жаҳон тилшунослиги ҳамда адабиётшунослигида дунё халқларининг маданий ва маънавий бойликлари билан танишиш илмий ва амалий аҳамият касб этса, ўзаро қиёслаш уни муносиб баҳолайди.

Тил ва маданият муносабати, унинг ижтимоий ҳаётда акс этиши, хорижий тилларни ўрганиш масалалари алоҳида эътиборни талаб қилади.

Даврлар ўтган сари, ҳар бир фанда ривожланиш бўлгани каби, тилшунослик ҳамда адабиётшунослик кундан-кунга ривожланиб, турли янги оқимлар, йўналишлар пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, замонавий тилшуносликда етакчи ўринда тилни англаш эмас, балки *тил, маданият* ва *шахсининг* ўзаро муносабатларини ўрганиш тақозо этилади, бир-бирини тушуниш муаммоси ўртага тушади. Кўрсатилган *учликнинг* бир-бири билан бўлган ўзаро муносабатлари тилшунослик маданияти (лингвокультурология) соҳасида тилнинг миллий-маданий ўзига хослигини ўрганишда алоҳида *муҳим* жиҳатни касб этади. Ҳозирги замон тилшунослигида долзарб саналган аксиологик тадқиқотларнинг лингвокультурологик ёндашувга эга эканлиги ҳеч кимни таажжубга солмайди.

Эртақларнинг ички мазмун ва моҳиятини очиб беришда эртақ мотивлари катта роль ўйнайди. Эртақнинг мотивлари – сеҳрли эртақ структурасини таснифлаш бирлиги сифатида эмас, балки, аввал, афсонада, сўнгра миллий характерга эга турли халқлар эртақларида пайдо бўлган халқ онги қадимги архетиплар садоси сифатида талқин этилган. Мотив предмет, образ, фольклор сюжетининг энг кичик бирлиги, матннинг ажралмас элементи сифатида

тида қаралади. Ўзбек халқ эртақларида шундай бадиий мотивлар борки, улар ҳажмининг кичик бўлишига қарамай, кенг ахборотни ва эртақнинг асосий ғоясини ўзида ушлаб туради. Албатта, бундай мотивлар ўз миллий хусусияти билан француз эртақлари мотивларидан тубдан фарқ қилади. Бу мотивлар таркибига *тўй, кураш, туш, Хизр – мифологик образ сифатида, шарт қўйиш мотиви, сеҳрли сандиқ, қон (бир қошиқ қонимдан кечинг)* кабилар киради.

Эртақларда яна энг кўп учрайдиган мотивлар сирасига фарзандсизлик, ғайритабиий туғилиш, сафар, ўлим ҳодисаси ва қадимги дафн кўринишлари билан боғлиқ мотивларни ҳам мисол келтириш мумкин. Айтайлик, кўпгина эртақлар бирор чол-камбирнинг ёки бирор қиролнинг узоқ вақтлар фарзандсиз яшагани, бундан қаттиқ изтироб тортгани ва, ниҳоят, уларга фарзанд ато этилгани, кўп ҳолларда, бу фарзанднинг ё ғайритабиий туғилиши ёки сирли хусусиятга эга бўлиб, бошқалардан ажралиб туриши ҳақида ҳикоя қилинади.

Эътиборли томони шундаки, бу эпик мотив дунё халқларининг деярли барчасида анъанавий ҳисобланади. Ҳатто бундай мотив француз ва ўзбек халқ эртақларини қиёслаб ўрганганда ҳам кўзга ташланади. Жумладан, Ш.Перронинг “Жимжилоқвой” эртаги қаҳрамони ўз кўриниши ва донолик хусусияти билан ўзбек халқ эртақлари “Қулоқбой” билан “Нўхатполвон” қаҳрамонлари жуда яқиндир. Бунда, аввало, қаҳрамонларнинг ғайритабиий туғилиши эътиборни тортса, ундан сўнг уларнинг кўринишидаги ва характер-хусусиятидаги ўхшашлик диққатни жалб этади.

“Қулоқбой” эртагида чолнинг хотини кутилмаганда ҳомиладор бўлиши, кунлардан бир куни камбирни тўлғоқ тутиб, еттита қулоқ туғиши айтилади. Эр-хотин бу етти қулоқни кўриб, жуда хафа бўлишади. Кундан-кун, ойдан-ой ўтади. Қулоқ болалар ўтирадиган, юрадиган бўлиб, тили чиқади. Уларга чол-камбирнинг топган-тутган нон-оши етмайдиган бўлади. Уларнинг сурати қулоққа ўхшаса ҳам, оғзи, кўзи бор, овқат ер экан. Ҳар бири бир одамнинг овқатини еб қўяр экан. Овқатсиз ўтира олмас, овқат емаса, оч қолдим, деб чинқиришар эканлар. Болаларни боқиш учун чол ҳеч нарса тополмай қийналибди. Шунда эр-хотин ўзаро маслаҳатлашиб, камбирнинг таклифи билан болаларни бир чуқурга ташлаб, кўмиб юбормоқчи бўлишибди. Чол отасидан қолган бир парча еридаги ўрага болаларини алдаб тушириб, ўзи қочиб қолибди. Шу тариқа, қулоқвойлар ўрада қолиб кетиб, очликдан нобуд бўлишибди. Аммо энг кичик қулоқбой чолнинг ковушига тушиб, омон қолибди. У тез орада чол-камбирнинг энг яқин кўмакдоши ва эрмагига айланибди. Чол-камбир ундан жуда миннатдор бўлишибди. Шунда улар олтита нобуд бўлган қулоқвойларини эслаб, ўзларининг бесабр ва ношукрликларидан хафа бўлишиб, қаттиқ пушаймон чекишибди.

Агар “Қулоқбой” эртагида баён қилинаётган шу воқеликлар француз адиби Ш.Перронинг “Жимжилоқвой” эртаги мазмунига қиёсланилса, унда ҳам, худди “Қулоқбой” эртагидаги каби, эр-хотиннинг кичик кўринишидаги жуда кўп болалари бўлгани, уларга эр-хотиннинг топган-тутган озиқ-овқати етмаслиги, болаларни боқиш учун уларнинг қийналиб қолишгани, шу сабаб улар ўз болаларидан қутулиш чорасини излаши, болаларини йўқ қилишга уринишлари, аммо болалари орасидан кенжатоиларининг омадли ва ўқтамлиги туфайли бутун оиланинг ночорлик ва бахтсизликдан қутулиши, эр-хотин эса ўз бесабрликлари ва ношукрликлари, болаларига етказган озорларидан пушаймон чекишлари воқеалари баён қилингани кузатилади. Шу билан бир-биридан узоқ ҳудудда яшайдиган, ўзга-ўзга тил гуруҳларида сўзлашадиган, дини ва маданияти, турмуш тарзи жиҳатидан яқин бўлмаган бу иккала халқнинг оғзаки ижодига мансуб асарларда учрайдиган мана шу хил мотивлар халқаро мотивлар эканлиги англашилади.

Жаҳон халқлари эртақларида кўп учрайдиган анъанавий мотивлардан яна бири сафар мотивидир. Ўзбек фольклоршунослигида мотам маросими фольклорини махсус илмий тадқиқ қилган Д.С.Ўраеванинг қайд этишича, қадимги инсонлар ўлимни бир оламдан иккинчи бир оламга сафар қилиш шаклида тушунганлар. Шу тушунча халқ асарларида ўзига хос бадиий талқин этилиши асосида сафар мотиви шакланган. Ибтидоий инсон та-

саввурича, ўликлар мамлакати мавжуд бўлиб, у жуда узоқ ва нотаниш жой. Унга бориш йўли ниҳоятда машаққатли. У ер борса келмас бўлиб, қайтиб келишнинг сира иложи йўқ.¹

Хуллас, қадимги инсонларнинг ўликлар олами, ўзга дунё, нотаниш макон, ер ости ёхуд сув ости шахри ҳақидаги ўй-фикрлари, мифологик тасаввур-тушунчалари бора-бора эпик асарларда қаҳрамоннинг номаълум жойга саёҳат қилиши, унга сирли тарзда кириб бориши ёки у ердан сирли предметларни олиб келиши тарзида образлантирилгани кўзга ташланади.

Ўлимни нариги дунёга сафар қилиш деб тушуниш деярли барча халқлар фольклорида ва дафн маросими билан боғлиқ урф-одатларида сақланиб қолган. Шунингдек, барча халқлар эртақ ва афсоналарида қаҳрамоннинг сафари йўналтирилган ўзга макон мотиви учрайдики, унинг асосида марҳумларнинг у дунёга сафар қилиши ҳақидаги халқ хаёлотини ва бадиий тўқимасини ётади.²

Баъзи эртақларда қаҳрамон ўзга юртга ташриф буюрар экан, гўзал бокқа ёки кимсасиз бир ҳашаматли саройга кириб қолади. Шу ўринда, француз эртаги “Соҳибжамол” асарининг сюжетини эслаш мумкин. Айтиш керакки, эртақлардаги боғ ёки ҳашаматли сарой образлари тасодифий маиший деталь эмас. Бу архетип деталлар асосида ўзга дунё ҳақидаги мифологик тасаввур-тушунчалар ётади. Шунинг учун, одатда, бундай сирли манзилларнинг эгаси сифатида мифологик махлуқ тасвирланиши кузатилади. Худди шундай “Соҳибжамол” эртагида ҳам ҳашаматли сирли сарой бир кўрқинчли махлуққа қарашли бўлади. “Соҳибжамол” эртагида яна шу махлуққа қиз “Мен сизни севаман” дейиши билан махлуқнинг кўрқинчли кийёфадан ёқимли йигит суратига эврилиши мотиви ҳам жуда кўп халқлар фольклорида учрайдиган қадимий ва анъанавий мотивлардан бири сифатида эътиборни тортади. Бу мотивнинг генезиси (келиб чиқиш тарихи) шу билан боғлиқки, қадимдан то ҳозиргача ўлган кишини дафн қилгунга қадар унинг тепасида турли афсун-дуолар ўқиб турилади. Аслида, бу маиший одат қадимги инсонларнинг ўзга оламга, жумладан, ўликлар салтанатига “сирли сўз” билан кириб борилади деб тушуниши асосида шаклланиган. Шундай мифологик тушунча ва маиший одат халқ эртақларида бадиий мотив сифатида талқин этилган.

Умуман айтганда, сеҳрли эртақларда қаҳрамоннинг бир кўринишдан иккинчи бир кўринишга эврилиши, сирли макон, сеҳрли сўз қудрати, сеҳрли предметга эришиш, 3, 7, 9, 20, 40 каби сирли рақамлар, узоқ уйқу мотивлари жуда қадимий ва анъанавий ҳисобланади.

Ўзбек халқ эртақларини таҳлил қилиш жараёнида шу нарса аниқландики, француз халқ насри намуналаридан фарқли ўларок, ўзбек халқ оғзаки прозасида мустақил жанр сифатида *нақллар* учрайди. Бунинг асосий сабаби шундаки, “Нақл Шарқда ахлоқ нормалари, дунёвий тушунчалар ҳақидаги фикрлаш эҳтиёжи билан боғлиқ ҳолда юзага келган. Бинобарин, нақлда эзгулик маъқулланиб, ёмонлик инкор этилади. Демак, нақл халқ фалсафаси ва донишмандлиги ифодаси, ахлоқ нормалари ҳақида ҳикоя қилувчи асар бўлиб, унинг асосида насихатомуз фикрлар ётади”.³

Қуйида ўзбек эртақларида учрайдиган халқ *нақллари*га хос ҳикматларга мурожаат қилар эканмиз, уларда халқнинг ҳаётий тажрибалари ва доно фалсафаси акс этганлигини хис қиламиз.

Модаллик турлари	Ўзбек халқ эртақлари
Мақон, гўзаллик, темпораллик,	1. Мозандарон деган жойда, дарё бўйида бир қари чол яшар экан. Унинг ўн тўққиз ёшли хушсурат, соҳибжамол қизи бор экан. Чол на-мозгар вақтида қизини чақириб:

¹ Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими фольклори. Т., “Фан”, 2004, 120-бет.

² Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т., 1990, 182-бет.

³ Шу манба.

буйрук, биологик ҳолат	– Бир чойнак чой олиб чиқ, қизим, – дебди. Қизи отасининг олдига бир чойнак чойни қўйиб қайтибди. Чол қизининг катта бўлиб қолганини кўриб: “ <i>Тандир ҳам иссиғида олади, вақтида қизимни эрга берсам бўларди</i> ”, – деб ўйлабди (Б.Б.Э.Рустам, 25).
Макон, илтимос, розилик, тасдиқ	2. Рустам: – Отажон, мен овга чиққанэдим. Диёрим узокда қолди, бир кеча мусофирга қўноқ берсангиз, – дебди. Чол: –Хўп, майли, ўғлим. Дейдиларки, <i>хотинники илон бош, эркакники сават бош</i> . Рўзғорда эрнинг битта қариндоши сиғмайди, лекин хотиннинг тўрт қариндоши келса ҳам, сиғаберади (Б.Б.Э.Рустам, 25).

Мисоллардан кўринадики, матн таркибида келган ҳикматларда образлар ўта умумлашма характерда бўлиб, яхшилик ва салбий тушунчаларни ташувчи сифатида намоён бўлмоқда. Ўз навбатида, улар диалогларда образлар томонидан тарғиб қилиниши лозим бўлган ахлоқий фикрнинг у ёки бу томонини аниқлаштиришга ёрдам беради. Демак, образлардан бири – яхшилик тимсоли, иккинчиси ёмонлик (салбий) рамзи сифатида таърифланади. Нақллар ўзига хос белгилари билан ажралиб туради. Масалан, берилган мисолларда нақллар кўпроқ диалогик матнларда учраши кузатилди. Таҳлилга тортилган биринчи диалогда берилган нақл (*Тандир ҳам иссиғида олади, вақтида қизимни эрга берсам бўларди*) ижобий маънода кекса чолнинг қизи катта бўлиб, бўйи етиб қолганини билдириб келмоқда. Иккинчи диалогда қўлланган нақл эса салбий характерга эга бўлиб, у (*хотинники илон бош, эркакники сават бош*) аёлларнинг турмуш тарзида учрайдиган салбий тушунчани ифодалаб келмоқда.

Шундай қилиб, нақллар кўпроқ турмуш тарзидан олинганлиги учун, маиший эртакларда кўп қўлланиши кузатилади. Айниқса, диалогларда қўлланган нақллар сюжети содда ва қисқа, воқеалар ахборот шаклида баён этилиши кўринади. Шунингдек, нақлларда образ ва тушунчаларни бир-бирига зид қўйиш ҳолатлари етакчи роль ўйнаши диққатни тортади.

Француз ва ўзбек халқининг ўғайлик ва камситилган кишилар ҳақидаги (масалан, “Зумрад ва Қиммат”, “Подачининг қизи”, Ш.Перронинг “Кулойим”) каби эртакларида эртак персонажларига нисбатан феодал муносабатлар, жумладан, ўғай онанинг қизларга қўпол муомаласи ва унинг характерли белгилари дарҳол тингловчининг эътиборини ўзига жалб қилади.

Юқоридаги эртакларда етим қиз ва ўғай она билан боғлиқ ички муносабатлар ҳикоя қилинади. Эртак ниҳоясида бош қаҳрамон сирли куч ва сирли персонажлар ёрдамида ёки тилсим воситасида ғалаба қилади.

Қуйидаги мисоллар орқали ўзбек ва француз эртакларида умумий ўхшаш ҳолатлар борлиги маълум бўлди. Эртакдаги воқеликларнинг ривожи бир-бирига жуда яқин ва бир хил сюжетни ҳосил қилмоқда. Ҳар икки тил оғзаки ижодида етим қизнинг малика даражасига кўтарилиши ва унинг саройда меҳмон бўлиши, қизнинг базмга ўз вақтида келиши, аммо саройдан уйига кеч қайтиши ва шошилиши натижасида ўз кавушининг (бошмоқчаларидан) бирини қолдириб кетиши, уни подшо ёки шаҳзоданинг ёқтириб қолиши тасвирланади. Эртак якунида эса, албатта, қизга подшо (ёки шаҳзода)нинг уйланиш мотиви келтирилиб, шу билан эртак ўз ниҳоясига етади.

Қуйида ўзбек халқ эртакларидан бири бўлган “Подачининг қизи” ва француз эртакнависи Ш.Перронинг “Кулойим” эртагини киёсий ўрганиш орқали ҳар икки халқ эртакларида бир-бирига ўхшаш мотивлар борлиги аниқланди. Жумладан:

Концептуал белгилар	Ўзбек тили	Француз тили
Ўғай она мотиви, сабаб, тахмин, тўй,	Подачининг қизи ўғай она қўлида улғаяди... Қиз (етим қиз) кўп иззат-ҳурмат билан тўйдан чи-	Қиз бечора шошилганидан биллур <i>бошмоқчаларидан</i> (кавуш – М.Ж.) бирини саройда тушириб қўйган

сарой, макон, гўзаллик, буйруқ, шарт, темпораллик, подшо, шахзода, қирол, мақсад, истак	қибди, уйига тез бориш учун шошилибди, шошилганлиги сабабли оёғидан бир пой кавуши тушиб қолибди. Иккинчисини эса сақлаб қўйибди. Подшонинг кўзига <i>кавуш</i> яхши кўриниб: – Шу <i>кавушининг</i> эгаси жуда чиройли қиз бўлса керак. Ўшани ким бўлса ҳам оламан (уйлана-ман), юрту оламини қидириб, шу кавушнинг эгасини топинглар! – дебди (Б.б.э. Подачининг қизи. 135–136).	экан, шахзода уни топиб олиб, авайлаб яшириб қўйибди... Кулойим шошганича уйига қайтибди. У саройда тушириб қолдирган биллур <i>бошмоқчанинг</i> иккинчи пойинигина сақлаб қолди... Уч-тўрт кун ўтгач, қирол фармон чиқариб, биллур <i>бошмоқча</i> кимнининг оёғига тўғри келса, шахзода ўша қизга уйлана-жагини эълон қилибди (ОҒЭ. Ш. Перро, 57–59).
---	--	---

Берилган матнлардан кўринадики, ўзбек халқ эртагида подачининг қизи ўз *кавушини* шошиб тўйда қолдирган бўлса, француз эртагида эса Кулойим ўз *бошмоқчасини* (яъни кавушини) шошиб саройда қолдирганлигини кўриб турибмиз. Икки эртақда ҳам камбағал етим қизлар ҳаёти ва уларнинг парилар ёрдамида гўзал маликаларга айланганлиги баён этилган. Иккала эртақда ҳам юқори табақа вакили, яъни подшо ва қирол ушбу қизни севиб қолганлиги матнлар мазмунидан ёрқин намоён бўлмоқда.

Семантик категориялар назариясини ривожлантириб, ушбу категориялар билан тилнинг семантик функциялари орасидаги муносабатни назарий таҳлил қилиш натижасида, шу нарса маълум бўлдики, ўзбек халқ эртақларида бошқа семантик категориялар қатори “рухсат”, “рухсат бермоқ” категориясининг кўп қўлланиши ва у турли лисоний воситалар билан ёрқин ифодаланиши намоён бўлди. Бизнинг фикримизча, биринчидан, семантик категориялар (мумкинлик, зарурият, императивлик, рухсат ва бошқалар) реал объектив борлиқни акс эттириб, унга бўлган муносабатни билдирса, иккинчидан, асосий эътибор ушбу категорияларнинг тил билан узвий боғлиқлик муносабатларига қаратилади.

Рухсат семантик категориясини ифодалашда тилнинг семантик функциялари асосий ўринни эгаллайди, чунки улар тилнинг турли сатҳларида (морфологик, лексик ва синтактик) келиши мумкин. Мазкур категория билан тилнинг семантик функциялари бир-бирига узвий боғлиқ бўлиб, улар гапнинг семантик хусусиятини очиб беришда катта роль ўйнайди.

Хулоса қилиб айтганда, француз ва ўзбек эртақларида миллий-маданий ўхшашликларнинг акс этиши, улар орасидаги дифференциал белгиларнинг лисоний воситалар орқали ифодаланишида ҳамда француз ва ўзбек эртақларида миллий ўзига хосликларнинг тил, маданиятда акс эттиришда модаллик категорияси фаол иштирок этади.

Завқиддин Суванов (Алишер Навоий номидаги ТошДўТАУ) ОБРАЗЛАР ТАСНИФИ ВА ТАҲЛИЛИГА ДОИР

Аннотация. Таҳлил етакчи ва ёрдамчи образлар ҳамда баъзи персонажлар табиатидан келиб чиқиб амалга оширилган. Мақолада асарда илгари сурилган гоя ва унда маъжозий ишқ чуқур психологик трагизм орқали тасвирлангани ҳақида гап боради.

Аннотация. Анализ проводился, основываясь на характерах некоторых главных и второстепенных героев. В статье речь идёт об образной любви, и она рассматривается через призму глубокого психологического трагизма.

Annotation. Analysis was done relying on characters of some primary and secondary heroes. The article reveals the main idea of fiction and depicts the figurative love from the angle of deep psychological tragedy.

Калит сўзлар: классификация, руҳият, сюжет линияси, бош образ, ёрдамчи образ, образлар статистикаси.

Ключевые слова: классификация, духовность, сюжетная линия, основной и второстепенный образ, статистика образов.

Key words: classification, spirituality, plot script, main hero, secondary hero, statistics of heroes.

Таниқли носир Тоғай Муроднинг “Танланган асарлар”и нашрдан чиқди (2018). Бу китобхонлар учун ажойиб янгилик бўлди. Мазкур тўпламда икки роман, тўрт қисса жамланган. Китобнинг 335–408 саҳифаларидан “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси ўрин олган. Ушбу асар 1977, 1980, 1987 (Давра), 1994 йиллардаги нашрлари билан бугунги оммага таниш.

Республикамиздаги мактаб ўқувчиларига мўлжалланган 6-синф адабиёт дарслигининг иккинчи қисмида ҳам мазкур асар боблари келтирилган бўлиб, ўсмирлар руҳияти ва ҳаёт тарзида орият ва ҳалолликнинг юқори темпда акс этиши билан ҳам анча аҳамиятли. Асар ҳақида адабиётшунос Усмон Қосимов “...миллий кураш орқали Сурхон воҳасидаги кўплаб полвонларнинг мард ва ўқтамлиги таъсирчан лавҳаларда акс эттирилади, уларнинг асл ўзбекона табиатига хос бўлган соддалик, тўғрилиқ ва бағрикенглик сингари безавол инсоний фазилатлар улугланади”,¹ дейди. Бадиий асарда соддалик, тўғрилиқ каби шахсга хос сифатларнинг тасвирланиши асарнинг поэтик қимматини ошириши, табиий.

Асар ёзилишига сабабни, аввало, муаллиф табиатидан қидирмоқ маъқул. Агар Хемингуэй уруш иштирокчиси бўлмаганида “Алвидо, қурол!”дек оригинал асар яратилмасди. Тоғай Мурод ҳам тўй ва сайиллардаги давраларда курашиб, гоҳ йиқитиб, гоҳ йиқилиб, давранинг паст-баландини, курашнинг зафар ва аламини тотмаганида бунақанги бетакрор асар битилмасди, ёзилганда ҳам, “йилнинг энг яхши қиссаси” бўлолмасди. Муаллиф “Мен” мақоласида “Мен гўдаклигимдан давраларда курашиб катта бўлдим. Полвонлик аждодимда бор, полвонлик қонимда бор. Менда ана шу полвонлик қоним қўзғалди”,² дейди. У бу асари билан ўзбек миллий курашининг заволи билмас қиёфасини чизди. У шуни хоҳладики, жаҳонда шундай спорт тури бор эканлигини ва бу тур ўзбек халқининг рамзига айланишини билдирмоқ истади.

Асар рим рақамидаги XLIII ва араб рақамидаги 44 та бўлимлардан таркиб топган. Асар замон нуқтаи назаридан ёз ва қиш фаслларида юз беради. Эътибор билан қаралса, кураш жараёни қишда юз берса, етакчи ва ёрдамчи образлар болалигининг ёз ойларида кечишини кузатамиз. Бунда болалик ва ўрта ёшарлик, дилкашлиқ ва хиёнат, рост ва ёлғон одамлар руҳиятига монанд қиш ва ёз фаслларда тасвирланган. Воқеалар юз берган макон эса Хўжасоат қишлоғи ва Ҳолвачининг қирларидир. Қиссада образлар статистикасига эътибор берсак, уларнинг сони 68 та. Улар турли ракурсларда намоён бўлади ва асар композицияда муҳим аҳамият касб этади ҳамда маълум такомил йўлини босиб ўтади. Асарда образлар эволюциясига эътибор қаратадиган бўлсак, етакчи образлар асар давомида ўз табиатидан келиб чиқиб, севгида омадсиз бўлса-да, курашда мардонавор олишиб, обрў қозонади ва даврада қуввату эпчиллиги билан рақиблар устидан ғалаба қозонади.

Бадиий асарда образлар ривожланиши бош ва ёрдамчи образларга нисбатан ишлатилади. Персонажлар эса бундан мустасно. Бу терминни олимлар шундай изоҳлайди: “бирор образнинг асар давомидаги ривожланиши, динамикаси”.³ Қиссада бош образ сифатида Бўри полвон образи гавдаланса, ёрдамчи образлар деб Насим полвон ва Момоқиз, Сулув образларига эътибор қаратиш лозим. Тадқиқотда кўзга ташланган муаммо, айнан образлар

¹ Қосимов У. Ҳозирги замон ўзбек адабиётида Тоғай Мурод ижоди. ”Ёзувчи”, 1997, 4; 31-бетлар.

² Ўша асар. 26-бет.

³ Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1983, 358; 376-бетлар.

билан боғлиқ бўлгани учун улар ҳақида қуйидагича фикр юритишни лозим, деб билдик. Тадқиқот объекти бўлган ушбу қиссада образлар классификациясини қуйидагича амалга оширамиз:

I. Етакчи образ: Бўри полвон.

II. Ёрдамчи образлар: Насим полвон, Момоқиз, Сулув.

III. Персонажлар:¹

1. Касб-кори келтирилган персонажлар: Хирмончи чол, раис, бригадир, баковул, мироб.

2. Исми келтирилган персонажлар: Мингой байча, Турдибой, Курбон, Ашурбой, Кулмат, Шукур, Эрмат, Холёр, Болта, Ойхол хола, Мамат бобо, Ҳасан Султонов, Холикул, Ҳамид, Сайфиддин Ҳодиев, Собир Қурбонов, Нурмат тоғчи, Тамарахоним.

3. Исми ва касб-кори ҳамда қариндошлик даражаси билан келтирилган персонажлар: Зулфикор полвон, Наби оқсоқол, Холбой сурнайчи, Ҳотам полвон, Рўзи полвон, Амир полвон, Тиловберди полвон, Бакирбой, Жонибек полвон, Максим полвон, Алимардон полвон, Шоди полвон, Суюн оқсоқол, Бобокул полвон, Мамат полвон, Жума полвон, Шер полвон, Намоз полвон, Карим пўстак, Раҳмат полвон, Қобил шўро, Сана полвон, Садир полвон, Нормурод полвон, Хидир полвон, Исмоил полвон, Шермат мерган, Абил полвон, Мўмин муаллим, Темир полвон, Берди полвон, Чори полвон, Николай чироқчи, Абрай полвон, Менгтўра халфа, Мирза бова, Йўлдош Охунбобоев, Самад ҳосилот, Бакир мироб, Хумор момонинг невараси, Жўракулнинг ули каби. Биз юқорида образлар статистикасини кўрсатишда муаллиф образини эътибордан, четда қолдирдик, аммо бу образ асар мотивациясида муҳим аҳамият касб этадики, шунинг учун алоҳида тўхталишни лозим, деб билдик.

Биз фақат ҳаётнинг инъикосидан иборат, деб қарайдиган образнинг ҳам маъноси кенг. Одатда, асарга киритилган барча шахслар образ дейилади: Бўри полвон образи, Шермат мерган образи, Қоплон образи, Қиммат момо образи, Зиёдулла чавандоз образи...

Қисса қахрамонлари табиатига таъриф бериб, шоир Вафо Файзулоҳ шундай ёзади: *бири ишқли, мард енгиб-енгилиб яшаса-да, асл аъмолига содиқ, кўзи очиқ, қалби очиқ – юлдузи мангу ёнади! Бошқаси – номард, қалби қора, кўзидан олдин қалби сўқир. Сўқир кўнгил, сўқир кўз. Кўзсиз, юлдузсиз. Ҳолбуки, гўзал аёлнинг эри, наст-баланд давранинг голиби...*² дея кучли пафос билан ёзиши бежиз эмас. Бу асар ўқиган ҳар бир ўқирманнинг қалбига шундай туйғулар солиши табиий. Бўри полвон – оилада ёлғиз фарзанд. У элнинг орини ўзининг қисмати деб, шу халқнинг шанини олий ифтихор деб, тинимсиз ҳаракат қилади. Натижада Хўжасоатнинг олди полвони бўлиб етишади. Бошқа туманлар билан ор талашиб, курашда манфаатмас, фақат адолатни мезон, деб билади. Ҳатто ўғли Тиловберди рақиби Абрайни одамлар устига йиқитганда, ҳаммага кўрсатиб, ҳалол йиқитишини айтиб, танбеҳ беради. Шундай ҳолатда кўпчилик баковуллар томошабинларнинг олдидан ўтиб, ҳалол-ҳаромлигини сўрайди ва уларга қулоқ солади. Аммо у томошабинлар ҳалол, деса ҳам ўз фикрида қолади. *“Қайтариб айтаман. Тиловберди полвоннинг йиқитгани бекор! – Нимага бекор бўлар экан? – Чунки у одамлар устига йиқитди! – деди Бўри полвон. – Сизга барибир эмасми, қаерга йиқитгани! Йўқ! Полвон полвонни осмоннинг кўкига отсаям бекор! Полвонмисан – ернинг устига йиқит! Қани, бошқатдан олишинлар! – Тавба, тагин ота эмиш бу одам!”* У, бир томондан, ҳалолликни тарғиб қилса, иккинчи томондан, ўғлига ишонади. У ўғлидан кучли йўқ, деб ҳисоблайди. Бироқ ўғли йиқилганда тушкунликка тушса-да, эртанги кунга ишонч билан боқади ва юлдузи абадий ёнишига ишонади.

¹ (лат. Persona – шахс сўзидан) – персонаж. 1. Бадий асарда иштирок этувчи шахсларнинг жами. 2. Асарда иштирок этувчи иккинчи даражали шахслар. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча луғати. Т., “Ўқитувчи”, 1983, 243; 376-бетлар.

² Тоғай Мурод. Танланган асарлар. Т., “Шарқ”, 690; 702-бетлар.

Масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Абрай полвон дўсти Насимнинг ўғли бўлса, яна-чи? Тагин бир умр қалби ковагида асраб, дилининг қат-қати, завол билмас жойида пинҳон авайлаган, пок туйғулари узра бино бўлган муҳаббатининг ижрочиси бўлмиш Момоқизининг ўғли! Асарда шу лавҳага эътибор қаратсак: “*Бўри полвон шўрчиликлар тўпи рўпарасига ўтирди. Паст овозда сўради. – Иним, бу, Абрай полвонларингни эшитмаган эканман. У кимлардан? – Абрайми? Насим полвонни ули бўлади. Яқинда армиядан келди. – Бўри полвон бирдан сергак тортиди... Ажабтовур ҳислар оғушида қолди. Хивич ушлаган бармоқлари қалтиради. Хивич сиқувида қаҳр бўлди*”. Уни, бир томондан, Насимга бўлган нафрат алангаси емирса, иккинчи томондан, фироқ туфайли кўнглида чуқур доғ изи қолдирган армонли севгиси, севгилиси вужудида ривожланиб дунё юзини кўрган Абрайни тасодиф кўриши дармони қуритарди. Яъни ҳам рақибининг, ҳам ҳабиби, рафиқининг ўғли, ҳам насибаси узилмиш дилбарининг нури дийдаси билан тўқнашув гангитиб қўйганди. У ғафлатда қолди.

Муаллиф ўзбек миллий курашининг жаҳон миқёсида кенг тарғиб этилишини хоҳлайди. Ҳар қандай миллатнинг дунёга тез танилиши-ю тан олинмишида спорт турларидан курашнинг ўрни бекиёслигини таъкидлайди. Йиллар ўтиб Тоғай Мурод экан ниҳол улғайиб мевасини берди. Кураш (олиш) Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятида ўрнини мустаҳкамлади, танитди.

Халқнинг кўнглидаги ҳақиқатларни адабиёт илғайди ва ўзига хос ифодалайди. Одам кўнгли ҳаракатда экан, адабиёт ўлмагай! Инсон қалби тирик экан, Ҳақ ва ҳақсизлик, ибтидо ва интиҳо, эзгулик ва ёвузлик адабиётнинг бош мавзуси бўлиб қолаверади.

Шифокор одамни даволаса, ижодкор унинг қалбидаги чанг из солган кўзгуни артиб тозартиради. Ижодкор халқ кайфиятининг ижрочиси. Улар онгида дунё мужассам. Улар ижод қилар экан янги дунёлар кашф эта боради. Демократия – инсон дили билан ҳам боғлиқ ҳодиса. Ижодкор кўнгли эркин экан, ҳар маҳал куртак ёзаолади. Табиийки, ҳаёт муаммолардан таркиб топган. Инсон ақли билан уларга жавоб тополмас, аммо дилида жавоб топади. Ушбу қиссада ҳам икки кутб: дўстлар ва биродарлар ўртасидаги интиқом алангаси қаҳрамонларнинг қалбан ва жисмонан кураши орқали ифодасини топган.

Қисса қаҳрамонларининг таснифи орқали образлар статистикаси, табиати, портрети, жамиятдаги ўрнини аниқлашни мақсад қилдик. Асардаги образларни идеал образлар деб бўлмаса-да, маиший ҳаётнинг реал тасвиридан ҳам иборат эмас. Муаллифнинг образ яратиш маҳорати, айниқса, Полвон образининг мукамал ишланиши ўзи тенгилар орасида тенгсиз эди. Полвон образининг Бўри, Насим, Исмоил, Тиловберди, Абрай, Максим ва бошқалар мисолидаги тасвири орқали эркак кишининг ботинига курашчанлик хослигини ҳамда уларнинг асар композициясида ўта муҳим ўрни бор эканлиги аниқланди.

Бадиий образ ҳақида гап кетганда унинг ташқи қиёфасини тасвирлаш учун муаллифнинг портрет яратиш маҳорати ҳам эътиборли. Портрет – французча сўз бўлиб, тасвирламоқ маъносини беради. “*Портрет – бадиий асарда персонажларнинг сўз воситасида тасвирланган ташқи кўриниши, яъни бўй-баси, ранги, юз-кўзи, кийими, тана ҳолати ва ҳаракатлари, қилиқлари тасвиридир*”.¹ Асарда қаҳрамонлар портрети ўқтин-ўқтин тасвирланади. Ёзувчининг портрет яратишида статик ва динамик тури фарқланади. Статик портретда қаҳрамонлар юз тузилиши батафсил чизилса, динамик портретда эса образлар қиёфаси воқеалар давомида, диалогларда тасвирлаб борилади. Қаҳрамон портрети тасвири унинг суратини кўрсатиш учун эмас, балки руҳий дунёсини англаш учун ҳам аҳамиятлидир. Асарда муаллиф Бўри полвон, Насим полвон, Абрай, Момоқиз, Сулув каби образлар портретини динамик ҳолатда ифодалаган.

Насим. Асарда етакчи образнинг дўсти ҳам рақиб. Муаллиф асар фабуласида бу образ ҳақида фикр юритиб, бот-бот портретини чизиб кетади: “*Насим айёрони илжайди.*

¹ Улугов А. Адабиётшунослик назарияси. Т., 2018, 63; 308-бетлар.

Хушрўй кўзлари ўйнади”, “*Насимнинг ўзиям хусндор эди-да*”. Болалигидаги самимият йиллар ўтиб ҳасадга айланади. Ҳасад эса дилни емиради. Ўйланмай айтилган ёлғон унинг ихтиёрсиз қисматига айланди. Насимнинг Бўрига қилган ҳасади ожизлиги ифодаси эди. Бўри Насимга Момоқизга кўнгли борлигини айтишини илтимос қилиб олдига юборади. Ўша пайт пейзаж тасвири шундай берилади: “*Қош қорайди... Ёз чигирткалари чирилади... Гулхан милтирамиши олис камардан дўмбира овози келди, элас-элас қўшиқ келди. Осмонда ой балқиди*”. Ўсмирликнинг беғубор дамлари. Айтилмай Бўрининг дили тубида чўкиб ҳарактсиз қотган ҳавас. Ҳавасми, ғамли севгими билиб бўлмасди. Шундай сокин тунни қиёматлик биродарлар орасидаги ёлғон бузди: “*Жўра, у, бети қурсин, деб қўл силтади. Сенга кўнгли йўқ экан, жўра. Ишонмаяпсанми? Мана, қиблага қараб айтаман: агар ёлғон айтсам, кўр бўлайин! Бўрининг дили хуфтон бўлди*”. Дўстини ўзидек билади, унинг алдашини тасаввур ҳам қилолмасди. Бўри бундай вазиятда нима қилсин? дўсти ёлғонлаганини билган Бўри ундан юз ўгиради. “*...бир умр гап қўймайман...*” деб, умри давомида гаплашмай ўтади. Асарда Насимнинг ким эканлигини билишда Бўри образи масалани ойдинлаштиради. У турмушда ҳам у ер бу ерга сиғмади, “бу Бўрининг иши” деб бир жойдан иккинчи жойга кўчиб кетаверди. Ҳамма жойда ўзининг ёқимсиз характери билан ўрин ололмайди.

Бўри ва Насим – икки олам. Улар боши бир қозонда қайнолмайди. Қайнагунича бўлмай бир-бирини еб тугатишади. Орада зиддият бор. Зиддиятки, азалий ва абадий қийматга эга. Улар танганинг икки томони. Насим сабаб бўлса, Бўри оқибат, Насим тасодиф бўлса, Бўри зарурат. Бу дунёда фақат яхшилиқнинг ўзи билан ҳеч нарсага эришиб бўлмас экан. Яхшилиқка бироз қувват – гоҳида айёрлик, гоҳида алдов, гоҳида зар, гоҳида зўр, хуллас, кулай бир восита, қурол ҳам керак экан.

Асарда яна бир, табиатнинг нозик тухфаси борки, у ўзи билмасдан зиддиятлар сабаб-чисига айланиб қолади. У баъзи ошиқларнинг “*...ҳай анави қирда бир қиз бор, шу қиз менинг кўнглим эди*” ёки “ – *Тагин, унга айтиб юрма, ошна деган отимиз бор...*” каби диалогларнинг сабаби. Оқибатсиз сабаби. У сабабки, тўн ёпишган дўстлар муносабатига зил кетди. Ул сабаб улар юз кўришмади.

Момоқиз. Баъзи ошиқлар армони, бошқасининг муроди. “*...ўзимга айтишига уялган гапни сенга, асло, айтмас*” деб Бўрининг самимий хатти-ҳаракатлари ва мардлигига ишонади. Аммо уни ишонтиришади. Ишонмаганига-да қўймайди. Бўри уни эслаганда қалбан эзилди. У билан хаёллар оғушида сўзлашди, дардлашди.

Бўри полвоннинг севгисини қозонаолмаган бўлса-да, “кўнглига ўтириб қолган” жуфти ҳалоллини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ўз оти ўзи билан Сулув. Ўрок ўриш ва узум узишда илғор бўлгани учун ҳам уни бегона қилмади. Чунки унинг бригадасида ундан сулув қиз ҳам йўқ ҳисоби. Муаллиф унда гўзаллик ва ақл уйғунлигини шундай изоҳлайди: “*Сулув юзлар ақл ибоси билан шоиста бўлди*”. Эрақак зоти юзига тик қарамаганлиги ҳам унинг сифатларидан эди. Бир сўз билан айтганда, унга уйланишни мақсад қилган Бўри полвоннинг “кўнглига ўтириб қолган”ига сабаб, ўзбек қизларига хос нафосат ва ибо ҳамоҳанг бўлгани ҳам эди.

Ҳадиси шарифда “Жаннат оналар оёғи остидадир”, дейилади. Бу зотни қанчалик эъзозласак-да кам. Қиссадаги Ойхол момо образи орқали ул оналарнинг бу эъзозга қай даражада лойиқ эканлигига яна бир бор амин бўламиз. Турмуш ўртоғидан бир ўғил билан бева қолган момо бошқа турмуш қурмайди. Шу фарзанди камолоти учун бир умр тинмай меҳнат қилди. У тарбиялаган фарзанд элнинг орини оладиган, шавкатини ёядиган, ҳам адолатли, ҳам диёнатли шахс бўлиб улғайди. Унинг фарзанди эл орасида бригадир, раис (халқ билан ҳамдард) бўлиб эъзозланди. Давраларда биринчи товоқни кўтариб олишди. Бу эса онанинг фарзандини жисмонан баркамол этиб тарбиялаганининг маҳсули эди. Ҳалолни ҳалол, ҳаромни ҳаром деб, колхоз раислигини ҳам, давраларни ҳам бир маромда бошқарди. Бунда ҳам ота, ҳам она вазифасини эплаган Ойхол момонинг ҳиссаси чексиз эди. Муаллиф момонинг вафотини “*Ўлим қош билан қобоқ орасида бўлади! Бўри полвон фав-*

қулодда онасини бериб қўйди”, дея тасвирлайди. Муаллиф шундай нудҳиш воқеани шу тарзда ўқирманларга етказди. Бир умр шундай ташвиш билан ўтган она умрини шу ҳолатда ниҳоялади.

Асарда воҳанинг ор талашиб, ёши кексайиб қолганига қарамасдан, ёшларнинг қўрқоқлигига чидаёлмаган Нормурод полвон образи эътиборни тортмасдан қолмайди. Муаллиф унинг портретини чизишда ёши ўтиб қолганлигини айтади, кексалигини эса айнан таъкидламайди. Ўша эпизодда учта деталь: маҳси, пайтава, оппоқ соқол орқали анча кексариб қолган полвон эканини билиб оламиз. Хўжасоатлик Садир полвон, спорт мастери Максим полвондан йиқилишини тан олади-да даврага чиқмайди. Шунда Нормурод полвон қишлоғининг шани ҳимоясига отланади. Ўз полвонларига қарата, чиқмайсанми, деб ички бир ғалаён билан бақиради. “...Э, мастер спорт тугул, дев бўлсаям чиқаман” – деб, маҳсисини ўзи суғуриб пайтаваларини чувалаштириб ташлайди. Қишлоғи йигитларининг лоқайдлигидан хафа бўлади. Ҳа, шундай мард полвонлар борки, уларнинг кўзи тирик туриб, элининг юзи ерга қарамайди. Рақиб ерга киргизиб юборсаям, оппоқ соқоли кўксини қоплаган чолни қайтариш амримаҳол эди. Айни пайтда, Бўри полвон қалбини-да ўшандай туйғулар тирнарди. Асарда Нормурод полвон образини она диёр ҳимояси учун шай бўлган шахс, мардлик ва орият тимсоли, десак, янглишмаймиз.

Ҳаётда шундай инсонлар борки, уларнинг келбатидан одам хайиқади, халқ унинг гапларини икки қилолмайди, жамиятда ўз обрўсига эга, ўзининг бошқарув қобилияти билан элга раҳбар бўлиб юради. Раис. Аммо бу асарда тасвирланган раис образи айтилгандан тубдан фарқ қилади. Унинг табиатидаги бир камчилик, яъни ахлоқсизлиги элга жория бўлади. Унга яқинлашишдан қаҳрамонимиз Бўри полвон ҳам ўзини тияди. Чунки у билан юриб бирор фалокат бўлмасин, дейди. Тожикистоннинг Регар туманига тўйга ҳам шу туфайли бормайди. Шу сабабли сурхондарёликлар мағлуб бўлиб қайтади. Муаллиф раис образи табиатига бир жумлада изоҳ беради: “*Раиснинг суюгоёқлиги элга жория бўлди*”. У элни бошқаради, уларнинг меҳнати эвазига яшайди-ю, уларга хиёнат қилади. Унинг бузукфеъллиги туфайли колхоз мироби, Холикул, Ҳамидларнинг уйи синади. Бундай раислар юқоридагиларнинг буйруғини бажариб, ўзи билган ишини қилиб юраверган. Ахлоқсизлик жамиятнинг иллоти. Уни касб қилган шахс хоинларча халқнинг қарғишига қолади. Жамиятда ўрни йўқолиб, оқибатда халқдан ажралиб қолади. Бироқ бу раис осонликча жон берадиганларданмас. У лаганбардорликни қойилмақом бажариб, яна ферма мудир этиб тайинланади. Бўри полвон (раис)дан эса халқ норози бўлиб қолди. Муаллиф бу образ орқали жамиятни жар ёқасига олиб борадиган иллатларни кўрсатади.

Кураш жараёнида ғирромлик қораланади, ҳалоллик улуғланади. Муаллифнинг асарга Карим пўстак образини киритиши ўқирманга қандайдир ғалати туюлади. У рақибини қўл чилга олиб йиқитмоқ истайди. Аммо баковул сезиб қолиб ажратади. Қайтадан олишганда ҳам шу усулни қўллайди. Бу усулни қўлласа рақиб кейин даврада курашолмайди. Чунки қўли синиб, ё чиқиб кетади ва бир умр даврани тарк этишига тўғри келади. Шунини ўйлаб, Бўри полвон Карим пўстакни даврадан чиқариб совринни Раҳмат полвонга бериб юборади. Албатта, бакавул халқ амри билан иш тутади. *Қўл чил* кураш қоидаларига кўраман этилганди.

Асарда образлар статистикаси, табиати, портрети, таҳлили, таснифи орқали қўйилган муаммога ечим топишга ҳаракат қилинди. Таҳлил етакчи ва ёрдамчи образлар ҳамда баъзи персонажар табиатидан келиб чиқиб, амалга оширилди. Асарда илгари сурилган ғоя маъжозий ишқ чуқур психологик трагизм орқали тасвирланадики, бунда маълум муаммо икки сюжет линияси кураш, ишқ тасвири орқали ойдинлашади. Асар қаҳрамонлари халқ орасида содда, оддий ҳам қайсар табиати билан аҳамиятли. Муаллифнинг ижод позициясининг эътирофга лойиқ жиҳати, ўзбек кассачилигининг услуби ўзанини бир томонга бурганлигида ҳам.

Абдуқосим Тожалиев (Фарғона Давлат университети)
**ЖАМИЯТНИНГ ЯНГИ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧИДА ИННОВАЦИЯЛАР ВА ОЛИЙ
 ТАЪЛИМ РИВОЖИ УЙҒУНЛИГИ**

Аннотация. Мақолада ҳозирги этапдаги инновацион тараққиёт жараёнида фаннинг роли ҳақидаги долзарб масалалар кўриб чиқилган. Муаллиф илмий муассасаларнинг ислохотлар жараёнларини чуқурлаштиришидаги иштироки масалаларини тадқиқ қилади. Ишда олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтларининг илмий тадқиқот ишлар соҳасидаги технологиялар ва ушбу муаммонинг инновацион ҳоялар билан қўллаб-қувватланиши алоқалари кўриб чиқилган. Мақола муаллифи жамиятни инновацион ривожлантиришининг замонавий масалаларини ёш мутахассисларни тайёрлаш ва уларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш масаласи билан боғлайди.

Аннотация. В статье рассматриваются актуальные вопросы о роли науки в процессе инновационного развития на современном этапе. Автор исследует вопросы участия научных учреждений в углублении реформационных процессов. В работе рассмотрена связь данного вопроса с поддержкой инновационных идей и технологий в области научно-исследовательской работы высших учебных заведений, научно-исследовательских институтов и укрепления их молодыми кадрами высокой квалификации. Автор статьи связывает современные задачи инновационного развития общества с процессом подготовки молодых специалистов и привлечения их к научно-исследовательской работе.

Annotation. In the article pressing questions of development of a science in the course of innovative development in the conditions of the new period of development are considered. The author investigates problems of development of a science in a deepening context reform processes. In work communication of this point in question with support of innovative ideas and technologies in the field of scientifically research work of higher educational institutions, scientific research institutes and strengthening by their young shots of high qualification are considered. The author of the article connects modern problems of innovative development of a society with the process of preparation of young experts and their attraction in research work.

Калим сўзлар: фан, олий таълим, ислохот, ёш мутахассислар, инновация, ҳоя, жамият, ривожланишининг янги этапи.

Ключевые слова: наука, высшее образование, реформа, молодые специалисты, инновация, идея, общество, новый этап развития.

Key words: science, higher education, reform, young experts, innovation, idea, society, a new stage of development.

Жамиятнинг янги ривожланиш босқичи, ижтимоий, иқтисодий бошқарув соҳасидаги ислохотларнинг чуқурлашуви ва бу жараёнда инсон омилига эътиборнинг кучайиши билан характерланади. Бундай ҳолат олий ўқув юртларини битирган мутахассислардан, юқори малакага эга бўлиш, ўз-ўзини бошқаришга тайёр бўлиш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт илгари сураётган вазифаларни ҳал қила олиш ва бутун ҳаёти давомида узлуксиз таълим олиши, малакасини тизимли ошириш заруриятини вужудга келтирди. Шу муносабат билан, олий таълим жамиятнинг барқарор ривожланиши ва унинг хавфсизлигини таъминловчи омил сифатида эътироф этилмоқда. Шунинг учун ҳам янги ривожланиш босқичида олий таълимга янги мақсадлар, вазифалар қўйилмоқда, амалга оширилаётган ислохотлар давомида олий таълим тизимига муносабат ўзгарди.

Олий ўқув юртларини тамомлаган мутахассисларнинг юқори малакага эга бўлиши зарурияти давлат таълим стандартларида алоҳида қайд этилган ва янги даврда олий таълимни модернизациялашнинг устувор вазифаларидан биридир. Малакали мутахассислар

тайёрлашга бундай янги, инновацион ёндашув Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган ривожланиш стратегиясидаги муҳим йўналишлардан ҳисобланади.¹ Ушбу муаммонинг ечимига илмий асосланган, малакали ёндашув лозим. Олий таълим жараёнида эркин фикрлайдиган, гуманизм, адолат асосида фаолият юрита оладиган, кўп қиррали кўникмаларга эга бўлган шахсни тарбиялаш асосий мақсаддир. Юқоридаги хусусиятларга эга бўлган мутахассислар кундалик ҳаётда учраётган ижтимоий мазмундаги ва касбий вазифаларни ҳал қилиш, ечиш имкониятига эгадир. Олий таълимга инновацион ёндашув, мутахассислар тайёрлашда шу давргача устувор бўлиб келган режа асосида билим олиш усулидан тубдан фарқ қилади ва мутахассислар касбий кўникмаларини шакллантиришга, яъни унинг мазмуни, технологиялари, усулларига замонавий ёндошувни талаб қилади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари чуқурлашаётган, ҳозирги даврда инновацияларнинг мутахассислар тайёрлаш ва тарбиялашдаги ўрни муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, атроф-муҳитда, жамият тизимларида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, яъни уларнинг олий таълимга таъсири ҳам инновацияларнинг амалий аҳамиятини оширмоқда. Инновация тушунчаси дастлаб XX асрда хорижий жамиятшунос олимларнинг илмий тадқиқот ишларида учрайди ва бир маданиятга хос бўлган баъзи элементларнинг иккинчи маданиятга таъсири, кириб келиши маъносида ишлатилган.²

Инновация термини “*innovate*” деган латинча сўздан олинган бўлиб, янгилашиш, такомиллаштириш мазмунини беради. Умумий маънода уни янгилашиш, яхшилашиш мазмунида тушуниш мумкин. Умумий мазмунда эса алоҳида маданий қадрият, яъни унинг моддий ва номоддий кўринишидир. Ҳозирги даврда инсон томонидан инновация, янгилик сифатида эътироф этилмоқда. Қайд этиш лозимки, тадқиқотчи С.Н.Кройторнинг фикрича, “инновация билимдан технологик, рақобатбардошлик ва етакчиликни таъминлаш учун фойдаланиш жараёнидир”.³ Инновациялар мазмуни, моҳиятига доир илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу терминни олий таълимга нисбатан қўлланилиши, бу педагогик жараённинг такомиллашуви, таълим хизматларининг янгилашиши, таълим маҳсулотларига янги технологиялар, илм фан ютуқларининг жорий этилиши, олий таълим жараёнининг объектив жараён сифатида мукамаллашувидир.

Бозор иқтисодиёти муносабатларининг чуқурлашуви олий таълим олишнинг янги шакллари, тобора мукамаллашаётган тизимини вужудга келтирди. Ушбу жараёнда олий таълим, мамлакат тараққиётининг стратегик ресурси вазифасини бажармоқда ва олий ўқув юртлири жамиятда содир бўлаётган ижобий ўзгаришларга зудлик билан, самарали усуллар, илмий хулосалар асосида жавоб берадиган тизим сифатида шаклланди. Олий таълим соҳасидаги инновациялар, таълимнинг бошқа соҳаларидаги инновацион ёндашувлардан тубдан фарқ қилади. Олий таълимнинг янги тараққиёт босқичидаги ўзига хос ривожланиши, олий таълим мазмунига янги, мақсад ва ишланмаларнинг, такомиллаштирилган мавзулар ва технологияларнинг киритилиши муносабати билан илмий-услубий ишларнинг ҳажми кенгайди. Ушбу ҳолат олий ўқув юртлиридаги ўқитишнинг педагогик жараёнида ҳам янги усуллардан кенг фойдаланиш заруриятини ҳам илгари суради.

¹ Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. “Халқ сўзи”, 2018 йил 8 декабрь.

² Кройтор С.Н. Инновации в образовании. Социологический анализ (на примере системы высшего образования Республики Беларусь). Дисс. ...канд. социал. н., Минск, 2009 (Электронный ресурс). Дата обновления: 01.10.2010.-URL: <http://vivakadry/15.htm> (дата обращения: 01.10.2013).

³ Ҳакимов Н.Х. Иқтисодиётни инновацион ривожлантиришни самарали таъминлашда малакали кадрларнинг роли. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш: хорижий тажриба, тенденциялар ва истиқболлар илмий-амалий конференция тезислари тўплами. 12 октябрь 2018 йил, Тошкент, 323 – 325-бетлар.

Олий таълимнинг ҳозирги ривожланишида, назарий асосланган, маълум мақсадга йўналтирилган, амалиётда қўллаш мумкин бўлган педагогик инновациялар муҳим ўрин эгаллайди.

Инновациялар олий таълим муассасаларининг турли бўғинларидаги янгиликлардан самарали фойдаланиш ёки уларни ўзаро алмашиш, янгиларининг вужудга келиши жараёнида намоён бўлади. Олий таълим тизимида инновациялар профессор-ўқитувчилар, мутахассислар фаолиятининг пировард натижасида янгидан вужудга келган қўшма факультетлар, ташкил этилган кафедралар, такомиллаштирилган таълим дастурларини амалиётга жорий этиш жараёнида қўлланилади. Шу билан биргаликда, инновациялар таълим хизматларидан, тобора кенгайиб бораётган ижтимоий ҳаётдаги тизимларда самарали фойдаланишнинг муайян кўриниши сифатида ҳам гавдаланади.

Олий таълимдаги инновациялар қуйидаги жараёнлар билан боғлиқ. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимида инвестицияларнинг киритилиши, тизимда сифат ўзгаришларига, яъни олий таълим муассасалари фаолиятининг такомиллашишига эришилади. Олий таълим муассасалари учун инновацион маҳсулот рақобатбардош кадрларнинг тайёрланиши ва илмий амалий аҳамиятга молик илмий, методик ишланмаларнинг яратилишида намоён бўлади. Олий таълимдаги инновацион жараён илмий тадқиқот институтлари, ишлаб чиқаришнинг юқори технологик тармоқлари учун малакали кадрлар тайёрланиши ва уларнинг ўз ғояларини амалиётга жорий этишларида ҳам кўринади.

Инновацияларнинг олий таълим тизимида жорий этилиши, ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этадиган, муҳим заруриятдир. Чунки бу жараён билимларнинг тез эскириши, жамиятнинг интенсив ахборотлашуви, олий таълим муассасаларида ўқитилаётган фанлар дастурлари мазмунининг мунтазам такомиллаштириш, ўқув жараёнига фан-техника ютуқларининг киритилиши зарурияти билан боғлиқ. Олий таълим тизимидаги инновацион фаолият таълим сифатининг ошишига олиб келади. Ушбу фаолият натижасида юқори технологик таълим усуллари вужудга келади, янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратилади. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришнинг янги манбалари шаклланади, профессор-ўқитувчилар меҳнатини қўллаб-қувватлаш имконияти кенгайди, инновацион тизим яратилади.

Инновацион мазмундаги тарбиявий жараён, ҳозирги даврнинг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, ислохотлар мақсадининг инсон манфаатларига қаратилганлиги, жамиятда содир бўлаётган ижтимоий воқеалар, вазифалар ечими кўп жиҳатдан бўлажак мутахассисларнинг юқори малакаси, касбий, илмий тайёргарлигини, сиёсий жараёнлар ва иқтисодий ҳаётдаги ривожланиш тенденцияларини ўз пайтида англаш имкониятларига доир кўникмалар шаклланишини талаб қилади.

Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида инновациялар ва олий таълим уйғунлиги муаммосини ўрганиш натижасида шундай хулосага келиш мумкин.

Биринчидан, инновациялар ва олий таълим уйғунлигига қуйидаги фаолият турлари ҳам киради, яъни меҳнат бозорида зарур бўлган мутахассисларнинг малакасини ошириш, юқори малакали илмий-педагогик кадрларнинг аттестациясини ўтказиш, фундаментал ва амалий йўналишдаги тадқиқот ишларини олиб бориш, талабалар, магистрлар, докторант ва тадқиқотчилар, илмий ходимлар, ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот ишларидаги иштироки, инновацияларга оид билимларнинг талабалар орасида кенг тарғиб қилиниши билан боғлиқ.

Иккинчидан, талабалар ишлаб чиқариш корхоналарида, таълим муассасаларида амалиёт ўташлари давомида ўзининг бўлажак мутахассислигига доир инновацион билимга эга бўлади, ўқитувчилар ўзларининг таълимдаги фаолиятини илмий ишлар, яъни инновациялар билан узвий боғлайди. Ушбу жараён олий ўқув юртларининг ижтимоий-иқтисодий тармоқлар билан ўзаро алоқасини кучайтиради. Бундай жараён, ўз навбатида, университетлар атрофида инновацион муҳитни шакллантиради.

Учинчидан, олий таълим тизимида инновацияларнинг ривожланишида, унинг малакали мутахассислар тайёрлаш билан боғлиқ бўлган бўғинларга, яъни кафедралар, факультетлар, ахборот-ресурс марказлари фаолиятига чуқур кириб боришида компьютер техникаси, ахборот технологиялари муҳим роль ўйнайди ва олий таълимнинг такомиллашаётган, тобора ахборотлашув асосида ривожланаётган жамиятда устувор вазифаларни бажаришида муҳим восита вазифасини бажаради.

Тўртинчидан, олий таълим соҳаси жамиятдаги ўзига хос ривожланиш хусусиятига эга бўлган инновацион тармоқлардан биридир ва бўлажак рақобатбардош мутахассислар тайёрлашда асосий тармоқ ҳисобланади.

Даврон Юсупов (Урганч Давлат университети)
“ТАКРОРЛАНУВЧИ ҲИСОБЛАШ ЖАРАЁНЛАРИНИ АЛГОРИТМЛАШ ВА
ДАСТУРЛАШТИРИШ” МАВЗУСИНИ СТРУКТУРАЛАБ ТАЛАБАНИ
ФАОЛЛАШТИРИШ МЕТОДИКАСИ

***Аннотация.** Мазкур мақолада “C++да дастурлаш” фанининг “Такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларини алгоритмлаш ва дастурлаштириш” мавзусини ўқитишни мантиқли структуралаб талабани амалий машғулотлардаги фаолиятини фаоллаштириш методикаси келтирилган. Натижада фанни ўқитиш жараёни, унинг таркиби структураланган методлар асосида ташкил қилинганда талабаларда фанга бўлган қизиқиш ортади, талабалар шахсини шаклланиши, ўзини кўрсата билиш жиҳатлари намоён бўлади, унинг билим олиш фаолияти фаоллашади, ривожланади, ўқув материали билан ишлашнинг шахсий стили шаклланади, предметни замонавий компьютерлашган технологиялар асосида мустақил ўрганиш назариясининг элементларини мантиқий жиҳатдан тўғри тушуниб етиш имконияти ва уни татбиқ қилиш жиҳатлари шаклланади.*

***Аннотация.** В работе приведена методика активизации деятельности студента на практических занятиях на основе логической структуризации темы «Алгоритмизация и программирование повторяющихся вычислительных процессов» предмета «Программирование на C++». Таким образом, при организации учебного процесса на основании структуризации содержания темы предмета у студентов развивается активность к обучению, образуется личность, острота освоения материала, понимание смысла компьютеризованного обучения, а также предвидение дальнейшего применения данной методики в вузе.*

***Annotation.** The paper presents a methodology for enhancing students' activities in practical exercises based on the logical structuring of the topic “Algorithmization and programming of repetitive computational processes” of the subject “C++Programming”. Thus, when organizing the educational process on the basis of structuring the content of the subject, students develop learning activity, develop a personality, sharpness of mastering the material, understand the meaning of computerized learning and also anticipate the further application of this technique in high school.*

***Калим сўзлар:** алгоритмлаш, дастурлаш, мантиқли структуралаш, предмет, мантиқли кетма-кетлик, талабани фаоллаштириш.*

***Ключевые слова:** алгоритмизация, программирование, логическая структуризация, дисциплина, логическая последовательность, активизация студента.*

***Key words:** algorithmization, programming, logical structuring, discipline, logical sequence, student activation.*

Мамлакатимиз ва хорижда олиб борилаётган таълим тизимини такомиллаштириш ишларида, ўқув жараёнини самарали ташкил қилишда инновацион ёндашиш, билим жараёнини янада фаоллаштириш ва таълим жараёнларини модернизация қилишда замонавий

ахборот ва коммуникация ҳамда педагогик технологияларидан фойдаланиш фаол усуллардан бири сифатида қаралмоқда.^{1,2}

Олий ва умумий ўрта таълимда ўқитиладиган ўқув предметларининг материаллари асосида билимларни умумлаштириш ва аниқ бирор фаннинг ўқув материални структуралаштириш масаласи тўлиқ ўрганилмаган. Бироқ ўрганилган ва таҳлил қилинган ишларда кўп эътибор ўрта мактаб ўқув предметини ҳар хил структуралаштиришга бағишланган, олий таълимнинг мураккаб предметларидан биттаси ҳисобланган “Дастурлаш” фанини бирор методик, мантикий мезонлар асосида структуралаштириш муаммолари ва нейротармоқ технологияси асосида ўқитиш муаммолари етарлича ўрганилмаган.^{3,4}

Фанни ўқитиш жараёни, унинг структуралашган методлари асосида ташкил қилинганда талабаларда фанга бўлган қизиқиш ортади, натижада талабалар шахсини шаклланиши, ўзини кўрсата билиш жиҳатлари намоён бўлади, унинг билим олиш фаолияти фаоллашади, ривожланади, ўқув материал билан ишлашнинг шахсий стили шаклланади, предметни замонавий компьютерлашган нейротармоқ технологиялари асосида мустақил ўрганиш назариясининг элементларини мантикий жиҳатдан тўғри тушуниб етиш имконияти ва уни татбиқ қилиш жиҳатлари шаклланади.

Мазкур мақолада “С++да дастурлаш” фанининг “Такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларини алгоритмлаш ва дастурлаштириш” мавзусини ўқитишни мантикли структуралаб талабани амалий машғулотлардаги фаолиятини фаоллаштириш методикаси келтирилган.

Машғулот мақсадлари. Таълимий: талабаларга “Такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларини алгоритмлаш ва дастурлаштириш” мавзуси бўйича структураланган маълумотларни бериш, тақдимотларни намойиш қилиш. Бунда ички ва ташқи такрорланиш тушунчаларини ва уларни ташкил қилиш усуллари, вариантларини кўргазмали материаллар ёрдамида тушунтириб бериш, С++ дастурлаш тилида такрорланишларни ҳосил қилиш ва уни тавсифлаш усулларини ўргатиш. Қуйидаги жадвалда ва расмда, мос равишда, мавзу бўйича мантикий графнинг спецификациялари ва унинг структураси келтирилган.

Тарбиявий: касбий фаолиятига доир билимларни чуқур эгаллаш, жамият олдида бурч ва масъулиятни сезишни тарбиялаш.

Ривожлантирувчи: билимларни қўллай билишни шакллантириш, мантикий фикрлаш ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.

Машғулотнинг шакли: лаборатория (80 дақиқа).

Ўқув саволлари	Граф асосини номери	Ўқув элементлари, асосий тушунчалар
1.1. Каррали такрорланиш алгоритмлари (КТА)	1.1.1	Каррали такрорланишни мунтазам алгоритми (КТМА)
	1.1.1.1	КТМА(С), санагич ёрдамида
	1.1.1.2	КТМА(А), аргументни ўзгарувчи қиймати бўйича
	1.1.2	Каррали такрорланишни хусусий алгоритмлари (КТХА)
	1.1.2.1	КТХА, 1-варианти
.....

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3775-сонли қарори. Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2018 йил 5 июнь.


² Гридчина И.Н., Савина О.А., Щербатых С.В., Информационные технологии как средство гармонизации математических и специальных дисциплин. Текст. Педагогическая информатика, 2009, №1, с. 61 – 67.

³ Ермаков А.В. Многомерное структурирование учебного материала как пример инновационного обучения физике в вузе. А.В.Ермаков. “Физическое образование в вузах”, М., Изд. “ДомМФО”, 2007, т. 13, №4, с. 105 – 112.

⁴ Лебедева М. Анализ содержания учебных предметов для создания педагогических программных средств. “Информатика и образование”, Москва, 1988, №4, с. 22 – 24.

	1.1.2.24	КТХА, 24-варианти
1.2. Каррали такрорланиш дастурлари (КТД)	1.2.1	Каррали мунтазам такрорланиш дастури (КМТД)
	1.2.1	КМТД(С), санагич ёрдамида
	1.2.1.1	КМТД(А), аргументни ўзгарувчи қиймати бўйича
	1.2.1.2	Каррали такрорланишни хусусий алгоритмлари (КТХД)
	1.2.2.1	КТХД, 1-варианти

	1.2.2.24	КТХД, 24-варианти



Расм. Мавзунинг мантиқий граф схемаси.

Машғулот методи: компьютерли ўқитиш.

Машғулотдан кутиладиган натижалар.

Машғулотнинг бориши:

– ташкилий он. Мотивация: каррали такрорланиш жараёнларини алгоритмлаш ва дастурлаш намуналари асосида аниқ масалаларни алгоритмларини яратишга бўлган қизиқишни уйғотиш;

– билимларни фаоллаштириш: барча талабаларга шахсий ижодий вазифа берилган.

Жиҳоз: компьютер, проектор, маъруза матни, лаборатория иши тавсифномаси, намунавий ечилган мисоллар, тестлар, лаборатория ишини бажариш бўйича методик тавсиялар.

1-босқич. Ўқитувчи “С++да дастурлаш” фанининг ўқув-услубий мажмуаси сақланаётган каталогдаги index.html файлини ишга туширади ва ундан 5-лаборатория бандини танлаб, 5-лаборатория иши тавсифини экранга чиқаради.


2-босқич. Ўқитувчи лаборатория мавзусини айтиб, бу лабораториядан асосий мақсад каррали такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларини алгоритмини куриш, дастурини C++ тилида ёзиш, дастурни ростлаш қилиш ва текшириш жараёнларини амалга ошириш кераклигини тушунтиради. Ўқитувчи ишнинг бажариш тартибини тушунтиради:

- лаборатория ишининг тавсифи;
- масаланинг кўйилиши (вариант бўйича);
- масаланинг такрорланишни ҳосил қилувчи параметрларини аниқлаш ва такрорланиш алгоритмини танлаш;
- масаланинг дастурини алгоритм асосида Паскал тилида ёзиш;
- дастур матнини ростлаш, тестлаш, текшириш;
- олинган натижаларни тавсифлаш;
- дастурдан фойдаланишга йўриқнома ёзиш.

3-босқич. Ўқитувчи каррали такрорланувчи ҳисоблаш жараёнлари бирор бир корхонанинг амалий ахборот тизимларида ишлатилиши, айниқса, бухгалтерия ҳисоб-китоб ишларида жуда кўп қўлланилишини ва унинг муҳим аҳамият касб этишини атрофлича тушунтиради. Мазкур лаборатория иши доирасида икки аргументли функциялар устида арифметик амаллар бажариш ҳамда жадвал кўринишидаги сонли маълумотлар устида типик амаллар бажариш масалалари кўриб чиқилади. Асосан, қуйидаги турдаги масалаларни ечиш тавсия этилади:

$SS = \sum_{i=1}^n \sum_{j=k}^m \frac{2i + ax}{cj - by}$	$SP = \sum_{i=1}^n \prod_{j=1}^m \frac{2i + ax}{cj - by}$	$c_i = \sum_{j=1}^m da_{ij}, i = \overline{1, n}.$
$c_i = \prod_{j=1}^m da_{ij}, i = \overline{1, n}.$	$S = \sum_{i=1}^{17} \sin 2i \prod_{k>12}^{28} \ln \frac{k^i + \sqrt[k]{k}}{k^3 + \sqrt[k]{i}}.$	$R_{lq} = \text{MAX} \{a_{ij}\}, i = \overline{1, n}, j = \overline{1, m}.$

NxM ўлчамлик жадвалнинг бўялган қисмидаги элементлари устида амаллар бажариш (излаш, алмаштириш, йиғиндиларини, кўпайтмаларини ҳисоблаш ва ҳақозо). Юқорида келтирилган тур масалалар учун типик алгоритмлар ва уларнинг дастурлари тушунтирилади, слайдлар ёрдамида намоёиш қилинади. Талабалар, бу слайдлардан машғулот давомида фойдаланиши мумкин.



4-босқич. Ўқитувчи: 5-лаборатория машғулотига доир топшириқларни тушунтиради. Булар: вариант бўйича каррали такрорланишга доир мисолни вариантлар базасидан олишни ва мазкур мисолни ечиш алгоритмини куришни, C++ тилида дастурини ёзишни, дастурни ростлаш ва текширишни тушунтиради. Талабалар топшириқни фаннинг ўқув-услубий мажмуасининг 3-лаборатория файлидан олишади ва бажаришга киришадилар. Ўқитувчи талабаларнинг саволларига йўналтирувчи, ривожлантирувчи жавоблар беради.

5-босқич. Талабалар вариант бўйича олган мисолларини ечиш алгоритмларини курадилар ва дастурларини ёзадилар. Бу пайтда, бирорта талаба лаборатория ишини бажаришда қийинчиликларга дуч келса, ечилган намунавий мисоллар тақдимотларига мурожаат қилади. Талаба қисқа муддатда тақдимотлар кўринишидаги методик ишланмалар ва тавсияларни кўриб, ўқиб ўрганиб олади. Тушунмовчиликлар келиб чиқса ўқитувчидан ёрдам сўраб мурожаат қилади.

6-босқич. Талабалар вариант бўйича топширикни бажарганидан сўнг, тест топширадilar. Браузер ойнасида test.html файли ёрдамида ўз гуруҳи ва фамилиясини танлайдилар. Бунда аълочи талабалар мослашувчан тест топшириқларини, яхши баҳога ўқийдиган талабалар коэффициентли тест топшириқларини, ўрта баҳога ўқийдиган талабалар оддий тест топшириқларини бажарадилар.

Баҳолаш мезони: лаборатория ишини расмийлаштириш – 0.5 балл, лаборатория иши бажарилгани –1 балл, тест – 0.5 балл (билимига мос тестларни бажариш), дастурни компьютерда ростлаш, текшириш ва бажариш маданияти – 0.5 балл. Талаба лаборатория ишида максимал 2.5 балл тўплайди.

7-босқич. Машғулот тугаши билан талабалар лаборатория ишларини ўқитувчига топширадилар. Ўқитувчи кейинги лаборатория машғулотига фаннинг ўқув-услугий мажмуасининг электрон ёки қоғоз вариантдан фойдаланган ҳолда тайёрланиб келишларини айтиб, машғулотни якунлайди.

Шундай қилиб, карралаи такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларини алгоритмлаш ва дастурлаштириш мавзусини структураланган элементлари асосида ахборотли, алгоритмик, дастурли-педагогик воситаларни, кўргазмали слайдларни, оддий ва мультимедияли анимацияларни яратиш мумкин. Булар охир-оқибатда талабани мазкур фан бўйича фаолиятини фаоллаштиришга жуда катта ёрдам беради, бу эса замон талабларидан биттасидир. Худди шундай, фаннинг таркибини мантиқли структуралаштириш методикаси, замонавий электрон дарсликларни яратишга асос бўлиши мумкин.

Dilshod Dushamov, Xudoyor Rajabov, Yo'ldosh Taxirov, Sevara Rajabova (UrDU)
UMUMIY O'RTA TA'LIM MAKTABLARIDA KIMYO O'QITISHNI
TAKOMILLASHTIRISHDA MUAMMOLI TA'LIM USULIDAN FOYDALANISH

***Annotatsiya.** Mazkur maqolada zamonaviy pedagogik texnologiyalardan biri hisoblangan muammoli ta'lim usulini maktab kimyo kursiga tatbiq qilish bo'yicha, xususan, laboratoriya mashg'ulotlarini muammoli ta'lim usulidan foydalanib tashkil qilinishiga oid namunaviy dars ishlanmalari keltirilgan.*

***Аннотация.** В статье даны разработки уроков с применением одного из методов современных педагогических технологий – проблемного обучения в школьном курсе химии, в частности, на лабораторных занятиях.*

***Annotation.** The article presents the development of lessons using one of the methods of modern pedagogical technologies – problem-based learning in the school chemistry course, in particular in laboratory classes.*

***Kalit so'zlar:** muammoli ta'lim usuli, pedagogik texnologiya, kompetentlik, mustaqil fikrlash.*

***Ключевые слова:** метод проблемного обучения, педагогическая технология, компетентность, самостоятельное мышления.*

***Key words:** problem learning method, pedagogical technology, competence, independent thinking*

Ma'lumki, didaktikaning predmetini o'rgatish, o'rganish hamda ta'lim mazmuni tashkil qiladi va bu uchala komponent bir biri bilan doimo uzviy aloqada bo'ladi. O'rgatish hamda o'rganishning natijalari ta'lim mazmuniga bog'liq.

O'qituvchi o'zi va o'rganuvchi uchun qulay bo'lgan usul va uslublarni, o'qitish shakllarini va vaziyatlarni izlaydi, zamonaviy pedagogik texnologiyaga suyanib, o'quv jarayoni samaradorligini oshiradi. Shuning uchun ham pedagogik texnologiya, didaktik texnologiya, ta'lim texnologiyalariga o'quv jarayonidagi eng samarali vositalar deb qaraladi hamda ulardan dunyo pedagogik amaliyotida keng foydalanilmoqda.

Bugungi kunda zamonaviy pedagogik texnologiyalaridan biri hisoblangan muammoli ta'lim konsepsiyasi o'qitish didaktikasi va psixologiyasini rivojlanishida yangi bosqichni boshlab berdi. Klassik usullardan farq qilib, bu konsepsiya ta'lim nazariyasi va amaliyotiga fikrlash, bilishga qiziqishni faollashtirishning nafaqat alohida uslublarini kirib kelishiga, balki o'qituvchilarda kompetentlikning rivojlanishiga ham olib keldi.¹ Shu bois muammoli ta'lim usulining maktab kimyo kursiga tatbiq qilish dolzarb hisoblanadi.

Umumiy o'rta ta'lim kimyo kursi mazmuniga uning asosiy tushunchalari va qonunlari, kimyoviy elementlar davriy sistemasi va davriy qonuni, atomlarning tuzilishi, kimyoviy reaksiyalar va ularning turlari, kimyoviy reaksiyalar tezligi va unga ta'sir etuvchi omillar, dispers sistemalar, oksidlanish-qaytarilish reaksiyalari, organik kimyoning asosiy tushuncha va qonunlari, organik birikmalar sinflari, yuqori molekular birikmalarga oid o'quv materiallari kiritilgan.²

Ushbu o'quv materiallari oquvchilarning tabiat va ishlab chiqarish to'g'risidagi dunyoqarashini shakllantirish, o'quvchilar ongida atom, molekula, oddiy va murakkab moddalar, ularning tuzilishi va kimyoviy o'zgarishlari, moddalarning atrof-muhitga va inson organizmiga ta'siri, kimyoviy o'g'itlar ishlab chiqarish va uning qishloq xo'jaligidagi ahamiyati, nazariya bilan amaliyotning bir-biri bilan munosabati haqida ilmiy tushunchalarini shakllantirishga imkon beradi.

Quyida laboratoriya mashg'ulotlarini muammoli ta'lim usulidan foydalanib tashkil qilinishiga oid namunaviy dars ishlanmalari keltirilgan.


Mavzu: Metallarning kislotalar bilan o'zaro ta'siri.

Kerakli reaktiv va asboblari: Al (granulasi), Zn (granulasi), HCl ning 40% li eritmasi, probirkalar.

Ishni bajarish tartibi: 2 ta raqamlangan probirkaga 3 ml 40% li xlorid kilota va 2–3 tomchidan fenolftalein solinadi va har bir probirkaga Al, Zn granulasi solinadi. Kichik kristallizatorga oz miqdorda 40% li xlorid kilota eritmasi quyiladi.

Kuzatish: Zn solingan probirkada reaksiya juda tez boradi va gaz ajralib chiqadi, fenolftalein rangi o'zgarmaydi: $Zn + 2HCl = ZnCl_2 + H_2$

Al granulasi solingan probirkada oldiniga hech qanday o'zgarish kuzatilmaydi, keyinchalik gaz ajralib chiqishi bilan reaksiya boradi, fenolftalein rangi o'zgarmaydi:



Qo'yilgan muammo: olingan Al, Zn metallari faol bo'lsalar ham, lekin suv bilan nima uchun turlicha reaksiyaga kirishadi.

Ikkala metall ham nisbiy faollik qatorida bir-biriga yonma-yon turadi.

Muhokama:

O'quvchilar: birinchi probirkada kuzatilgan hodisa bo'yicha shunday xulosaga kelishlari mumkin: aluminiyning xlorid kislotasi bilan reaksiyasi boshlanishiga ma'lum bir vaqt ketganligi va gaz ajralishi keyinroq boshlanishiga sabab, uning sirti oksid pardasi bilan qoplanganligidir.

O'qituvchi: shunday qilib, aluminiyning oksid pardasi uni nafaqat suv bilan, balki kuchli kislotalar bilan o'zaro ta'siridan ham himoya qiladi.

Mavzu: Metallarning tuzlar eritmaları bilan o'zaro ta'siri.

Kerakli reaktiv va asboblari: Zn (granulasi), Fe (temir mix), Cu (qaytarilgan), 40% li temir (II)-sulfat eritmasi, 5% li CuSO₄ eritmasi, 10% li rux sulfat (xlorid) eritmasi, 10% li temir (III)-sulfat (xlorid) eritmasi, kumush qoldiqli probirka, probirkalar.

Ishni bajarish tartibi:

◆1-probirkaga 5 ml 5% li CuSO₄ eritmasi va temir bo'lakchasi (temir mix);

◆2-probirkaga 5 ml 40%-li temir (II)-sulfat eritmasi va qaytarilgan mis;

◆3-probirkaga 5 ml 5% li CuSO₄ eritmasi va rux bo'lakchasi;

¹Береснева Е.В. Современные технологии обучения химии. Уч. пособие, М., "Центрхимпресс", 2004, 144 с.

² Долгань Е.К. Инновации и современные технологии в обучении химии: Учеб. пособие, Калинингр. ун-т., Калининград, 2000, 66 с.

- ◆4-probirkaga 5 ml 10% li rux sulfat (xlorid) eritmasi va qaytarilgan mis;
 - ◆5-probirkaga 5 ml 10% li temir (III)-sulfat (xlorid) eritmasi va qaytarilgan mis qo‘shiladi.
- Kuzatishlar natijalarini qayd etish (doskaga reaksiya tenglamalari yoziladi):

●1-probirkada: $\text{CuSO}_4 + \text{Fe} \rightarrow \text{Cu} + \text{FeSO}_4$ temir bo‘lakchasi ustida sarg‘ish-qizil rangli qatlam hosil bo‘ladi;


●2-probirkada: $\text{FeSO}_4 + \text{Cu}$: hech qanday o‘zgarish yuz bermaydi;

●3-probirkada: $\text{CuSO}_4 + \text{Zn} \rightarrow \text{Cu} + \text{ZnSO}_4$: Zn bo‘lakchasi ustida sarg‘ish-qizil rangli qatlam hosil bo‘ladi;

●4-probirkada: $\text{ZnSO}_4 + \text{Cu}$: hech qanday o‘zgarish yuz bermaydi;

●5-probirkada: $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{Cu}$: mis eriydi, eritma havo rangga kiradi.

O‘qituvchi: Ma’lumki, metallar tuzlar bilan o‘zaro ta’sirlashganda reaksiya metall ajralishi bilan quyida keltirilgan sxema bo‘yicha ketadi:



Qo‘yilgan muammo: Biz ko‘rib chiqqan 5 ta probirkadagi tajribalarning barchasida ham taklif qilingan $\text{Me} + \text{Me}^* \text{A} \rightarrow \text{Me}^* + \text{MeA}$ sxema bo‘yicha reaksiyalar ketmadi. Nimaga shunday?

O‘qituvchi: bir moddaning boshqa modda bilan o‘zaro ta’sirlashishini xarakterlovchi asosiy xususiyat nima hisoblanadi?

O‘quvchi: reaksiyaga kirishuvchi moddalarning tabiati.

O‘qituvchi: metallarning reaksiyaga kirishish tabiati xarakterlovchi kattalik bu uning aktivligi hisoblanadi. Metallarning aktivlik qatoriga qaraylik.

O‘quvchilar: mis metali metallarning aktivlik qatorida temir va rux metallaridan o‘ngda joylashgan.

O‘qituvchi: Mis qo‘llanilgan 2- va 4-probirkalarda oddiy modda ajralishi bilan boradigan reaksiya bo‘yicha o‘zgarishlar kuzatilmadi. Mis tuzlarining oddiy modda holdagi temir va rux bilan (1- va 3-probirkalar) reaksiyalari amalga oshdi.

Xulosa: mis metali temir va ruxga nisbatan ham passiv metall ekan. Shunday qilib, metallar kuchlanish qatorida ularning faolligining kamayishi tartibida joylashtirilgan.

Muammo: 5-probirkada: $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{Cu}$ aralashmasida reaksiyada mis eriydi, metall ajralishi kuzatilmaydi va eritma havo rangga kiradi.


O‘qituvchi: 2-reaksiyani amalga oshirishda biz mis metalining temirga nisbatan passiv ekanligini ko‘rsatgan edik. Shuning uchun temir tuzidan temirni mis siqib chiqara olmaydi. Lekin 5-probirkada reaksiya borganligini kuzatishimiz mumkin. 2- va 5-probirkalardagi tuz va metall orasidagi reaksiyalarning farqi nimada?

O‘quvchilar: 2-probirkadagi reaksiya uchun temir (II) tuzi olingan, 5-probirkadagi reaksiya uchun esa temirning (III) valentli tuzi olingan.

O‘qituvchi: shunday qilib, temir (III) tuzi temirning (II) valentli tuzidan farq qilib, passiv metallar bilan o‘zaro reaksiyaga kirishishi mumkin. Faraz qilaylik, misning erishi 3 valentli temirning oksidlovchilik xossalari bilan bog‘liq ravishda sodir bo‘ladi.

O‘quvchi: taxmin qilinayotgan reaksiyani quyidagi ion almashinish reaksiyasi ko‘rinishida boradi deb olsak: $\text{Cu}^0 + \text{Fe}^{3+} \rightarrow \text{Cu}^{2+} + \text{Fe}^{2+}$

Shunga asoslangan holda xulosa qilib, Fe^{3+} ioni kuchli oksidlovchilik xossasini namoyon qiladi va u suvli eritmada misni oksidlab Cu^{2+} ioniga aylantiradi. Demak, 5-probirkadagi reaksiyani quyidagi molekular tenglama bilan ifodalashimiz mumkin:



O‘qituvchi: metallarning aktivlik qatorida joylashish qoidasidan ko‘rinib turibdiki, metall tuzlari o‘zidan keyingi joylashgan metallar bilan ta’sirlashmasligi lozim. Bu xususiyat temir (II) tuzlari uchun xos, lekin temir (III) tuzlari kuchli oksidlovchi xossasiga ega bo‘lganligi sababli, passiv metallar, masalan, mis, kumush bilan ham ta’sirlashadi.

O‘qituvchi aytgan fikrlarini isbotlash maqsadida 6-probirkada tajriba amalga oshiradi.

Kumush ko'zgu reaksiyasi natijasida kumush qatlami qoplangan 6-probirkaga temir (III)-xlorid tuzi eritmasidan qo'shiladi.


Kuzatish:

6-probirkada, dastlab, $\text{Fe}_2(\text{SO}_4)_3 + \text{Ag}$ aralashtirilganda kumushning eriy boshlashi, 2–3 daqiqadan keyin esa probirka devorlaridagi barcha kumush erib bo'lishi kuzatiladi. Kumushning erishi bilan birga kumush sulfat cho'kmasining hosil bo'lishi tufayli eritmaning loyqalanishi ham sodir bo'ladi.

O'quvchilar: taxmin qilingan reaksiyaning tenglamasini ionli shakldagi sxemasini tuzishadi: $\text{Ag}^0 + \text{Fe}^{3+} \rightarrow \text{Ag}^+ + \text{Fe}^{2+}$

Taklif qilingan farazni 6-probirkada sodir bo'lgan reaksiyada aniqlash ishlarini amalga oshirish orqali o'rganiladi. Kumush ioniga sifat reaksiya (natriy xlorid yoki xlorid kislotasi) qilib ko'rilganda kumush xlorid cho'kмага tushadi. Bu kumush sulfatni uning xloridiga qaraganda eruvchanligi yaxshi ekanligini ko'rsatadi.

Mashg'ulot oxirida o'quvchilar 6-probirkada sodir bo'lgan reaksiyaning quyida ko'rsatilgan molekular tenglamasini qisqartirilgan ionli tenglama shaklida yozishadi:



Xulosa qilib aytganda, umumiy o'rta ta'lim kimyo kursini o'qitishda muammoli ta'lim foydalanish uchun qulay usul hisoblanadi. Uning yordamida o'quvchilarni mustaqil fikrlashga o'rgatish, xotirasini kuchaytirish va bilim va ko'nikmalarini rivojlantirish mumkin. Vaqtdan yutiladi, darsning qiziqarliligi va samaradorligi oshadi, o'quvchilarning dunyoqarashi kengayadi, tafakkurini rivojlantiradi, darsga diqqat-e'tibori ortadi, oquvchilarni mustaqil va ijodiy ishlashga davat etadi.

Maftuna Ubaydullayeva (SamDU)

BADIIY ASARLARNI TAHLIL QILISHDA KROSSVORD TEXNOLOGIYASIDAN FOYDALANISH

***Annotatsiya.** Maqoladan hozirgi davrda zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanib dars o'tish usuli o'rin olgan. Bugungi kun pedagoglaridan har tomonlama yetuk bo'lish talab qilinmoqda. Shunday ekan, zamonaviy pedagogik metodlar hamda grafik organayzerlardan unumli foydalanib, dars jarayonini tashkil etish maqsadga muvofiq bo'ladi. Darsning samaradorligini oshirish, o'quvchilarning intellektual salohiyatini yanada rivojlantirish, kelajak avlodni har tomonlama komil inson qilib tarbiyalash uchun bizning quyidagi maqolamizda yoritilgan, xususan, krossvord metodidan samarali foydalanish keng yoritilgan.*

***Аннотация.** Статья посвящена вопросам обучения с использованием современных педагогических технологий. На сегодняшний день одно из важных требований времени-педагога, в совершенстве владеющего педагогическим мастерством. Несомненно, использование современных педагогических методов и графических органайзеров приносит большой эффект в обучении. В статье на примере использования кроссвордов рассмотрены проблемы повышения эффективности уроков, развития интеллектуальных качеств, воспитания будущих педагогов.*

***Annotation.** The article is about teaching using modern pedagogical technologies at present time. Nowadays perfect pedagogues are required. So, usage of modern pedagogical methods and graphic organisers is very effective in teaching. Raising the effectiveness of lessons, developing intellectual power, upbringing the future generation as perfect one are described in this article, in particular, the method of crossword is widely used.*

***Kalit so'zlar:** krossvord, zamonaviy, pedagogik, texnologiya, innovatsiya, plakat, pedagogik metodlar, intellektual.*

Ключевые слова: кроссворд, современный, педагогическая технология, инновация, плакат, педагогические методы, интеллектуальный.

Key words: crossword, modern, pedagogical, technology, innovation, pedagogical methods, intellectual.

O‘zbekiston Respublikasida uzluksiz ta’lim tizimini isloh qilish xodimlarning yangi avlodini yuqori kasbiy madaniyat, ijodiy va ijtimoiy faollik, ijtimoiy-siyosiy hayotga mustaqil moslashish ko‘nikmalari hamda istiqbol rejalarini belgilash va hal etish qobiliyatlarini shakllantirishga yo‘naltirilgan. Mazkur vazifalarni bajarishda zamonaviy pedagogik texnologiyalarga alohida ahamiyat beriladi.

Ta’lim-tarbiya jarayonini samarali ro‘yobga chiqarish ko‘p jihatdan maktabning har bir o‘qituvchisi, akademik litsey va kasb-hunar kolleji, oliy maktab muallimining yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanishning umumiy nazariy va amaliy asoslarini qay darajada egallaganligi bilan belgilanadi. Shu sabab pedagog-o‘qituvchilarning innovatsion bilimlarini boyitish maqsadida ta’lim samaradorligini oshirishga xizmat qiladigan “Krossvord” usuli haqida fikr yuritmoqchi edik.

«Bu kim? U nima? Bolalar ensiklopediyasi»da krossvord ixtirochisi haqida quyidagi ma’lumotlar keltirilgan: “Kunlardan bir kuni Janubiy Afrikadagi Keptaun shahar ro‘znomasining muharriri mahalliy qamoqxonadan maktub oldi. Unda g‘alati to‘rtburchaklar – kvadratlar tasvirlangan bo‘lib, har bir katak ichiga bittadan harf joylashtirilgan edi.

– Janob, – deb yozgandi xat muallifi, – men qamoqda o‘tirib, bir o‘yin topdim. Uni krossvord deb atadim. Agar lozim topsangiz, buni ro‘znomangizda e‘lon qilsangiz...

Muharrir avvaliga maktubga e‘tibor bermadi, kechqurun, do‘stlari bilan yig‘ilgan paytida shunchaki ermak uchun xatni ularga olib ko‘rsatgan edi, yangilikka o‘ch odamlar mazkur o‘yinning mohiyatini tushunib yetib, qamoqxonadagi mahbusning aql-zakovatiga qoyil qolishdi.

Muharrirga esa qamoqxonaga borib, krossvord ixtirochisi bilan tanishishga to‘g‘ri keldi. Ma’lum bo‘lishicha, u avtomobil halokatiga uchrab qamalgan Viktor Orveli ismli kishi ekan. Krossvord ro‘znomada bosilib chiqqach, unga hamma qiziqib qoldi. O‘yin butun dunyo bo‘ylab tarqalib ketdi”.

“O‘zbek tilining izohli lug‘ati” kitobining ikkinchi jildida krossvordga shunday ta’rif berilgan: “KROSSVORD (ingl.cross-word<cross–kesishma+word–so‘z) kataklarni harflar bilan to‘ldirib, shu kataklarga yashirilgan, izlanayotgan so‘zni topish o‘yini; boshqotirma”. Umuman olganda, krossvord boshqotirmaning bir turi bo‘lib, kesib o‘tilgan so‘zlarni topish o‘yini hisoblanadi.

Ushbu texnologiyani “Adabiyot” fanida qanday qo‘llash mumkin? Masalan, Siz Abdulla Qahhorning “Bemor” hikoyasini o‘tmoqchisiz. Shoir va yozuvchilarning portret rasmlarini raqamlab, suratlarining ostiga taxallusi va ismlariga mos krossvord katakchalarini bo‘sh holatda chizib, plakatni yozuv taxtasiga ilib qo‘yasiz va so‘ray boshlaysiz.

Birinchi suratda qaysi shoirimiz joylashgan? Bir o‘quvchi – Bobur, deb javob beradi. O‘qituvchi to‘g‘ri topilgan javoblarni katakchalarga qalam bilan belgilab, to‘ldirib boradi, shu tariqa, o‘yin davom ettiriladi. 2-,3-,4-,5-portretga murojaat etib, qaysi masalchi, shoir yoki yozuvchilar aks etganini aniqlab olgach, kunning yangi mavzusi kalit so‘-

1.

B	o	b	u	r
----------	---	---	---	---
2.

E	z	o	p
----------	---	---	---
3.

M	i	r	t	e	m	i	r
----------	---	---	---	---	---	---	---
4.

O	y	b	e	k
----------	---	---	---	---
5.

R	a	u	f	P	a	r	f	i
----------	---	---	---	---	---	---	---	---

1. “Qalandar”, “Mirzaqalandar”, “Andijonlik” taxalluslari bilan ijod qilgan shoirni toping.
2. Shoirning onasi ... ?
3. Shoir qaysi shaharda tug‘ilgan?
4. 1923-yil Andijondagi qaysi gazelada ishlagan?
5. Forkiunina qaysi asarini o‘zbek

zida paydo bo'ladi.

Demak, muallim "Bemor" hikoyasi haqida dars o'tishni rejalashtirgani ma'lum bo'ladi. Bu usuldan yangi mavzuga kirish qismida foydalangan ma'qul.

Bundan tashqari, "Krossvord" usulini savol-javob tariqasida ham olib borish mumkin. Masalan, o'tilgan mavzuni o'quvchi qanchalik puxta egallaganligini bilib olish va uni ijobiy baholash uchun ushbu usulni qo'llash yaxshi natija beradi. Fan o'qituvchisi uy vazifasini so'raydi: "Qalandar, Mirzaqalandar", "Andijonlik" taxalluslari bilan ijod qilgan shoir kim edi? O'quvchilar: Sulaymonqul Muhammadyunus – Cho'lponning otasi, Munavvar qori Abdurashidxonov – Cho'lponning ustoz, Cho'lponning o'zi – degan javoblarni berishi, tabiiy. Muallim to'g'ri javob Cho'lpon ekanligini aytib, katakchalarga yozib qo'yadi. Qolgan savollar Abdulhamid Sulaymon o'g'li Cho'lponning hayoti va ijodidan chetga chiqmagan holda davom ettiriladi.

Ma'lumki, axborot-kommunikatsiya texnologiyalaridan dars jarayonida samarali va o'z o'rnida foydalanilganda kutilgan natijalarni beradi. O'quvchi tasavvurini kengaytirib, ilm egalashga bo'lgan rag'batini kuchaytiradi. Bunda, shubhasiz, pedagog salohiyati, bilimi va tajribasi muhim ahamiyat kasb etadi. Demak, dars zamonaviy texnologiyalar asosida tashkil etilar ekan, ilm-fan yutuqlarining barcha imkoniyatlarini o'zida qamrab olishi, o'quvchilarning qiziqish va qobiliyatlariga mos kelishi hamda aniq belgilangan maqsadlarga xizmat qilishi talab etiladi.

Rag'bat kartochkalari



Umida Rakhimova (UrSU)

TECHNIQUES OF USING EFFECTIVE GAMES FOR DEVELOPING SPEAKING SKILLS

Annotatsiya. Ushbu maqolaning maqsadi o'yinning tavsifini tasvirlash va ingliz tilini o'qitishda uning foydasini ko'rsatib berish. Muallif ingliz tili sinflarida nutq ko'nikmalarini rivojlantirish uchun samarali o'yinlar ishlatishning ikkita usulini ta'riflaydi.

Аннотация. Цель статьи дать описание игры и ее преимуществ для обучения английскому языку. Автор описывает два метода использования эффективных игр для развития навыков разговора в английских классах.

Annotation. The objective of this article is to give a description of game and its benefits for English teaching. The author describes two techniques of using effective games for developing speaking skills in English classrooms.

Kalit so'zlar: o'yin, ingliz tili, usullar, foydali tomonlar.

Ключевые слова: игра, английский язык, техника, преимущества.

Key words: game, English, techniques, benefits.

Very important parts of teaching English as a foreign language are games and fun activities. Whether you're teaching adults or children, games will liven up your lesson and ensure that your students will leave the classroom wanting more. Games have a great educational value and it can be used in the classroom to make learners use the language instead of just thinking about learning the correct forms. Games encourage learners to interact, cooperate, to be creative and spontaneous in using the language in a meaningful way. They can be used to warm up the class before your lesson begins, to give students a break during the lesson when you're tackling a hard subject or at the end of class when you have a few minutes left to kill. There are a lot of games that you can play with your students. EFL games are used to learn and test vocabulary, practice conversing, study tenses, improve speaking skills – the list is endless. Our students can always use some extra speaking practice, after all, it's most likely the main reason they signed up for the course: they need to speak English in real life situations. But what they enjoy the most is playing games. There are many advantages of using games. "They are highly motivating and entertaining, and they can give shy students more opportunity to express their opinions and feelings. In the easy, relaxed atmosphere which is created by using games, students remember things faster and better."¹

Games are highly motivating since they are amusing and at the same time challenging. They can be used to give practice in all language skills and be used to practice many types of communication. There are many advantages of using games in the classroom:

1. Games are a welcome break from the usual routine of the language class.
2. They are motivating and challenging.
3. Learning a language requires a great deal of effort. Games help students to make and sustain the effort of learning.
4. Games provide language practice in the various skills-speaking, writing, listening and reading.
5. They encourage students to interact and communicate.
6. They create a meaningful context for language use.

Many experienced methodology manuals writers have argued that games are not just time-filling activities but have a great educational value. W.R.Lee holds that most language games make learners use the language instead of thinking about learning the correct forms.² He also says that games should be treated as central not peripheral to the foreign language teaching program. A similar opinion is expressed by Richard-Amato, who believes games to be fun but warns against overlooking their pedagogical value and says that games can lower anxiety.

To create a friendly atmosphere and excite students to the lesson you can use the following games.

● **My favorite word** technique, especially, used in warm-up activity to improve speaking skills of students. Students tell any new word in English which they like most of all. And other students ask questions why he/she likes this word and give its definition. Students explain the reason of liking that word and when did they hear it first. They must tell the class that they may be like their sound, taste, or the way they seem to 'fit' their meanings. At the end the students write all the words on the blackboard and make a fund of words. Students can also say the synonym or antonym of these words. Besides that they can also be helpful to teach parts of speech effectively by classifying them into categories (adjectives, nouns, verbs and etc.). It is useful to continue speaking and communication with each other. By this game students can learn both dictionary and contextual (connotational and denotational) meanings of the words simultaneously. This technique is one of the ways to reinforce all learnt words in English.³

¹ Hansen (1994:118). Celce-Murcia, M.& Hilles, S. Techniques and resources in teaching grammar. Oxford: Oxford University Press (1988).

² W.R.Lee (1979:2). Teaching with games.

³ <https://www.teachingenglish.org.uk/article/managing-very-young-learners>

●Find someone who

Description. Students use a checklist as they walk around the room trying to find a person who likes and dislikes the fruit and food written on a paper. When students find “someone who likes spicy food” or “someone who hates meat” they write that person’s name on their checklist of paper and move on to the next person with the hope that that person has the other tastes on the master list. The goal is to find and talk to as many people as possible within the time limit in order to put one name.

Needed

- A piece of paper listing 15 to 20 food.
- A copy of the paper for each student.

Preparation.

1. Prepare 15 to 20 food using vocabulary that your students are familiar with. Since this is a fluency activity, the purpose can be to review or recycle vocabulary, to know about tastes of each other asking the general questions (do you..? are you ..?) and perhaps even learn one or two new words, but the main purpose of this activity is to get students talking for a purpose and, thus, limit the difficulty of the language used. As with all fluency activities, aim for a level below your students’ actual proficiency level.

2. Further suggestions.

- This is an effective icebreaker for the beginning of the course. It’s also a great way for you to learn your students’ names and something personal about each of them.

- You might decide to give a prize to the student who completes the activity first or within the time limit. You may give a prize for the student that finishes first. When the activity is timed, sometimes students get so focused on winning the prize that they just start writing in people’s names.

- As a follow up, when everyone is seated again, ask students to introduce someone and say something about that person. The students are allowed freely to discuss and debate among themselves. The students are allowed to think about what they are going to argue with their oral proficiency. They are divided into two groups; one prepares the case in favor of oral testing, the other against. They are advised to prepare their case as convincingly as they do for the sake of argument. One or two main speakers present the case for each group, and the discussion is thrown open to other participants. In this way all the participants are made to talk and the result of the debate is left to voting and the students are advised to vote according to their own inclination.

As Uberman (1998: 87) puts it, ‘games encourage, entertain, teach, and promote fluency and communicative skills. If not for any of these reasons, they should be used just because they help students see beauty in a foreign language and not just problems that at times seem overwhelming.’¹

So, games are an important type of active learning activity, which contributes to increasing interest in learning a foreign language. They provide practical use of a foreign language in situations simulating real reality. Play and competition that are provided by games enhance the motivation of the students. They also reduce the stress in the classroom. Games are organized according to rules, and they are enjoyable. Most games require choral responses or group works, whereas problem-solving activities (though they are structured) require individual response and creative solutions. Through well-planned games, learners can practice and internalize vocabulary, grammar and structures extensively. Play and competition that are provided by games enhance the motivation of the students. They also reduce the stress in the classroom.

While playing games, the learners’ attention is on the message, not on the language. In a way, students acquire language unconsciously since their whole attention is engaged by the acti-

¹ Uberman A. (1998) The Use of Games for Vocabulary Presentation and Revision in English Teaching Forum 36:1.

vity. By providing personal, social, and cross-cultural issues to define, they sometimes simulate real life situations. There is a great overlap between games and problem solving activities. Though games generally place an emphasis on competition and winning, they also require some type of problem-solving activity. Like games, problem-solving activities have communicative purposes. Questions which require students to use available evidence to reach a conclusion and the logic problems which assist language learning by challenging students to demonstrate their understanding of English in an interesting way are the types of problem-solving activities. In problem solving activities, the problems are either based on real or imaginary situations. In the activities students are given a real or an imagery situation, and they are expected to find solutions for the problems.

Дилноза Абдиримова, Умида Якубова (ТТА Урганч филиали)
**ЛАЗЕР НУРИ ТАЪСИРИДА МОНОКРИСТАЛЛ КРЕМНИЙДА ДЕФЕКТЛАР
 ҲОСИЛ БЎЛИШИ МЕХАНИЗМИ**

Аннотация. Ушбу мақолада яримўтказгич материалларнинг сардори–кремний сиртига лазер нурларининг таъсири тўғрисида маълумотлар берилган. Замонавий микроэлектроника ва наноэлектроника соҳасига назар ташланса, энг кам энергия сарфловчи ва юқори сифатли таъминловчи технологиялар сифатида лазер технологиялари бугунги вақтда жуда кенг соҳаларда қўлланилмоқда. Улар қаторига саноат, фан, таълим, алоқа, навигация, кимё, биология, тиббиёт, ўлчаш тизимлари, транспорт, озиқ-овқат ишлаб чиқариш, геологоразведка ва бошқа кўплаб соҳаларни киритиш мумкин.

Аннотация. В статье обсуждаются эффекты лазерных лучей на поверхности полупроводникового капиллярного кремния. В области современной микроэлектроники и наноэлектроники лазерная технология, как наименее энергоёмкая и высококачественная технология, широко используется во многих отраслях. Она включает в себя многие отрасли промышленности такие, как промышленность, наука, образование, связь, судоходство, химия, биология, медицина, измерительные системы, транспорт, производство продуктов питания и геологоразведка.

Annotation. This article discusses the effects of laser beams on the surface of semiconductor capillary silicon. In the field of modern microelectronics and nanoelectronics, laser technology, as the least energy-intensive and high-quality technology, is widely used in the modern industry. They include many industries, such as industry, science, education, communications, shipping, chemistry, biology, medicine, measurement systems, transportation, food production and geological exploration.

Калит сўзлар: лазер нури, кремний, квант, дислокация, термик кучланиш, изотроп, деформация.

Ключевые слова: лазерный свет, кремний, квант, дислокация, термическое напряжение, изотропность, деформация.

Key words: laser light, silicon, quantum, dislocation, thermal stress, isotropy, deformation.

Мавзунинг долзарблиги. Микронлар даражасидаги аниқлик билан локал участкаларга таъсир қила олиш, қиздириш тезлигининг катталиги, лазер нурини кўчиришнинг қулайлиги кабилар лазер нури ёрдамида материални модификациялаш усулига қизиқишни кенгайтириб бормоқда. Шу сабабли бундай структуравий ўзгаришлар ва қаттиқ жисм модификацияланишини ўрганиш замонавий физиканинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Лазер аппарати (оптик квант генератор) иссиқлик нурларини бир жойга тўплайдиган, муайян шароитда юксак энергия оқими шаклида уларни бериш имкониятини яратадиган мосламадир. Энсиз кучли иссиқ оқимидан иборат бўлган лазер нурлари (фокуслаштирилган лазер нурларининг зичлиги, қалинлиги 0,1–1 мм бўлади) юқори энергияга эга бўлган кичик бир соҳани жуда юқори ҳароратга қадар қиздириш имконига эга. Шу туфайли лазер нурлари олмосни, вольфрамни ва палладийни осонликча эрита олиш қобилиятига эга.¹

Кўплаб замонавий материалларга ишлов бериш технологияларида лазер нурларидан фойдаланилади. Бундай технологияларга лазерли легирлаш, тоблаш, қатламлар ўстириш ва бошқаларлар қиради. Микронлар даражасидаги аниқлик билан локал участкаларга таъсир қила олиш, қиздириш тезлигининг катталиги, лазер нурини кўчиришнинг қулайлиги

¹ <http://laser-technologies.ru/>

кабилар лазер нури ёрдамида материални модификациялаш усулига қизиқишни кенгайтириб бормокда. Маълумки, ташқи энергия оқимининг (лазер нури ёки зарралар оқими) каттиқ жисм сиртига таъсири туфайли сиртда структуравий ва морфологик ўзгаришлар юз беради. Бундай структуравий ўзгаришлар ва каттиқ жисм модификацияланишини ўрганиш замонавий физиканинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. Материаллар модификациясини мақсадли ўзгартириш методларида лазер нурининг материалга таъсирини, сирт хусусиятларини батафсил ўрганиш долзарбдир.¹ Лазер нурининг дефектлар билан ўзаро таъсирлашишини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга.

Ишнинг мақсади – лазер нури таъсирида монокристалл кремнийда дефектлар ҳосил бўлишини ўрганиш.

Материал ва методлар. Тадқиқот объекти сифатида $1,5 \times 10^{16} \text{ см}^{-3}$ концентрацияли бор билан легирланган 100 мм ўлчамли дислокациясиз кремний танланди. Кремний р-типли пластинанинг солиштира қаршилиги $\rho=1 \text{ Ом} \times \text{см}$.ни ташкил этади. Шунингдек, тадқиқот учун фосфор билан 10^{18} см^{-3} даражада легирланган 76 мм ўлчамли солиштира қаршилиги $\rho=0,01 \text{ Ом} \times \text{см}$.ни ташкил қилган п-типли дислокациясиз кремний танланди. Пластиналар Чохральский усулида стандарт технологияда ўстирилган кремний стерженидан тайёрланиб, бор билан легирлангани ва фосфор билан легирлангани кристаллографик йўналишга эга эди. Дислокациялар шаклланиши жараёни “Квант” қурилмаси ёрдамида импульсли лазер таъсири остида ўрганилди. Лазер нури энергияси $E=416,7/1083,3 \text{ мЖ/см}^2$ ва импульслар частотаси 0,5/35 Гц қийматга эга бўлди. Намуналарнинг бир қисмига лазер нури таъсиридан кейин $T = 650^\circ\text{C}$ температурада ва 180 мин вақт давомида термик ишлов берилди. Кремний намуналари сиртидаги дислокациялар динамикасини ўрганиш учун СР-4 эритмасида селектив емирилиш билан дислокациялар ўрасини кузатиш методикаси билан олиб борилди.² Дислокациялар зичлигини баҳолаш учун 330 марта катталаштириш режимида МИИ-4 микроскопидан фойдаланилди.

Нурлантирилган зонадан тарқалаётган иссиқлик энергиясининг қийматини ўзгартириб, кратернинг турли диаметрлари учун кремний эриш температурасига яқин температура учун иссиқлик оқимининг қийматлари олинди.

Эксперимент натижаларини компьютерда моделлаштириш натижалари билан таққослаш орқали иссиқлик оқимининг лазер нурини пластинага берган таъсирига боғлиқлиги олинди.

Натижалар ва муҳокама. Олинган натижалардан кўринадики, икки хил типли кремний учун лазер нури энергиясининг ортиши билан иссиқлик оқими чизикли ортиб боради. Шундай ҳулосага келиш мумкинки, легирловчи киришмалар бор ва фосфор кремнийнинг иссиқлик хусусиятларига катта таъсир кўрсатмас экан.

Маълумки, қисқа давомийликли лазер импульслари таъсирида кремний сиртига бериладиган температура ва термокучланиш чизикли боғланишга эга.

Шундай қилиб, лазер нури билан ишлов берилганда қиздириш давомида температуранинг мувозанатлашуви ва совитиш туфайли вақтинчалик зўриқиш мавжуд. Дислокацияни кўчириш учун юқори энергияли конфигурациядан ўтиши таъминланиши зарур, бу эса кўчириш кучланишига мос кўпроқ куч сарфлашни талаб этади. Дислокацияни кўчириш учун зарурий минимал кучланиш Пайерлс кучланиши деб аталади. Пластинага Пайерлс

¹ С.В.Филаретов, Е.А.Каштанова, Е.Г.Зубков, А.А.Поляков Механизм образования дефектов в монокристаллах кремния при воздействии лазерного излучения. Известия высших учебных заведений. Поволжский регион, № 3 (27), 2013. “Физико-математические науки”. Физика, с. 212 – 221.

² Орлов А.Н. Введение в теорию дефектов в кристаллах. А.Н.Орлов. М., “Высшая школа”, 1983, 144 с.

кучланишидан каттароқ термоэластик таъсир бўлганда дислокациялар кристалл бўйича кўча бошлайди, токи термокучланиш Пайерлс кучланишидан камайгунча ($\tau < \tau_p$).¹

Пайерлс кучланиши куйидаги формула ёрдамида ҳисобланиши мумкин:

$$\tau_p = \frac{2G}{1-\nu} \exp\left(\frac{2\pi d}{1-\nu b}\right)$$

Бу ерда $G=1,5 \cdot 10^{11}$ Па–силжиш модули; $b=1,1$ нм–Бюргерс вектори; $\nu=0,3$ –Пуассон коэффиценти; $d=0,3$ нм–сиртлараро масофа. Ҳисобланган Пайерлс баръери п-тип материал учун куйидагига тенг:

$$\tau_p = 3,6868 \times 10^{10} \text{ Н/м}^2$$

«ELCUT 5.8» дастури монокристалл кремнийда лазер нури таъсирида пайдо бўладиган ясси термокучланишларни ҳисоблашга мўлжалланган.

Эластиклик назарияси тенгламасининг хусусий ечимини кўрайлик, унда кўчиш u , v лар $x_3=z$ координатага боғлиқ эмас деб тасаввур қилинган. Ҳисоблаш учун куйидаги параметрлар қабул қилинган: Юнг модули $E=1,5 \cdot 10^{11}$ Н/м², кўчиш модули $G=6,02 \cdot 10^{10}$ Па, Пуассон коэффиценти $\nu=0,3$ иссиқлик кенгайиш коэффиценти $\alpha=1 \cdot 10^{-6}$ 1/К. Лазер нури таъсирида бузилган участка марказидан кучланишнинг тақсмоти берилган. Олинган натижалардан кўринадики, п-типли кремнийга $E=1000$ мЖ/см² энергияли лазер нури таъсир қилганда 153,6 мкм радиусли кратер пайдо бўлади. Дислокацияларнинг югуриш масофаси 34,86 мкм.ни ташкил этади. Оқибатда дислокациялар таъсир марказидан 188,46 мкм масофага силжийди. Яратилган моделнинг иссиқлик параметрларини ўзгартириб, термоэластик кучланиш Пайерлс баръер баландлигидан ошмайдиган қийматлари танланди ($\tau_p = 3,6868 \cdot 10^{10}$ Н/м²).² Бу ерда: 1) п-тип кремний сиртидаги термоэластик кучланишнинг сирт бўйлаб тақсмоти ($E=1000$ мЖ/см); 2) р-тип кремний сиртидаги термоэластик кучланишнинг сирт бўйлаб тақсмоти ($E=1000$ мЖ/см) 2) п- ва р-тип кремний сиртидаги термоэластик кучланиш тақсмотини таққослаш орқали аниқландики, ўрганилаётган кристалларнинг иссиқлик хусусиятлари бир бирига мос келади. Энергияси $E=1000$ мЖ/см² бўлган лазер нури таъсирида пайдо бўлган кратер ҳудудидаги температура ва термоэластик кучланишни моделлаштириш натижалари максимал кучланишлар кратер чегараси бўйлаб намоён бўлади. Кратер ҳудудида термокучланишнинг тақсмоти: намуна бўйлаб температура (а) ва термокучланишнинг тақсмоти лазер нури таъсирида сирт температураси кремнийнинг пластиклик температурасидан юқори бўлади, шунинг учун термокучланиш таъсирида пластик деформация ва дислокациялар шаклланиши кузатилади. Лазер нури таъсирдан кейин намуналарда қолдиқ термокучланиш мавжудлигини текшириш учун юқори температурали тоблаш режими ўтказилди. Бунда кучланиш релаксацияси дислокацияларнинг кўчиши ёки янгиларининг пайдо бўлиши ҳисобига юз беради.³ Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, юқори температурали тоблашдан кейин дислокациялар югуриш йўли икки баробар ошган. Шунга ўхшаш ҳолат сиртни лазер нурлари импульслари билан нурлантирганда кузатилиши ҳам мумкин.

Хулосалар. Шундай қилиб, лазер нурунинг таъсири остида материал қисман буғланади ва сиртда механик кучланишлар пайдо бўлади. Экспериментал натижаларни ва қурилган модель билан таққослаш орқали лазер нурунинг турли қувватлари учун иссиқлик оқимининг қийматлари олинди.

¹ Винценц С.В. О порогах возникновения неупругих деформаций в поверхностных слоях Si и GaAs при многократном импульсном лазерном облучении. С.В.Винценц, А.В.Зотеев, Г.С.Плотников. “Физика и техника полупроводников”, 2002, т. 36, №8, с. 902 – 906.

² А.В.Саенко, А.В.Ковалев, В.В. Бесполудин, А.А.Прилипко. Исследование морфологии поверхности и электропроводности пленок кремния после лазерного обжига. “Инженерный вестник Дона”, №1 (2016). ivdon.ru/magazine/archive/n1y2016/3516

³ <http://wiki.laser.ru/index.php/>

Лазер нури қувватларининг икки хил типдаги кремний учун мослигига асосан, кремнийдаги фосфор ва бор каби киришмалар ўрганилаётган материалнинг иссиқлик хусусиятларига таъсир этмаслиги тўғрисида хулоса қилинди.

Экспериментал натижаларни математик модель билан таққослаш орқали лазер нури таъсирида пайдо бўлган кратер худудида термоэластик кучланишлар тақсимооти аниқланди.

Лазер нури энергиясининг 666,7 мЖ/см²гача ортиши билан дислокациялар югуриш йўлининг маълум қийматларгача ошиб бориши аниқланди.

Марям Эшмухамедова (Тошкент Давлат Шарқшунослик институти) ЯССАВИЙ МАКТАБИ ИЖОДҚОРЛАРИ АСАРЛАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада Яссавий ва унинг мактаби шоирлари ижодидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар қўлёзма манба асосида қиёслаб ёритиб берилган. Бунда ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган қўлёзмалар (тадқиқ доирасига тортилган) асосида иш олиб борилган.

Аннотация. В статье на основе рукописных источников в сравнительном аспекте описываются отличительные и общие стороны творчества Яссави и поэтов школы Яссави. Статья посвящается исследованию и изучению рукописей, храниющихся в институте Востоковедения имени АНРУЗ Абу Райхона Беруний.

Annotation. In this article the similarities and differences in the works of Yassaviy and poets of his school were described being based on the manuscripts. The main source of this work is the manuscripts which are being saved in the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan.

Калим сўзлар: қўлёзма, нусха, девон, зоя, илоҳий ишқ, газал, шеърый қиссачилик, издош, тахаллус, хатмот.

Ключевые слова: рукопись, копия, деван, идея, божественная любовь, газель, поэма, последователь, псевдоним, писарь.

Key words: manuscript, copy, divan, idea, love of God, poem, poetry, follower, pseudonym, calligrapher.

Маданиятимиз тарихида чуқур из қолдирган турли адабий мактаблар бор. Ана шундай мактаблардан бири “Султонул-орифин”, “Яссавийя жаҳрийя” тариқатининг асосчиси Аҳмад Яссавий асос солган мактабдир. Аҳмад Яссавий мактаби шоирлари ҳақида сўз борганда, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бу мактаб шоирларининг ўзига хос услуби, ижод тарзи бор. Бу услубни бошлаб Аҳмад Яссавий ижодида кузатган бўлсак, кейинчалик анъана сифатида унинг издошлари томонидан давом эттирилганини кўрамыз.

Бу ҳақда Фитрат шундай ёзади: “Ўрта Осиё турк адабиётининг исломдан сўнгги мактаблари орасида Яссавий мактаби жуда нуфузли, катта ўрин тутадир”.¹

Бу мактаб шоирлари ижодида ғоя бир – илоҳий ишқ васфи, покликка, эзгуликка чорлаш, нопокликлардан сақланиш, умрнинг ҳар бир лаҳзасини ғанимат билиб охират тадоригини кўриш ва ҳоказо. Масалан, Аҳмад Яссавийда:

*Бешак билинг, бу дунё барча элдин ўтаро,
Инонмагил молинга бир кун қўлдин кетаро.*

Қул Сулаймонда:

*Фоний эрур бу дунё барча халқдин кечкуси,
Неча узун яшасанг бир кун умрунг ўтқучи.*

(№12441, 208^a варақ)

Қул Шарифда:

Эй кўнгул, дил боғлама кўпни кечурган дунёдур,

¹ А.Фитрат. Танланган асарлар. II жилд, илмий асарлар. Тошкент, 2000 йил, 33-бет.

Холисада: *Бу ўлумнинг шарбатин халққа ичурган дунёдур. (№1564, 114^а варақ)*

*Аё одам ўгли, зофил турма, ярогинг қил,
Ўлум санга бир кун етиб келур эрмиш.*

Иқонийда:

*Бевафодур ушбу дунё, бил, ани поёни йўқ,
Ғайри ўлмакдин у кун охир анинг дармони йўқ. (№7488, 63^а варақ)*

Бу мактаб шоирлари ижодидаги умумийликлардан яна бири ишқ йўлида чекилган машаққатлар, бу йўлдаги риёзатлар ва қийинчиликларнинг таърифидан тавсифидир. Улуғ ишқ, унинг манзилию даражаси, ошиқлик, унга лойиқ бўла олиш масъулияти куйланади. Яна манбаларга мурожаат этамиз:

Яссавийда:

*Аё дўстлар, пок ишиқини қўлга олдим,
Бу дунёни душман тутуб юрдум мано.*

Ёки:

*Ишиқ сиррини баён қилсам ошиқларга,
Тоқат қилмай бошин олиб кетар, дўстлар.*

Қул Сулаймонда:

*Ишиқ йўлига телим ошиқ кирди бўлғай,
Мендек қуллар ўзин лойиқ кўрса бўлмас. (№7488, 80^б варақ)*

Қул Зоҳидда:

*Аё дўстлар, чўллар аро ҳайрон бўлуб,
Ишиқ йўлида сарсон бўлуб қолдим мано. (№4002, 47^б варақ)*

Кўринадики, бир мавзу ҳар бир ижодкор қалами билан турлича талқин қилинган.

Биз Аҳмад Яссавий ижодида асосан ҳикмат, шунингдек, ғазал намуналари ва муножот жанрларини учратамиз. Унинг мактаби шоирлари эса анънавий ҳикматнависликдан ташқари ғазал, муножот, шунингдек, қасида ва шеърый қиссачиликкача ўсиб борганликларини кузатиш мумкин. Ғазал жанри Аҳмад Яссавий ижодида:

*Ҳар киши кўрса жамолинг дунё ишин барбод этар,
Кеча-кундуз тина билмас, худойини ёд этар.*

Қул Сулаймонда:

*Бормукин оламда эмди Қул Сулаймондек гариб,
Бул гариблик дардини мен кимга айтай сарғайиб. (№1976, 90^б варақ)*

Холисада:

*Ким азалдин барчани жонин шикор этган ўлум,
Барчани кўксини гамдин доғ, зор этган ўлум. (№1976, 64^б варақ)*

Шамсиддин Ўзгандийда:

*Асли Одам туфроқдин султон қилган Аллоҳсан,
Азозилдек олимни шайтон қилган Аллоҳсан. (№3966, 225^а варақ)*

Иқонийда:

*Гарчи шириндур Иқоний, бу тириклик дуняда,
Қилгуси захри ажал кўнгулни бир кун талхком. (№7488, 64^б варақ)*

Убайдийда:

*Эй кўнгул, жоним киби сир кунжида бўлғум келур,
Доимо ул кунж ила вайронада бўлғум келур. (№7488, 102^б варақ)*

Мисолларга назар ташласак, Яссавийдан унинг издошларига қадар бадииятнинг юксалиб, гўзаллик касб этиб борганини кузатамиз. Айниқса, Убайдий қаламига мансуб мисраларда бунини яққол кўриш мумкин. Фикримиз исботи учун Убайдийдан яна бир мисол келтираамиз:

Ой юзи маҳваш қуёш янглиг жамолингдур жамил,

Лайлатул – меърож янглиг гисуйинг дурри тавил. (№7154, 91^б варақ)

Абдурауф Фитрат бу мактаб шоирлари хусусидаги фикрларини баён қиларкан, Қул Сулаймон, Иқоний, Шамс, Қул Убайдий ва Худойдодлар ҳақида маълумот беради ва Қул Аҳмад, Қул Шарифларни тилга олади.¹

Яссавий издошларининг сафи қанча, уларнинг қандай асарлари бор, манбалари қайсилар, деган савол туғилади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлғезмалар фондида Яссавий ва унинг мактаби шоирлари асарлари ўрин олган жуда кўп қўлғезмалар сақланади. Яссавий мактаби шоирларининг асарлари унинг ҳикматлари сўнгида ёки аралаш ҳолда кўчирилган. Шундай қўлғезмалар борки, улардан бу мактаб шоирларининг асарлари кўплаб ўрин олган. Улар сирасига: 998, 3966, 8405, 7488, 11111 ва бошқа қўлғезмаларни киритиш мумкин. Яна шундай қўлғезмалар ҳам борки, улардан Яссавий издошларининг асарлари кам миқдорда ўрин олган. Бундай қўлғезмалар сирасига: 7698, 12308, 1090, 2807 ва бошқаларни киритиш мумкин. Дикқатни тортадиган жиҳати шуки, қайси қўлғезмадан Яссавий асарлари ўрин олган бўлса, ўша жойдан унинг издошлари асарлари ҳам ўрин олган. Буни қандай изоҳлаш мумкин. Аҳмад Яссавий асарлари қанчалик севиб ўқилган бўлса, унинг издошлари асарлари ҳам шундайми ёки бошқа сабаб борми. Бу масалага манбашунослик йўналишида олиб борилган жиддий тадқиқотларгина аниқлик киритиши мумкин.

Биз ана шу қўлғезмаларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, шундай фикрга келдикки, бу мактаб шоирлари ичида номи адабиёт оламига таниш бўлганлари ҳам бор. Айни дамда, номлари таниш бўлмаганлари ҳам бор. Шунингдек, бизгача асарлари етиб келган бу мактаб шоирларининг ичида сермахсул ижодкорлар ҳам ёки асарлари кам учрайдиган ижодкорлар ҳам учрайди. Масалага аниқлик киритиш учун манбаларга мурожаат этамиз. Биз аввалги ишларимизда² таъкидлаб ўтган эдикки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлғезмалар хазинасида “Девони ҳикмат”нинг 180 атрофидаги қўлғезмаси бор. Бу қўлғезмаларнинг жуда кўпчилигидан Яссавий ҳикматлари билан бирга, унинг издошларининг шеърлари ҳам ўрин олган. Биз ана шу қўлғезмаларни энди бевосита Яссавий издошларининг асарларини аниқлаш мақсадида ўрганиб чиқдик. Натижа шундай бўлдики, уларда асарлари энг кўп учрайдиган шоирлар қуйидагилар экан: Қул Сулаймон, Шамс, Иқоний, Холис, Азим Хўжа Эшон, Қул Убайдий, Ҳувайдо, Сайқалий, Қул Назирий, Қул Шариф, Қул Темурий, Қул Салим, Мискин Қосим, Қул Зоҳидий, Қул Ғарибий, Қул Умурий, Аҳмад, Худойдод, Неъматуллоҳ, Залилий, Эшон Жазбий ва Иброҳим Адҳам.

Кейинги изланишларимиз натижасида исмлари аниқланган шоирлар қуйидагилар: Дарвеш Али, Мискин Айюб, Қул Туфайлий, Алоуддин, Қул Ҳайдарий, Саййид ота, Қул Камолий, Қул Муҳаммад, Занги ота, Қул Зиёий, Жалолий, Қул Хаёлий, Толиб, Муҳаммад Олим, Давойи, Эшон Мухлис, Фозилий, Қул Мужрим роҳ, Шайдойи, Муҳаммадқули, Ҳажрий, Аҳмадхожа, Қул Ёдгор, Ғариб Гулшан, Абдурашид, Қул Ўзгандий, Қаботий, Баҳоуддин, Ошиқ Юсуф, Қул Хўжа Аҳмад, Қул Саййидий, Ҳузурий, Эшон Хўжа Қули, Фаҳрий Қул, Хўжа Ҳомид, Азимқули, Қул Сайфиддин, Қул Садоийи, Эшон Исомиддин, Қул Хаёлий, Қул Ёдгор ва Қул Ҳайдар.

Биз қўлғезма манбалар билан ишлаш жараёнида шуни кузатган эдикки, бу мактаб шоирларидан бир шоир бир неча таҳаллус билан ижод қилган. Масалан, Шамсиддин Ўзгандий Шамс, Шамси Осий, Шамси Ўзгандий таҳаллуслари билан ижод қилган. Юқорида номлари янги аниқланган шоирлар ичида ҳам балки шундайлари бордир. Масалан, Аҳмад таҳаллусли шоир (Яссавий эмас) Қул Хўжа Аҳмад, Аҳмад хожа таҳаллуслари билан асар-

¹ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд, илмий асарлар. Тошкент, 2000, 32–35-бетлар.

² Эшмухамедова М. “Девони ҳикмат” қўлғезмалари каталоги. Тошкент, 2003; Эшмухамедова М. Аҳмад Яссавий асарлари ўрин олган қўлғезмалар каталоги (қайта тўлдирилган нашри). Тошкент, 2010.

лар ёзгани, шунингдек, яна Муҳаммад Олим, Муҳаммадқули, Қул Муҳаммад тахаллуслари билан ёзилган асарлар учраяпти. Бу мактаб шоирлари ичида бундай турли тахаллусли шоирлар бир ёки иккита эмас. Булар бир нечта шоирми ёки бир шоир бир нечта тахаллус билан ижод қилганми – бунга навбатдаги чуқурроқ олиб борилган изланишлар аниқлик киритади.

Манбаларни ўрганиш жараёнида эътиборни тортадиган яна бир жиҳат бор – бир шоир қаламига мансуб шеър бошқа қўлёзмада иккинчи бир шоир тахаллуси билан келган. Масалан, Аҳмад Яссавийда:

*Ул аласту бироббикум деганинда,
Қолу бало деганимни билолмасман.*

Қул Темурийда:

*Аласту бироббикум деганинда,
Қолу бало деганимни билолмасман. (№ 7488, 120а варақ)*

Яссавийда:

*Мужоҳада мақомида турган ошиқ,
Сир-асрори ладун илмин билиб сўзлар. (№ 11416, 322а варақ)*

Қул Сулаймонда:

*Мужоҳада мақомида турган ошиқ,
Сир-асрори ладун илмин билиб сўзлар. (№ 378, 16б варақ)*

Яна Қул Сулаймонда:

*Умрум охир бўлганда на қилгайман худоё,
Жон олгучи келганда на қилгайман худоё. (6895, 148б варақ)*

Бу ҳолатни 2 хил йўл билан изоҳлаш мумкин. Бири ушбу мактабга хос бўлган анъана. Яна бири котиблар иши. Ҳар икки ҳолатда ҳам мансублик масаласини аниқлаш зарур. Бу ва бу каби масалаларга жвоб беришдан олдин бу мактаб шоирлари асарлари ўрин олган қўлёзмалар (ҳар бир муаллиф мисолида) каталогини тузиш лозим. Кейин уларнинг турли илмий матнларини тузиб, ундан кейингина энг ишончли қўлёзмалар асосидагина нашр ишларини амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Яссавий мактаби шоирлари ижодига назар ташланса, улар ижодидаги бу қадар ўхшашлик кишини ажаблантиради. Анъанага бу қадар содиқлик, ҳам ғоявий, ҳам услубий жиҳатдан шу қадар ўхшашлик кузатилади. Демак, Аҳмад Яссавий шогирд-издош тарбиялашда ҳам ибрат бўларлик иш қилган экан. У бошлаган анъанани издошлари шунчалик маҳкам ушлаб, садоқат билан давом эттирганларки, бу мактабга мансуб бирор шоирнинг ана шу йўлдан бироз бўлса-да оғишганини учратмаймиз. Албатта, уларнинг ҳар қанча анъанага содиқ бўлсалар-да, ўзига хос услубларига ҳам эга эканликларини унутмаслик лозим. Яна манбаларга мурожаат этамиз.

Қул Сулаймонда:

*Эски-туски бўрким бор, сариқ-суруқ кўрким бор,
Шайхим ишга буюрса бормасқа на эрким бор. (№1564, 81^а варақ)*

ёки:

*Букун манга ҳады ул жоним аъмолин кўрдим,
Нечун шодмон бўлмайин шайхим жамолин кўрдим. (№3966, 223^а варақ)*

Кўриниб турибдики, Боқирғонийда хос кучли бадиият, равонлик ва бадиий тасвир воситалар ва бўёқлардан фойдаланиш устун.

Иқонийда:

*Ҳудо муҳаббатидин ўзгани ҳавас қилма, Иқоний,
Ҳаёт ёрида ушбу ҳавасни бас қилма. (1564, 139а варақ)*

ёки:

*Вафоси йўқ бу дунёни неча фикр айласанг, асло
Насиҳатни ўзунгга, қил, бу сўзни жон билан тингла. (7154, 64б варақ)*

Бу мисраларда анъанага содиқлик, айна дамда ўзига хос содда ва жайдари услубни кузатиш мумкин. Ҳатто вазн ва қофияда сакталиқ ҳам сезилиб турибди, яъни Иқонийга хос “менлик” кўриниб турибди. Бу мактабнинг бошқа шоирлари ижодига мурожаат қиламиз.

Убайдийда:

*Озгиким, андин чиқар ҳайвон суйи янглиғ ҳадис,
Эй Убайдий, улдурур айнан тусаммо салсабил.*

ёки:

*Қул Убайдий, қилмайким, дунёда эҳсони хайр,
Охирагда ҳамдамим эҳсон экандур билмадим.*

Ниҳоятда ҳароратли, гўзал услуб. Сўз ва маъно билан боғлиқ нуқсонлар учрамайди. Айна дамда яссавиёна анъанага содиқликни ҳам учратиш мумкин. Бадиий воситалардан ҳам ўрни билан фойдаланилган.

Юқорида бир қўлёзмада бир шоирга мансуб асар – ҳикматми, шеърий қиссами ёки бошқа жанрдаги асарнинг иккинчи бир қўлёзмада бошқа бир шоир тахаллуси билан келгани таъкидланди. Бу ўринда эса худди ўша ҳолат, фақат матнда бироз ўзгаришлар билан иккинчи шоир ижодида такрорланган ўринларни асар мақтаълари мисолида кўриб чиқамиз:

Яссавийда:

*Эй Қул Аҳмад, сен букун қилгил ибодат тун-кун,
Демагил умрумдур узун, билмамки ҳолим на бўлур.*

Қул Сулаймонда:

*Қул Сулаймон, билдинг букун демаки умрингдир узун,
Қилгил ибодат тун-кун, билмамки ҳолим на бўлур.*

Яссавийда:

*Дўзах анда тек турди, биҳиштга узрин айтди,
Қул Хўжа Аҳмад на билди, билдиргувчи Яздон бор.*

Қул Сулаймонда:

*Тамуг мунглаша келди, урмаҳга узр қилди,
Қул Сулаймон на билди, билдиргувчи раҳмон бор. (№9927, 142^а варақ)*

Яссавийа (матлаълар мисолида):

*Беҳишт, дўзах талашур, талашмоқда байн бор,
Дўзах айтур ман ортуқ, менда Фиръавн Ҳомун бор.*

Қул Сулаймонда:

*Учмах, дўзах ўкнашур, ўкинмоқда маъно бор,
Тамуг айтур ман бойман, менда Фиръавн, Ҳомун бор. (№9927, 141^ав)*

Мақтаълар мисолида –

Охири Яссавийда:

*Қул Аҳмад сен банда, нафс илкида шарманда,
Маҳшар қуни бўлганда на қилгайман худоё.*

Охири Қул Сулаймонда:

*Сулаймон осий банда ёзуқидин шарманда,
Тонгла маҳшар бўлганда на қилгайман худоё. (№6895, 149^а)*

Бу ўринда, фақат Аҳмад Яссавий ва Қул Сулаймон асарлари мисолида бу масалага ёндашдик, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Яссавий мактаби шоирларининг сафи анча кенг. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида сақланаётган “Девони ҳикмат” қўлёзмалари ва турли баёзлардан бу мактаб шоирларининг кўплаб асарлари ўрин олган. Улардан айримларининггина асарлари нашр этилган.

Лекин кўпларининг асарлари хали ўрганилмаган, ҳатто илмий муомалага киритилмаган. Уларни манбашунослик ва матншунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш, илмий матнларини тузиш каби кечиктириб бўлмайдиган ишлар ҳали олдинда турибди. Шу кунгача матншунослигимизда фақат Аҳмад Яссавий асарларининг каталоглари, илмий матни тузилган ҳолос.

Юқорида бу мактаб шоирлари ва Яссавийнинг ўз шеърларидан айрим парчалар мисолида қиёслаб кўрилди. Ана шу кичик мисоллардан ҳам маълум бўляптики, бу иш чуқур манбашунослик ва матншунослик тадқиқотларини талаб қилади. Шундагина биз мансублик масаласига жавоб топа оламиз. Қайси асар, аслида, кимга тегишли, нима учун бир қўлёзмада Қул Сулаймон қаламига мансуб асар бошқа бир қўлёзмада бироз ўзгариш билан Шамсиддин Ўзгандий ёки Қул Ғарибий таҳаллуси билан келяпти. Ёки бир қўлёзмада Иқоний таҳаллуси билан ёзилган шеър иккинчи бир қўлёзмада таҳаллусиз ёзилган шеър сифатида келяпти. Бундай матний хилма-хилликка асосий сабаб нима, бундай ишларга хаттотларнинг ҳам алоқаси борми, бу ва шу каби масалаларга аниқлик киритган бўламиз.

Шоҳида Сиддиқова (Жиззах Давлат педагогика институти)
ЎЗЛАШТИРМА ГАПЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-СИНТАКТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ҲАҚИДА

***Аннотация.** Ушбу мақолада ўзга гап турларидан бири ҳисобланган ўзлаштирма гапларнинг коммуникатив-синтактик хусусиятлари хусусида фикр юритилади.*

***Аннотация.** В статье идёт речь о косвенной речи как одной из форм чужой речи и о ее коммуникативно-синтаксических свойствах.*

***Annotation.** This article deals with one of the types of indirect speech and its communicative-syntactic features.*

***Калим сўзлар:** ўзлаштирма гап, персонаж овози, ўзганинг нутқи, коммуникатив-синтактик структура, ундов гап, сўроқ гап, коммуникатив мақсад.*

***Ключевые слова:** косвенная речь, голос персонажа, чужая речь, коммуникативно-синтаксическая структура, восклицательное предложение, вопросительное, предложение, коммуникативная цель.*

***Key words:** indirect sentence, voice of personage, indirect speech, communicative-syntactic structure, interrogative and exclamatory sentence.*

Алоҳида қайд этиш лозимки, ўзлаштирма гапларда асосий ҳолатларда ўзга гапнинг субъекти нофаол ҳолатда бўлади, муаллиф гапининг субъекти ҳар жиҳатдан фаол ҳолатга ўтади, яъни яхлит ўзлаштирма гапнинг эгаси муаллифнинг ўзи бўлади. Шунинг учун ўзлаштирма гапда полифония, яъни кўп овозлилик бениҳоя кучсиз бўлади. Коммуникатив жиҳатдан персонаж эмас, балки бевосита муаллиф субъекти етакчилик қилади. Персонажнинг овози фақат ўзлаштирма гапда кўчирмалик унсури мавжуд бўлган ҳолатлар (ёзувда муайян қисмнинг ўзга гап эканлиги кўштирноқ билан таъкидланган)да қисман сезиларли бўлади, ўрни билан унинг овози эшитилгандек тасаввур уйғотади. Албатта, бундай ҳолатларда ўзлаштирма гапнинг лингвопоэтик қиммати ортади, бадиий имконияти кенгайди.

Рус тилида ўзлаштирма гаплар таърифланар экан, ундаги мазмуний муносабатдан ташқари кўпинча гапнинг синтактик қурилишига дахлдор хусусиятларга суянилади. Масалан, рус тилшунослигида ўзлаштирма гапга берилган қуйидаги бир неча таърифдаёқ буни кўриш мумкин: “Ўзлаштирма гап баён муаллифи томонидан эргаш гапли кўшма гапнинг изоҳловчи эргаш қисми шаклида киритилган ўзга гапдир”.¹ “Муаллиф шахси томонидан

¹ Современный русский язык. Часть 2. Синтаксис. М., «Высшая школа», 1976, с. 210.

кўшма гапнинг эргаш қисми шаклида берилган ўзга нутқ ўзлаштира гап дейилади”.¹ “Ўзлаштира гап изоҳловчи-объектли эргаш гапли кўшма гапдир”.² “Ўзлаштира гап – бу кўшма гапнинг эргаш қисми шаклида ва мазмунини сақлаган ҳолда муаллиф томонидан берилган ўзга гапдир”.³ Таърифлардан кўриниб турганидай, рус тилида ўзлаштира гапларнинг барчаси кўшма гап шаклида бўлади.

Ўзбек тилида эса ўзлаштира гапларнинг синтактик структураси, асосан, содда гап мақомида бўлади. Проф. М.Асқарова асосли равишда таъкидлаганидек: “Кўчирма гап, ўз составида нечта гап борлигидан қатъий назар, ўзлаштира гапга айлантирилганда, содда гап ҳолига келтирилади. Ўзлаштира гап автор гапининг бош бўлаклари (баъзан иккинчи даражали бўлаклари ҳам) сақланиб, кўчирма гап бирикмали тўлдирувчига айланади.”⁴ Масалан, *Эртаси кун маҳдум келди, Муҳаммад Ражаббек маҳдум билан сўзлашиб, Анварни ўрда хизматига олиши фикрида бўлганлигини, бунинг учун арабча, форсийчадан яна ҳам чуқурроқ маълумот олиши лозимлигини ва ҳисоб ўрганиши кераклигини айтди* (Абдулла Қодирий. “Меҳробдан чаён”) тарзидаги парчадаги ўзлаштира гап таркибида учта воситасиз тўлдирувчи мавжуд бўлиб, улар учта ўзга гапнинг трансформациясидир, кўриниб турганидай, ўзлаштира гапнинг синтактик мақоми содда гапдир.

Тўғри, баъзан ўзбек тилида ҳам кўшма гап шаклидаги ўзлаштира гаплар ҳам кўзга ташланади. Масалан, *У жувонмарг айтдики, Матлуба чиққанида вазоҳати жуда ҳам ёмон экан* (Тоҳир Малик. “Мурдалар гапирмайдилар”) гапини олиб кўрайлик. У, кўриниб турганидай, тўлдирувчи эргаш гапли кўшма гап бўлиб, унинг *Матлуба чиққанида вазоҳати жуда ҳам ёмон экан* шаклидаги эргаш қисмида ўзга гап намоён бўлган, аммо бу ўзга гап айнан эмас, балки муаллиф томонидан ўзлаштирилиб, муаллиф субъекти талқини билан, унинг нуқтаи назаридан берилган. Буни гап таркибидаги *экан* тўлиқсиз феъл шакли ҳам таъкидлаб турибди. Демак, мазкур гап яхлитлигича ўзлаштира гапдир.

Ўзбек тилида *Дейдиларки, бир неча йил бурун, Мизбек соҳибнинг ўзлари Фарангистонга бориб, кўп йилларга етадиган даволар, шиғохонанинг мукамал ашёларини келтирган эмишлар* (Тоҳир Малик. “Савоҳил”) кабилидаги, яъни синтактик қолипидидаги гаплар ҳам мавжуд. Уларда ҳам ўзганинг гапи ўзлаштирилиб берилганлигини сезмаслик мумкин эмас. Бунда, албатта, *эмиш* тўлиқсиз феъл шакли, *дейдиларки* каби ифодаларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъий назар, ўзлаштира гапнинг шаклланганлиги ҳам коммуникатив-синтактик, ҳам текстуал-семантик қимматга эга.

Айтиш жоизки, ўзбек тилшунослигида ўзга гап ифодаланиши таҳлилида шунга ўхшаш бир қатор хусусийдай ҳолатлар ҳозиргача эътибордан четда қолиб келмоқда. Юқоридаги мисолда ҳам шундай ҳолатлардан бирини кўриш мумкин. Қуйидаги матн парчаларида ҳам ўзга гап мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди: *Эшон бобом сиздан дилгир эмишлар* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”). *Ана у, Умарали шиғовилнинг ҳаммоми... Юз етмиш йил бўлган эмиш... Ҳали ҳам бир гишти кўчгани йўқ... Ичига кирсанг, жаранглайди* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”). *Фақат нойиб тўра бойлардан ерларни, заводчилардан заводларни тортиб оладиганлардан гапирди, улар ҳам жаҳидларга ўхшаган янги тоифа эмиш* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”). *Айтишларича, уни она қорнидан сўҳат-саломат туширттирган ва биринчи дафъа йўргаклаган камтир ҳазилкашлиги ва шўхлиги билан хотин-халаж ўртасида донг чиқарган Ҳамро энаймиш. Болани йўргаклаганидан кейин ҳали у қадар одам кепатасига кирмаган юзларига тикилган ва ...эркалатганмиш* (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”).

¹ Попов Р.Н., Валькова Д.П., Маловицкий Л.Я., Федоров А.К. Современный русский язык. М., «Просвещение», 1978, с. 446.

² Крючков С.Е., Максимов Л.Ю. Современный русский язык. Синтаксис сложного предложения. М., «Просвещение», 1977, с. 168.

³ Валгина Н.С. Синтаксис современного русского языка. М., «Высшая школа», 1973, с. 388.

⁴ Фуломов А., Асқарова М. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Синтаксис. Тошкент, 1987, 245-бет.

Бу парчалардаги гапларда кесим вазифасида келган сўзлар таркибидаги *эмиш*, *-миш* бирликлари ўзганинг гапини эшитганлик, умуман, эшитилганлик таъкидини ифодалайди. Охирги мисолаги *айтишларича* кириш сўзи буни янада очикча таъкидлайди. Ҳатто олдинги мисолда *нойиб тўра* ишораси ҳам бор. Улардан аввалги икки мисолда ҳам тегишли кириш бўлакни қўллаш мумкин. Демак, мазкур мисолларда ўзга гап ҳам ифодаланганлиги кўриниб турибди. Аммо бу мисолларда ўзга гапнинг эгаси бўлган субъект нутқ жараёнида бевосита иштирок этмаган ёки баъзан мавҳум.

Атоқли ўзбек тилшуноси акад. А. Ҳожиёв *эмиш* тўлиқсиз феълнинг маъно ва вазифа доирасини таҳлил қилар экан, унинг, асосан, икки маъносини қайд этади, Бу маънолардан бири ҳақида қуйидагиларни ёзади: “Эшитиб билганлик маъносини билдиради. Унинг бу маъносига мос равишда гап ичида “эшитишимча”, айтишича” каби маънодаги сўз ёки сўзлар бирикмаси қўлланиши мумкин: *Кечқурун идорада мажлис бор: Жамики аъзоларнинг бориши мажбуриймиш* (Саид Аҳмад). *Эшитишимча, Тошкентдан, Бухородан, Қўқондан ва бошқа жойлардан бир қанча йигит-қизлар Москвага ўқишга кетган эмиш* (Ҳ. Нўъмон, А. Шораҳмедов)... *Эмиш* тўлиқсиз феъли феъл билан бирга ҳам, шунингдек, гап бошида ҳам қўлланади. Гап бошида қўлланганда, “айтишларича”, “айтишларига қараганда” деган маънони билдиради (яъни шу сўзлар ўрнида қўлланади)”¹ Олим бу гапларидан кейин улкан тилшунос А. Ғуломовнинг *миш-миш* сўзининг этимологияси, яъни “аниқ бўлмаган нарса-ҳодиса, фақат оғизда (гап ҳолида) мавжуд бўлган нарса-ҳодиса” маъноси билан айнан *эмиш* сўзидан келиб чиққанлиги² ҳақидаги фикрини келтиради. Бу ўринда А. Ғуломовнинг тўлиқсиз феълларнинг боғлама маъносида қўлланиши билан боғлиқ ҳолатларни тадқиқ қилар экан, “*эмиш* (*эрмиш*) ёрдамчисининг эшитилганлик, гумон, рад этиш каби маъноларни ифодалашда қўлланиши”³ ҳақидаги фикрларини ҳам эста олиш жоиздир.

Бунга ўхшаш ҳолатлар бошқа тилшуносликларда ҳам қайд этилган. Масалан, таниқли рус тилшуноси Н. Д. Арутюнова рус тилидаги шунга ўхшаш типдаги гапларни тадқиқ этар экан, ўз ва ўзга нутқнинг ўзаро ҳамкорлигининг воқеланишида *де*, *дескать*, *мол* юкламалари билан шаклланган конструкцияларни ҳам алоҳида қайд этади. У бу юкламалар нутқ феълларининг 3-шахс, бирлик сон, ҳозирги замон шаклидан келиб чиққанлигини айтилади, яъни: *де* – деет (*делает* “говори́ть”), *дескать* (*дискать*) деет сказать (“осуществлять речь”), *мол* (*мл*) – молвит. Бу юкламаларни қисқалик учун “ксено-кўрсаткичлар” (ксено – “бегона, ўзга”), яъни бегона овоз белгилари тарзида номлаш мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Шундай мисоллар келтиради: *Говорит, мол, кто-то ошибался? Ничего подобного* (П. Вяземский). *Скажи ему: вы, дискать, сударь, с ума сошли* (Крылов).⁴

Қисқаси, ўзбек тилидаги ана шундай *эмиш*, *-миш*, *айтишларича* каби бирликлар иштирокида ўзга гап ифодаланган гапларни ўзлаштира гапларнинг алоҳида тури сифатида, айтишлик, “билвосита ёки эшитилган ўзлаштира гаплар” номи билан фарқлаш мумкин. Ана шулардан келиб чиқиб, ўзбек тилидаги ўзлаштира гапларни: 1) бевосита ўзлаштира гаплар; 2) билвосита ўзлаштира гаплар тарзида икки турга ажратиш мақсадга мувофиқ кўринади.

Муаллифнинг ўзи бевосита, тўғридан-тўғри эшитган ўзганинг гапини ўз нуқтаи назаридан, ўз тилидан матнга олиб кириши натижасида шаклланган ўзлаштира гапни бевосита ўзлаштира гап деб қараш мақсадга мувофиқ. Қуйидаги мисолларда бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин: *У катта бегимларга уялибгина салом берди-да, ҳазратни уйғотиши-*

¹ Ҳожиёв А. Феъл. Тошкент, “Фан”, 1973, 77 – 78-бетлар.

² Гулямов А. Г. Проблемы исторического словообразования узбекского языка. I. Аффиксация. Ч. I. Дисс. ...док. филол. наук, 1955, с. 213 – 214.

³ Ғуломов А. Ғ. Содда гап. Ҳозирги замон ўзбек тили курсидан материаллар. Тошкент, Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1955, 60-бет.

⁴ Арутюнова Н. Д. (Arutjunova N. D.). Высказывание в контексте диалога и чужой речи (artikle). *Revue des Etudes Slaves*. Anne 1990/62-1-2, pp. 15 – 30; с. 22.

га журъат этолмаганини айтди (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”). Ниҳоят, Қосимбек бошини кўтариб Бобурга қаради-ю, Самарқанддаги улуг обидалар улкан бир давлатнинг кучи ва бутун вилоятларнинг иштироки билан қурилганини, ҳозир ўша ягона давлат парчаланиб кетганини, Фарғона катта водий бўлса ҳам, аммо Мовароуннахрнинг фақат бир қисми эканини гапира бошлади (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”). Чиққанимнинг эртаси кеч қоронғида Норменгли келди. Қўйлардан биронтасини ҳам соттирмаганини, пулларни чўпонлар тўплаб берганини айтди (Саид Аҳмад. “Азроил ўтган йўлларда”). Ўтбосар ака айтдики, қўйларингизни Қизилжар томонга ҳайдамас экансиз (Ш.Холмирзаев. “Озодлик”).

Ўзганинг гапини билвосита, яъни тўғридан-тўғри эмас, балки бировдан (маълум ёки номаълум шахсдан) эшитиб, муаллиф томонидан ўз нуқтаи назари билан, ўз тилидан матнга олиб кирилиши натижасида шаклланган ўзлаштира гапни эса билвосита ўзлаштира гап сифатида талқин қилиш ўринли бўлади. Мана бу мисоллардаги билвосита ўзлаштира гапларда буни кўриш мумкин: *Қувур топиб, бозордан уста опчиқа қолай десам, ... ўз устаси бўлмаса, пожарнийси бор бўлгур исправка бермасмиш. Исправкаси бўлмаса, райгази тушмагур ёқиб бермасмиш!..* (О.Ёкубов. “Биллур қандиллар”). *Шу янги имомимиз кечагинда бир гап топиб кепти. Эмишки, ҳаждан қайтган муфтий тақсиримиз бир одамнинг омонатидан сўз очганмишлар. Ўша қоч-қоч пайтларда аҳли аёли қолиб, ўзи ҳижрат этиб кетган биров яқинлари дарагини сўратганмиш* (Мурод Мансур. “Жудолик диёри”). *Эшитишимча, кўевимиз нима баҳона биландир чет элга кетиб қолганмиш* (Эркин Аъзам. “Жаннат ўзи қайдадир”).

Келтирилган мисоллардан кўриниб турганидай, бевосита ўзлаштира гаплар ҳам, билвосита ўзлаштира гаплар ҳам нафақат мазмун, балки коммуникатив-синтактик структура жиҳатидан ҳам бир-биридан фарқ қилади. Айни пайтда билвосита ўзлаштира гапларда эшитилганлик, тахминдан иборат коммуникатив-модал муносабат жуда ҳам ёрқин ифодаланади. Улардаги *эмиш (-миш)* тўлиқсиз феъли, *эшитишимча, эмишки, нима эмиш, айтишларича, айтишига қараганда, дейдиларки* каби кириш бирликлар мазкур муносабатни таъкидли ифодалашга хизмат қилади.

Ўзга гап ўзлаштира гап сифатида матнга олиб кирилган экан, ўзга гапнинг коммуникатив типи – дарак, сўроқ ёки буйруқ гаплиги ўзлаштира гапда грамматик жиҳатдан бевосита ифодаланмайди, балки ўзлаштира гапда уларга мазмунан айрим ишоралар бўлади. Масалан, ўзга гап сўроқ типиди бўлганда, ўзлаштира гапнинг кесими *сўрамоқ* феълидан иборат бўлиши ва бошқа шу каби бир қанча ҳолатлар ўқув адабиётларида батафсил баён қилинган.¹ Шунинг учун бу ўринда мазкур ҳолатларга тўхталишга эҳтиёж йўқ.

Аммо таъкидлаш лозимки, ўзлаштира гаплар коммуникатив мақсади, бевосита моҳиятига тамомила мувофиқ равишда, асосан, дарак гап шаклида бўлади. Албатта, коммуникация талаби билан айрим ҳолларда, айниқса, билвосита ўзлаштира гаплар эмоционалликка эга – ундов ёки сўроқ типиди гап шаклини олиши мумкин. Мана бу мисоллар фикримизни далиллайди: *Айтишларича, маст одамни касалхонага олмас эмиш-ку?!* (Тоғай Мурод. “Бу дунёда ўлиб бўлмайди”). *Насиба имтиҳонларини бермасдан курортга кетар эмиш! Бу қанақаси?..* (А.Қаҳҳор. “Оғрик тишлар”). *Бу воқеаларни унга кула-кула дўстлари гапириб беришди. Гўё у гирт маст бўлиб ётоққа (хайрият аяникига эмас!), техникумнинг ётоғига борган эмиш, «севгилимдан айрилдим! Қиз зотида вафо йўқ! Ўзимни ўлдираман!» деб, бошини деворга уриб йиғлаган, очиқ деразаларга интилиб, иккинчи қаватдан ўзини отмоқчи бўлган, охири курсдош дўстлари уни каравотга боғлаб зўрга ухлатган эмиш!..* (О.Ёкубов. “Биллур қандиллар”). *Ойиша бегим оналарию опалари билан бирга Тошкентга яширинча кетмоқчи бўлганларида Бойсунқур мирзо билиб қолиб, монелик қилмишлар. Ёғийлик мақомида қўпол гаплар айтмишдир. Уйлари атрофига одам қўй-*

¹ Фуломов А., Асқарова М. Кўрсатилган асар. 247 – 250-бетлар.

мишлар. Ховлиларидан чиқармас эмишлар. Асиралар энди бутун нажотни Андижондан кутар эмишлар! (П.Қодиров. “Юлдузли тунлар”).

Мазкур ҳолат кўп бўлмаса-да, бевосита ўзлаштира гапларда ҳам кузатилади. Масалан: *Тўй кунини сув сепганини гапиради! Тўғри, сенди* (Ў.Ҳошимов. “Тушда кечган умрлар”). *Нега менинг кечқурун уйда бўлиш-бўлмаслигимни сўради?* (Н.Аминов. “Қирқ учинчи почча”). *Отга келсак, қишлоғимиз мақтовини келтирганлар бу ердаги тўйларнинг кўпқарисиз ўтмаслигини айтишмадимиз?* (Ғулом Каримий. “Лангар фожиаси”).

Қисқаси, бевосита ўзлаштира гаплар ва билвосита ўзлаштира гаплар нафақат мазмун, балки коммуникатив-синтактик структура жиҳатидан ҳам ўзига хосликларга эга. Такроран таъкидлаш мумкинки, билвосита ўзлаштира гапларда эшитилганлик, тахмин каби коммуникатив-модал муносабатларнинг анчайин ёрқин ифодаланиши ва яна бошқа жиҳатларга кўра, бу икки ўзлаштира гап турининг лингвопоэтик имкониятларида ҳам фарқлар кўзга ташланади.

Ra'no Ibragimova (ToshDAU Nukus filiali)

ISTIQLOL DAVRIDA QORAQALPOG‘ISTONDA O‘ZBEK ADABIYOTI RIVOJI

Annotatsiya. *Ushbu maqolada mustaqillik yillarida Qoraqalpog‘istonda o‘zbek ijodkorlari tomonidan yaratilgan asarlarning o‘ziga xos xususiyatlari, tematikasi, mavzulari haqida so‘z yuritiladi va tahlil qilinadi.*

Аннотация. *В статье рассматриваются произведения, их особенности, тематика, созданные узбекскими писателями Каракалпакстана в годы независимости.*

Annotation. *It was spoken about and analysed in the article features, thematics and topics of Uzbek creators’ works during Independence years in Karakalpakstan.*

Калит со‘злар: *obraz, personaj, detal, milliy xarakter, epik kechinma, badiiy nutq, peyzaj.*

Ключевые слова: *образ, персонаж, деталь, национальный характер, рассказ, эпическое состояние, художественная речь, пейзаж.*

Key words: *image, character, detal, national character, story, epic feeling, artistic speech, scenery.*

XX asr lirikasi badiiy, ijtimoiy-siyosiy manbalari rivojlanish yo‘llari, janr xususiyatlari, nazmning ba’zi nazariy masalalari haqida adabiyotshunoslik sohasida bir qancha ilmiy ishlar yaratilgan. Shoirlarning nazmiy mahorati haqida dissertatsiya ishlari yozilgan. Bu borada olib borilgan ilmiy ishlar sirasiga Q.Jarimbetov va Q.O‘razimbetovlarning monografik tadqiqotlarini alohida ta’kidlash mumkin.

Biz bu maqolamizda Qoraqalpog‘istonda istiqlol yillarida adabiyotshunoslik sohasida olib borilgan ishlarda mustaqillikning badiiy mahorat bilan aks ettirilishi va o‘ziga xos xususiyatlari haqida so‘z yuritishni maqsad qildik.

Yangi davrga o‘tish yo‘lidagi har qanday qiyinchiliklarni sabr-toqat bilan yengib, fidokorlik qilgan vatandoshlarimizning ibratli ishlarini shoirlarimiz kuylamasligi, ularni yangi marralarni egallashga chorlamasligi mumkin emas edi, sababi “poeziya hayot dramasi”. Xuddi shu davrda lirikada badiiy tafakkur yuksalib, xalqning orzularini tasvirlashning zo‘r imkoniyatlari paydo bo‘ldi, shoir va yozuvchilar bu imkoniyatdan unumli foydalandi.

Mustaqillik yillarida adabiy jarayonda Qoraqalpog‘istonda o‘zbek adabiy muhitining rivoji xususida so‘z yuritar ekanmiz, ayniqsa, o‘zining xalqchil asarlari bilan adabiyot ahlini hayratga solib kelayotgan shoira G.Matyobobovaning shu yillarda yaratgan asarlari va ularning mazmun-mohiyatini adabiyotshunoslik nuqtayi nazaridan tahlil qilamiz. Atoqli so‘z zargari, mohir shoira G.Matyobobovaning ko‘plab lirik asarlariga asoslanib, uning lirik pafosini ochib berishga harakat qilamiz.

Haqiqatan ham, G.Matyoqubova lirikasi milliy mustaqillik yillarida yangicha tus oldi. Shoironing lirikasida zamonaviy ruhiyat, ijtimoiy-siyosiy jihatlarni tasvirlash, inson kechinmalarini o'zgacha tuyg'u bilan kuylash, real hayotni boricha aks ettirish haqiqatligi yanada kuchaydi. Shoira lirikasidagi mustaqillikning o'zgacha qadamlari qoraqalpoq adabiyotida ham naqadar shijoat bilan aks ettirilganini ko'rish mumkin. Shu nuqtayi nazardan, shoironing "Yo'llaringga chiqdim" (2005), "Oybaldoq" (2001), "Qaytmoq uchun ketmoqdaman" (2007), "Vatan ruhi" (2011), "Ota uyim" (2014), «Uygonish nashidasi» (2016) toplamlari mustaqillik yillarida yaratilgan istiqbol yangiliklarini o'zida aks ettirgan go'zal namunalardir.

Mustaqillik davridagi lirikaning o'ziga xos xususiyatlaridan biri uning poetik tilida ko'rinadi. Shoira G.Matyoqubova ijodida umumxalq so'zlashuv tilining obrazlilikini, uning fonetik o'zgachaliklaridan tortib, leksik boyligi va sintaktik qurilishiga ko'ra juda o'rinli foydalanganini she'riy misralarida ko'rish mumkin. Shoira xalq og'zaki tili, folklor materiallaridan foydalanib, lirikaning ekspressivligi, emotsionalligi va chuqur mazmuniga erishgan.

Shoira ijodida ichki dramatism kuchli, lirik qahramon shu davrdagi qarama-qarshiliklarni ochiq-oshkora, chuqur anglagan qahramonlar misolida tasvirlanadi. Guliston Matyoqubova haqida so'zlar ekanmiz, eng avvalo, shoironing o'ziga xos mehnatsevarligini ko'rsatuvchi jurnalistik faoliyati haqida ham to'xtalib o'tmoqchimiz.

Shoira juda ko'p yillar davomida Qoraqalpog'iston xalqi orasida mashhur va sevimli gazetalaridan biri bo'lgan "Qoraqalpog'iston tongi" gazetasi bosh redaktori vazifasida ishlab kelmoqda. Shu yillar davomida shoira faqat ijod, publitsistika bilan shug'ullanib qolmasdan, xalqning dardi bilan yashab, xalqining orzu-armonlarini she'riyat orqali kuylab kelmoqda. Shu sababli ham shoira jurnalistlar qatori, O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan madaniyat xodimi, Qoraqalpog'iston Respublikasi xalq shoiri, Qoraqalpog'iston Yozuvchilar uyushmasi a'zosi, Qoraqalpog'iston yozuvchilarining "Qoraqalpoq adabiyoti" va "Gulayim" xotin-qizlar respublika gazetalariga asos solgan va shu kungacha nashr qilinishiga rahbarlik qilgan, yigirmadan ortiq she'riy va publitsistik to'plamlarni yaratgan, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi deputati, bir necha marta Qoraqalpog'iston Respublikasi Joqarg'i Kengashi deputati, O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senati a'zosi, ko'p qirrali inson sifatida o'zbek-qoraqalpoq adabiyotining rivojiga ham katta hissa qo'shib kelmoqda. Guliston Matyoqubovaning ijodiy faoliyati haqida so'z yuritar ekanmiz, shoironing "Onam tug'ar bo'lsa agar qaytadan, Men yana To'rtkulda tug'ilar edim",¹ degan she'riy qatorlari ularning o'zi tug'ilib o'sgan ona diyoriga bo'lgan muhabbatining aks sadosi bo'lib yangraydi.

Shoironing ko'ngli shunchalik keng va chuqur daryodayki, bu ko'ngil shunchalar poyonsiz, u olamni kuylaydi. U har doim xalqning obodligi, farovonligi haqida qayg'uradi, bor kuchi va g'ayratini, aqlini, mehrini ayamadan xizmat qilib kelayotgan farzand sifatida el-yurt uchun jon fido qilayotgan insonlar haqida kuylashdan charchamaydi. Uning "Vatan ruhi" to'plami shunday yuqori g'oyalarga boyligi bilan O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi mukofotiga loyiq topilgani bejiz emas.

Badiiylik yozuvchidan, shoirdan juda katta mahorat talab qiladigan vositadir. Har qanday voqea, hodisa badiiy tasvir orqali yanada go'zal, yanada ta'sirliroq aks etadi. Yozuvchi va shoirlar fantaziyasi orqali tasvirlangan butun borliq o'zining butun bo'yi-basti bilan, ko'rinishi bilan ijod ahliga ilhom bersa, ular bu butun zaminni tilga kiritib, jilolantirib, turfa xil shakllarda bizga yetkazib bera oladi. Ayni shu jihat badiiy ijodning o'ziga tortuvchi sehrli kuchidir. Guliston Matyoqubova ijodining o'ziga xos tomonlari aynan shu jihatlardadir, uning sodda va real tarzda aks ettirib bera olish mahoratidir.

Mana, shoira Sir yoqasida turib, ijod qilmoqda, unga ilhom bergan bu oshuftalik tabiat qo'ynida jilvalanmoqda.

*Oy to'lgan tun, Sirdaryo yoqasida,
Ko'rdim o'sib turur uch tup qoratol.*

¹ "Omudarya" jurnali. 2015, 3-son.

*Bir-biriga chirmashgan shoxosida,
Ham hasrat bor, ham hechkim bilmas xayol!*

Buni shoir istagancha koʻrmaslik mumkin emas. Daraxt tilga kirib, shoir bilan suhbatlashadi, qancha qaygʻu hasrat, gʻamlarga guvoh boʻlgan kunlar, azobli tunlar haqida gapirib beradi. Buni angʻlay olish uchun esa bir muddat butun borliqni unutib, bor vujuding bilan sheʼriyat olamiga oshno boʻlasan. Bu shunday sehrli kuchga ega boʻlgan misralar, oʻxshatish va tashbehlarni, sifatlash va badiiy tasvir vositalarini marjondek tergan, goʻyo! Shoiring ijodiy mahorati mana shu sehrli taʼsirni yarata olishida. Shoira sheʼrlarida sheʼriyatning barcha detallari jamuljam.

Shuningdek, shoiraning yaqin kunlarda yaratilgan «Uygʻonish nashidasi» nomli toʻplamini oʻqir ekanmiz, mamlakatimizda mustaqillik yillaridagi maʼnaviy uygʻonish nashidasining goʻzal namunasi sifatida eʼtirof etamiz. Shoiraning keyingi yillarda yaratgan ijod mahsuli boʻlgan dostonlari, publitsistik maqolalari yurtimizdagi bunyodkorlikni va farovon turmushni keng tarannum qiladi. Bu asarida Qoraqalpogʻistonda mustaqillik yillarining butun kartinasini koʻz oldimizda namoyon qiladi.

Shoironing bu yangi kitobi toʻrt bobdan iborat boʻlib, «Istiqlol neʼmatlari» deb atalgan birinchi bobida publitsistik maqolalar, safarnomalar oʻrin olgan, ikkinchi bob «Ilhom qanotlari», uchinchi bob «Hayrat oʻlchamlari», toʻrtinchi bob «Ruhiyat epkinlari» deb nomlanadi. Yuqorida taʼkidlaganimizdek, toʻplam rang-barang janrlardan, ajoyib uslublar, detallar va mavzular shodasidan tarkib topgan. Barchasida muallifning falsafiy dostonlari, maroqli suhbatlari, teran fikrlari, ayniqsa, Qoraqalpoq xalqining boy tarixi, sodda milliy xarakteri, oʻlmas orzu-armonlari juda chiroyli va betakror holda aks ettiriladi. Masalan, «Biz bugun kechagi odamlar emas» nomli esseda Qoraqalpogʻistonda soʻnggi yillarda roʻy berayotgan bir-biridan goʻzal oʻzgarishlar, mahobatli binolar, moʻjizakor oʻzgarishlarni taʼrif-tavsif qiladi.

«Zulfiya ziyosidan nur olib» essesda 1970-yillarda boʻlib oʻtgan ustoz-shogirdlarning dilkash suhbatlarini eslaydi. Zulfiya siymosida buyuk jasorat, sadoqatga tan beradi.

Siz ona boʻldingiz Oʻzbekistonga. Haqiqatan ham, oʻz xalqiga muhabbat, sadoqatli boʻlish, ona boʻlish baxti faqat Zulfiyaxonimga nasib etgan. Shoira bu holatlarni, mustaqillik yillarida adabiyotga boʻlgan eʼtibor va eʼtirofni juda yangi mavzularda tasvirlab beradi. Koʻz oʻngimizda gavalangandek jonli tasvirlab berishga erishadi. Zulfiyaxonim siymosida milliy ruhiyatimiz jamuljam ekanligini tarannum etadi.

Ikkinchi bobda Qoraqalpoq xalqining ikki chinori Oʻzbekiston Qahramoni, Oʻzbekiston xalq yozuvchisi Toʻlapbergan Qaipbergenov va Oʻzbekiston Qahramoni, atoqli shoir Ibroyim Yusupovlarning serqirra ijod mahsuli, ijodiy faoliyati haqida suhbatlar shaklida soʻz yuritiladi. Qoraqalpoq xalqiga xos insoniy fazilatlarini suhbatlar misolida epik kechinmalar orqali ochib beriladi, ulugʻ insonlar siymosi koʻz oldimizda namoyon boʻladi. Uchinchi bobida sheʼrlar va dostonlar yangi davr kechinmalari, orzulari haqida fidoyi insonlar obrazlari misolida soʻz yuritadi. Toʻrtinchi bobda xat uslubidagi yangi bir asar yuzaga keladi.

Guliston Matyoqubovanning sheʼrlari juda keng qamrovli va rang-barang mavzularga boyligi bilan eʼtiborga loyiq. Sheʼrlarining soddaligi, ixchamligi, ravonligi bilan keng kitobxonlarga manzur boʻlayotgani, shubhasiz. Har bir sheʼrda bir olam maʼno mujassam, har birida ichki his-tuygʻular yashirin. Uning sheʼrlarida tabiat manzarasi, yurak nolalari, dard va alam, quvonchu shodlik oʻzining yorqin ifodasini topgan. Tabiatning goʻzal manzaralari, peyzajning jonli tasvirlanishidan hayratlansak, muhabbatning totli damlari goʻzal hayotga umid bagʻishlaydi.

Shuningdek, shoiraning mustaqillik yillarida yaratgan asarlarida doʻstlik, qardoshlik mavzulari ham juda koʻtarinki ruhda kuylanadi. Yangi koʻrinish kashf etayotgan vatanimizning ertangi kuniga ishonch, taraqqiyot sari qutlugʻ qadam bosayotgan yurt tarannum etiladi.

Guliston Matyoqubovanning «Oybaldoq» kitobi shoira ijodining yuksak qirralaridan biridir. Kitobning bunday deb atalishining oʻzida ramziy maʼno mujassam, chunki oybaldoq sharqning goʻzal qizlari bezagi misolidir. Asosan, qoraqalpoq xotin-qizlari bezagi sifatida tasvirlanadi va bu bezak ularning faqat bejirim bezagigina emas, ularni faqat taqinchoqlar emas, mehnat va el-

yurtga bo‘lgan ochiq ko‘ngli, fidoyi mehnatlari uchun berilgan mukofotlar ham bezaydi deb ta’riflaydi.

Shoira she’rlarida o‘z yurti tarixidan faxrlanish, iftixor tuyg‘usi ufurib turadi. “Oybaldoq” publitsistik dostonida shunday tengsiz, mislsiz misralarni o‘qiyimizki, unda turkiy xalqlarning asriy nidolari, urf-odatlar, orzu-umidlari kuylanadi. Har qanday kitobxon bu she’riy asar orqali xalqning o‘tmishi haqida ma’lumotga ega bo‘ladi. Misralarning har birida tengsiz tariximiz zanjirlari aks etib boraveradi. Badiiy nutq mahorati, betakror o‘xshatishlar, go‘zal so‘zlar ila jilo berilgan qatorlardan tarix zarvaraqlarini o‘qib, uqib olish mumkin, go‘yo.

Dasht-u Qipchoq vodiysidan saslar kelar.

Goh balandlar, goho tushib, pastlab kelar.

Kelar sado, nido bo‘lib shamollari.

Kelar turkiy xoqonlarning ayollari.

Ko‘k turklarni chopolmadi Ulug‘ Xitoy,

Tonyuquqning qizi Rofa, Ko‘zi xumoy.

Yetti yurtga larza soldi na‘ralari,

Omon saqlab qoldi yurtning bolalarin.

Kushon imperiysidan esdaliklar,

Bilgaxon, Kul teginlar, Tonyuquqlar.

Xalqimizning nodir yodgorliklari-yu, o‘tmish voqealarini, tarixini go‘zal misralarda ifodalab berish shoiradan juda kuchli mahorat, xalqiga cheksiz hurmat-e‘tiboridan darak beradi.

Шолпанай Кунназарова (ТошДАУ Нукус филиали)
ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА ДАФН МАРОСИМИГА ОИД
УДУМЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

***Аннотация.** Ушбу мақолада халқ эртақларидаги дафн маросими билан боғлиқ урф-одат, удумлар лингвомаданий нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Дафн маросими билан боғлиқ удумларнинг эртақ тилида берилиши, ҳозирда халқ орасида ишлатилиши мисоллар билан асосланган.*

***Аннотация.** В статье с лингвистической точки зрения анализируются традиции и обычаи, связанные с погребальными церемониями в народных сказках. Презентация традиций, связанных с погребальными церемониями в сказке, основана на примерах, используемых сегодня.*

***Annotation.** This article analyzes the traditions and customs associated with funeral ceremonies in folk tales from a linguistic point of view. The presentation of traditions related to funeral ceremonies in a fairy tale is based on the examples used today.*

***Калим сўзлар:** лингвомаданият, урф-одат, халқнинг ўзига хос хусусияти, халқ менталитети, тил ва маданият, миллийлик, дафн маросими, матом, таъзия.*

***Ключевые слова:** лингвокультурология, традиция, характерная для народа, национальный менталитет, язык и культура, национальность, похоронные церемонии, траур, соболезнование.*

***Key words:** linguistics, traditions, characteristics of people, people’s mentality, language and culture nationality, funeral ceremonies, mourning, condolence.*

Дунё тилшунослигида антропоцентрик парадигма доирасида лингвомаданиятшуносликка оид илмий ишлар вужудга келмоқда. Уларда ҳар бир халқ тилининг ўзига хос хусусиятини ифодаловчи лисоний бирликлари билан этноснинг маънавий ва моддий маданияти ижтимоий контекста ўрганилган. Бунга мисол тариқасида Ш.Н.Абдиназимов,¹ Э.Т.

¹ Абдиназимов Ш. Лингвофольклористика. Нөкис, 2015.

Төлөкова,¹ Н.А.Акименко,² Ф.Х.Тарасова,³ Е.Е.Юрков,⁴ О.И.Коурова, Т.А.Павлова,⁵ О.Г. Дубровская ва бошқаларнинг ишларини айтиш мумкин.

Лингвомаданиятшуносликнинг асосий мақсади—инсоннинг ўзи билган объектив борлиқни кўриши, ҳис қилиши, қабул қилиши билан боғлиқ ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятини тадқиқ қилиш. Асосий вазифаси – тил ва маданиятнинг боғлиқ жиҳатларини, яъни маданиятга оид тушунчаларнинг тил ва тил воситалари билан берилишини ўрганиш, тил ва халқ менталитетининг ўзаро боғлиқлиғи ҳақида сўз юритиш. Унинг объекти – лингвистика, маданиятшунослик, этнография ва психоллингвистика учун умумийдир. У маданий ахборот «етказувчи» тил ва тил воситалари ёрдамида ушбу маданиятни вужудга келтирувчи инсон ўртасидаги ўзаро муносабат, дейиш мумкин.

Лингвомаданиятшунослик мифлашган тил воситалари, урф-одат ва удумларни (эски удумлар), нақл-матал ва ибораларни, эталон (ўлчов, намуна), стереотипларни (такрорланадиган бир хил сўзлар), метафора ва тилнинг услубий фондини, нутқ ва нутқ маданиятини ўз ичига олади.

Давлатимизда миллийлик, шу жумладан, тил, урф-одат ва удумларни асраб-авайлаш, ривожлантириш, тадқиқ этиш учун кенг имкониятлар эшиги очилган. Қорақалпоқ халқининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирадиган урф-одат ва удумлари унинг халқ оғзаки ижодиёти намуналарида сақланган. Удумларнинг баъзилари ҳалигача ёзма адабиётта ёритилмаса ҳам, улар оғзаки адабиётнинг сара намуналари халқ эртақларида мавжуд. Ҳар бир халқнинг ўзига хос удумлари шу халқ билан бирга яшайди. Улар кўп асрлик тарихга эга. Қорақалпоқ фольклори ҳам бир неча асрларнинг меваси эканлигини ҳисобга олсак, унда қорақалпоқ халқининг асрлар оша бизгача етиб келган бошқа халқларда учрамайдиган удумларининг сақланиб қолиши, табиий.

Халқ эртақларида этноснинг ўзига хос удумларидан бир неча тури берилган. Улар мавзуси жиҳатдан келажак авлод тарбиясига, диний эътиқодларга, тўй ва дафн маросимларига боғлиқ удумлар деб гуруҳланади. Удумлар инсоннинг оламни тушунишига мос, қанақа қабул қилишига боғлиқ ҳар бир халқда ҳар хил. Удум, энг аввало, сўз ёки символ сифатида уни қабул қилувчи этнос онгида ифодаланади. Сўнгра уларнинг тушунчасига мос иборалар билан билдирилиб, халққа маълум бўлади. Яъни, тил ва тилдаги сўзлар инсон онгига, руҳиятига таъсир ўтказиб, унинг бошқалардан фарқли жиҳатини акс этади.

Биз куйида қорақалпоқ эртақларидаги халқнинг дафн маросими удумларига лингвомаданий талқин бермоқчимиз.

Мархумни дафн этиш, унга ҳурмат бажо келтириш ҳар бир халқда бор удум. Яқин кишисини сўнги манзилига кузатишда хотин-қизлар *йўқлов* айтиб йиғлашган. Йўқлов туркий халқларнинг кўпчилигида инсон оламдан ўтганида айтиладиган қайғули кўшиқдир. Унинг матнида оламдан ўтган кишининг яхши, савобли ишлари билан бирга, ҳали қилинмаган, келажакда қилиниши керак орзулари ўкинч тўла берилади. Ушбу сўзда, аслида, борнинг йўқолиши, азанинг ўрни тўлмас қайғу, мунгли из қолдириши, ўз дардини кўшиқ билан юракларни эзиб йиғлаб акс эттириш каби маънолар мавжуд.

Матом тутиш – мархумнинг яқинлари унинг йил ошигача қора либос кийиб, азадор бўлиши. Бу эса туркий халқларида азалдан бор удумлардан. Яқин кишиларининг ғам-ғусасини ўзиники ҳам деб билиб, матом тутилмаса, мархумга ҳурматсизлик ҳисобланган.

¹ Төлөкова Э.Т. Қырғыз элиниң қаада-салт лексикасын чағылдырған кандырғалар жаңа иштетилүү түзүлүштөрү. «Тил жаңа котормо» журн. Шин жан, 2013, №3, 20–28-бетлар.

² Акименко Н.А. Лингвокультурные характеристики английского сказочного дискурса, АКД, Волгоград, 2005, с. 21.

³ Тарасова Ф.Х. Лингвокультурологические и когнитивно-прагматические основания изучения татарских паремий на фоне других языков. Махачкала, 2012, дисс. ... д.ф.н., с. 404.

⁴ Юрков Е.Е. Метафора в аспекте лингвокультурологии. С.-Петербург, 2012, дисс. д.ф.н., с. 348.

⁵ Павлова Т.А. Лингвокультурологические характеристики коммуникативного пространства детской поэзии. Калининград, 2011, дисс. ... к.ф.н., с. 194.

Уни «оқ ювиб, оқ кафанга ўраб» сўнгги йўлга кузатган. Ушбу удум эртақда қуйидагича берилади: *Сол ўақта қыз аза тутып, әкесин жоқлап жылады. Үш күннен кейин ханды жайғастырды* (Төрехан ҳам Акқозы. 240-бет).

Дафн этиш удумига оид лексемалардан бири – суякчи. Суякчилар марҳумни қабристонга қўядилар. Эртақда ушбу удумнинг акс этишини қуйидаги мисолда учратамиз: *Алдар тоғыз қойды алып айдап киятырса, алдынан қойымшылыққа баратырған бир топар сүйекишлер шығады.*

– Бул кимниң қызы, – деп сорайды Алдар.

Сүйекишлер: –Турмысхан деген ханның қызы, усыны жерлеўге баратырмыз, –дейди (Алдар көсениң сумлығы. 460-бет).

Зароастризм дини бўйича инсон оламдан ўтганидан сўнг, унинг танаси баланд тепага олиб бориб ташланган. Танасини кушлар, хашаротлар еб тугатганидан сўнг, суягини қабрга кўмишган. *Суякчи* тушунчаси шундан келиб чиққан.

Дафн этиш маросимидаги кўпчилик удумлар ислом дини билан боғлиқ. Масалан, марҳумни кафанлаш. Кафан учун оқ мато танланган. Чунки инсон дунёга келганида қандай либос кийса, охиратда ҳам шундай кийим кийиши керак, деган тушунча ислом таълиматига кўра халқ онгида сақланган. Шу аснода, халқда «оқ ювиб, оқ тараб», «оқ ювиб, оқ кафанлаб» сингари иборалар вужудга келган. Эртақ тилида ушбу удум қуйидаги мисолда берилади: *Балалар өлип атырғанда бул ис болмас, ақ жуўып, ақ кепинлеп жайғастырып келейин...* (Опа саўдагер. 306-бет).

Инсон оламдан ўтганида, унинг таъзиясига халқ йиғилиб, уларга ош берилган. У қара асы деб аталган. Ҳозирда ушбу удум халқ орасида ўз аҳамиятини йўқотмай ишла-тилади. Эртақ тилида бу удум ҳам ўз аксини топган:

Ишинен биреўи шығып:

– Енди атаңның қарасына сойған қара ябыны әкелип бер демесең басқа илаж қалған жоқ, – деди (Шопан бала. 12-бет).

Дафн маросимидаги удумлардан яна бири–марҳум уйдан чиқарилиб жанозаси ўқилмасидан аввал, уламолар унинг фарзандлари, агар фарзанди бўлмаса, яқин кишини чақириб, марҳумнинг бу дунёда кимдандир қарзи бўлса, шу қарзни тўлашни зиммасига олиш-олмаслигини сўрайдилар. Агар улар ўз зиммасига олсалар, қарз шу инсонга ўтган. Қарзини ҳеч ким тўлашни истамаса, у марҳумнинг ўзида қолиб, охиратда қийналиб, «гўр азобига» гирифдор бўлади, деген тушунчани ислом таълимоти асносида халқ қабул қилган. Ушбу удум эртақ тилида ҳам берилган. Масалан: *Ал, Жаман бул жер уйқы бермейди деп уйқыламай ояў жатырса, бир жылаган даўыс шығады. Жаман орнынан түргелип даўыс шыққан жаққа қарап жүреду. Қойымшылықтың ишинде бир тири адам өли адамды шырқыратып сабап атырғанын көреду. Жылаган даўыс өли адамның даўысы екен. Жаман тири адамнан:*

– Бул бийшараның қандай жазығы бар, неге сабап атырсаң? – деп сорайды.

– Меннен бул кису өлмесинен бұрын бир тиллә қарыз алып еди, оны төлемей өлип кетти. Сол қарызым ушын күнде күн батқаннан таң атқанға дейин сабайман, ол жылайды, – деп жуўап береду (Жаман күйеў. 15-бет).

Ушбу мисолда тирик инсоннинг ўликни савалашу муболаға тариқасида берилган. Бу ерда «кимдир бу дунёдан қарздор бўлиб ўтса, охиратда гўр азобига мубтало бўлади» деган тушунчани акс эттирган. Ахир халқ тилидаги «гўрида тинч ётмасин», «гўрида тик турсин», «гўр азобини тортсин» сингари қарғишлар бежиз айтилмаган.

Хулоса шуки, эртақ тилидаги халқнинг дафн маросими билан боғлиқ удум ва урф-одатлар халқ ўтмиши, тарихи, менталитетига хос хусусиятларни ўрганишда бебаҳо манба ҳисобланади. Биз эртақ тилидаги халқнинг дафн маросими билан боғлиқ урф-одат, удумларини шарҳлаб, қуйидагича хулосага келдик:

•удум ва урф-одатлар кўпчилик туркий халқларига хос;

- улар орадан неча аср ўтишига қарамай, ўз маъносини сақлаб қолган.

Отабек Файзуллоев (БухДУ)
ЭРТАКЛАР АНЪАНАВИЙ САЖЪ ҚИСМИДАГИ
ЛИНГВОКУЛЬТЕРАМАЛАРНИНГ ТАРЖИМАДА БЕРИЛИШИ

***Аннотация.** Мақолада ўзбек халқ эртақларининг таржима матнларида сажъларни қайта тиклаш жараёнида унга мос қофиядош ва муқобил бўлган сўзни келтириш ҳақида фикр юритилган.*

***Аннотация.** В статье речь идет о подборе альтернативного эквивалента при восстановлении сажъа в переводе узбекских народных сказок.*

***Annotation.** The article deals with the selection of an alternative equivalent in the restoration of saj in the translation of Uzbek folk tales.*

***Калим сўзлар:** маънавий қадриятлар, бадиий образ, таржима, сажъ, транслитерация, этнографизм, муқобил, маданиятлараро.*

***Ключевые слова:** духовные ценности, художественный образ, перевод, сажъ, транслитерация, этнография, альтернатива, межкультурный.*

***Key words:** spiritual values, artistic image, translation, saj, transliteration, ethnography, alternative, intercultural.*

Фольклор асарларининг энг қадимий ва кенг тарқалган жанрларидан бири эртақлардир. Ўтмиш кишиларининг нодир маънавий қадриятлари эртақларда ёрқин мужассамланган. Жумладан, “Ўзбек халқ эртақларида халқимизнинг ўтмиш ва келажак маиший турмуши ҳақидаги қарашлари, ахлоқий меъёрлари, руҳий олами, ўй-истаклари, орзу-армонлари, шунингдек, жонажон диёримизнинг табиий иқлими, географик муҳити, ҳайвонот ва наботот олами она тилимизнинг бой имкониятларидан фойдаланилган ҳолда бадиий образли тарзда акс эттирилган. Шу важдан ҳар бир халқнинг эртаги ўша халқ тарихини, маънавий-маданий турмуш тарзини, ички дунёсини, имон-этикодини бошқа қардош элу элатлар билан ижтимоий муносабатларини, урф-одатларини, яшаш жойининг иқлими ва табиий шарт-шароитларини ўрганишда муҳим манба вазифасини ўтайди”.¹

Эртақлар ўз жанрий табиатига хос бадиий-композицион қурилишга эга. Улар бир хил бадиий шаклий қолиплар доирасида яратилади ва ижро этилади. Кириш, бошлама, тугун, эпик саргузашт ва тугаллама эртақ композицион қурилмасининг асосини ташкил этади. Эртақлар халқ оғзаки бадиий ижодиётининг эпик турига мансуб бўлса-да, кириш қисми сажъга асосланиши билан ўзига хосликка эга. Айниқса, унга хос сажълар анъанавийлиги билан алоҳида эътиборни тортади. Масалан, “Гулпарӣ” эртагининг кириш қисмида шундай сажъ келтирилади: “Бир бор экан, бир йўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан, ғоз карнайчи экан, ўрдақ сурнайчи экан, тошбақа тарозидор экан, қурбақа ундан қарздор экан”.

Бу парча сажъли ифодага мисол бўла олади. Негаки, “Сажъ – бадиий матнда ишлатилган айрим гап бўлақларининг ё вазнда, ё қофияда ёхуд ҳар иккаласи (вазн ва қофия)да мослашувидир”.² Шу жиҳатдан ёндашилса, матнда “бир бор экан//бир йўқ экан”, “баковул//ясовул”, “карнайчи//сурнайчи”, тошбақа//қурбақа”, “тарозидор//қарздор” каби сўзлар вазнда ҳам, қофияда ҳам ўзаро мос келганлиги аёнлашади. Шу мослик асосида улар ўзаро сажланган.

Бу сўзларнинг бири иккинчисига нисбатан оҳангдошлиги уларнинг қофияланишига ва қофиядошлик ҳосил қилишига олиб келган. Вазндаги мослиги эса қуйидагича намоён бўлади:

¹ Safarov O. O‘zbek xalq og‘zaki ijodi. T., “Musiqqa”, 2010, 231-bet.

² Саримсоқов Б. Сажъ. “Ўзбек тили ва адабиёти”, Тошкент, 1971, 2-сон, 74-бет.

бир бор экан//бир йўқ экан
 1 + 1 + 2 // 1 + 1 + 2
 баковул // ясовул
 3 + 3
 карнайчи // сурнайчи
 3 + 3
 тошбақа // қурбақа
 3 + 3
 тарозидор // қарздор
 4 + 2

Кўринадики, бармоқ вазнига тушадиган ушбу матнда мавжуд бўлган беш сажъдан иккитаси, аниқроғи, бешинчисида вазн бузилган, бироқ қўшимчалар ҳисобига қофияланиш ритмининг сақлаб қолинишига замин яратган. Агар унга тадқиқот мавзумиз нуқтаи назаридан диққат қаратадиган бўлсак, матн таркибидаги *баковул*, *ясовул*, *карнайчи*, *сурнайчи* сўзлари тарихий сўзлар, этнографизмлар сифатида лингвокультурема экани англашилади. Бу сўзлар қатнашган сажъли кириш таржимада қуйидагича берилгани кузатилади:

Аслиятда: “Бор экан, йўқ экан, оч экан, тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан”.

Таржимада: “Once upon a time, once there being hungry, once their being fed up, a coyote lived like king and a fox being his guard”.

Инглиз тилида *ясовул* сўзи бўлмагани сабабли айрим таржимонлар ўзбек халқ эртакларининг кириш қисмида *баковул* сўзига сажъ қилиб келтирилган бу сўзнинг *қоравул* сўзи билан алмаштиришганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбек халқ эртакларининг зачинида сажълашиб келадиган *баковул* ва *ясовул* сўзлари ҳозирги адабий тилимизда ишлатилмай қолгани сабабли историзм (тарихий сўзлар) ҳисобланади. Шу жиҳатдан уларни таржимада қайта яратиш мутаржим учун осон кечмайди.

Эртак зачинида эртак қаҳрамонлари ҳақида маълумот берилиши маълум. Баъзан бу холат ҳам сажъ орқали ифода этилгани кузатилади:

Аслиятда: “Бир бор экан, бир йўқ экан. ...Нурмат экинчининг Анвар ва Танбал деган икки ўғли бор экан. Болалар отаси тириклигида жуда иноқ эканлар, отаси ўлиши билан уларнинг ораси бузилиб қолибди: акага лойиқ келган маҳси укага тор кела бошлабди, укага сиққан тўн акага тор кела бошлабди”.

Таржимада: “Once upon a time there was a peasant Nurmat, who had two sons named Anvar and Tambal. When their father was alive they lived in harmony. After their father's death they began quarrelling.

Бу парча таржимасида эртак қаҳрамонлари исми қандай бўлса, шундайлигича берилмоқда. Таржимон уларни айнан сақлаган.

Гоҳида бошламалар ҳазил-мутойибали ёки кинояли бўлади. Улар тингловчиларнинг эътиборини марказлаштиришни кўзлайди.¹ Айтайлик, юқорида келтирилган “акага лойиқ келган маҳси укага тор кела бошлабди, укага сиққан тўн акага тор кела бошлабди” парчасида ноахил ака-укага қаратилган киноя, пичинг оҳанги мавжуд. Бунда шу киноя-пичинг, ҳазил-ҳузул руҳини сақлаб қолиш ҳам муаммоли кечади.

Ушбу парчанинг таржимаси жараёнида мутаржим ўзига нотаниш бўлган реалаялар – *маҳси* ва *тўн* сўзларини тушириб қолдирган. Бунинг оқибатида шу парчага хос киноя, пичинг оҳанги ҳам йўқолган.

Шу эртакда узунлик ўлчови ҳисобланмиш *таноб* сўзи ҳам учрайди. Бироқ таржимон худди *маҳси* ва *тўн* лингвокультуремалари сингари бу сўзнинг ҳам таржима муқобилини тополмагани сабабли, уни тушириб қолдиргани кўзга ташланади.

¹ Safarov O. O‘zbek xalq og‘zaki ijodi. T., “Musiqqa”, 2010, 232-bet.

Ўзбек халқ эртаклари сюжет чизиғида содир бўладиган воқеа-ходисаларнинг қайси замон ва маконда кечишидан хабар берадиган бошлама ҳам, одатда, сажъ орқали баён этилади: “Бор эканда, йўқ экан. Оч эканда, тўқ экан. Қадим замонда бир подшо ўтган экан” каби. Аммо бунда жой номлари ва эртак қахрамонлари исми, баъзан аниқлик касб этса, баъзан ноаниқлик ва умумийлик касб этади. Шундай бўлса-да, бу номлар таржимада, кўпинча, транслитерация йўли билан сақлаб қолиниши кузатилади.

Умуман, эртакларнинг анъанавий кириш қисми ва бошламаси эртакчининг маҳоратини баҳолашга хизмат қилади, улар, асосан, сажъ орқали яратилгани билан эътиборни тортади. Эртакдаги сажълар эса унинг оҳангдорлигини, таъсирчанлигини таъминлашга хизмат кўрсатади.

Таржима матнларида сажънинг ифодаланиши муаммолари ҳақида бизгача А.Абдуллажонов, Д.Ҳошимовалар айрим кузатишлар олиб бориб, ўз хулосаларини баён этишган. Жумладан, “Бобурнома” таржималарида сажъ поэтикаси ва бадий сўз прагматикаси муаммосини, хусусан, сажъни таржимада қайта тиклаш масаласини илмий тадқиқ қилган Д.Ҳошимованинг фикрича, “сажъ туркий насрнинг хос хусусиятларидан бири бўлгани учун том маънода ўзбек халқига хос лингвокультурологик жиҳатларни акс эттира олади”.¹

А.Абдуллажонов сажъни рус тилида қайта яратиш масаласига эътибор қаратар экан, бу тажриба рус таржимашунослигида ҳам мавжудлигини алоҳида қайд этади.²

Эртак – оғзаки миллий наср намунаси сифатида ўз ифода ва баён услубида сажъни асрлар давомида сақлаб келмоқда. Ёзма адабиётдаги наср намуналарида учрайдиган сажълардан эртак сажълари, аввало, анъанавийлиги, бир эртакдан бошқасига кўчиб юриши, “сайёр экани” билан ажралиб туради.

Ёзма адабиётда адиблар томонидан яратилган сажъларда маълум бир муаллифнинг индивидуал маҳорати акс этса, эртак сажъларида халқ топқирлиги ва заковати намоён бўлади. Улар орқали бутун бошли бир миллат, халқ адабиётининг бадиияти баҳоланади. Шу нуқтаи назардан, халқ эртакларида қўлланган сажъ усулининг бошқа тилларга таржималар жараёнида прагматик акс этиши ўта муҳим саналади. Ишимизда ўзбек халқ эртакларидаги сажъларни инглиз тилида қайта яратиш муаммосига диққат қаратишни мақсад қилдик. Шу мақсадда масалани ўрганганимизда, ўзбек халқ эртакларининг кириш қисмида келадиган анъанавий сажъли парчаларда учрайдиган сўзлар таржима нусхада кўпинча шу сўзларнинг талаффузда бир-бирига қофиядош шаклда келишига қараб ўгирилгани кузатилди. Шу йўл билан таржимонлар эртакдаги сажъ руҳини сақлаб қолишга эришишган.

Сажъли матнларнинг инглизча таржималарига қараб айтиш мумкинки, гарчи бу бадий санъат инглиз адабиётида мавжуд бўлмаса-да, инглиз таржимонлари сажъни ўгиришда унинг миллий адабиётимизда ўзига хос бадий ифода турларидан бири эканини назарий жиҳатдан англаб етишган. У орқали воқеалар тафсилоти қофиялашган сўзлар воситасида берилишини тўлиқ англашган. Шунинг учун сажъли парчалар таржимасида, аввало, мана шу қофиядошликни, сўзларнинг оҳангдошлигини сақлаб қолишга алоҳида аҳамият қаратганлар. Агар таржима матнларига эътибор қаратсак, уларда талаффузи жиҳатидан бир-бирига қофиядош сўзларнинг қўллангани аниқ билиниб туради.

Д.Ҳошимова таъкидлаганидек: “Демак, таржима матни прагматиклиги фақатгина тил бирликларини аниқ ўгириш билан боғлиқ эмас. Матн руҳиятини ифодаловчи бадий санъатлар, жумладан, сажънинг прагматик таржимаси ҳам бу ўринда муҳим аҳамиятга эга”.³

¹ Хошимова Д.М. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси. Тошкент, 2018, 192-бет.

² Абдуллажанов А. Муножот таржимасида мазмун ва шакл бирлиги. Содружество языков. Содружество культур (Материалы 4-республиканской научной конференции). Наманган, 2017, 91-бет.

³ Хошимова Д.М. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси. Тошкент, 2018, 196-бет.

Сажъ – матнга бадий жозиба бахш этувчи поэтик ифода воситаларидан бири. Бунга у ўзига хос турғун рамзий образларга эгаллиги билан эришади. Мана шу образларни ўзбек халқи англагандай тарзда таржимада бериш эса мутаржимдан ҳам билим, ҳам маҳорат талаб этади.

Таъкидлаганимиздек, сажъ бадий санъат бўлгани боис, уни таржимада қайта тиклаш жараёни ижодкорликни тақазо қилади. Бунда таржимон нафақат сажълашган сўзларнинг қофиядош шаклини, балки уларнинг аниқ маъносини бера оладиган мос сўзларни топиши талаб этилади. Сажъларни қайта тиклаш жараёнида уларнинг жойлашув кетма-кетлигига эътибор қаратиш ҳам муҳимдир.

Ўзбек халқ эртақларининг сажъли қисмида учрайдиган “карнайчи” ва “сурнайчи” этнографизмларининг таржима тилида муқобил вариантлари йўқлиги маълум. Шундан келиб чиқиб, таржимон уни топишга уриниши ҳам фойдасиз. Бунда у аслият ва таржимани ўзаро мослаштириш учун транслитерация ёки изоҳ бериш усулидан фойдаланиши маъқул.

Сажъни ҳосил қилишда баъзан сўзнинг бутунлай асосдан иборат қисми, баъзан унинг асоси эмас, қўшимча қисми хизмат кўрсатиши кузатилади. Тўғриси, аслиятга хос бу муҳим жиҳат ҳам таржима жараёнини бирмунча мураккаблаштирувчи ҳолатдир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, ўзбек халқ эртақларининг асл матнидаги сажъларни қайта яратиш учун таржимонлар кўп ҳолларда унда қўлланган сўзларнинг муқобил ва қофиядош шаклини топганлар. Натижада таржима матни воситасида тиллар ва маданиятлараро коммуникатив мослик вужудга келган.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқ эртақларининг таржима матнларида сажъларни қайта тиклаш жараёни бу аслият матнида берилган сўзнинг муқобилини таржимада келтириш эмас, балки унга мос қофиядош, ҳам муқобил бўлган сўзни келтириш орқали амалга ошади. Бунда сажълашган сўзларнинг қофиядошини топиб, аслиятга мослаштириш таржимондан юксак бадий маҳорат баробарида, катта билимни ҳам талаб этади.

Xayrinoso Matnazarova, Gulandam Saparbayeva (UrDU) OG‘ZAKI VA YOZMA DISKURSDA SHAKL VA MAZMUN UYG‘UNLIGI MASALASI

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada matn tilshunosligida diskurs turlarining o‘ziga xos belgilari haqida fikrlar bayon qilingan. Bunda diskursni og‘zaki va yozma matnga ajratish borasidagi tadqiqotlar mazmuniga alohida e‘tibor qaratilgan bo‘lib, turlarga ajratishda inobatga olinishi zarur bo‘lgan belgilar sanab o‘tilgan.*

***Аннотация.** Статья выдвигает гипотезу об особенностях письменного и разговорного дискурса, как нового понятия в текстовой лингвистике. Обращено внимание на различение и идентифицирование дискурса в устной и письменной речи, перечислены критерии для проведения дифференциации.*

***Annotation.** This article depicts hypothesis about the peculiarities of written and spoken discourse as the new concept in text linguistics. The content of research done in the field of distinguishing written and spoken discourse and means of criteria for differentiation are identified here.*

***Kalit so‘zlar:** diskurs, anakolutsa, og‘zaki diskurs, yozma diskurs, mazmun, shakl, vosita, nutq, matn.*

***Ключевые слова:** беседа, анаколутф, разговорный дискурс, письменный дискурс, содержание, форма, средства, речь, текст.*

***Key words:** discourse, anacoluthon, spoken discourse, written discourse, content, form, means, speech, text.*

Им-фан tarqqiyotining dastlabki davrlarida tilshunoslik sohasidagi tadqiqotlarning ko‘pchiligi, asosan, yozma matn tahliliga asoslangan. Yigirmanchi asrning ikkinchi yarmida esa til-

shunoslik borasidagi tadqiqotlar pluralistik xarakter kasb etdi. Tilshunoslik tadqiqotlardagi matn-ga pragmatik munosabat shu boradagi burilishga misol bo'la oladi. Texnologik taraqqiyotning ilg'or rivojlanishi evaziga muloqotdagi jonli nutqni, shuningdek, matnning jarayonga yo'naltirilgan holatini tadqiq qilish imkoniyati bo'ldi.¹

Yozma va og'zaki shakl tushunchasi nihotda keng qamrovli masaladir. Jonli tildagi xabar og'zaki va yozma shaklda muloqotga uzatiladi. Bu ikki shakl o'rtasidagi munosabat esa ham chigal, ham dudmaldir, hatto bu ikki shaklni bir tizimning ikki ko'rinishi degan nazariyalar ham mavjud.

Zamonaviy tilshunoslik og'zaki va yozma tilni ikki til o'lehoivi deb sanab, undan qay birini foydalanish gapiruvchining tanloviga bog'liq bo'lib, undan birini foydalanganda ikkinchisi tasavvurda bo'ladi, degan g'oyani ilgari suradi.²

Shuni ta'kidlash lozimki, texnologiyaning ilg'or taraqqiyoti natijasida muloqotda an'anaviy tarzda qo'llanilgan og'zaki va yozma matnni farqlash, dialogik matnni yozma ifodalash tendensiyasi nisbatan nisbiy ekanligi isbotlangan.³

Shu ma'noda, og'zaki diskursning asosiy belgilari, shakli va mazmuniga biroz oydinlik kiritish tadqiqot mazmunini ochib berishda muhim masala sanaladi.

Kundalik munosabatdagi kutilmagan og'zaki muloqot, odatda, ko'plab shakl, ya'ni gap tartibidagi o'zgarishlari yoki so'zlarning tushirib qoldirilishi bilan xarakterlanib, birinchi va ikkinchi muloqot chizig'i orasidagi farqlash har doim ham oson emas.

Og'zaki uslubning yana bir jihati bog'lanish yo'qligi natijasida bog'lovchilardan sodda gaplarni o'zaro birlashtirishda foydalanishdir. Noto'g'ri gap tartibining keng qo'llanilishi sababli, og'zaki diskursni tahlil qilish ancha murakkab jarayonga aylanadi. Og'zaki diskursning o'ziga xosligi gapiruvchining o'z fikrlarini batartib bayon qila olmasligida, shoshilinch muloqotga tayyor emaslik hamda ba'zan fikrlarini tez va juda batartib bayon qilishga haddan tashqari ko'p urinish natijasi deb ham qarash mumkin. Aytilgan so'z, aytilgan vaqt bilan tengdir, uni orqaga qaytarib bo'lmaydi, lekin yozma diskursda buning imkoni bor.⁴

Chermakning fikriga ko'ra, og'zaki diskursning asosiy belgisi quydagilarda namoyon bo'ladi:

- adabiy til qoidalaridan yiroqlik;
- morfologik kichik o'zgarishlar;
- foydalanilgan nutq birligidagi xatoni to'g'rilash imkoniyatining mavjudligi;
- ayrim so'zlarning bildirmay tushib qolishi holatida tinglovchi tomonidan tushunilishi;
- bir bosh bo'lakli konstruksiyalarning keng qo'llanilishi;
- anakolutsiya hodisasining mavjudligi;
- nutqda har doim izohlilik imkonining mavjudligi;
- ovoz ohangidagi o'zgarishlarning ma'noga ta'siri;
- munosabatni ifodalovchi so'zlar va yuklamalarning ko'p qo'llanilishi;
- vaqtga ulgurish maqsadida shaklning jipslashishga majburligi;
- amaldagi muloqot vaziyatning matn yaratilishi katta ta'siri.

Og'zaki matnning morfologik va sintaktik xususiyatlari borasida bir necha fikrlar mavjud bo'lib, jumladan, odatda, ularning barchasi bu matn turini yozma matn turidan farqlovchi asosiy belgilari bilan tushuntirishga harakat qiladi. Og'zaki matnning morfologik xususiyati tahlil qilinayotgan matn tiliga bog'liq bo'ladi. Ammo ko'pchilik tillarda shart ergash gaplarning o'zgarish shaklini uchratish mumkin, bunda gapiruvchi nutqidagi fe'l shakli va shaxsining moslashuvi mavjud bo'ladi. Infleksiyaga asoslangan tillarda o'zgarishlar og'zaki nutqda ko'plikdagi otlar-

¹ Korensky J. Progressive Grammar and Social Tendency in a Context. 2003, p. 64, 1, 1–7.

² Alexová J. Syntax of written and spoken texts and inter confrontation. Praga, UJC, PhD dissertation, 2000.

³ Mullerova Olga. Skacel Jiri. Spoken and written interaction. Karviná, SLU OPF, 1997.

⁴ Mullerova Olga, Skacel Jiri. Spoken and written interaction. Karviná, SLU OPF, 1997.

ning chiqish kelishigida kuzatilishi, shuningdek, sifat va olmoshning turlanishida ham o'zgarishlar bo'lishi mumkin.

Muloqotdagi ingliz tili adabiy va og'zaki muloqotda kundalik foydalaniladigan tilda aniq farqlar mavjudligini kuzatish mumkin. Buni qulay noto'g'ri shakl bilan to'g'ri morfologik shakldan foydalanish o'rtasidagi farq deb tushunish ham mumkin. Og'zaki diskursda ayrim sintaktik birliklar yozma matndagiga o'xshash bo'ladi. Lekin, ko'pincha, bu birliklar ifoda shakliga ega bo'lib, bu qaysidir uslubda noto'g'ri va tartibi buzulgandek ko'rinishi mumkin. Eng ko'p uchraydigan sintaktik vositalar gap perspektivasining kesishuvi, anakolutsiya,* tugallanmagan sintaktik tuzulish, sintaktik tuzilmaning turli-tuman boshlanishi, takrorlanishlar, qo'shimcha konstruksiyalar.¹

Tasodifiy, ya'ni oldindan tayyorlanilmagan muloqotda parallel konstruksiyalarning keng qo'llanilishi bu konstruksiyalar orasida vaziyatdan boshqa hech qanday tashqi munosabatning yo'qligi, bog'lovchilarning takroriy qo'llanishi cheklanganligidir. Voqea-hodisalar mazmuni orasidagi bog'lanish ba'zan boglovchi orqali ifodalansa, ba'zan ohang yordamida ifodalanadi. Kundalik muloqotdagi diskursda nutqdagi birikmalar shakllanishida parallel bog'lanish bilan bir qatorda, xatoni to'g'rilash va elliptik konstruksiyalar qo'llaniladi. Og'zaki diskurs tahlili natijasida kirish so'zlar, iboralar, deiktik vositalar, bog'lovchi yuklamalar, noaniq ifoda va boshqa shaxslar nutqidan keltirilgan ko'chirma gaplarni alohida o'rganishimizga to'g'ri keladi.

Yozma diskurs haqida fikr bildirganda, avvalambor, uni yaratishda tayyorgarlik ko'rish va rejalashtirish imkoniyatining mavjudligi og'zaki diskurga nisbatan qiyoslangandagi birinchi farqi ekanligini ko'rsatib o'tish mumkin. Albatta, bu imkoniyat mazmunli va mukammal gap tartibini yaratishga imkon beradi. An'anaviy tarzda yozma matnlardagi yuqori darajadagi murakkablik, qoshma gap tarkibidagi birliklarning o'zaro mos bog'lanish, uzundan uzoq fikrlarning batartib icham joylashuvi uchun muallifning yozuv salohiyatining past yoki yuqori darajasining belgilanishi bilan izohlash mumkin.

Yozma diskurs muallif bilan o'quvchi o'rtasida makon va zamon birligi tushunchasini qabul qilmaydi, ya'ni dekontekstualizatsiya yoki yozilgan, yoki yozilayotgan paytda matn ish-harakatning qabul qiluvchisiga to'g'ridan to'g'ri ta'sir o'tkazmaydi. Ayni paytda, bu nazariyani elektron matnga nisbatan qo'llash mumkin emas, jumladan, sms, elektron xabar, chat va ijtimoiy tarmoqlardagi muloqotlar bunga misoldir. Bunday matnlarning ayrimlarini yaratilayotgan paytda kuzatish mumkin. Bunday matnlar og'zaki va yozma matn orasidagi oraliq yoki aralash diskurs turlari deb sanalish mumkin. Bunday ilg'or fikrlarning mavjudligiga qaramasdan, rasmiy muloqot muhitida yozma matnning roli katta ekanligi ayni haqiqatdir.²

Shu kungacha olib borilgan tadqiqotlar natijasi va ma'lumotlar tahlili shuni ko'rsatadiki, og'zaki muloqot mazmunini kuzatish ham gapiruvchilar o'z nutqini bayon tarzida yozib berishiga to'g'ri keladi. Bu esa bizga bir xil mazmundagi auserentik og'zaki va yozma diskurs turlarini tahlil qilish imkonini beradi.

Bu o'rinda gapiruvchining jinsi, yoshi, ijtimoiy kelib chiqishi, kasbi, muloqot jarayonidagi psixologik va jismoniy holati shuningdek, muloqot joyi, vaqti va kuzatuvchilar davrasi kabi faktorlar diskursning mazmuniga o'z ta'sirini o'tkazadi. Tahlil uchun esa shu ta'sirlardan himoyalangan diskursni yaratishning o'zi bir muammoga aylanishi mumkin. Shu sababli biz tahlil uchun tasodifiy muloqot, ya'ni kutilmaganda paydo bo'lgan muloqotni tahlil qilishni ma'qul ko'rdik. Gapiruvchi o'z hikoyasini bayon qilgandan keyin ushbu ko'rsatma beriladi: *Siz hozirgina aytib bergan hikoyangizni yozib bering. Og'zaki shakl qanday bo'lishidan qat'iy nazar, hikoya mazmunini to'liq saqlab qolgan holda, standart til normalariga amal qilib, o'z hikoyangizni yozing.*

Tahlil uchun yozib olingan audiomatn 8 minut bo'lsa, uni yuqoridagi talablar asosida yozib berishi uchun 2 soat va yana 30 daqiqa vaqt sarflangan. Shuningdek, tajriba ishtirokchilari

¹ Raupova L. Difference between Spoken and Written discourse. PhD dissertation, 2017.

*Anakoluta – ingliz tilida diskursda gap mazmuni va shaklning tasodifiy uzilish hodisasi.

² Mullerova Olga, Skacel Jiri. Spoken and written interaction. Karviná, SLU OPF, 1997.

standart til normalarni shakllantirish uchun mazmunning bo‘yoqdorligini ta’minlovchi dialektga xos psevdog‘zaki muloqot birliklarini adabiycharoq qilib yozishga harakat qilgan. Ayrimlar esa yozma matn qoidalaridan, umuman, bexabar holda elektron matn yaratishda foydalaniladigan belgilar va qisqartmalardan foydalangan. Bu esa yozma matnda nuqson sanaladi.

Shuni ta’kidlashimiz lozimki, og‘zaki va yozma diskurs tahlil qilinishi uchun, avvalambor, ularning asosiy xususiyatlariga ta’rif berilib, keyin qiyoslanishi va undan keyin esa tajriba o‘tkazib, tahlil qilinishi mumkin. Tahlil qilinganda, ularga ta’sir qiluvchi omillar inobatga olinishi maqsadga muvofiqdir. Ba’zan yuqorida ko‘rsatib o‘tganimizdek, ko‘rsatma bir xil bo‘lishiga qarab, natija har xil bo‘lishi mumkin.

Xulosa o‘rnida shuni aytish mumkinki, og‘zaki muloqotni yozib olishda ijtimoiy faktorlar inobatga olinishi zarur. Bunda, avvalambor, gapiruvchining bunga roziligini olish qolaversa ke-lajakda ilmiy-ommabop matn tahlili sifatida targ‘ib qilinishi haqida ogohlantirish muloqotdan keyin ma’lum qilinishi, u rozilik bergan keyingina foydalanish mumkinligi alohida ahamiyat kasb etadi. Og‘zaki va yozma diskursning qiyosiy tahlilida to‘plangan ma’lumotlarda mazmun va shakl birligini ta’minlovchi, har bir diskursning farqli va o‘xshash belgilarining guruhlarga ajratilgan vositalar ro‘yxati, lug‘at tarkibi va gapda so‘z tartibi haqidagi fikrlarga oydinlik kiritish orqali diskurs shakli va turlari haqidagi nazariyamiz asosini tashkil qiladi.

Sayyora Yorova (SamTI)

“SALOMATLIK” KONSEPTI SEMANTIKASI MUTLAQ MATNLARINING KOGNITIV TALQINI XUSUSIDA

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada sog‘lom turmush tarzi haqidagi muhokamalarning dolzarbligini va ularning qoidalari ko‘rib chiqiladi. Sog‘lom turmush tarzida hayot kechirish buyuk mutafakkirlar, shu jumladan, Qur‘oni karimdagı oyatlarga, hadislarga, maqolalar, hikmatli so‘zlarga amal qilish kerak.*

***Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы о создании здорового образа жизни, его правилах и следовании им. Приводятся некоторые аяты Священной книги Каран, хадисы, статьи, высказывания и советы наших мудрецов о том, как вести здоровый образ жизни.*

***Annotation.** This article has been written about the healthy lifestyle and how to follow to its rules. It has been paid particular attention to contribute of healthy lifestyle according to some traditions, such as ayats of Karan, hadises, articles, the advices of great scientists.*

***Kalit so‘zlar:** umuminsoniy va milliy qadriyatlar, sog‘lom turmush tarzi, sog‘lik, sihat-salomatlik, gigiyena, poklik, nafs, havoyi nafs, nafsdan qochish, dard, darmon.*

***Ключевые слова:** общечеловеческие и национальные обычаи, здоровый образ жизни, здоровье, гигиена, чистота, скупость, утихомирить желания, печаль и недуг.*


***Key words:** common to all mankind and national customs, healthy life style, healthy, hygiene, purity, miserliness, calm down wishes, sorrow and ailment.*

Inson va insoniyat uchun eng ahamiyatli narsalar qadriyatlar sifatida tan olinadi. Qadriyat tushunchasiga turli nuqtayi nazardan ta’rif berish mumkin. Jumladan ”O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi”da qadriyat tushunchasiga quyidagicha ta’rif berilgan: “Qadriyat – voqelikdagi muayyan hodisalarning umuminsoniy, ijtimoiy-axloqiy, madaniy-ma’naviy ahamiyatini ko‘rsatish uchun qo‘llanadigan tushuncha”.

Qadriyatlar kimga tegishliligiga ko‘ra, uch turga bo‘linadi:


- umuminsoniy (umumbashariy) qadriyatlar;
- milliy qadriyatlar;
- shaxsiy qadriyatlar.

Ma'lumki, muayyan bir elat, millat, xalqlarning hayoti, turmush tarzi, tili, madaniyati, ma'naviyati, urf-odat va an'analari milliy qadriyatlar hisoblanadi. O'zbek xalqining milliy qadriyatlari deyilganda, eng avvalo, boy ma'naviy merosimiz, an'analarimiz va urf-odatlarimizni tushu-namiz.



Albatta, milliy qadriyatlarimizga asoslangan o'git va pand-nasihatlar har birimizni komil inson sifatida shakllanib borishimizda muhim o'rin tutadi. Bunday ma'naviy-ma'rifiy qadriyatlarimiz ayniqsa musulmonlarning muqaddas kitobi Qur'oni karimda, payg'ambarimiz Muhammad saloloh-u alayhi va sallamning aytgan so'zlari, qilgan ishlari, iqrorlari to'g'risida rivoyatlar-dan tashkil topgan hadislarida hamda xalq og'zaki ijodi namunalarida keng ko'zga tashlanadi.

Jamiyatda o'z o'rniga ega bo'lishni istagan har qanday insonning sog'lom turmush tarziga qat'iy rioya qilishi talab etiladi. Shu boisdan ham salomatlik, sog'lom turmush tarsi masalalari hadislar va xalq og'zaki ijodi namunalarida alohida qayd etiladi.



Quyida biz aynan hadislar va o'zbek xalq maqollariga tayangan holda, sog'lom turmush tarzi yuritish, nafsni tiyish, sihat-salomatlikka oid purhikmat fikrlardan namunalar keltiramiz:

Xalq maqollarida sog'likka e'tibor berish borasida quyidagi fikrlar jamlangan:

1. Sog'liging – boyliging.
2. Sog' tanda – sog'lom aql.

3. Salomatlik – tuman boylik.

Nafs balosidan qutulish, havoyi nafsning quli bo‘lib qolmaslik bo‘yicha Shuningdek, nafsni tiyish, nafs balosidan qutulish to‘g‘risida ham ajoyib maqollar mavjud. Masalan:

1. Ko‘zing og‘risa, qo‘lingni tiy, Iching og‘risa – nafsingni! 2. Ozyemak – tani sog‘liq, Oz demak – hikmatga bog‘liq. 3. Izzat tilasang, ko‘p dema, Sihat tilasang, ko‘p yema.

Barcha jabhada qanoat qilish va nafsga berilmaslik milliy qadriyatlarimizning har qanday ko‘rinishida o‘z aksini topgandir. Masalan, Qur‘oni karimning “Yusuf” surasi 53-oyatida nafs haqida shunday deyilgan: “Men nafsimni oqlamayman. Chunki nafs – agar Parvardigorimning o‘zi rahm qilmasa, albatta, barcha yomonliklarga buyurguvchidir...”¹ Yoki “Josiya” surasining 18-, 19-, 23 va 24-oyatlarida havoyi nafsga berilmaslikka da‘vat etilgan.²

Hadisi shariflarda ham sog‘likni saqlash, sog‘lom turmush tarsi yuritish hamda nafs masalalariga batafsil to‘xtalib o‘tilgan. Jumladan, buyuk muhadis Imom al-Buxoriyning “Al-jomi‘ as-sahih” asari 4-jildida bemorlar va tibbiyot ilmi haqida alohida boblar keltirilgan va bunga qo‘shimcha tarzda asarning “Latif so‘zlar kitobi” bo‘limi 14-bobiga “Haqiqiy boy – nafs to‘q odamdir” deb sarlavha qo‘yilgan. Mazkur bobda Qur‘oni karimning “Al-Mu‘minun” surasida go‘yatlar keltirilgan hamda bob yakunida Abu Hurayraga tegishli quyidagi rivoyat hadis sifatida berilgan: “Rasululloh sallallohu alayhi va sallam “Mol-dunyosi ko‘p odam badavlat emas, balki nafs to‘q odam badavlatdir!” – dedilar”³

Tasavvuf ta‘limoti asoschilaridan bo‘lgan vatandoshimiz Ahmad Yassaviy ham o‘z hikmatlarida nafs inson kamolotiga xalaqit beruvchi alohida e‘tibor qaratgan. Quyidagi to‘rtliklar buning yaqqol dalilidir:

*Nafs yo‘liga kirgan kishi rasvo bo‘lur,
Yo‘ldan ozib, toyib, to‘zim gumroh bo‘lur.
Yotsa, qo‘psa shayton bilan hamroh bo‘lur,
Nafsni tepgil, nafsni tepkil, ey badkirdor.
Nafsdin qochib, qanoatni pasha qilg‘on,
Har kim tepsa, rozi bo‘lib bo‘yun sung‘on.
Yaxshilarga xizmat qilib, duo olg‘on,
Andoq oshiq mahshar kuni armoni yo‘q.⁴
Zohid bo‘lma, obid bo‘lma oshiq bo‘lg‘il,
Mehnat tortib ishq yo‘lida sodiq bo‘lg‘il,
Nafsni tepib, dargohiga loyiq bo‘lg‘il,
Ishqsizlarning imoni yo‘q, ham joni yo‘q.⁵*

O‘z navbatida, sog‘lom turmush tarzini da‘vat etuvchi o‘zbek xalq maqollariga quyidagilarni kiritish mumkin:

1. Yaxshi osh yomon dardga davo.
2. Kasalning kelishi oson, ketishi qiyin.
3. Dard kelganda darmon ketar.
4. Erta tursang-soz havo.

Kech turganing noravo.

1. Armondan qolsang ham, darmondan qolma!

Sihat-salomatlikda gigiyenaga rioya qillish ham muhim ahamiyat kasb etadi. Quyidagi maqollarda gigiyenik talablar ilgari surilgan:

1. Pokliging – sog‘liging.

¹ Qur‘oni karim (o‘zbekcha izohli tarjima). Toshkent, “Cho‘lpon”, 1992, 157-bet.

² Shu manba. 374-bet.

³ Abu Abdulloh Muhammad ibn Ismoil al-Buxoriy. “Al-jomi‘ as sahih” (Ishonarli to‘plam). 4-jild, Toshkent, “Qomuslar bosh tahririyati”, 1992, 204-bet.

⁴ To‘xliyev Boqijon. O‘zbek adabiyoti. Toshkent, “Yozuvchi”, 2001, 165-bet.

⁵ Shu manba. 166-bet.

2. Qaramagan boshni bit yeydi.

Milliy qadriyatlarimiz orasida mutafakkirlarimiz aytib o'tgan hikmatlar ham munosib o'rin tutadi. Bunday hikmatlarda ham sog'lom turmush tarziga amal qilish, ovqatlanish qoidalari, nafsni tiyish borasida ko'plab fikrlar keltirilgan.¹

Quyida ushbu hikmatlardan ayrimlarini keltiramiz:

Odam taomni yeydi, lekin haddan tashqari ko'p yeyilgan taom odamni yeydi.

Qari hayvon go'shtidan o'zingni tiy o'gir yuzing,

Giyoh, ko'kat, sutlar bo'lsin osh-u tuzing.

Bo'lmay desang gar xomsemiz, ko'proq hayot,

Sen uchga bo'l qorning ichin topgung najot.

Uchdan biri jon nafas uchun zarur har on,

Uchdan ikkisi yemak, boqiy suvga makon. (Abu Ali ibn Sino)

Hoy odam, bu nafsing dushmandur, unga aldanma,

Tilagini berma, sen ani doim to'ydirma.

Hammadan yomonroq dushman nafsing bo'lur,

Kim yaxshilik qilsa unga ko'p yomon bo'lur. (Yusuf Xos Hojib)

Hazm qilsa bilmasa, ko'p yemasun,

Kuch bila halvoni achchiq demasun.

Xor qilur mardni tomog'ing g'ami,

Shum tomoqni bo'g'sa qutular odami. (Haydar Xorazmiy)

Ovqatning ko'p-kami sog'lig'im xarob –

Qilmasun deganlar, me'yorida yer. (Abdurahmon Jomiy)

Nafskim ul ayshi mudom istagay,

Senga gunoh o'ziga kom istagay.

Har kimgaki ko'p taom yemak fandur,

Bilgilki, kasalikka tani maskandur. (Alisher Navoiy)

Og'ziga harna kelsa, deb, oldiga harna kelsa yeb,

O'zini xush maosh etib, zaharni xush ado qilur. (Mujrim Obid)

Begona qil gar odam esang o'zni nafsdin,

Tashvish senga hamisha yetkurmak murodi nafs. (Ogahiy)

Oz yeb, oziga qanoat qilsanglar, doimo baxtli bo'lasizlar. Yeb-ichishning foyda-zararini bilmaguncha, uning tagiga tushunmaguncha, oziga qanoat qilmaysizlar. O'ylab ko'ringlar, hamma zararli narsalar, buzuqchiliklar, gunoh ishlar ko'p yeb-ichishdan kelib chiqadi. Masalan, kishi taomni ko'p yeb, uning tartibiga rioya qilmasa, salomatligiga xalal yetib, tabiblarga hojati tushadi. Tani sog'lom, yegan ovqati yaxshi hazm bo'lib tursa, shahvati uyg'onadi. Buni tinchitish uchun halol, haromatlarga yo'liqib, biro lam tashvishga qoladi (Ahmad Donish).

Xulosa qilib aytish mumkinki, har jabhada nafsni tiya olish, shaxsiy gigiyenaga qat'iy rioya qilish kishi salomatligini ta'minlaydi. Sihat-salomat insonlar esa uzoq umr ko'radilar va kamol topadilar.

¹ Hikmatlar xazinasi. To'plovchi M.Azamatov. Toshkent, "Yosh gvardiya", 1977, 148–153-betlar.

MUNDARIJA

9-FEVRAL – ALISHER NAVOIY TAVALLUD TOPGAN KUN

А.Ўрозбоев. Даҳонинг Хоразмга эҳтироми.....	3
Н.Соатова, С.Эшонқулова. Алишер Навоий ижодида Сукрот тимсоли.....	5

МАТЕМАТИКА

М.Муминов, У.Якубова, Н.Парпиева. О проверке гипотез при семействах близких альтернатив.....	9
У.Хоитметов, Ш.Собиров. Интегрирование матричного уравнения Кортевега-де Фриза с интегральным источником.....	12
Н.Nazarov, S.Khomidova. On Derivations and Local Derivations on Finite - Dimensional Real Factors.....	15

TARIX

Н.Полвонов, У.Шерипов. “Дили ғаройиб” асарининг қўлғезмаси ҳақида.....	19
Sh.Nurullayeva, S.Allanazarov. Tarixiy antropologiyaning vujudga kelishi va rivojlanishi.....	23

FALSAFA

З.Адиллов. Ислом дини таълимотида табиат борлиғи ва муҳофазаси масаласи.....	26
Ғ.Сапаев. Мунис Хоразмийнинг маънавий мероси ва уни ўрганишнинг аҳамияти.....	30
Б.Абсатторов. Общность общечеловеческих и национальных ценностей в нравственном развитии.....	34

TILSHUNOSLIK

М.Аҳмедова. Ўзбек тили “Маънавият” умумий семали атов бирликларининг генетик ва структур хусусиятлари.....	37
З.Қурбонов. Гипотактик қурилма деривациясида концепт тушунчаси тавсифи.....	42
М.Галиева. Лингвокультурная значимость религиозно-маркированных фразеологических единиц.....	45
Н.Мавлонова. Актуальные проблемы фразеологической систематизации языка.....	49

ADABIYOTSHUNOSLIK

Г.Сайылов. Исламские каноны в художественной системе обрядового фольклора.....	53
Н.Сабинова. Хоразм халқ қўшиқларида туморлар ва магик рақамлар билан боғлиқ поэтик рамзлар.....	57
У.Қаршибаева. Тадқиқотчилар ва ёзувчиларнинг Вальтер Скотт ижодига қарашлари.....	61
N.Tosheva. “Jaziramadagi odamlar” romanida urf-odat va xalq marosimlari.....	65
М.Жўраева. Жаҳон эртақларида кўп учрайдиган анъанавий мотивларнинг хусусиятлари.....	69
З.Суванов. Образлар таснифи ва таҳлиliga доир.....	73

PEDAGOGIKA

А.Тожалиев. Жамиятнинг янги тараққиёт босқичида инновациялар ва олий таълим ривожини уйғунлиги.....	79
Д.Юсупов. “Такрорланувчи ҳисоблаш жараёнларини алгоритмлаш ва дастурлаштириш” мавзусини структуралаб талабани фаоллаштириш методикаси.....	82
D.Dushamov, X.Rajabov, Y.Taxirov, S.Rajabova. Umumiy oʻrta taʼlim maktablarida kimyo oʻqitishni takomillashtirishda muammoli taʼlim usulidan foydalanish.....	86
M.Ubaydullayeva. Badiiy asarlarni tahlil qilishda krossvord texnologiyasidan foydalanish.....	89

U.Rakhimova. Techniques of Using Effective Games for Developing Speaking Skills.....91

ILMIY AXBOROT

Д.Абдиримова, У.Якубова. Лазер нури таъсирида монокристалл кремнийда дефектлар ҳосил бўлиши механизми.....	95
М.Эшмухамедова. Яссавий мактаби ижодкорлари асарларининг қўлёмалари.....	98
Ш.Сиддиқова. Ўзлаштира гапларнинг коммуникатив-синтактик хусусиятлари ҳақида.....	103
Р.Ибрагимова. Istiqlol davrida Qoraqalpog‘istonda o‘zbek adabiyoti rivoji.....	107
Ш.Кунназарова. Қорақалпоқ халқ эртақларида дафн маросимиға оид удумларнинг акс этиши.....	110
О.Файзуллоев. Эртақлар анъанавий сажъ қисмидаги лингвокультерамаларнинг таржимада берилиши.....	113
Х.Матназарова, Г.Сапарбайева. Og‘zaki va yozma diskursda shakl va mazmun uyg‘unligi masalasi.....	116
S.Yorova. “Salomatlik” konsepti semantikasi mutlaq matnlarining kognitiv talqini xususida.....	119

MUALLIFLARGA ESLATMA

1. Maqola **Times New Roman** shriftida yozilishi lozim. Shrift hajmi – 14, qator oralig‘i – 1,5, hoshiya chapda 3 sm., yuqori va pastda 2,5 sm., o‘ngda 1,5 sm. bo‘lishi kerak.
2. Har bir maqolada o‘zbek, rus va ingliz tillarida annotatsiya, kalit so‘zlar bo‘lishi shart.
3. Maqola muallif imzosi bilan bir nusxada hamda elektron variantda topshirilishi lozim.
4. Maqola tahrir hay‘ati a‘zosi tavsiyasi (taqrizi) va ekspertlar xulosasi bilan qabul qilinadi. Taqriz hamda ekspert xulosasi elektron shaklda ham qabul qilinadi. Bunda taqriz va ekspert xulosasi faqat kompyuterda rangli skanyer qilingan bo‘lishi kerak.
5. Har bir maqolada muammoning qo‘yilishi, materialning nazariy-metodologik va uslubiy jihatdan puxtaligi, manbalarning ishonchligi, muammo, xulosa, taklif va tavsiyalarning asosililigiga e‘tibor berilishi kerak.
6. Maqolada foydalanilgan asosiy adabiyotlar ro‘yxati keltirilishi lozim.
7. Maqolalar hajmi kamida 0,25 bosma tabaqdan (40000 belgi, probellar bilan) iborat bo‘lishi kerak.
8. Tahririyatga kelgan qo‘lyozmalar mualliflarga qaytarilmaydi.
9. Tahririyat maqolani qisqartirish va tahrir qilish huquqiga ega.
10. Muallifning ism-familiyasi, ilmiy unvoni va ilmiy darajasi, lavozimi, telefoni, to‘liq manzili ilova qilinishi lozim.
11. Mualliflar jurnalda e‘lon qilinadigan maqolalari uchun Urganch davlat universiteti-ning rivojlantirish jamg‘armasining quyidagi **hisob raqamiga** pul o‘tkazishlari mumkin.

Urganch davlat universiteti

Manzili: H. Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Tel: (0362) 224-66-01, 919154555, 99-348-13-35

e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz, ilmsarchashmalari@mail.ru

Sh/hr: 4001 1086 0334 0179 5010 0079 001

INN: 201651846 OKONX: 92110

Moliya vazirligi g‘aznachiligi

h/r: 2340 2000 3001 0000 1010

Bank: Markaziy bank Toshkent shahar Bosh boshqarmasi XKKM

INN: 201122919 MFO: 00014

To‘lov maqsadi – “Ilm sarchashmalari” jurnaliga maqola uchun

“ILM SARCHASHMALARI”

Urganch davlat universitetining ilmiy-metodik jurnali

Muharrir **Ro‘zimboy Yo‘ldoshev**

Texnik muharrir **Sherali Yo‘ldoshev**

Musahhihlar: **Tamara Turumova,**

Oybek Qalandarov

Ushbu songa mas’ul **Alisher Yaxshimurodov**

Terishga berildi: 20.02.2019

Bosishga ruxsat etildi: 28.02.2019.

Ofset qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84 1/8.

Rizograf bosma usuli. Tayms garniturası.

Adadi 100. Buyurtma №. 12

Hisob-nashriyot tabag‘i 10

Shartli bosma tabag‘i 9,3

UrDU bosmaxonasida chop etildi.

Manzil: 220110. Urganch shahri, H.Olimjon ko‘chasi, 14-uy.

Telefon/faks: (0362)-224-66-01; e-mail: ilmsarchashmalari@umail.uz

ilmsarchashmalari@mail.ru

Veb-sayt: www.ilmsarchashmalari.uz

Telegram: <https://t.me/ilmsarchashmalari>